



Funded by
the European Union



**INTERNATIONAL SCIENTIFIC
AND PRACTICAL CONFERENCE**
ADVANCING STATISTICAL
THEORY AND PRACTICE IN
NEW UZBEKISTAN:
ADDRESSING CHALLENGES
AND SOLUTIONS

15 December 2023,
Tashkent

**O‘ZBEKISTON RESRUBLIKASI OLIY TA‘LIM, FAN VA
INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI**

TOSHKENT DAVLAT IQTISODIYOT UNIVERSITETI



RAQAMLI IQTISODIYOT FAKULTETI

STATISTIKA



KAFEDRASI

**“YANGI O‘ZBEKISTONDA STATISTIKA NAZARIYASI VA
AMALIYOTIDAGI ISLOHOTLAR: MUAMMOLAR VA YECHIMLAR”**

MAVZUSIDAGI

XALQARO ILMIIY-AMALIY ANJUMAN

MAQOLALAR TO‘PLAMI

TOSHKENT- “IQTISODIYOT” 2023

UDK: 31 (575.1)

Bosh muxarrir:

Dots. A.H. Ayubjonov- rahbar

Ishchi guruh a’zolari:

Kat.o ‘qit. U.Kamaletdinov– rahbar o ‘rinbosari

Dots. A.Nabixodjaev- a’zo

Dots. Z.Akbarova- a’zo

Dots. M.Umarova - a’zo

Dots. B.Akbarova – a’zo

Kat.o ‘qit. J.Murodov- a’zo

Kat.o ‘qit. G.Roziqova - a’zo

Assistent. M.Xusnuddinova – a’zo

Kotib:

PhD kat.o ‘qit. M.Mirolimov

TAQRIZCHILAR:

1. Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti “Statistika” kafedrası professori,
i.f.d., X.Nabiev.
2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi statistika agentligi Kadrlar
malakasini oshirish va Statistik tadqiqotlar instituti direktori,
i.f.d., professor B.K.Gayibnazarov.
3. Toshkent moliya instituti “Statistika va ekonometrika” kafedrası professori,
i.f.n., X.D.Xo‘jaqulov.

**Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti rektori
Sharipov Kongratboy Avezimbetovichning
“Yangi O‘zbekistonda statistika nazariyasi va amaliyotidagi islohotlar:
muammolar va yechimlar” mavzusida 2023 yil 15 dekabrda o‘tkaziladigan
Xalqaro ilmiy-amaliy anjumanidagi**

KIRISH SO‘ZI

Assalomu aleykum anjuman ishtirokchilari!

O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoevning 2023 yil 28 fevral PF-27-son “2022-2026 yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasini “Insonga e’tibor va sifatli ta’lim yili”da amalga oshirishga oid davlat dasturi to‘g‘risida”gi Farmoni, 2020 yil 3 avgust PQ-4796-son “O‘zbekiston Respublikasining milliy statistika tizimini yanada takomillashtirish va rivojlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qarori, O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi Rayosatining 2023 yildagi 39-sonli Bayon topshirig‘iga asosan, Toshkent davlat iqtisodiyot universitetida 2023 yil 15 dekabr kuni “Yangi O‘zbekistonda statistika nazariyasi va amaliyotidagi islohotlar: muammolar va yechimlar” mavzusida Xalqaro ilmiy-amaliy anjumani o‘tkazish rejalashtirgan edi.

Ushbu anjumanda O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Statistika agentligi, O‘zbekiston Respublikasi Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirligi, O‘zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirligi, O‘zbekiston Respublikasi kambag‘allikni qisqartirish va bandlik vazirligining mas’ul xodimlari, Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti, Toshkent moliya instituti, Toshkent davlat agrar universiteti, Qoraqalpoq davlat universiteti, Turkiya davlat amaliy fanlar universiteti, Chexiya, Xitoy hamda Moskva Oliy iqtisodiyot maktabi kabi o‘quv yurtlarining olimlari, ilmiy tadqiqotchilari va magistrantlari o‘z maqola va ma’ruzalari bilan ishtirok etishmoqda.

“Yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasini jadal amalga oshirishning muhim ahamiyati, nafaqat milliy statistika idoralarini, balki mamlakat miqyosidagi barcha statistika ma’lumotlarini ishlab chiqaruvchilar faoliyatini inobatga olgan holda, chambarchas bog‘liqlikda rivojlantirishga qaratilganligidadir.

Hozirgi paytda statistika sohasida dolzarb muammolar sifatida quyidagilarni aytib o‘tish mumkin:

- mintaqaviy va global miqyosda tinchlikni mustahkamlash, barqaror taraqqiyotni ta’minlash, shuningdek, qashshoqlikka barham berish va kambag‘allikni qisqartirish;

- zamonaviy talablar va xalqaro standartlarga to‘liq javob beradigan taraqqiy etgan va ilg‘or statistika tizimini shakllantirish;

- muqobil axborot manbalari va ma‘muriy ma‘lumotlar hisobiga respondentlarga bo‘lgan hisobot yukini sezilarli darajada pasaytirish va natijada statistik ma‘lumotlarining sifatini yanada oshirish;

- ishlarni to‘g‘ri taqsimlash va ilg‘or AKTni joriy etish hisobiga tejalgan ishchi kuchi resurslarini foydalanuvchilarning kundan-kunga o‘sib borayotgan ma‘lumotlarga bo‘lgan talabini qondirishga yo‘naltirilgan yangi turdagi statistik kuzatuvlarga safarbar etish;

- milliy axborot makonida shaffof, sifatli va dolzarb bo‘lgan statistika ma‘lumotlari xajmini oshirish va foydalanuvchilarning statistik ma‘lumotlarga ishonch darajasini oshirish;

- xalqaro tashkilotlar, moliya institutlari va xorijiy investorlarning mamlakatimizdagi ijtimoiy-iqtisodiy holat va jarayonlar bo‘yicha xabardorligini oshirish;

- Jahon bankining mamlakatlar statistika salohiyati indeksi bo‘yicha reytingida O‘zbekistonga tegishli natijalarni yaxshilash.

Anjuman ishtirokchilarining chiqishlari, maqola va tezislari yuqorida sanab o‘tilgan dolzarb muammolarni hal qilishga munosib hissasini qo‘shadi, deb o‘ylayman.

So‘zimni oxirida anjuman ishtirokchilariga sihat-alomatlik, ilmiy ishlarida muvaffaqiyatlar tilayman hamda anjumanni sifatli, serqirrali va ajoyib takliflar ishlab chiqilishi bilan yakunlanishiga ishonch bildiraman.

E’tiboringiz uchun rahmat!

ПУЛГА ТАЛАБ ВА ТАКЛИФНИ СТАТИСТИК ПРОГНОЗЛАШ МАСАЛАЛАРИ



<https://doi.org/10.5281/zenodo.10529813>

Эшов.М.П.

ТДИУ академик фаолият бўйича проректори, и.ф.д., проф.

Умарова М.А.

ТДИУ “Статистика” кафедраси доценти, и.ф.д.

Аннотация: Ушбу мақолада молиявий дастурлаш таркибининг асоси бўлиб, ички манбалардан пуллар (ички кредит) билан ташқи манбалардан пуллар (соф хорижий активлар) орасида фарқлар, ҳамда улар орасидаги боғлиқликлар ёритилган. Пул-кредит шарҳига асосланган айният таркибида пул массаси ички ва ташқи компонентлардаги ўзгаришлар суммаси сифатида келтирилган. У пулга талаб функцияси орқали реал пул қолдиқларини реал даромадлар ва инфляция суръатлари билан боғлайди, банк тизимидаги соф хорижий активлар, пул массаси ва ички активлар орасидаги боғлиқликларни белгилайди. Пул массасининг мақбул даражада ўзгаришига нисбатан соф ички активларнинг ўзгариши каттароқ даражада бўлиши соф хорижий активларнинг қисқариши билан қопланади.

Калит сўзлар: пул, пул массаси, талаб, таклиф, пул айланиши тезлиги, пул агрегати, пул мультипликатори, захира пуллар, инфляция, прогноз.

ПРОБЛЕМЫ СТАТИСТИЧЕСКОГО ПРОГНОЗИРОВАНИЯ СПРОСА И ПРЕДЛОЖЕНИЯ ДЕНЕГ

Аннотация: В данной статье рассмотрены основы финансового программирования, различия между средствами из внутренних источников (внутренний кредит) и средствами из внешних источников (чистые иностранные активы), а также взаимосвязь между ними. Денежная масса представлена как сумма изменений внутренней и внешней составляющих при анализе на основе монетарного и кредитного анализа. Он связывает реальные денежные остатки с реальными доходами и темпами инфляции через функцию спроса на деньги и определяет взаимосвязь между чистыми иностранными активами, денежной массой и внутренними активами в банковской системе. Более значительное изменение чистых внутренних активов по сравнению с приемлемым изменением денежной массы компенсируется сокращением чистых иностранных активов.

Ключевые слова: деньги, денежная масса, спрос, предложение, скорость денежного обращения, денежный агрегат, денежный мультипликатор, резервные деньги, инфляция, прогноз.

PROBLEMS OF STATISTICAL FORECASTING OF DEMAND AND SUPPLY OF MONEY

Abstract: This article discusses the basics of financial programming, the differences between funds from internal sources (domestic credit) and funds from external sources (net foreign assets), as well as the relationship between them. The money supply is presented as the sum of changes in internal and external components when analyzed based on monetary and credit analysis. It relates real money balances to real income and inflation rates through the money demand function and determines the relationship between net foreign assets, the money supply, and domestic assets in the banking system. The larger change in net domestic assets relative to the acceptable change in the money supply is offset by a decrease in net foreign assets.

Key words: money, money supply, demand, supply, velocity of money circulation, monetary aggregate, money multiplier, reserve money, inflation, forecast.

КИРИШ

Республикамизда макроиктисодий барқарорлик масалаларига катта эътибор берилиши, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги томонидан МХТнинг асосий агрегатларини ишлаб чиқилишига қарамасдан, молиявий оқимлар балансидан фойдаланган ҳолда макроиктисодий сиёсатнинг асосий қирралари бўлмиш пул-кредит, солиқ-бюджет, ташқи иқтисодий каби сиёсатларнинг ўзаро уйғунлини таъминлаш ишлари, айниқса, ўрта ва узоқ муддатли прогнозларни тузишда, шунингдек, бундай ҳисоб-китобларнинг статистик ахборотлар базасини янада такомиллаштиришни талаб қилади. Ушбу ҳолат, фикримизча, макроиктисодий барқарорликни таъминлашда молиявий дастурлашнинг статистик муаммоларини долзарблигидан далолат беради. Макроиктисодий барқарорликни таъминлашда қўлланиладиган молиявий оқимлар балансининг таркибий қисмларини шакллантиришда статистик кўрсаткичлар тизимини такомиллаштириш ва молиявий дастурлаш усули ёрдамида қисқа ва ўрта муддатли прогноз ишларида иқтисодиётнинг реал, молия, давлат ва ташқи дунё секторлари кўрсаткичларининг ўзаро уйғунлигини таъминлаш бўлиб ҳисобланади.

Усуллар

Пул-кредит соҳасидаги ўзгаришларни миқдорий баҳолаш ва уларни иқтисодиётнинг бошқа секторлари билан боғлаш учун асос бўлиб пул-кредит шархи (ПКШ) хизмат қилади.

ПКШнинг асосий айнияти қуйидаги кўринишга эга:

$$NFA+NDC=M2-OIN \quad (1) \quad \text{бу ерда;}$$

M2 – кенг маънодаги пул массаси, яъни тор маънодаги пул массаси (**M1**) билан квази пуллар (**QM**) йиғиндиси, **NFA** – соф хорижий активлар, **NDC** – соф ички кредитлар, **OIN** – бошқа соф моддалар.

Пулга талаб прогнози

Пул кредит бошқарув идораларининг (ПКБИ) муҳим вазифаларидан бири юқорида келтирилган ўзгарувчиларнинг талабга жавоб берадиган ва кутилаётган бошқа макроиқтисодий ўзарувчиларга мос келувчи келгусидаги миқдорларини прогнозлашдир. Бу йўлда биринчи муҳим қадам сифатида пулга талабни прогнозлаш ҳисобланади.

Пулга талабни баҳолашда иккита асосий ёндошув мавжуд. Улардан биринчиси номинал ялпи ички маҳсулотни (ЯИМ, GDP) пул массаси миқдорига бўлиш орқали ҳисобланадиган пул айланиш тезлигининг охириги ўзгаришларини экстрополяциялашга асосланади.

$$V=GDP : M2 \quad (2)$$

Агар пул айланиш тезлиги охириги бир неча йил давомида ўзгармаган бўлса ёки қандайдир тенденция бўйича ўзгарган бўлса, шу асосда прогнозлаш даври учун пул айланиш тезлигини баҳолаш мумкин. Шу тарзда аниқланган пул айланиш тезлигининг миқдорига асосланиб инфляцион кутиш ва фоиз ставкалари бўйича ўзгартиришлар киритиш мумкин.

Пул айланиш тезлигининг прогнозидан фойдаланиб прогноз қилинган ЯИМга мос келувчи пулга бўлган талабни ҳам прогнозлаш имконияти туғилади. Прогнозлашнинг ушбу усулидан фойдаланиш, айниқса динамика қаторларида маълумотлар етарли бўлмаган ёки маълумотлар сифати паст бўлган, шунингдек молия секторида сезиларли даражада институционал ўзгаришлар содир бўлаётган мамлакатларда катта фойда беради.

Пулга бўлган талабни баҳолашнинг иккинчи усули эконометрик усулларга асосланади. Иқтисодий агентларнинг молиявий қарорлари унчалик кўп бўлмаган айрим иқтисодий ўзгарувчиларнинг функцияси сифатида, пул агрегатлари орасидаги боғлиқликлар ва уларни белгиловчи ўзгарувчилар вақт давомида ўзгармайди деб қаралади. Аҳоли ўз хоҳиши билан қўлида сақлаб турадиган пул миқдори унинг сотиб олиш қобилияти билан боғлиқ бўлганлиги

сабабли, пулга талаб тенгламаси реал кўринишдаги миқдорларда ифодаланади (яъни, инфляцияни ҳисобга олган ҳолда).

Ҳисоб-китобларни олиб боришда пулнинг қайси агрегатидан фойдаланиш лозимлиги эмпирик натижалар асосида аниқланади. Аҳолининг пулга талабини у ёки бу пул агрегати аниқ ва барқарор ифодалашини олдиндан белгилаб бўлмайди. ПКШни прогнозлашда, одатда банк тизимини нодавлат сектори олдидаги мажбуриятларида пул массасига кирадиган қайси қисми салмоқли бўлса, ўша қисмга асосланган пул массаси агрегатидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бироқ пул агрегати тушунчаси қанчалик кенг қаралса, ПКБИ томонидан унинг миқдорини назорат қилиш шунчалик қийинроқ бўлади.

Иқтисодий операциялар билан боғланган реал ЯИМни ва пулларни сақлашнинг бошқа молиявий ва реал активларга нисбатан нисбий фойдалилигини (нисбий қиймат) ўзгарувчи миқдор сифатида қаралиши пулга талаб функциясини прогнозлашда кенг қўлланилади.

Альтернатив қиймат ўзгарувчисини танлаш мамлакатда фойдаланиладиган пул агрегати тушунчаси ва институционал тизим таркибига боғлиқ бўлади. Фоиз даромадлари келтирмайдиган пул активларини сақлашнинг альтернатив қийматининг меъёри сифатида номинал фоиз ставкаларидан фойдаланиш мумкин. Фоиз даромадлари келтирадиган пул агрегатлари учун эса, пул ва бошқа молиявий активлар бўйича фоиз ставкалари орасидаги фарқ мос келади. Банк тизимини хусусий сектор олдидаги молиявий мажбуриятлари ялпи молиявий активларнинг асосий қисмини ташкил қилган мамлакатларда баъзан реал фоиз ставкаси молиявий активлардан даромадлар билан реал активлардан даромадлар орасидаги фарқнинг меъёри сифатида фойдаланилади (реал фоиз ставкасининг кўпайиши пул агрегати ўзгаришига ижобий таъсир ўтказди). Агар фоиз ставкалари узоқ вақт мобайнида ўзгармаса, бундай таъсирнинг миқдорини аниқлаш учун фақат инфляция даражасининг ўзгаришидан фойдаланиш мумкин (инфляциянинг реал пул қолдиқларига таъсири салбий бўлади).

Пул агрегатига талабни эмпирик баҳолаш учун қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$(M:P)_t = a_0 + a_1(Y:P)_t + a_2(\pi)_t \quad (3)$$

бу ерда,

M – пул агрегати, P – нарх индекси даражаси (инфляция), Y – номинал ЯИМ, π – пул сақлашнинг нисбий қиймати, a_1 – даромад бўйича пулга талабнинг эластиклиги (агар миқдорлар логарифмик шаклда берилган бўлса), a_2 – пул массасининг нисбий қиймат ўзгарувчисига таъсир даражаси (белги π нинг танланган таърифига боғлиқ бўлади).

3-тенглама бўйича барқарор боғлиқликлар белгилангандан сўнг, тенгламадаги ўзгарувчилар асосида келгуси давр учун пулга талабни прогнозлаш мумкин бўлади. Ўзгарувчилар сифатида эса реал ЯИМ, инфляция даражаси ва фоиз ставкаларининг ўзгаришлари олиниши лозим.

ПКШнинг пассив қисмини прогнозлашда пул массасини прогнозлаш асосий элемент бўлиб ҳисобланади.

Актив қисмнинг соф хорижий активлар (NFA) бўлаги ташқи тўловларнинг умумий сальдосини прогнозлаш орқали ҳисобланади. Бошқа соф моддалар (OIN) прогнози тўлақонли ахборотлар мавжуд бўлмаган ҳолларда маълум тенденцияларга асосланиши мумкин. Бошқа соф моддалар валюталарнинг алмашув курсларидаги ўзгаришларни инобатга олиши лозим.

NFA ва OINларнинг миқдорларини ва шунингдек пулга таклифнинг прогноз даври учун аниқланиши 2-тенгламага мос келувчи ички кредит имкониятларини белгилашда асос бўлиб ҳисобланади. Давлат секторига соф кредит бериш миқдорининг прогнози давлат секторининг банк тизимидан соф қарз олиш прогнозига асосланади. Хусусий секторга ажратилиши мумкин бўлган кредитлар миқдори эса, умумий кредитлар миқдоридан давлат секторига ажратиладиган кредитлар миқдорини айириш натижасида ҳисобланади. Бунда хусусий ва давлат секторларига ажратилаётган кредитлар ЯИМ таркибидаги капитал қўйилмалар прогнозига мос келишига эътибор берилиши лозим.

Натижалар.

Пул таклифи прогнози

ПКБИ ПКШда пул-кредит сиёсатининг оралиқ белгиланган прогноз кўрсаткичларига эришишлари учун операцион белгиланган ўзгарувчиларнинг прогнозлари талаб қилинади. Бундай прогнозлар ПКБИнинг счетлари асосида тузилади. 1- тенгламага мос келувчи айният қуйидагича ифодаланади:

$$RM^* = NFA^* + NCg^* + CDMB^* + CPS^* + OIN^* \quad (4)$$

бу ерда,

RM^* - заҳира пуллари NFA^* - ПКБИнинг соф хорижий активлари NCg^* - давлатга соф талаблар $CDMB^*$ - пул-депозит банкларида талаблар CPS^* - давлат секторига талаблар (агар улар бўлса) OIN^* - бошқа соф моддалар

Юлдузча (*) белгиси маълумотлар ПКБИ счетлари тўғрисида эканлигини англатади.

ПКШда ифодаланган $M2$ пул агрегатининг ўзгариши Марказий банкнинг заҳира пулларидаги ўзгаришлар билан қуйидаги боғлиқликда бўлади:

$$M2 = mm RM^* \quad (5)$$

Пул мультипликаторининг (mm) миқдори банк тизимидаги заҳира талабларининг ўртача миқдорига тескари пропорционал боғлиқликда бўлгани

билан, улар бир хил эмас. Қуйида банк тизимидан ташқарида бўлган нақд пулларнинг салмоғидаги ўзгаришларни ҳисобга оладиган формула келтирилган. Бунинг учун қуйидаги тушунчаларни киритамиз:

CY- банклардан ташқари нақд пуллар; **D**- талаб қилиб олгунча депозитлар ва муддатли ҳамда жамғарма депозитлар (**DD+TD**); **R**- тижорат банкларининг заҳиралари (уларнинг Марказий банкдаги депозитлари + банклардан ташқаридаги нақд пуллар), ортиқча заҳираларни ҳам қўшиб ҳисоблаганда; **c**- банклардан ташқари нақд пулларни депозитларнинг умумий суммасига нисбати; **r**- заҳираларнинг аҳолини умумий депозитлари суммасига нисбати. Натижада, қуйидаги 2 та айниятни ёзиш мумкин:

$$M2 = CY + D$$

$$RM = CY + R$$

Бундан 5-формулани қўллаб, пул мультипликаторини қуйидагича аниқлаш мумкин:

$$mm = \frac{CY + D}{CY + R}$$

Сурат ва маҳражни D га бўлсак, қуйидаги формулага эга бўламиз:

$$mm = \frac{c+1}{c+1} \quad (6)$$

6-тенглама пул мультипликаторининг учта иқтисодий агентнинг ҳаракатига боғлиқлигини кўрсатади:

- 1) мажбурий заҳиралар меъёрини белгилайдиган ПҚБдан;
- 2) ўзининг ортиқча заҳира миқдорини белгилайдиган тижорат банкларидан;
- 3) пул массасининг таркибини, яъни нақд пуллар ва депозитлар нисбатини амалдаги фоиз ставкалари ва бошқа ўзгарувчилар асосида аниқлайдиган банк тизимидан ташқарида бўлган аҳолидан.

Марказий банк пул мультипликатори миқдорини тўлалигича назорат қила олмайди. Бундан ташқари, унинг заҳира пуллари устидан назорати ҳам тўлақонли эмас. Марказий банкнинг олиб бораётган сиёсати тижорат банкларига нисбатан талабларни ифодаласада, соф хорижий активларнинг ўзгариши тўлов балансининг (ТБ) ҳолатини ифодалайди, давлат секторига соф талабларнинг ўзгариши эса, давлат бюджетининг ҳолатига боғлиқ бўлади.

ХУЛОСАЛАР

Молиявий барқарорликни таъминлашнинг реал дастурларини тузиш жарёнида ишлаб чиқариш, инфляция суръатлари ва бошқа иқтисодий сиёсатга таълуқли чора-тадбирларнинг мақсадли кўрсаткичлари белгиланади. Ишлаб

чиқариш, инфляция суръатлари, ТБ ва бошқа мақсадлардаги ҳар қандай ўзгаришларнинг оқибатлари чуқур таҳлил қилинади.

Пул-кредит счетлари билан ТБ орасидаги алоқалар валюта курсида ўзгаришлар содир бўлса, анча мураккаблашади. Банк тизими балансини таҳлил қилишда захираларнинг ўзгариши кўпинча операция оқимларига тенглаштирилади. Бу ҳар доим ҳам тўғри эмас. Хусусан, икки давр орасидаги захираларнинг ўзгариши фақат операциялардаги ўзгаришларнигина эмас, балки қийматни қайта баҳолаш ва бошқа омилларнинг ўзгаришлари ҳисобига содир бўлиши мумкин. Қийматни қайта баҳолаш молиявий активлар ва пассивларга нархларнинг ўзгариши натижасида пайдо бўлади. Нархлар эса ўз навбатида бозор нархлари ёки валюта курсларидаги тебранишлар, кредиторлар томонидан қарзлардан воз кечиб юбориш ва бошқа омиллар ҳисобига содир бўлиши мумкин. Захираларнинг вақт бўйича ўзгаришларини операциялар оқимларига тенглаштириш таҳлил қилинаётган даврда, айниқса валюта курсларида кучли тебранишлар бўлганда, нотўғри хулосаларга олиб келади. Демак, бундай ҳолатларда аниқ операциялар оқимини ҳисоблаш учун валюта курсидаги ўзгаришларни инобатга оладиган тузатишлар киритиш лозим.

АДАБИЁТЛАР

1. Абдуллаев Ё. Бозор иқтисодиёти асослари. Т. “Меҳнат”. 1997.
2. Абулқосимов Ҳ.П. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш йўллари. Т. 2001.
3. Адам Смит. Исследование о причинах богатства народов. Modern Library Elbtion. 1937.
4. Башкатов Б.Н., Понамаренко. Система национальных счетов. М., 1992.
5. Горемыкина Л.Е. Система национальных счетов во Франции. Дис. к.э.н. М., 1986.
6. Загладина С.М., Иванов Ю.Н. Статистические методы учета и анализа мирохозяйственных связей. М., 1983.
7. Набиходжаев, А., & Муминов, А. (2022). Инфляция: ташқи омиллар таҳлили. *Iqtisodiyot va ta’lim*, 23(5), 27–34.
https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss5/a716

INSON KAPITALI RIVOJLANISH KONSEPSIYASIDA OLIY TA’LIM HIZMATLARINI STATISTIK TAHLILI



<https://doi.org/10.5281/zenodo.10529867>

Abduraxmanova Gulnora Qalandarovna

Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti
ilmiy ishlar va innovatsiyalar bo‘yicha
prorektori i.f.d., professor.

Akbarova Barno Shuxratovna

TDIU Statistika kafedrası dotsenti
e-mail: b.akbarova@tsue.uz

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada mehnat unumdorligini oshirishda hamda inson kapitalidan samarali foydalanish, oliy ma’lumotli kadrlarni iqtisodiyotdagi o‘rni va inson kapitali rivojlanishi konsepsiyasida oliy ta’lim tizimi bo‘yicha ta’lim xizmatlari bozori ishtirokchilarining o‘zaro munosabati va ta’lim muassasalari raqobatbardoshligini oshirishning ahamiyati hamda oliy ta’lim tizimida raqobatbardoshlik muhitining shakllanishi tadqiq qilingan.

Kalit so‘zlar: ta’lim xizmatlari, ta’lim xizmatlari bozori, oliy ta’lim tizimi, raqobatbardoshlik.

СТАТИСТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ В КОНЦЕПЦИИ РАЗВИТИЯ ЧЕЛОВЕЧЕСКОГО КАПИТАЛА

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассмотрено взаимодействие участников рынка образовательных услуг в системе высшего образования в концепции повышения производительности труда и эффективного использования человеческого капитала, роли высокообразованных кадров в экономике и развитии человеческого капитала. и повышения конкурентоспособности образовательных учреждений и формирования конкурентной среды в системе высшего образования.

Ключевые слова: образовательные услуги, рынок образовательных услуг, система высшего образования, конкурентоспособность.

STATISTICAL ANALYSIS OF HIGHER EDUCATION SERVICES IN THE CONCEPT OF HUMAN CAPITAL DEVELOPMENT

ABSTRACT

In this article, the interaction of the participants of the market of educational services in the higher education system in the concept of increasing labor productivity and effective use of human capital, the role of highly educated personnel in the economy and the development of human capital, and increasing the competitiveness of educational institutions importance and the formation of competitive environment in the higher education system were studied.

Key words: *educational services, educational services market, higher education system, competitiveness*

KIRISH

Bugungi kunda oliy ta’lim tizimi rivojlanishining ijtimoiy va iqtisodiy samaradorligini oshirish bir tomondan, ushbu tizimni boshqarishning xalqaro tajribada keng ko‘lamda qo‘llanilayotgan usullariga bog‘liq bo‘lsa, ikkinchi tomondan, ta’lim xizmatlari bozorining kon’yunkturasi o‘zgarishi hamda oliy ta’lim muassasalarining malakali yuqori ilmiy salohiyatga ega kadrlar ta’minotiga zarur bo‘lmoqda

O‘zbekiston Respublikasida ro‘y berayotgan ijobiy o‘zgarishlar va amalga oshirilayotgan ijtimoiy-iqtisodiy islohotlar jamiyatni qayta qurish va kelgusida barqaror rivojlantirish imkonini beruvchi oliy ta’lim tizimini yaratishni zarurat etmoqda. Bugungi kunda ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishning barcha bosqichlarida insonni rivojlantirishning asosiy maqsadi – jamiyat intellektual salohiyatini, aholining turmush farovonligini oshirish, barqaror rivojlanish imkoniyatini beradigan ijtimoiy-iqtisodiy, madaniy va ekologik muhitni shakllantirish zarur bo‘lmoqda.

Ta’lim xizmatlari bozori bugungi kunda ijtimoiy-iqtisodiy tizimning iste’mol bozoridagi murakkab bo‘lgan o‘zaro bog‘langan barcha elementlaridan tashkil topgan. Mazkur tizimni bosh generatori bo‘lib, shubhasiz, mehnat bozorida o‘ziga xos tovar sifatida chiquvchi malakali professional kadrlar tayyorlashdagi jamiyatning ehtiyoji hisoblanadi. Shuning uchun iqtisodiyotning transformatsiyalashishi sharoitida ta’lim xizmatlari bozorida oliy ta’lim muassasalari raqobatbardoshligini oshirishning ahamiyati va tamoyillarini tadqiq etish alohida ahamiyatga ega.

ADABIYOTLAR TAHLILI.

Inson rivojlanishi konsepsiyasida ta’lim asosiy tarkibiy qismlardan biri hisoblanib, jamiyatning muhim muammolarini hal etishda ham u asosiy o‘rin egallaydi. Insoniyat sivilizatsiyasida ta’lim va ilm-fanni yuqori darajada rivojlantirish

ijtimoiy, texnik hamda iqtisodiy taraqqiyotning muhim harakatlantiruvchi kuchi hisoblangan.

XX-asrgacha xizmat ko‘rsatish sohasi mustaqil holda to‘liq o‘rganilmagan va ijtimoiy takror ishlab chiqarish doirasidan deyarli butunlay chiqarib tashlangan edi. V.Petti va A.Smit klassik siyosiy iqtisod maktabining asoschilari bo‘lib, merkantilistlar va fiziokratlarga xos bo‘lgan tarmoq yondashuvidan uzoqlashib, iqtisodiyotni bir butun sifatida ko‘rib chiqishga o‘tdilar. Smit moddiy ishlab chiqarish sohasini tadqiq qildi va uni faqat boylik manbai deb hisobladi.

Agar XX asr boshlarida iqtisodiy o‘shning asosiy nazariyalari J.M.Keyns tomonidan qo‘yilgan tamoyillarga asoslangan ekstensiv modellar bo‘lgan bo‘lsa, keyingi davrda Ye.Domar¹ va P.F.Xarrod² modellari bilan ifodalangan va unda tahlil predmeti ishlab chiqarish quvvatlaridan to‘liq foydalanish va to‘liq bandlik bilan uzoq muddatli asosda «iqtisodiyotning barqaror dinamik muvozanatini» ta‘minlash bo‘lgan neokeynschilik o‘sh nazariyalari paydo bo‘ldi. Yigirmanchi asrning o‘rtalariga kelib iqtisodiy o‘shning zamonaviy nazariyalari P.Lukas³ va P.Pomer⁴ tomonidan endogen o‘sh modellariga asoslanadi.

Respublikamiz olimlari A.O‘lmasov va A.Vahobov xulosalariga ko‘ra “Inson uchun ahamiyatiga qarab birlamchi va ikkilamchi ehtiyojlar bo‘ladi... Ikkilamchi ehtiyojlar – bu ko‘pincha nomoddiy, ya‘ni ijtimoiy ehtiyojlar bo‘ladi, bunga bilim olish, malaka oshirish, davolanish, dam olish kabi ehtiyojlar kiradi. Ammo iqtisodiyot rivojlanib, mo‘l-ko‘lchilik bo‘lgan sharoitda moddiy ehtiyojlar qondirilgan bo‘lib, ijtimoiy ehtiyojlar birinchi o‘ringa chiqadi”⁵.

TAXLIL VA NATIJALAR.

O‘zbekiston Respublikasi milliy iqtisodiyotida band bo‘lgan jami mehnat resurslarining asosiy qismi 52,7%i xizmatlar sohasida faoliyat ko‘rsatmoqda. O‘zbekiston Respublikasi milliy iqtisodiyot sohalarida bandlik va mehnat unumdorligi tahlili shuni ko‘rsatadiki milliy iqtisodiyotda bandlikni o‘shisi bilan uning sanoat, qishloq xo‘jaligi va xizmat ko‘rsatish sohalarida bandlikni o‘shisi o‘rtasida farqni kuzatish mumkin. 2010 -2021 yillarda sanoatda bandlik 120,2%ga, qishloq xo‘jaligida 110,8%ga va xizmat ko‘rsatish sohasida 116,0%ga o‘sgan. Iqtisodiyot sohalarida mehnat unumdorligini o‘shisini taqqoslaydigan bo‘lsak milliy iqtisodiyot sohalarida bo‘yicha eng yuqori o‘sh xizmat ko‘rsatish sohasida 320,0%,

¹ Domar E. (1947). Expansion and employment. American Economic Review, vol. 37.

² Harrod R. (1939). An essay in dynamic theory. Economic Journal, vol. 49.

³ Lucas R. E. Jr., Rapping L. A. (1969). Real Wages, Employment, and Inflation. Journal of Political Economy, vol. 77 (№ 5), p. 721-754.


⁴ Romer P. M. (1986). Increasing Returns and Long-Run Growth. The Journal of Political Economy, October, p. 1002-1037.

⁵ Ўлмасов А., Ваҳобов А. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. ТДИУ.-Т.:”Иқтисод-Молия” 2014.- Б.20.

ikkinchi o‘rinda sanoatda 209,8%ga va uchinchi qishloq xo‘jaligida 155,7% bilan to‘g‘ri keladi. Xizmat ko‘rsatish sohasida mehnat unumdorligining eng yuqori o‘shishiga sabab tadqiq qilinayotgan davrda sohada ko‘rsatilgan xizmatlar hajmi 371,7%ga o‘sgan. Bu o‘shish bozor iqtisodiyoti rivojlanishining umumjahon tendentsiyasiga to‘la mos keladi.

Milliy iqtisodiyotning xizmatlar sohasini rivojlanishida Oliy ta‘lim xizmatlari ham yuqori pog‘onalardan birini egallaydi. Oliy ta‘lim tizimi xizmatlarini tubdan takomillashtirishni bugun hayotning o‘zi taqozo etmoqda. Davlatlar o‘rtasida “aql egalari” uchun kurash avj olib bormoqda. Shu ma’noda, tobora globallashib borayotgan dunyoda sifatli kadrlar tayyorlash masalasi har bir davlatning kelajagini belgilab beruvchi asosiy omilga aylanmoqda. Milliy iqtisodiyot miqyosida innovatsiyalar va hatto axborot kommunikatsiya texnologiyalarining rivojlanishi ham aynan oliy ta‘lim sifatiga bog‘liq. Sifatsiz oliy ta‘lim kelajakni rivojlantirmaydi, balki uni xorij innovatsiyalariga, texnologiyalarini o‘zlashtirishga bog‘liq qilib qo‘yadi.

Maqolada oliy ta‘lim tizimi mamlakat milliy boyligini hamda davlatning raqobatbardoshligini oshiruvchi muhim dastak ekanligi ilmiy asoslangan. Rivojlangan mamlakatlar tajribasi ko‘rsatishicha barqaror iqtisodiy o‘shishni ta‘minlash uchun aholining 40-50 foizi, bilimlar iqtisodiyotida esa, oliy ma‘lumotlilarning hissasi 60 foizga yetadi. Mualliflar tadqiqotlari asosida oliy ta‘lim tizimini rivojlanishini ikki davrga bo‘lib tadqiq etilgan. Birinchi davr 2010 -2016 yillar. Bu davrda Oliy ta‘lim tizimi xizmatlarini rivojlanish ko‘rsatkichlarini pasayish davri (1-rasm).



1-rasm. O‘zbekiston Respublikasidagi oliy ta‘lim muassasalari sonining dinamikasi (2010-2021).

Bu davrda Oliy ta‘lim tizimiga budjet va shartnoma asosida talabalar qabul sonini pasayishi va shunga mos ravishda yalpi xizmatlarda oliy ta‘lim tizimi xizmatlari ulushini 2010 yilda 4,5%dan, 2016 yilda 4,0%ga pasayganini kuzatish mumkin. Ikkinchi davr 2017 -2021 yillar oliy ta‘lim tizimi xizmatlarini o‘shish davri. Bu davrda

respublikamizda oliy ta’lim muassasalari soni 70 tadan keskin 154 taga o’sdi. Davlat byudjeti asosida o’qiydigan talabalar soni 110,9 mingtadan 119,6 mingtaga, to’lov shartnoma asosida o’qiydigan talabalar soni 186,8 mingtadan 688,4 mingtaga o’sdi. Yalpi xizmatlar ulushida oliy ta’lim xizmatlari ulushi 2016 yilda 4,0%dan, 2021 yilga kelib 6,1%ga o’sdi. Bu O‘zbekistonda xizmatlar sohasining o’sishining asosiy drayver tarmog‘i bo’lgan oliy ta’lim tizimi xizmatlari ulushi barqaror o’sib borayotganini ifoda etadi.

Xizmatlar sohasida hamda Respublika yalpi ichki mahsulotlar hajmida kelajakda oliy ta’lim xizmatlarining ulushini aniqlashda eksponensial tekislash usulidan foydalandik. Shuni ta’kidlashimiz zarurki, 22 yillik statistik ma’lumotlar asosida oliy ta’lim xizmatlar hajmini prognozini aniqlashda oliy ta’lim uchun davlat byudjetidan ajratiladigan miqdor, to’lov-shartnoma hisobidan keladigan tushum hamda respublika miqiyosidagi, horijiy grantlarga va xo’jalik shartnomasi hisobidan o’zlashtirilgan mablag‘lar hajmini jami oliy ta’lim xizmatlariga ta’sirini darajali funksiya ko‘rinishida tahlil etdik. Bunda umumiy regressiya tenglamasi quyidagi ko‘rinishga ega bo’ldi:

Regressiya tenglamasi parametrlarining qiymatlari⁶

	коэффициент	ст. ошибка	t-статистика	p-значение	
const	58,9236	23,2269	2,537	0,0349	**
davlat_byud_his	0,971384	0,0138228	70,27	1,87e-012	***
tulov_shart_his	1,01015	0,00737192	137,0	9,00e-015	***
grantlar	0,952758	0,107368	8,874	2,06e-05	***

$$Y_{YTX} = 58,92 + 0,97X_{davlat_byud_his} + 1,01X_{tulov_shart_his} + 0,95X_{grantlar}$$

Bundan ko‘rinadiki, regressiya tenglamasi ma’lumotlariga ko‘ra, boshqa omillar o‘zgarmagan sharoitda davlat byudjetidan ajratiladigan miqdor hajmi bir foizga oshirish yalpi oliy ta’lim xizmatlar hajmini o‘rtacha 0,97 mlrd so‘mga, to’lov-shartnoma hisobidan keladigan tushum hajmini bir foizga oshishi yalpi oliy ta’lim xizmatlar hajmini o‘rtacha 1,01 mlrd so‘mga va Respublika miqiyosidagi, horijiy grantlarga va xo’jalik shartnomasi hisobidan o’zlashtirilgan mablag‘lar hajmini bir foizga oshirish yalpi oliy ta’lim xizmatlar hajmini o‘rtacha 0,95 mlrd so‘mga oshishiga olib keladi.


Bundan ko‘rinib turibdiki, yalpi oliy ta’lim xizmatlar hajmiga davlat byudjetidan ajratiladigan miqdor hamda to’lov-shartnoma hisobidan keladigan tushum yalpi ta’lim sohasidagi xizmatlar hajmini oshishiga ko‘proq ta’sir etar ekan.

⁶ Statistika ma’lumotlar asosida gretl dasturida muallif ishlanmasi

1-jadval. Oliy ta’lim xizmatlar hajmini prognoz ko‘rsatkichlari

Yillar	Oliy ta’lim xizmatlari, mlrd so‘m	Oliy ta’lim uchun davlat byudjetidan ajratiladigan miqdor, mlrd so‘m	To‘lov-shartnoma hisobidan keladigan tushum, mlrd so‘m	Respublika miqyosidagi, horijiy grantlarga va xo‘jalik shartnomasi hisobidan o‘zlashtirilgan mablag‘lar hajmi, mlrd so‘m
2024	22045,5	5733,6	15452,2	861,4
2025	26146,2	6276,1	18696,7	1174,5
2026	30795,1	6843,3	22353,3	1601,3
2027	36055,6	7435,2	26446,0	2183,3
2028	42005,6	8051,8	30998,5	2976,7
2029	48742,0	8693,0	36034,9	4058,6
2030	56388,7	9358,8	41579,1	5533,5

Biz ishlab chiqilgan model bo‘yicha oliy ta’lim xizmatlari hajmi bo‘yicha 2030 yilgacha prognoz qiymatlarini aniqladik.



2-rasm. 2024-2030 yillarda mamlakat YaIM, jami xizmatlar hamda oliy ta’lim xizmatlari hajmi

2-rasmdagi grafikdan mamlakat YaIMga nisbatan oliy ta’lim xizmatlarini o‘sishi tezroq ekanligini ko‘rish mumkin. Bu o‘z navbatida ta’lim xizmatlariga bo‘lgan talabni oshishida oliy ta’lim xizmatlarining narxi va sifatini iste’molchilarning xohish-istaklari mos kelayotganligi bilan izohlash mumkin.

Maqolamizda oliy ta’lim xizmatlari hajmini 2024-2030 yillargacha bo‘lgan bazisli, inersion va mobilizatsion pronozlari ishlab chiqildi.

2-jadval. Oliy ta’lim xizmatlarining prognoz ko‘rsatkichlari, mlrd so‘m

Yillar	Bazisli	Inersion	Mobilizatsion
2024	21169,1	22058,2	22947,3
2025	25084,6	26160,9	27237,2

2026	29503,9	30812,2	32120,6
2027	34477,3	36075,9	37674,6
2028	40064,6	42029,5	43994,5
2029	46339,0	48770,7	51202,4
2030	53391,5	56423,1	59454,8

Respublikada oliy ta’lim xizmatlari hajmi eksponensial tekislash usuli yordamida kelgusi davr ko‘rsatkichlari prognoz qilindi. Inertsion variantdagi prognoz qiymati 2030 yil 2023 yilga nisbatan 342,2 foizga oshishini ko‘rsatdi. Oliy ta’lim xizmatlarining bazisli prognoz ko‘rsatkichlarini o‘zgarish dinamikasidan 2023 yilga nisbatan 2030 yilda oliy ta’limdagi xizmatlar hajmi 323,2 foizga oshishiga olib keldi. Mobilizatsion variantdagi prognoz ko‘rsatkichi bo‘yicha oliy ta’lim xizmatlarining hajmi 2030 yilda 2023 yilga nisbatan 361,1 foizga yetishini ko‘rsatdi.

XULOSA.

Umuman olganda, jamiyat oliy ta’lim tizimini professional o‘zini o‘zi anglash vositalari bilan bir qatorda shaxsning ham, butun jamiyatning ham ijtimoiy, madaniy va kommunikativ rivojlanishi uchun bir qator imkoniyatlarni ta’minlaydigan muhim ijtimoiy institut sifatida talqin etadi.

Olib borilgan tadqiqotlar quyidagilarni ko‘rsatmoqda:

1. Oliy ta’lim tizimida davlat va xususiy OTMlarning rivojlanib borishi ta’lim xizmatlari bozorida raqobatbardoshlikni shakllantirishning bir qator xususiyatlarini shakllantirish imkonini beradi.

2. Taqdim qilinayotgan xizmatlar xususiyatlari ham ob’ektiv iqtisodiy sabablar, ham oliy ta’lim sohasining yuqori ijtimoiy ahamiyati bo‘yicha ularning sifatiga bog‘liq holda raqobatbardoshlikni shakllantirishni nazarda tutadi.

3. Ta’lim xizmatlarining buyurtmachilari muvofiq instrumentlar vositasida turli xil o‘zaro munosabatlar ko‘rinishida aniq mutaxassislarni tayyorlash sifati, hajmi va tarkibi bo‘yicha OTMga talablarni qo‘yadi hamda ularning hatti-harakatlarini belgilaydi va raqobat strategiyasini tanlashni shartlaydi.

4. Ta’lim xizmatlari bozorida oliy ta’lim muassasalari raqobatbardoshligining shakllanishining raqobatbardoshligini baholash uchun muayyan uslubiy yondashuvlarni joriy etishda o‘z ifodasini topadi va bunda ushbu soha o‘ziga xos xususiyatlari nazarda tutiladi.

ADABIYOTLAR RO‘YXATI (REFERENCES):

1. Kuldashv Sh.A. Ta’lim xizmatlari bozorida oliy ta’lim muassasalari raqobatbardoshligini oshirishning ahamiyati va tamoyillari//
<file:///C:/Users/user/Downloads/talim-hizmatlari-bozorida-oliy-talim-muassasalari-ra-obatbardoshligini-oshirishning-a-amiyati-va-tamoyillari.pdf> 2022
2. Akbarova S. Ta’limda raqamli texnologiyalarni qo‘llash vazifalari //Arxiv nauchnyx issledovaniy. – 2022. – T. 2. – №. 1.
3. Akbarova S., Khakimova M., Musaxonova G. OPPORTUNITIES OF INNOVATION TECHNOLOGIES IN HIGHER EDUCATION //Arxiv nauchnyx issledovaniy. – 2022. – T. 2. – №. 1.
4. B Akbarova Yoshlarni tadbirkorlikka jalb qilish, ularda innovatsion tafakko‘rni shakllantirish //- Arxiv nauchnyx issledovaniy, 2019
5. Domar E. (1947). Expansion and employment. American Economic Review, vol. 37.¹
6. Harrod R. (1939). An essay in dynamic theory. Economic Journal, vol. 49.
7. Lucas R. E. Jr., Rapping L. A. (1969). Real Wages, Employment, and Inflation. Journal of Political Economy, vol. 77 (№ 5), p. 721-754.
8. Romer P. M. (1986). Increasing Returns and Long-Run Growth. The Journal of Political Economy, October, p. 1002-1037.
9. O‘lmasov A., Vahobov A. Iqtisodiyot nazariyasi. Darslik. TDIU.-T.:”Iqtisod-Moliya” 2014.- B.20.

**БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ
ТИЗИМИДА ДУАЛ ТАЪЛИМНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ИМКОНИЯТ ВА
ИСТИҚБОЛЛАРИ
(GIZ халқаро лойиҳаси доирасида)**



<https://doi.org/10.5281/zenodo.10529878>

Саидов Мухаммад Али Ҳакимович,
иқтисод фанлари доктори,

Тошкент давлат аграр университети Агроиқтисодиёт кафедраси
профессори

3167707@gmail.com

Абдувасиков Абдуазиз Абдулазизович,
иқтисодиёт фанлари номзоди, профессор,

Тошкент давлат аграр университети Халқаро ҳамкорлик, трансформация
ва стратегик ривожланиш бўйича проректор

a.abduvasikov@tdau.uz

Саидова Дилдора Нурматовна,

иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат аграр университети
Агроиқтисодиёт кафедраси мудири.

dsaidova@rambler.ru

***Аннотация.** Ўзбекистонда олий таълим тизимидаги ислохотлар нафақат тизим мазмунини, балки унинг тузилишини ҳам тубдан ўзгартирди. Шу билан бирга, бугунги кунда олий таълим тизимида мавжуд имкониятлар ҳар доим ҳам битирувчилар ва меҳнат бозори эҳтиёжларига жавоб бермайди. Дуал/кооператив олий таълимнинг мазмуни ўрганилиб, уни жорий этишининг имкониятлари ва республикада муваффақиятли амалга оширишга тўсқинлик қилаётган хатарлар кўриб чиқилган.*

Калит сўзлар: дуал/кооператив таълим, инновацион иқтисодий ўсиш, меҳнат бозори.

**ВОЗМОЖНОСТИ И ПЕРСПЕКТИВЫ РЕАЛИЗАЦИИ ДУАЛЬНОГО
ОБРАЗОВАНИЯ В СИСТЕМЕ ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ В
УСТОЙЧИВОМ ЭКОНОМИЧЕСКОМ РАЗВИТИИ
(в рамках международного проекта GIZ)**

Саидов Мухаммад Али Ҳакимович, Саидова Дилдора Нурматовна,
Ташкентский государственный аграрный университет
Саидов Мухаммад Али Ҳакимович

3167707@gmail.com

*доктор экономических наук, профессор кафедры «Агроэкономика»,
Ташкентский государственный аграрный университет
Саидова Дилдора Нурматовна*

dsaidova@rambler.ru

*кандидат экономических наук, доцент кафедры «Агроэкономика»,
Ташкентский государственный аграрный университет.*

Аннотация: Реформы высшего образования Узбекистана в корне изменили не только содержание системы, но и ее структуру. Наряду с этим, имеющиеся на сегодня возможности в системе высшего образования не всегда удовлетворяют потребности выпускников и рынка рабочей силы. Изучено содержание дуального высшего образования, рассмотрены возможности реализации и потенциальные риски, препятствующие успешному внедрению его в республике.

Ключевые слова: дуальное/кооперативное образование, инновационный экономический рост, рынок рабочей силы.

OPPORTUNITIES AND PROSPECTS FOR IMPLEMENTING DUAL EDUCATION IN THE HIGHER EDUCATION SYSTEM IN SUSTAINABLE ECONOMIC DEVELOPMENT

(within the framework of the international project GIZ)

***Saidov Muhammad Ali Khakimovich, Saidova Dildora Nurmatovna,
Tashkent State Agrarian University***

Saidov Muhammad Ali Khakimovich

3167707@gmail.com

*Doctor of Economics, Professor of the Department of Agroecconomics, Tashkent
State Agrarian University*

Saidova Dildora Nurmatovna

dsaidova@rambler.ru

*Candidate of Economic Sciences, Associate Professor of the Department of
Agroecconomics, Tashkent State Agrarian University.*

ABSTRACT: *The reforms of higher education in Uzbekistan radically changed not only the content of the system, but also its structure. Along with this, the opportunities available today in the higher education system do not always meet the needs of graduates and the labor market. The content of dual higher education is*

studied, the possibilities of implementation and potential risks that prevent its successful implementation in the republic are considered.

Key words: *dual education, innovative economic growth, labor market.*

Жаҳон ҳамжамиятининг рақамли иқтисодиёт ва билимга асосланган иқтисодиёт тамойилларининг жадал ривожланиши, давлат олдида доимий ўзгариб турадиган меҳнат бозорини қондиришга қодир кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш бўйича бир қатор муҳим вазифаларни қўяди. Таълимга, ёшларнинг касбий маҳоратини оширишга йўналтирилган сармоя “демографик дивиденд” деб аталмиш даромад келтиради ва мамлакат иқтисодий ўсишига хизмат қилади. Мутахассисларнинг фикрича, демографик дивиденднинг самараси мамлакатнинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий институтлари ва сиёсати орқали ёшларга имкон яратганида меҳнатга лаёқатли аҳолининг нисбатан анча тез ўсиши ва шу орқали ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириши, ўсиш потенциалини рўёбга чиқариши мумкин [1].

Бу масала ҳозирги вақтда алоҳида аҳамиятга эга. ЮНЕСКО маълумотларига кўра, сўнгги 20 йилда дунёда олий таълим билан қамров даражаси 2000 йилдаги 18 фоиздан 2020 йилда 40 фоизга, Марказий Осиёда эса 22 фоиздан 35 фоизга ошган. Ўзбекистонда бу борада муайян ишлар амалга оширилди. Олий таълим билан қамров 2018 йилдаги 9 фоиздан 2023 йилда 39 фоизга ошди, олий таълим муассасалари сони 2018 йилдаги 84 тадан 2023 йилда 210 тага етди. Уларга қабул 3,5 бараварга ортди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида “Янги Ўзбекистон тараққиётининг ягона тўғри йўли – таълим сифатини ошириш”, деб таъкидлади [2]. 2023 йил мамлакатимизда “Инсонга эътибор ва сифатли таълим” йили деб эълон қилинди. Бу, шубҳасиз, мамлакатимиз кун тартибидаги долзарб масалалардан биридир. Зеро, бунинг замирида Ўзбекистонни ривожланган давлатлар қаторига олиб чиқишга қодир юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш масаласи ётади.

Ўзбекистонда 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшлар сони 9,6 миллион кишини ташкил этади. Ёшлар ўртасидаги расмий ишсизлик қарийб 800 минг кишини ташкил этади, бу умумий ишсизлик даражасидан 1,5 баробар кўпдир. Рўйхатга олинмаган ишсизлар сони бундан ҳам кўп. Олий ва ўрта махсус таълим соҳасида мутахассислар тайёрлаш меҳнат бозори талабларига жавоб бермайди. Республика битирувчиларининг атиги 26,2 фоизи ўз мутахассислиги бўйича ишлайди.

Ўзбекистон дунёнинг бошқа давлатлари қатори юқори кўшимча қийматга эга ривожланган иқтисодиётни яратишга интиломда. Аҳоли жон бошига ялпи

ички маҳсулот ҳажмини 2026-йилда 2800 АҚШ долларига, 2030-йилда эса 4000 долларга етказиш, “ўртача даромади юқори бўлган давлатлар” қаторига кириш вазифаси кўйилган .

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019-йил 8-октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030-йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-5847-сон Фармонида тизимли ислохотлар йўналишидаги муҳим вазифалар Ўзбекистон Республикасида халқаро тажрибага асосланиб, олий таълим мазмунини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, меҳнат бозорида ўз ўрнини топа оладиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш, ижтимоий соҳаларни барқарор ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиш, олий таълимнинг илғор стандартларини жорий этиш, хусусан, ўқув дастурлари назарий билим олишга қаратилган таълимдан амалий кўникмаларни шакллантиришга қаратилган таълим тизимига босқичма-босқич ўтиш белгиланган [3] .

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги УП-5847-сонли "Ўзбекистон Республикасининг олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида" ги фармонида, Ўзбекистон Республикасида олий таълимни тизимли ислох қилиш йўналишидаги муҳим вазифалар қаторида, қуйидагилар белгиланди:

- халқаро тажрибага асосланган ҳолда, олий таълимнинг илғор стандартларини жорий этиш, хусусан, ўқув дастурлари назарий билимларни олишга қаратилган таълимдан, амалий кўникмаларни шакллантиришга қаратилган таълим тизимига босқичма -босқич ўтиш;

- олий таълим мазмунини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, меҳнат бозорида ўз ўрнини топа оладиган, юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш, ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ривожланишига муносиб ҳисса қўшиш;

- таълимнинг илмий-тадқиқот институтлари ва ишлаб чиқариш корхоналари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлигини йўлга қўйиш;

Бугунги кунга қадар олий таълим тизими олдида юқори малакали кадрлар тайёрлаш борасида, ҳал қилиниши талаб бўлган бир қатор долзарб муаммолар ва камчиликлар қолмоқда (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги УП-5847-сонли фармонига 1-илова), шу жумладан:

- амалдаги малака талаблари, ўқув режалари ва дастурларининг мазмуни битирувчилар ўртасида амалий кўникмаларни шакллантиришга қаратилган эмас;

- кадрлар буюртмачилари ва олий таълим муассасалари ҳамкорлигида кадрлар тайёрлаш самарали йўлга қўйилмаган, олий таълимни мазмунини шакиллантиришда иш билан таъминловчиларнинг иштироки етарлича эмас.

- ўқувчиларнинг танқидий фикрлаши, мустақил ахборот кидириш ва таҳлил қилиш кўникмалари шаклланмаган;

- ишлаб чиқариш корхоналарида амалий машғулотлар самарали ташкил этилмаган, ўқитилаётганган мутахассисларнинг малака даражаси меҳнат бозорининг замонавий талабларига жавоб бермайди;

- инновацион фаолият ва тадқиқотлар натижаларини амалиётга кенг жорий этиш, илмий ишланмаларни тижоратлаштириш, иқтидорли ёшларни тадқиқот ишларига жалб этиш самарадорлиги етарли эмас, таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг кучли интеграцияси таъминланмаган.

Ўзбекистонда олий таълим (кооператив олий таълим) соҳасидаги ҳамкорликка тизимли ёндашув ҳали ҳам сустривожланган, яъни ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда олий таълим муассасалари (бундан буён матнда ОТМ) ва компаниялар ўртасидаги ҳамкорлик. Бундан ташқари, бундай кооператив олий таълимни (бундан буён матнда - КОТ) аниқлаш ва тартибга солиш учун тегишли ҳуқуқий асос йуқ.

Айнан шу сабабли, Германия Федератив Республикаси ҳукумати Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлигини қўллаб-қувватлашда ихтиёрини билдирди ва сиёсат, бизнес ва таълимнинг тегишли субъектларига, «бир стол атрофида» Ўзбекистон Республикаси олий таълимнинг сифати ва долзарбийлигини таъминлайдиган, энг муҳими, меҳнат бозори эҳтиёжлари билан олий таълим тизимлари ўртасидаги тафовутни бартараф этадиган КОТ нинг миллий моделини ишлаб чиқиш имкониятини бериш хошишини билдирди.

Ушбу ҳукуматлараро келишув асосида, Deutsche Gesellschaft für Internationale Zusammenarbeit (GIZ) GmbH, "Марказий Осиёда профессионал таълим" (PECA) минтақавий лойиҳа вакили сифатида, 2020 йил июн ойида, миллий ишчи гуруҳи ташкил қилди (бундан буён матнда МИГ). МИГнинг мақсади, Ўзбекистоннинг амалдаги меъёрий-ҳуқуқий базасини ҳисобга олган ҳолда, КОТнинг миллий концепциясини ишлаб чиқиш бўлиб қолди. Гуруҳ таркибига Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, иккита ҳамкор университет (Бухоро муҳандислик-технология институти ва Тошкент аграр университети) ва бизнес -жамиятлар мутахассислари кирди. PECA лойиҳаси, ўзининг пудратчиси ICON-INSTITUT GmbH билан биргаликда, деярли 11 ой давомида МИГни иш жараёнларини ташкил қилишда маслаҳат берди ва қўллаб-қувватлади. Бундан

ташқари, ICON-INSTITUT GmbH дан бир гуруҳ маслаҳатчи-кураторлар, МИГ аъзоларини малакасини ошириш бўйича тегишли чора-тадбирлар орқали техник ва услубий ёрдам кўрсатдилар.


Кооператив таълим, икки тарафлама (Duales Studium ёки Дуал таълим) таълимнинг синоними сифатида, таълим олиш шаклларида бири бўлиб, талабаларга зарур билим, кўникма ва малакаларни олишга қаратилган, уларнинг назарий қисми таълим ташкилоти базасида амалга оширилади, амалий қисми эса талабанинг иш жойида амалга оширилади. Дуал таълимни ташкил этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади (Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида" ги Қонунининг 15 ва 17-моддалари №ЗРУ-637 23 сентябр 2020й.).

Тошкент давлат аграр университети Gesellschaft für Internationale Zusammenarbeit (GIZ) GmbH ва ICON Institut GmbH билан ҳамкорликда “Марказий Осиёда профессионал таълим - озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш секторида тизимли ёндашувларга кўмаклашиш (инглизча PECA)” номли халқаро лойиҳани амалга оширишда иштирок этиб келмоқда. Мазкур лойиҳа ҳамкор мамлакатларга (Ўзбекистон республикаси, Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Тожикистон Республикаси) озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш сектори соҳасида профессионал таълимни ислоҳ қилишга кўмаклашишни мақсад қилиб қўйган. Лойиҳа университетнинг “Агроиктисодиёт” кафедраси базасида бакалавриятнинг 60411700-Логистика (озиқ-овқат ишлаб чиқаришида) йўналишига кооператив дастурни жорий этишга йўналтирилган. Бу умумий кредитлар (ECTS) ҳажми 240 бўлган 4-йиллик (8 семестр) дастур бўлиб, ОТМдаги назарий таълимни доимий равишда компаниялардаги амалиёт босқичи билан уйғунлаштириб борадиган, ҳам замонавий, ҳам амалиётга йўналтирилган таълим бериш билан ажралиб туради. Мазкур таълим олиш шакли олий таълим муассасасидаги таълим олиш жараёнини компания ва ташкилотларда амалиёт ўташ чоғида олинадиган тажриба билан уйғунлаштиради. У олий таълим муассасалари ва иш берувчилар-тадбиркорлар (тижорат ва нотижорат ташкилотлар, корхоналар, давлат ёки хусусий хизматлар) ўртасидаги тизимлаштирилган ҳамкорликка асосланади. Олий таълим ва иш ўрнида таълим олишни уйғунлаштириш академик кўникмаларни ҳам. Касбий кўникмаларни ҳам шакллантиришга йўналтирилган. Шу сабабли ўқув аудиторияларида олинган академик назарий билимлар иш ўрнида шакллантирилган тажриба билан тўлдирилади. Шу тарзда, назарий билимлар самараси реал ҳаётга вазиятларда синаб кўрилади ва аксинча.

ДКОТнинг асосий тамойили – бу ОТМда назарий билимлар олиш ва бу билимларни амалиётда, иш ўрнида қўллаш орасидаги узлуксиз циклни

таъминлашдир.. Бундай цикл ДКОТга назария ва амалиёт орасида синергияни таъмин-лаш имконини беради. Бу талабаларга ўз касбий шаклланишининг дастлабки даврлариданок мураккаб вазифаларни зиммасига олиш ва муваффақиятли карьера куришга ёрдам беради. ДКОТ талабаларга кенг қамровли амалий тажриба билан бирга академик малака олиш имкониниятини яратади. Бу институционал, миллий ва халқаро даражада таклиф этилаётган олий таълимни мукаммаллаштириш учун қўшимча ва зарурий ўқиш шакли саналади. Бу дастурда университетдаги назарий ўқиш босқичлари ва компаниядаги амалий босқичларнинг замонавий, амалиётга йўналтирилган ўқитиш билан доимий алмашинувида тавсифланади. Ишчи гуруҳ томонидан мазкур дуал таълим дастурининг моҳияти ва зарурлиги асосланди, унга қабул қилишнинг мезонлари ва ўқитишнинг натижалари ишлаб чиқилди, таълим дастури таркиби шакллантирилди. Таълим бериш ва ўқитишнинг методлари, параметрлари, баҳолаш асосланиши ва мезонлари ишлаб чиқилди. Ўқув ресурслари банки яратилди ва талабани қўллаб-қувватлаш мезонлари шакллантирилди. Ҳар бир семестр 60 кредит (ECTS) , 4 ўқув йили учун 240 кредит (ECTS) дан иборат фан модуллари яратилди.

“Логистика (Озиқ-овқат ишлаб чиқаришида)” дуал таълимнинг бакалавриат дастурига 2023 йил 14 мартда Европанинг Аккредитация, сертификация ва сифат таъминоти институти 2028 йил 30 сентябрь муддатигача амал қилувчи халқаро сертификатни тақдим этди.



ACQUIN
Akkréditierung,
Certifizierung und
Qualitätsicherung
Institut

Экспертная оценка и рекомендации по сертификации¹
Профессиональное образование и обучение в Центральной Азии (PECA)
Германское общество по международному сотрудничеству (GIZ)
Логистика в пищевом производстве (B.Sc.)
(Фрагменты отчета)

Общая информация

1	Вуз	Казанский национальный аграрный университет (КНАУ); Казанский государственный педагогический университет (КГПУ); Хузандский политехнический институт (ХПИ); Ташкентский государственный аграрный университет (ТГАУ)
2	Название учебной программы	Логистика в пищевом производстве
3	Уровень образования	Бакалавриат (B.Sc.)
4	Начало и/или дата	Начало с 2023 г.
5	Факультет/факультеты	
6	Срок обучения (семестры)	5
7	Количество кредитов ECTS	240
8	Количество учебных мест	Бюджет определено
9	Количество студентов, обучающихся в настоящее время	0
10	Среднее количество выпускников в год	Бюджет определено
11	Целевые группы	Выпускники общего среднего и среднего профессионального образования
12	Требования к кандидатам	• Формальный доступ для выпускников общего среднего и среднего профессионального образования, определенный соответствующими национальными законодательствами • Доступ к материалам определяется совместно университетом и компаниями-партнерами в части формальных квалификаций, а также дополнительных навыков, опыта и личных качеств
13	Форма обучения	Онлайн
14	Плата за обучение	Бюджет определено

Дата отчета: 14 марта 2023 года

¹ Anal. Assessment Report and Certificate Recommendation Professional Education & Training in Central Asia (PECA). German Agency for International Cooperation (GIZ). Logistics in the Food Industry (B.Sc.)

Дуал/кооператив олий таълим бакалавриат даражасида академик малакани таъминлаб, талабаларга кенг амалий тажриба орттириш имконини беради. У таълим муассасаларидаги мавжуд ўқув дастурларини алмаштирмасдан, балки институционал, миллий ва халқаро даражада тавсия этилган олий таълимни

такомиллаштириш учун қўшимча ва зарур ўқиш форматидир. Зарурат туғилганда улар магистратура ва докторантура йўналишида ҳам қўшма ҳамкорлик ва шартнома шартлари асосида таклиф этилиши мумкин. Дуал/кооператив олий таълим дастурлари талабаларни икки томонлама/ кооператив олий таълим стандартлари талабларига мувофиқ олий таълим муассасаси ва корхона/ташкilot негизда комплекс ўқитишни (кунлар, ҳафталар, ойлар бўйича) таъминлайди. Ушбу дастурлар манфаатдор томонларнинг таълим, ташкилий ва шартнома шартларини тизимли/мунтазам мувофиқлаштириш асосида, ўқув режаси доирасида корхона/ташкilotнинг функцияларини аниқ тақсимлаш, шу жумладан талабаларни иш жойларига жойлаштириш учун ишлаб чиқилади. Ташкилий ва ҳуқуқий нуқтаи назардан, дуал/кооператив олий таълим ижтимоий-иқтисодий тизимнинг иккита мустақил (ҳуқуқий) бирлиги: таълим муассасаси ва корхона / ташкilotнинг симбиозидир. Бундай интеграция иқтисодиётни глобаллашув ва рақамлаштириш шароитида “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясининг тамойилларига мувофиқ кадрлар тайёрлашнинг зарурий таркибий қисми ҳисобланади ва ишчи кучининг касбий малакасини таъминлашга муҳим ҳисса қўшади [6].

Ўзбекистонда дуал/кооператив олий таълимнинг босқичма-босқич жорий этилиши, бир томондан, мустақил фикрлайдиган, замонавий билим ва юксак шахсий фазилатларга эга бўлган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, олий таълимни модернизация қилиш, иқтисодиётнинг соҳа ва тармоқлари, ижтимоий соҳани ривожлантиришга, иккинчи томондан – корхона ва ташкilotларнинг ўқув жараёнидаги роли ва иштирокини кучайтириш, битирувчиларнинг касбий ва коммуникатив кўникмаларини оширишга хизмат қилади.

Дуал/кооператив олий таълимни жорий этиш икки томонлама/кооператив олий таълимдан манфаатдор бўлган барча томонлар нуқтаи назаридан пухта баҳо беришни ва ҳаётий ёндашувни таъминлаш учун ушбу концепция доирасида дуал/кооператив олий таълим ва уни барқарор амалга ошириш бўйича кейинги ҳаракатларни шакллантириш, қонунчилик базаси қоидаларини, стратегик ва бошқарув масалаларини ишлаб чиқишни талаб қилади. Дуал/кооператив олий таълимни ташкilot этишнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

1. Дуал/кооператив олий таълимни қўллаб-қувватлашнинг ижтимоий-иқтисодий механизмларини ва корхоналар/ташкilotлар ва олий таълим муассасалари ўртасидаги ҳамкорлик моделларини ишлаб чиқиш;
2. Олий таълим муассасаларининг ўқув жараёнларининг корхона/ташкilotдаги меҳнат шароитлари билан боғлиқлигини таъминлаш;

3. Талабаларни меҳнатга жалб қилган ҳолда корхона/ташкilotларда ўқитишнинг амалий қисмини ва олий ўқув юртида назарий қисмини ташкил этиш;

4. Таълим дастурларини меҳнат билан биргаликда амалга ошириш орқали компетенцияларни шакллантириш;

5. Иш берувчиларнинг талаблари ва уларнинг технологик янгиликларини ҳисобга олган ҳолда таълим дастурларини тизимли равишда такомиллаштириш;

6. Битирувчиларни аттестациядан ўтказишда корхона/ташкilotларнинг иштирокини янада кенгайтириш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. D.E.Bloom, J.G.Williamson. Demographic Transitions and Economic Miracles in Emerging Asia. / <https://www.nber.org/papers/w6268>

2. Мирзиёев Ш.М. “Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлиси ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси”. <https://president.uz/lists/view/4057>

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019-йил 8-октябрьдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030-йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-5847-сон қарори. <https://lex.uz>

4. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни 2020-йил 23-сентябрдаги ЎРҚ-637-сон. <https://lex.uz>

5. “Касб-ҳунар таълими тизимида дуал таълимни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида ”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021-йил 29-мартдаги 163-сон қарори. <https://lex.uz>

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 5-октябрьдаги “Рақамли Ўзбекистон – 2030” ПФ-6079-сон қарори. <https://lex.uz>

7. The-Knowledge-Triangle-Re-Inventing-the-Future. (2013). Editors Pia Lappalainen, Aalto University Markku Markkula, Aalto University <https://digitaldublin.files.wordpress.com/2013/05/markku-markkula-parallel-1-the-knowledge-triangle-re-inventing-the-future.pdf>

8. Gerhard Bosch, Das duale System der Berufsausbildung in Deutschland, Notes du Cerfa, n 143, Ifri, Juli 2018. https://www.ifri.org/sites/default/files/atoms/files/ndc_143_g_bosch_duales_system_berufsausbildung_juli_2018.pdf

9. <http://www.stat.uz>

10. Саидов М.Х. Экономика, инвестиции и маркетинг высшего образования Т.: Молия, 2002

11. Л.В.Перегудов, М.Х.Саидов Менеджмент и экономика высшего образования. Т.: Молия, 2001.
12. Саидов М.Х., Саидова Д.Н. Развитие высших учебных заведений-гарантия прогресса общества и повышения конкурентоспособности национальной экономики. Журнал Вестник науки и образования, 2020, №3 (81).

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI AHOLISINING DAROMADLARINI STATISTIK TAHLILI



<https://doi.org/10.5281/zenodo.10529888>

Mamatkulov Baxtiyor Xalmuradovich

Toshkent Moliya Instituti

“Statistika va ekonometrika” kafedrası professori,
iqtisodiyot fanlari doktori (DSc)

tel: +99890-910-74-28

elektron pochta: bmamatkulov@gmail.com

Annotatsiya. Ushbu maqolada aholining hayotiylik darajasi va sifatini ifodalashda jami aholining, oilalarning, alohida shaxslarning umumiy daromadlari muhim ahamiyatga ega ekanligi statistik tahlillar asosida yoritib berilgan.

Kalit so‘zlar: Aholi, daromadlar, modernizatsiya, iste‘mol narxlari indeksi, mutlaq va nisbiy miqdorlar, statistik tahlil.

Аннотация. В этой статье на основе статистического анализа объясняется, что общий доход всего населения, семей и отдельных лиц важен для выражения уровня и качества жизни населения.

Ключевые слова: Население, доходы, модернизация, индекс потребительских цен, абсолютные и относительные величины, статистический анализ.

Abstract. In this article, it is explained on the basis of statistical analysis that the total income of the total population, families, and individuals is important in expressing the level and quality of life of the population.

Keywords: Population, income, modernization, consumer price index, absolute and relative amounts, statistical analysis.

KIRISH

Bugungi kunda amalga oshirilayotgan iqtisodiyotni modernizatsiya qilish jarayonlari O‘zbekiston Respublikasi aholisining daromadlarini statistik tahlil etishni talab etadi.

Aholi ishlab chiqaruvchi kuch va iste‘molchi sifatida respublikamiz iqtisodiyotini rivojlanishida muhim ahamiyat kasb etadi. Insoniyat taraqqiyotidagi iqtisodiy, ijtimoiy va siyosiy muammolari aholi bilan chambarchas bog‘liq bo‘lib kelgan. Ushbu bog‘liqlik turli mamlakatlarda turli hududlarida o‘ziga hos xususiyatlari bilan ajralib turadi.

“Aholining hayotiylik darajasini ifodalashda jami aholining, oilalarning, alohida shaxslarning umumiy daromadlari muhim ahamiyatga ega. 2022 yilda aholining umumiy daromadlari 634,8 trln. so‘mni tashkil etdi. Aholi daromadlari bo‘yicha real o‘shish sur‘atlarini hisoblashda narx omillari ta‘sirini chiqarib tashlash maqsadida, inflyatsiya ko‘rsatkichlarining asosiy turlaridan biri – iste‘mol narxlari indeksidan (INI) foydalaniladi. Iste‘mol narxlarining o‘zgarishi sababli o‘tgan yilning mos davriga nisbatan aholi umumiy daromadlarining real o‘shish sur‘ati 109,7 % ni tashkil etdi”⁷.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022 yil 28 yanvardagi “2022 — 2026 yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida” gi PF-60-sonli Farmonining 21-maqsadida “Iqtisodiyot tarmoqlarida barqaror yuqori o‘shish sur‘atlarini ta‘minlash orqali kelgusi besh yilda aholi jon boshiga yalpi ichki mahsulotni — 1,6 baravar va 2030-yilga borib aholi jon boshiga to‘g‘ri keladigan daromadni 4 ming AQSh dollaridan oshirish hamda “daromadi o‘rtachadan yuqori bo‘lgan davlatlar” qatoriga kirish uchun zamin yaratish”⁸ - deb ta‘kidlab o‘tganlari be‘jiz emas.

Ushbu ijobiy yutuqlar aholining xayotiylik darajasi jarayonlarini jadal sur‘atlar bilan ijobiy rivojlanishiga real umumiy daromadlarni statistik tahlil uchun statistika ma‘lumotlarining sifati va ishonchliligini oshirish imkoniyatini yaratadi.

“Mamlakatimizda statistika ma‘lumotlarining sifati va ishonchliligini oshirish borasida tizimli ishlar amalga oshirilib, ijtimoiy-iqtisodiy jarayonlarni, jumladan xalqaro tashkilotlarning maxsus nashrlari va ma‘lumotlar bazalarida xolis va ishonchli aks ettirishni ta‘minlash choralari ko‘rilmoqda”⁹. Shu sababli, “Rasmiy statistikani tayyorlovchilar statistika ma‘lumotlarini ishlab chiqishda xalqaro darajada tavsiya etiladigan tushunchalarga, tasniflarga va uslubiyatga amal qiladi”¹⁰.

2020 yil 3 avgustdagi PQ - 4796-son “Milliy statistika tizimini yanada takomillashtirish va rivojlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida” qarorlari hamda mazkur faoliyatga tegishli boshqa me‘yoriy-huquqiy hujjatlarda belgilangan vazifalarni amalga oshirishga ushbu maqola muayyan darajada xizmat qiladi.

Usullar

Tadqiqot jarayonida ilmiy abstraksiyalash, statistik kuzatish, mutlaq, nisbiy miqdorlar, statistik baholash, statistik jadvallar, elastiklik koeffitsiyenti kabi usullardan foydalanilgan.

⁷ www.stat.uz. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Statistika agentligi ma‘lumotlari.

⁸ O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “2022-2026 yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida”gi PF-60-sonli Farmoni. 2022 yil 28 yanvar. // <https://lex.uz/docs/5841063>.

⁹ O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020 yil 3 avgustdagi PQ-4796-son “Milliy statistika tizimini yanada takomillashtirish va rivojlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Qarori. www.lex.uz

¹⁰ O‘zbekiston Respublikasining “Rasmiy statistika to‘g‘risida” gi O‘RQ - 707 – sonli qonuni. 2021 yil. 11 avgust. www.lex.uz

Natijalar

Bozor iqtisodiyotiga o‘tishning zarur shartlaridan biri aholining real umumiy daromadlari darajasini oshirishdir. Birinchidan, bozor rivoji raqobat kurashining ta’siri ostida bo‘lishi, ikkinchidan ishsizlikning oshib borishi, kambag‘allikning paydo bo‘lishi bilan bog‘liq hisoblanadi. Bozor munosabatlari asoslangan iqtisodiyot tenglikni inkor etgan holda, tengsizlikni tasdiqlaydi. Ushbu tengsizlik standard holat bo‘lib, yuksak daromad olish uchun harakat qilishga intilishni kuchaytiradi. Shu nuqtai nazardan, davlat ixtiyoridan daromad oluvchilar sonini kamaytirib, balki kichik biznes va hususiy tadbirkorlikni rivojlantirish, qishloq, o‘rmon va baliqchilik xo‘jaligi tarmog‘ini hududiy jihatdan rivojlantirishda fermer, dehqon va tomorqa xo‘jaliklarini rivojlantirish, shu jumladan, daromadni asosini tadbirkorlikdan olish, mamlakatimiz aholisini bozor sharoitiga moslashtirish, iqtisodiy siyosatning tarkibiy qismi bo‘lib hisoblanmoqda. Shu kabi ishlarni amalga oshirishda aholini hayotiylik sifati va darajasini rivojlantirish zarurati tug‘iladi. Modellashtirish uchun yuqori variantli hisob-kitoblar olib borishga to‘g‘ri keladi. Shu boisdan, bozor munosabatlari sharoitida aholining hayotiylik sifati va darajasini rivojlantirishni davlat tomonidan ijtimoiy himoya tadbirlarini amalga oshirish uchun oldindan tezkor choralar ko‘rish zaruriyatini hozirgi zamon talabi darajasidagi yaratilgan avtomatlashtirilgan hisoblash tizimlardan foydalanib, O‘zbekiston Respublikasi aholisining daromadlarini statistik tahlili bugungi kunning dolzarb masalasi hisoblanadi.

“Aholining real umumiy daromadlari – bu aholining nominal umumiy daromadlarini tegishli davr uchun iste‘mol narxlari indeksiga bo‘lish yo‘li bilan hisoblanadigan nisbiy ko‘rsatkichi hisoblanadi.

Aholi ixtiyoridagi daromad – umumiy daromaddan to‘g‘ri soliqlarni (ularning qaytarilishini hisobga olgan holda), majburiy yig‘imlar va jarimalar hamda bir uy xo‘jaligiga boshqa uy xo‘jaligi tomonidan berilgan moddiy yordam pullarini chegirish orqali hisoblanadi”¹¹ [5,25 bet].

1-jadval

2022 yilda O‘zbekiston Respublikasi hududlari kesimida aholining real umumiy daromadlarini o‘tgan yilning mos davriga nisbatan o‘sish sur‘ati¹²

No	Ko‘rsatkichlar Aholi jon boshiga	Aholining real umumiy daromadlari jami, mlrd. so‘m	2022 yilda 2021 yilning mos davriga	Aholi jon boshiga o‘rtacha,	2022 yilda 2021 yilning mos davriga
----	----------------------------------	--	-------------------------------------	-----------------------------	-------------------------------------

¹¹ www.stat.uz – O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Statistika agentligining rasmiy sayti ma’lumotlari

¹² O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi statistika agentligining 2021-2022 yillar bo‘yicha ma’lumotlari asosida muallifning hisob-kitoblari.

	o‘rtacha, ming so‘m	nisbatan,		ming so‘m		nisbatan, % da
		2021y	2022y	2021y	2022y	
O‘zbekiston Respublikasi	519262,7	569 631,2	109,7	14864,47	15 979,3	107,5
1. Qoraqalpog‘iston Respublikasi	21850,47	23 292,6	106,6	11282,79	11 869,5	105,2
	viloyatlar:					
2. Andijon	41700,36	46 454,2	111,4	12949,59	14 128,0	109,1
3. Buxoro	35587,9	38 221,4	107,4	18140,87	19 174,9	105,7
4. Jizzax	18896,31	19 954,5	105,6	13248,16	13 672,1	103,2
5. Qashqadaryo	41060,02	45 494,5	110,8	12180,81	13 204,0	108,4
6. Navoiy	25362,02	25 641,0	101,1	24766,8	24 543,9	99,1
7. Namangan	32902,58	36 982,5	112,4	11352,14	12 476,0	109,9
8. Samarqand	51552,44	57 017,0	110,6	12919,85	13 992,2	108,3
9. Surxondaryo	32064,22	36 296,7	113,2	11826,31	13 079,9	110,6
10. Sirdaryo	11130,13	12 042,8	108,2	12799,81	13 567,8	106,0
11. Toshkent	47402,06	48 302,7	101,9	16268,13	16 284,4	100,1
12. Farg‘ona	43490,01	47 882,5	110,1	11273,4	12 164,0	107,9
13. Xorazm	30078,36	34 199,1	113,7	15758,05	17 617,5	111,8
14. Toshkent sh	86099,65	97 550,9	113,3	30513,38	33 534,2	109,9

Jadval ma’lumotlari tahlilidan ko‘rinib turibdiki, 2022 yilda O‘zbekiston Respublikasi hududlari kesimida aholining real umumiy daromadlari 569631,2 mlrd. so‘mni, o‘tgan yilning mos davriga nisbatan o‘shir sur’ati 9,7 foizni tashkil etdi.(1-jadval)

Jahon sog‘liqni saqlash tashkiloti (JSST) ning ma'lumotiga asosan, XXI asrning asosiy dolzarb muammolaridan biri, bu dunyo aholisining ortiqcha tana vaznidan azob chekishi bilan bog‘liq hisoblanadi. Bugungi kunda, yuqorigina rivojlangan davlatlar aholisi o‘rtasida noto‘g‘ri ovqatlanish, rafinadlangan (tarkibida tuz, yog‘ miqdori yuqori bo‘lgan taom, qand va shirinliklar) ovqat moddalarini ortiqcha iste'mol qilinishi natijasida “semirish epidemiyasi” yuzaga keldi.

Mamlakatimiz aholisining “bir xil taomnoma” bo‘yicha ovqatlanishi, vitamin va minerallar etishmovchiligiga sabab bo‘lib, bu o‘z navbatida yoshlarda ratsional o‘shir va aqliy rivojlanishda ortda qolish, kattalarda esa, yurak qon-tomir, endokrin, xavfli o‘sma kabi insonning erta o‘limiga olib keluvchi qator kasalliklarning, afsuski, rivojlanishiga sabab bo‘lmoqda. JSST prognoziga asosan, dunyo aholisining shunday

ovqatlanishni davom ettirsa, afsuski, 2030 yilda dunyo aholisining o‘lim ko‘rsatkichi 75 foizi ushbu kasalliklarning hissasiga to‘g‘ri keladi.

O‘zbekiston Respublikasida keyingi yillarda aholining o‘rtasida sog‘lom hayotiylik sifati va darajasining tarzini shakllantirish va tibbiy madaniyatini oshirishning, xavfli omillarining tibbiy profilaktikaning yanada takomillashtirish, tibbiy patronaj xizmatining sifati kuchaytirish kabi davlat dasturlari ishlab chiqilib, Prezidentimiz tomonidan e‘tibor qaratib kelinmoqda. Shu jumladan, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020 yil 10 noyabrdagi “Aholining sog‘lom ovqatlanishini ta‘minlash bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi PQ-4887-sonli Qarori bunga misol bo‘ladi.

Ushbu qarorning imzolanishi jamiyatimizni sog‘lom kelajak sari tashlangan qadamlaridan biri bo‘lib, aholining o‘rtasida sog‘lom hayotiylik sifati va darajasi tarzini shakllantirish davlat siyosati darajasiga ko‘tarilganidan dalolatdir.

Aholi o‘rtasida to‘g‘ri ovqatlanishning ko‘nikmasini shakllantirish, jismoniy faollik darajasini oshirish, aholining pandemiya davridagi olgan saboqlarini inobatga olgan holda, ruhiy zo‘riqishning salbiy oqibatida zararli odatlarni oldini olishga e‘tibor qaratishimiz lozim.

Ushbu qarorda 6-23 oylik go‘daklarga uy sharoitida tayyorlangan ovqatlarni mikronutrient kukuni asosida boyitish, 6 oydan 5 yoshgacha bolalar “A” vitamini, 2 yoshdan 10 yoshgacha bolalar gel‘mintoz profilaktikasi bo‘yicha preparatlar bilan bepul ta‘minlanishi ko‘rsatib o‘tilgan.

Inson salomatligining tug‘ilgan davrdagi sog‘lig‘i holati bilan bog‘liq hisoblanadi. Ayni paytda bolaning ota-onasi qanday darajada sog‘lomligiga ham bog‘liq hisoblanadi. Sog‘lom barkamol ota-onadan tug‘ilgan farzandlarimiz samarali parvarishga muhtojdir. Ularning iste‘molidagi oziq-ovqat moddalari tarkibida etarli miqdorda mikronutrientlar, mineral va vitaminlar bo‘lishi talab etiladi. Vitaminlar orqali bolalarning o‘sishi va rivojlanishiga asosiy yuqori ta‘sir etuvchi “A” vitamini sanaladi. U bolaning aqlan va jismonan barkamol bo‘lib voyaga etishishida muhim hisoblanadi.

Aholining daromadlari darajasini izchillik bilan yuksaltirish uchun qo‘shimcha chora-tadbirlarni amalga oshirish maqsadga muvofiqdir. Vazirliklar, markaziy va mahalliy hokimiyat idoralarining kishilarning o‘ziga baho berishi, o‘zini aholining ma‘lum guruhiga mansubligining anglashi hayotiylik sifati va darajasining yakuniy indikatori hisoblanadi.

Oiladagi orastalik va o‘zaro muloqot davomidagi gigienik normalarga amal qilmaslik haqida ma‘lumotga ega bo‘lmaganligi tufayli o‘zini himoyalash ko‘nikmasi yo‘qligi oqibatida kelib chiqadi.

Bola salomatligi bilan bir qatorda homilador va emizikli ayollar hamda 35 yoshgacha bo‘lgan tug‘ish yoshida bo‘lgan ayollar temir kislotasi preparati bilan bepul ta‘minlanishi belgilab berilgan. Ushbu chora-tadbirlar tug‘ish yoshidagi bugungi kunda ayollarimizda uchrayotgan anemiya kasalliklarining kamayishiga va homilador ayollardan nogiron bola dunyoga kelishi ehtimolini kamaytirishga ko‘maklashdi.

“Shu nuqtai nazardan, oziq-ovqat mahsulotlari talabining qondirilishi darajasi quyidagicha hisoblanadi:

$$K_{tk} = \frac{M_{xi}}{M_{ni}} \quad (1)$$

bu yerda: K_{tk} - i mahsulotlarga bo‘lgan talablikning qondirilish darajasi;

M_{xi} - aholi jon boshiga to‘g‘ri keladigan haqiqiy iste‘mol qilingan i mahsulot;

M_{ni} - aholi jon boshiga me‘yor bo‘yicha iste‘mol qilinishi zarur bo‘lgan i mahsulot miqdori”¹³.

2-jadval

O‘zbekiston Respublikasi bo‘yicha ovqat-ovqat mahsulotlari iste‘moli va aholi jon boshiga real umumiy daromadlari ¹⁴

Ko‘rsatkichlar		2021 yil	2022 yil
1.	O‘rtacha jon boshiga iste‘mol (kg):		
	- non mahsulotlari	110,0	116,0
	- sut mahsulotlari	296,0	288,9
2.	Aholi jon boshiga real umumiy daromadlar, (solishtirma bahoda), ming so‘m	13416,8	15979,3

Elastiklik koeffitsiyenti quyidagi formula bilan hisoblanadi:

$$K_{el} = \frac{\Delta IST}{IST_0} : \frac{\Delta DA}{DA_0^0} \quad (2)$$

1. O‘zbekiston Respublikasida non mahsuloti bo‘yicha:

$$\Delta IST = IST_1 - IST_0 = 116 - 110 = 6 \text{ kg}$$

$$\Delta DA = A^1 - DA^0 = 15979,3 - 15979,3 = 2562,5 \text{ min } g \text{ so‘m}$$

$$K_{el} = \frac{6}{110} : \frac{2562,5}{13416,8} = 0,3$$

2. O‘zbekiston Respublikasida sut mahsuloti bo‘yicha:

$$\Delta IST = IST_1 - IST_0 = 288,9 - 296,0 = -7,1 \text{ kg}$$

$$\Delta DA = A^1 - DA^0 = 15979,3 - 15979,3 = 2562,5 \text{ min } g \text{ so‘m}$$

¹³ Statistika bo‘yicha praktikum: o‘quv qo‘llanma // I.X. Xabibullayev, X. A. Shodiyev, B.Q. Utanov. –T.: «Nihol print» OK, 2022.- 312 b.

¹⁴ www.stat.uz. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Statistika agentligi ma‘lumotlari asosida muallif tomonidan tuzildi.

$$K_{el} = \frac{-7,1}{296} : \frac{2562,5}{13416,8} = -0,12$$

Demak, aholi jon boshiga real umumiy daromadlarning 1% oshishi natijasida non mahsulotlari iste'moli 0,3 % ga oshgan, sut mahsulotlari iste'moli 0,12 % ga kamaygan.(2-jadval)

Munozara

To'g'ri ovqatlanishda bug'doy va yormalar muhim o'rin egallagan. Davlatimiz aholi uchun ommabop bo'lgan 1 navli bug'doy uni mikronutrientlar bilan to'ldirib borilishi ta'minlab kelmoqda. (75 foiz). 1 navli bug'doy uni bilan bir qatorda oliy navli bug'doy un ham zaruriy vitaminlar va minerallar bilan to'yintirilishi (90 foiz) yo'lga qo'yilmoqda. Respublikamizning aksariyat holatlarda qishloq aholisi tegirmon unidan iste'mol qiladi, bug'doy uni mikronutrientlarga boy kepakli un hisoblanadi. Aksariyat shahar aholisi do'konlardan sotib olayotgan noni ham endilikda, mikronutrientlarga boyitilgan bug'doy unidan ishlab chiqariladi.

Yuqoridagi belgilangan chora-tadbirlar axborot vositalarida targ'ib qilinishi, jamiyatning tibbiyot xodimlari, faol fuqarolari tomonidan to'g'ri ovqatlanish shartlari tushuntirib borilishi lozim. Oilamizda oziq-ovqatning turli xilligi, oqsil, uglevodlar, yog' bilan to'yinganligi insonning jinsi, yoshi, tana tuzilishlari mehnat faoliyatini hisobga olgan holda balanslashganligi maqsadga muvofiq hisoblanadi.

Aholining besh mahal kundalik ovqatlanish rejimiga o'rgatish, salomatligiga e'tibor qilishning ko'nikmalari shakllantirish lozim. Kun tartibiga qat'iy rioya qilishi, to'g'ri ovqatlanishi, ruhiy va jismoniy faollikka erishishiga harakat qilishi talab etiladi.

O'zbekiston Respublikasining ijtimoiy yo'naltirilgan bozor munosabatlariga o'tishi aholining hayotiylik darajasini oshirish, ijtimoiy soha yo'nalishlarining rivojlanishini ta'minlash hisoblanadi.

Xulosalar

Yuqoridagi e'tirof etilgan xulosalar orqali respublikamiz aholisining real daromadlari darajasini oshirish bo'rtasida quyidagi takliflarni amaliyotga tadbiq qilish maqsadga muvofiq deb hisoblaymiz:

- respublikamiz aholisining real umumiy daromadlarini tartibga solinmagan turlarini hisobga olish, ularni albatta litsenziya olib ishlashi, belgilangan standartlar va sanitariya talablariga amal qilishini ta'minlash zarur, ularga ko'mak berish, ularning statistik hisobotini yaxshi yo'lga qo'yish bo'rtasidagi chora-tadbirlarni amalga oshirish zarur:

- aholi jon boshiga to'g'ri keladigan real daromadlar darajasini oshirish;
- aholining manfaatlarini to'liq ta'minlash uchun huquqiy bazani mustahkamlash;

- shahar va qishloq joylaridagi infratuzilma xizmatlarini yanada rivojlantirish;
- shahar va qishloq aholisining aholi jon boshiga to‘g‘ri keladigan real daromadlar darajasini yangi pog‘onaga ko‘tarish;
- aholi o‘rtasida yoshlarni ish bilan ta‘minlash, odamlarning daromadi va darajasini oshirish.
- mamlakatimiz aholisining real umumiy daromadlari hajmini jadal rivojlantirish, shaxsiy sug‘urta darajasini oshirish zarur.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR (REFERENCES):

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “2022 — 2026 yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida” gi PF-60-sonli Farmoni. 2022 yil 28 yanvar. // <https://lex.uz/docs/5841063>.
2. O‘zbekiston Respublikasining “Rasmiy statistika to‘g‘risida” gi O‘RQ - 707 – sonli qonuni. 2021 yil. 11 avgust. www.lex.uz.
3. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020 yil 3 avgustdagi PQ-4796-son “Milliy statistika tizimini yanada takomillashtirish va rivojlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Qarori. www.lex.uz.
4. Statistika bo‘yicha praktikum: o‘quv qo‘llanma // I.X. Xabibullayev, X. A.Shodiyev, B.Q.Utanov. –T.: «Nihol print» OK, 2022.-312 b.
5. Миролимов, М. (2023). Тошкент вилояти меҳнат ресурсларининг бандлик даражаси статистикаси. *Iqtisodiyot Va ta’lim*, 24(3), 234–238. https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss3/a36
6. www.stat.uz – O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Statistika agentligining rasmiy sayti ma’lumotlari

O‘ZBEKISTON YASHIL ENERGETIKA TIZIMINI YARATISHDAGI MUAMMOLARNI ANIQLASHDA SIFAT TADQIQOT USULLARIDAN FOYDALANISH



<https://doi.org/10.5281/zenodo.10529908>

Buzrukxonov Sardorxon Sarvarxon o‘g‘li

Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti mustaqil izlanuvchisi.

Toshkent, O‘zbekiston.

e-mail: s.buzrukxonov@tsue.uz;

+998 90 316 55 56

Annotatsiya. Mazkur maqolada sanoat korxonalarini yashil energiyaga o‘tishini rag‘batlantiruvchi asosiy omillar aniqlangan va ularning sharhi keltirilgan. Sanoat korxonalarining yashil energiyaga o‘tish bilan bog‘liq muammolarini aniqlash tizimlashtirilgan omillar asosida PLS-SEM modeli qurilgan. Sanoat korxonalarining yashil energiyaga o‘tishga tayyorlik darajasiga ta‘sir ko‘rsatuvchi omillarning yo‘l koeffitsientlari bo‘yicha olingan qiymatlar asosida SWOT tahlili o‘tkazilgan. Tahlil natijalari asosida O‘zbekistonda sanoat korxonalarini yashil energiyaga o‘tishdagi kuchli tomonlar, imkoniyatlar, kuchsiz tomonlar va tahdidlar aniqlangan. Tahdidlarni oldini olish bo‘yicha taklif va tavsiyalar ishlab chiqilgan.

Kalit so‘zlar: sanoat, energiya, muqobil energiya, yashil energiya, quyosh energiyasi, energiya samaradorligi, PLS-SEM modeli, SWOT tahlil

Аннотация. В данной статье выявлены основные факторы, способствующие переходу промышленных предприятий на зеленую энергетику, и представлен их обзор. Модель PLS-SEM построена на основе систематических факторов для определения проблем промышленных предприятий, связанных с переходом на зеленую энергетику. На основе полученных значений траекторных коэффициентов факторов, влияющих на уровень готовности промышленных предприятий к переходу на зеленую энергетику, был проведен SWOT-анализ. По результатам анализа выявлены сильные стороны, возможности, слабые стороны и угрозы перехода промышленных предприятий на зеленую энергетику в Узбекистане. Разработаны предложения и рекомендации по предотвращению угроз.

Ключевые слова: промышленность, энергетика, альтернативная энергетика, зеленая энергетика, солнечная энергия, энергоэффективность, модель PLS-SEM, SWOT-анализ.

Abstract. In this article, the main factors encouraging the transition of industrial enterprises to green energy are identified and their review is presented. A

PLS-SEM model was built on the basis of systematic factors to determine the problems of industrial enterprises related to the transition to green energy. A SWOT analysis was carried out based on the obtained values of the path coefficients of the factors affecting the level of readiness of industrial enterprises to switch to green energy. Based on the results of the analysis, the strengths, opportunities, weaknesses and threats of the transition of industrial enterprises to green energy in Uzbekistan were identified. Proposals and recommendations for prevention of threats have been developed.

Keywords: industry, energy, alternative energy, green energy, solar energy, energy efficiency, PLS-SEM model, SWOT analysis

KIRISH

Yashil energiya tizimi (YAET)ni yaratish va Sanoat 4.0.ga transformatsiya amaliyoti ilg‘or sanoat jarayonlari bilan birlashtirgan murakkab iqtisodiy mexanizmni o‘z ichiga oladi. Yashil energiya tizimini rivojlantirish Sanoat 4.0 tizimini shakllantirishning iqtisodiy mexanizmining asosiy tarkibiy qismi hisoblanadi.

Yashil energiya tizimini yaratish va Sanoat 4.0.ga transformatsiyaning iqtisodiy mexanizmi strategik rejalashtirish, innovatsiyalarga keng investitsiyalar siyosatini qo‘llab-quvvatlash va turli manfaatdor tomonlarning hamkorlikdagi sa‘y-harakatlarini o‘z ichiga oladi. Bunday tizimlardan kutilayotgan asosiy maqsad atrof-muhitga ta‘sirni minimallashtiradigan va resurslar samaradorligini maksimal darajada oshiradigan barqaror va texnologik jihatdan rivojlangan sanoat landshaftiga erishishdir.

So‘ngi yillarda O‘zbekiston energetika tizimiga o‘tish borasida katta islohotlar amalga oshirildi. O‘zbekistonning dunyodagi eng katta tabiiy gaz ishlab chiqaruvchilaridan biri sifatida qaralganda (yiliga taqriban 60 milliard kub metr gaz ishlab chiqaradi) yashil energetika tizimini qo‘rishga yuqori salohiyatga ega mamlakatlardan biri sifatida e‘tirof etish mumkin.¹⁵ O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 04-oktyabrdagi “2019 — 2030-yillar davrida O‘zbekiston Respublikasining “YASHIL” iqtisodiyotga o‘tish strategiyasini tasdiqlash to‘g‘risida”gi PQ-4477-son qarori imzolangan. Mazkur qaror bilan “2019 — 2030-yillar davrida O‘zbekiston Respublikasining “yashil” iqtisodiyotga o‘tish” strategiyasi tasdiqlangan. Mazkur strategiyaning ustuvor yo‘nalishlaridan biri sifatida “Energiya resurslari iste‘molini diversifikatsiyalash va qayta tiklanuvchi energiya manbalaridan foydalanishni rivojlantirish” maqsadlari belgilangan.

Yashil energiya tizimini yaratishning asosi QTE rivojlanishi hisoblanadi. Ayniqsa sanoat korxonalarini QTEdan foydalanishini rag‘batlantirish borasida aniq

¹⁵ <https://www.iea.org/reports/uzbekistan-energy-profile>

mexanizmlarni yaratish eng dolzarb vaziflardan hisoblanadi. Energiya asosiy zarurat sifatida inson hayoti sifatini oshirish va/iqtisodiy o‘shishga erishi uchun muhim omil hisoblanadi. Shuning uchun mamlakatlarning rivojlanishi odatda energiya iste’moli bilan bog‘liq. Shuni inobatga olgan holda, QTE manbalari energiyani haddan tashqari iste’mol qilish muammosini hal qiladi. Muqobil energiya tanlovlari atrof-muhitga zarar keltiradigan va QTE shaklida bo‘ladi, shuning uchun vaqt o‘tishi bilan ularni iste’moli oshib, nafaqat O‘zbekiston, balki butun dunyoda kengaytirish bo‘yicha aniq strategiyalar belgilanmoqda. Shuningdek, jahon mamlakatlarida atrof-muhit muammolari va barqaror rivojlanish bilan bog‘liq masalalar asosiy tadqiqot muammolariga aylangan. Olimlar, sanoat korxonalarini menejerlari va amaliyotchilarning asosiy e’tibori ham qayta tiklanuvchi energiyadan samarali foydalanish bo‘yicha ko‘plab iqtisodiy va tashkiliy yechimlar taqdim etmoqdalar.

Shu sababli, O‘zbekiston sanoat korxonalarida QTEni rivojlantirishida korxonalarining ishtirokini kengaytirishga motiv beruvchi omillarni aniqlash va strategik qarorlar qabul qilishiga erishuvchi mexanizmlarni ishlab chiqish borasida aniq taklif va tavsiyalar zarurdir.

ADABIYOTLAR SHARHI

Jahon mamlakatlarida yashil energetika tizimini yaratishga qaratgan ko‘plab tadqiqotlar amalga oshirilgan. Jumladan, <https://scholar.google.com/> ilmiy ma’lumotlar bazasi orqali ingliz tilida “creating a green energy system industry” jumlasini 2018-2023 yilgi filtrlash asosida qidirilganda jami 18 mingdan ortiq ilmiy manbalar aniqlangan. Tadqiqotlarda mamlakatlarning 100% qayta tiklanadigan iqtisodiyotga o‘tishga erishga qaratilgan va mazkur tizimni qo‘llab quvvatlashga qaratilganlari ning eng ommalashganlari hisoblanadi. Jumladan, García-Olivares A., Solé J., Osychenko O. tadqiqotlarida mavjud transport tizimidan 100% qayta tiklanadigan global transportga o‘tishning energiya xarajatlari, shuningdek, yangi qayta tiklanadigan transport sektorining ishlashi uchun zarur bo‘lgan elektr energiyasi bo‘yicha prognozlar amalga oshirilgan.[1] Jacobson, Mark Z., va Mark A. tadqiqotlarida 2030 yilgacha qayta tiklanuvchi energiya ishlab chiqarishni va 2050 yilgacha mavjud energiyani almashtirish taklif etilgan. Maqolada bu boradagi to‘siqlar texnologik yoki iqtisodiy emas, birinchi navbatda ijtimoiy va siyosatda ekanligi asoslangan.[2] García-Olivares A, Ballabrera-Poy J, García-Ladona E, Turiel A. A lar tomonidan energiya iste’molining odatiy eksponensial o‘shishining davom etishiga to‘sqinlik qiluvchi uzoq muddatli resurs cheklovlari prognozlari ishlab chiqilgan.[3] H.Lehmann, M.Nowakowski Archetypes tadqiqotlarida esa Germaniyaning 2050 yilga kelib butunlay qayta tiklanadigan manbalarga asoslangan elektr ta’minotiga o‘tishining texnik va ekologik imkoniyatlarini o‘rganish uchun

uchta tubdan farq qiluvchi ssenariy ishlab chiqilgan.[4] Sgouridis S, Csala D, Bardi U.lar tomonidan yuqori darajada o‘sib borayotgan energiyaga bo‘lgan talabni maqsadli qondirish yo‘llari modellashtirilgan.[5]

Yangi O‘zbekistonda qayta tiklanuvchi energiya manbalarini joriy etish bilan bog‘liq muammolariga bag‘ishlangan ilmiy tadqiqotlar A.E Imamov, E.Z Imamov, X.N. Karimovlar tadqiqotlarida ham o‘rganilgan.[6] D.SH Yavmutov, J.Burxonov, K.Karimovlar tomonidan yashil iqtisodiyotni qo‘llash orqali barqaror o‘shishga erish bo‘yicha xorijiy mamlakatlar tajribasi tahlil qilingan va ularning tajribasidan O‘zbekiston sharoitida foydalanishning ustuvor yo‘nalishlari tadqiq qilingan.[7] O‘zbekistonning global yashil iqtisodiyotga o‘tish jarayonida maqsad qilib belgilab olingan yashil energetika sohasini rivojlantirish va moliyalashtirish ishlari rejasi va kutilayotgan natijasi ko‘rib chiqilgan[8]. A.N.Eshmamadov tadqiqotlarida esa energetikaga oid nazariy qarashlar, davlatning iqtisodiy xavfsizligini ta‘minlashda “yashil” energetika sohasini o‘rni va ahamiyati hamda “yashil” energetikaning istiqbolli yo‘nalishlari bayon etilgan.[9]

Amalga oshirilgan tadqiqot natijalaridan ma‘lum bo‘ladiki, sanoat korxonalarida yashil energiya manbalaridan foydalanish va sanoatda yashil energiyaga o‘tishni rag‘batlantirishga doir ilmiy tadqiqotlar iqtisodiyot yo‘nalishlarida deyarli amalga oshirilmagan.

METODOLOGIYA

O‘zbekiston hukumati tomonidan “yashil energiya tizimini” yaratish va uni qo‘llab quvvatlash bo‘yicha sanoat korxonalariga keng imkoniyatlar yaratib berilayotganligini inobatga olgan holda undan korxonalarining foydalanishga motiv beruvchi omillarni aniqlash talab etiladi. Yuqorida muhokama qilingan ilmiy adabiyotlarning aksariyati yashil energiyaning ko‘proq holatlarda texnologik jihatlarini qamrab oladi va uni rivojlantirish sanoat korxonalarining ishtirokini o‘lchash uchun tegishli metodologik yondashuvlar ham yetarlicha emas.

Yuqoridagilarni inobatga olgan holda sanoatni yashil energiyaga o‘tkazish va davlat tomonidan qo‘llab-quvvatlash, sanoatda QTEni rivojlantirish uchun energiya subsidiyalaridan foydalanish va bunga ko‘proq investitsiyalar kiritilishiga ta‘sir qiluvchi muhim omillarni aniqlash mazkur tadqiqotning asosiy yo‘nalishi hisoblanadi.

Qo‘yilgan asosiy muammoni yechish bo‘yicha jami 6 ta yo‘nalish bo‘yicha omillar o‘rganiladi, ular quyidagilar: yashil energiyaga o‘tish bo‘yicha investitsiya qilishga tayyorlik (U) va unga ta‘sir etuvchi 5 ta mustaqil o‘zgaruvchi: tayyorlik darajasi (F1), xabardorlik darajasi (F2), bilim darajasi (F3), ko‘nikma (qabul qilishga tayyorlik) (F4), ekologik mas‘uliyat darajasi (F5), moyillik darajasi (F5). Ushbu o‘zgaruvchilar ro‘yxati 1-jadvalda keltirilgan va mazkur omillarni aniqlashda sanoat korxonalaridan o‘tkaziladigan so‘rovnoma tuziladi.

1 -jadval

Sanoat korxonalarini yashil energiyaga o‘tishini rag‘batlantiruvchi asosiy omillar va ularning sharhi

Omillar	Belgilanishi	Sharhi	Xususiyati	O‘zgaruvchilar bo‘yicha savollar soni
Tayyorlik darajasi	F1	Sanoat korxonalarini yashil energiyaga o‘tishiga tayyorlik holatini aks ettiruvchi omil	Bog‘liq o‘zgaruvchi	5
Xabardorlik darajasi	F2	Sanoat korxonalarini menejerlarining yashil energiya manbalarining ijtimoiy-iqtisodiy samaradorligi va ulardan foydalanish yo‘llari bo‘yicha yetarlicha xabardorlik darajasi	Mustaqil o‘zgaruvchi	8
Bilim darajasi	F3	Menejerlarning yashil energiya tizimlarini joriy etish bo‘yicha bilim darajasi	Mustaqil o‘zgaruvchi	10
Ko‘nikma (qabul qilishga tayyorlik)	F4	Menejerlarning yashil energiya tizimlarini joriy etishga tayyorligi va o‘ziga xos ko‘nikmalarga egalik darajasi	Mustaqil o‘zgaruvchi	5
Ekologik mas‘uliyat darajasi	F5	Menejerlarning yashil energiya tizimlarini joriy etish hamda ekologik, atrof muhitni asrash bo‘yicha umumiy mas‘uliyat darajasi	Mustaqil o‘zgaruvchi	5
Moyillik darajasi	F6	Menejerlarning yashil energiya tizimlarini joriy etishga bo‘lgan intilishlari va ularning bu boradagi harakatlari	Mustaqil o‘zgaruvchi	5

Sanoat korxonalarini menejerlarining 1-jadvalda belgilab berilgan omillarga bo‘lgan munosabatni aniqlash uchun so‘rovnomadan foydalanish maqsadga muvofiq. Mazkur so‘rovnoma uchun tuziladigan savollar qo‘yilgan maqsadga muvofiq bo‘lishi va auditoriya tomonidan tushunilishi kerakligiga e‘tibor qaratilishi lozim. Ushbu tadqiqotga jalb qilingan barcha o‘zgaruvchilar va elementlar sanoat korxonalarini mutaxassislarining tavsiyasi asosida tadqiqot yo‘nalishlarini aniqlab olish uchun ishlab chiqilgan. Mazkur so‘rovnoma uchun tanlangan savollar sanoat korxonalarini menejerlarini fikrini o‘rganishning 5 balli Likert shkalasi asosida javob formati belgilanadi, bunda 1 “juda rozi emasman” va 5 “juda roziman” ni bildiradi. Ma’lumotlarni yig‘ish sanoat korxonalarini va sanoat sohasini boshqaruvi bilan bog‘liq davlat sektorlarida ishlaydigan xodimlardan elektron pochta hamda “telegram” messenjeri orqali ma’lumotlar olingan (<https://forms.gle/NVMNYh2KB4Pf2pzj9>). Ushbu tadqiqot uchun tanlangan yashirin omillar soni 6 ta va o‘zgaruvchilardan kelib chiqib, eng kamida 300 dan ortiqni tashkil etishi belgilab olingan.

Natijalar

Anketa bo‘yicha tahlillarni amalga oshirish uchun SmartPLS paket dasturiy vositasidan foydalaniladi. Mazkur dastur ko‘p variantlarga asoslangan tizimli tenglama modeli (SEM) uchun grafik interfeys bilan ta’minlangan dasturdir.¹⁶ Mazkur dasturiy vositada bir qator algoritmlar mavjud bo‘lib, ular asosida quyidagi

¹⁶ <https://en.wikipedia.org/wiki/SmartPLS>


modellarni olish mumkin: asosiy PLS-SEM, vaznlangan PLS-SEM (WPLS), muvofiq PLS-SEM (PLSc-SEM) va summalar regressiya algoritmlari.[10]

Dastur standart natijalarni baholash mezonlari (masalan, vizual ko‘rinishga ega korelyatsion modellar va tizimli model, shu jumladan tuzilmaviy modellar (structural model), HTMT mezonini o‘z ichiga olgan modellar, bootstrap asosidagi ahamiyatlilik testi (bootstrap based significance testing), PLSpredict (moslikni maqsadga muvofiqligini aniqlash) va boshqa statistik tahlillarni qo‘llab-quvvatlaydi.[11] SmartPLS dasturi Java tilida dasturlanganligi sababli, uni turli kompyuter operatsion tizimlarda ishlatish mumkinligi ahamiyatlidir.

PLS-SEM algoritmi asosan vazn vektorlari bo‘yicha regressiya modellari tanlangan o‘zgaruvchilarning ta’sir kuchini aniqlashga imkon beradi. SmartPLS shuningdek, tizimli tenglamalar modelini olish va uni sxematik ifodalanish imkonini beradi. PLS-SEM foydalanuvchiga uchta tizimli modelni tortish sxemasini qo‘llash imkonini beradi:

- (1) markazlashtirilgan tortish sxemasi (centroid weighting scheme),
- (2) omillarni tortish sxemasi (factor weighting scheme)
- (3) yo‘lni tortish sxemasi (path weighting scheme).

Biz tanlagan o‘zgaruvchilar miqdoriy emas balki, sifat xususiyatiga ega bo‘lgan shkala miqdorlaridir. Shunga ko‘ra, model olishda yo‘lni tortish sxemasidan (path weighting scheme) foydalanish maqsadga muvofiq. Natijalar muqobil tortish sxemalari uchun juda oz farq qilsa-da, yo‘lni tortish tavsiya etilgan yondashuvdir. Ushbu tortish sxemasi endogen yashirin o‘zgaruvchilar uchun eng yuqori R^2 qiymatini ta’minlaydi va odatda PLS yo‘l modelining barcha turdagi spetsifikatsiyalari va taxminlari uchun qo‘llaniladi. Bundan tashqari, yo‘l modeli yuqori tartibli konstruktsiyalarni (ko‘pincha ikkinchi darajali modellar deb ataladi) Tadqiqotchilar odatda markazlashtirilgan tortish sxemasidan foydalanmasliklari kerak. Sanoat korxonalarining yashil energiyaga o‘tish bilan bog‘liq muammolarini aniqlash uchun qurilgan PLS-SEM modeli 1-rasmda aks etgan.



1-rasm. Sanoat korxonalarining yashil energiyaga o‘tish bilan bog‘liq muammolarini aniqlash uchun qurilgan PLS-SEM modeli

SmartPLS modelidagi yo‘l koeffitsientlari strukturaviy tenglama modelidagi (SEM) yashirin o‘zgaruvchilar o‘rtasidagi munosabatlarning kuchi va yo‘nalishini bildiradi. Olingan natijalar 2-jadvalda ifodalangan. Mazkur model bo‘yicha olingan musbat koeffitsientlar ijobiy munosabatni, manfiy koeffitsientlar esa salbiy munosabatni bildiradi.

2-jadval

Sanoat korxonalarining yashil energiyaga o‘tishga tayyorlik darajasiga ta’sir ko‘rsatuvchi omillarning yo‘l koeffitsientlari

Omillar	Tayyorlik darajasi
Bilim	-0,124
Ekologik mas’uliyat	0,078
Ko’nikma	-0,166
Moyillik	-0,027
Xabardorlik	0,196

Olingan natijalardan ma’lum bo‘ladiki, sanoat korxonalarini menejerlari yashil energiyaga o‘tishga tayyorlik darajasiga ularning bilim va malakasi pastligi, ko‘nikmasi shakllanmaganligi va moyillik omillarning teskari munosabati mavjud. Sanoat korxonalarining yashil energiyaga o‘tishga faqatgina ikkita omilning ahamiyati ijobiy, bular sanoat korxonalarini ekologik mas’uliyat va xabardorlik. Biroq, keltirib o‘tilgan ushbu omillarning ham ta’siri yuqori kuchga ega emas.

Munozara (Discussion);

Olingan natijalardan ma’lum bo‘ladiki, sanoat korxonalarini menejerlari yashil energiyaga o‘tishga tayyorlik darajasiga ularning bilim va malakasi pastligi, ko‘nikmasi shakllanmaganligi va moyillik omillarning teskari munosabati mavjud.

Sanoat korxonalarining yashil energiyaga o‘tishga faqatgina ikkita omilning ahamiyati ijobiy, bular sanoat korxonalari ekologik mas’uliyat va xabardorlik. Biroq, keltirib o‘tilgan ushbu omillarning ham ta’siri yuqori kuchga ega emas.

PLS-SEM modeli asosida olingan natijalarga ko‘ra sanoat mutaxassisleri tomonidan taklif qilingan tadqiqot yo‘nalishlari bilan o‘zaro tekshirildi va ushbu elementlarning namoyon bo‘lishining kuchli, zaif tomonlar, imkoniyatlar va tahdidlar (SWOT) tahlili orqali qo‘shimcha baholangan. Bunda $W_j^i \geq 0,51$ – kuchli tomonlar;

$0 \geq W_j^i \geq 0,51$ -imkoniyatlar;

$-0,51 \geq W_j^i \geq 0$ -kuchsiz tomonlar;

$-1 \geq W_j^i \geq -0,50$ -tahdidlar;

SWOT tahlili omillarning ta’sir darajasiga ko‘ra yashil energiyaga o‘tishdagi kuchli tomonlarni, imkoniyat va tahdidlarni aniqlash imkonini bergan (3-jadval)

3-jadval

Sanoat korxonalarining yashil energiyaga o‘tishga tayyorlik darajasi

Omillar	$W_j^i \geq 0,51$ – kuchli tomonlar	$0 \geq W_j^i \geq 0,51$ - imkoniyatlar	$-0,51 \geq W_j^i \geq 0$ - kuchsiz tomonlar	$-1 \geq W_j^i \geq -0,50$ -tahdidlar
Bilim		F3.1/ F3.2/ F3.3/ F3.6/ F3.7	F3.10/ F3.4/ F3.6 / F3.8/ F3.9	
Ekologik mas’uliyat	F5.2	F5.1/ F5.5	F5.3	F5.4
Ko‘nikma	F4.1	F4.3/ F4.4	F4.5	F4.2
Moyillik	F6.1	F6.4/ F6.5	F6.2/ F6.3	
Xabardorlik	F2.4	F2.3 / F2.5/ F2.6	F2.1 / F2.2/ F2.7 /F2.8	
Tayyorlik darajasi	F1.2/ F1.3	F1.1 / F1.4/ F1.5		

SWOT tahlil natijalariga asoslangan holda quyidagi xulosalarni chiqarish mumkin:

sanoat korxonalarida QTE manbalarining har xil turlari bilan tanish emasligi kuchsiz tomonlardir. Korxonalar O‘zbekiston sharoitida faqat fotoelektrik stansiyalar orqali yashil energetika tizimini shakllantirish mumkin deb, hisoblaydilar. Biroq boshqa manbalar hisoblangan, bio, gidro stansiyalar va ularning imkoniyatlarini yaxshi tushunmaydilar;

korxonalar QTE bilan bog‘liq ekologik manfaatlardan yuqori darajada xabardor emaslar. Agar xabardorlikni oshirish choralari ko‘rilmasa, yashil energiya tizimlarini joriy etish kechikishi mumkin;

kuchsiz tomonidan yana biri sanoat korxonalarida QTEni qabul qilish bilan bog‘liq tejamkorlik aniq ma’lumotlarga ega emasligi hisoblanadi. Agar ilmiy va

tahliliy ma’lumotlarga qaralganda, mazkur tejamkorlikni hisoblab beruvchi analitik vositlar yetarlicha ishlab chiqilmagan. Agar bunday vositalarni ishlab chiqilmasa, yashil energiya tizimlarini joriy etish kechikishi mumkin;

energiya iste’molining kelajakdagi salbiy ta’sirlari haqida ham sanoat korxonalarida aniq ma’lumotlar mavjud emas. Bu esa mas’uliyatni pasaytirishi mumkin va yaqin istiqbolda asosiy tahdidlar sifatida qayd etilishi mumkin;

sanoat korxonalarida QTE bo‘yicha bilimlarni oshirish uchun muntazam seminarlar o‘tkazilmasligi ham kuchsiz tomonlardan hisoblanadi. Korxonalarda QTEga o‘tishning iqtisodiy oqibatlarini, energiya samaradorligiga ijobiy ta’siri bo‘yicha ham korxonalar menejerlarida aniq tushunchalar mavjud emasligi, texnologiyalarini integratsiyalash bo‘yicha strategik rejalar ishlab chiqilmaganligi kuchsiz tomonlardir;

sanoat korxonalarida QTE loyihalariga sarmoya kiritishda faqat tashqi imkoniyatlardan foydalanishga odatlanib qolayotganligi va energiya manbalaridan foydalanishning ekologik oqibatlaridan xabardorlikni pastligi ham asosiy tahdidlar sifatida qayd etish mumkin;

Xulosalar (Conclusions);

Yuqorida amalga oshirilgan tahlillar natijalaridan istiqbolda sanoat korxonalarini Sanoat 4.0 konsepsiyasi doirasida “O‘zbekiston yashil energetika tizimi”ni yaratishning tashkiliy iqtisodiy mexanizmini ishlab chiqish bo‘yicha strategik qarorlar qabul qilish imkoniyati yaratadi. SWOT tahlilidan foydalangan holda o‘tkazilgan tahlillarga asoslanib, ishlab chiqilgan “O‘zbekiston yashil energetika tizimi”ni yaratish vositalari kelgusida mazkur yo‘nalish bilan bog‘liq bo‘lgan muammolarni yechishda foydalanish uchun aniq asoslarga ega ekanligini ko‘rsatadi.

ADABIYOTLAR (REFERENCES)

1. García-Olivares A., Solé J., Osychenko O. Transportation in a 100% renewable energy system //Energy Conversion and Management. – 2018. – T. 158. – C. 266-285.
2. Jacobson MZ, Delucchi MA. Providing all global energy with wind, water, and solar power, Part I: Technologies, energy resources, quantities and areas of infrastructure, and materials. Energy policy. 2011 Mar 1;39(3):1154-69.
3. García-Olivares A, Ballabrera-Poy J, García-Ladona E, Turiel A. A global renewable mix with proven technologies and common materials. Energy policy. 2012 Feb 1;41:561-74.
4. Lehmann H, Nowakowski M. Archetypes of a 100% renewable energies power supply. Energy Procedia. 2014 Jan 1;57:1077-85.

5. Sgouridis S, Csala D, Bardi U. The sower’s way: quantifying the narrowing net-energy pathways to a global energy transition. *Environmental Research Letters*. 2016 Sep 7;11(9):094009.
6. Имамов АЭ, Имамов ЭЗ, Каримов ХН. Янги Ўзбекистонда қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий этиш билан боғлиқ муаммолар. *Science and innovation*. 2022;1(A3):367-72.
7. Явмутов ДШ, Бурхонов Ж, Каримова К. Яшил иқтисодиётни қўллашда хорижий давлатлар тажрибаси ва уни ўзбекистонда жорий қилиш имкониятлари. "Экономика и туризм" международный научно-инновационной журнал. 2023 Jun 19;2(10).
8. Aliqulova N. Yashil energetika samarador loyihalarini moliyalashtirishda tijorat banklarining o‘rni. *Iqtisodiyot va ta’lim*. 2023 Sep 5;24(4):65-70.
9. Eshmamadov AN. Davlatning iqtisodiy xavfsizligini ta’minlashda “yashil” energitika sohasini o‘rni va ahamiyati. *Analysis of world scientific views International Scientific Journal*. 2023 Nov 1;1(8):49-57.
10. Wold, H. (1982). Soft modeling: The basic design and some extensions, in: K. G. Jöreskog and H. Wold (eds.), *Systems under indirect observations: Part II*, North-Holland: Amsterdam, pp. 1-54, pp. 2-3.
11. Ramayah, T., Cheah, J., Chuah, F., Ting, H., and Memon, M. A. (2018). *Partial least squares structural equation modeling (PLS-SEM) using SmartPLS 3.0: An updated and practical guide to statistical analysis (2nd ed.)*, Singapore et al.: Pearson.

O‘ZBEKISTONDA DAVLAT BUDJETI TA’LIM XARAJATLARI VA IQTISODIY O‘SISHNING O‘ZARO BOG‘LIQLIGI MASALALARINING EMPIRIK TAHLILI



<https://doi.org/10.5281/zenodo.10530041>

Fayzulloh Sattoriy

Toshkent Kimyo xalqaro universiteti mustaqil tadqiqotchisi

Email: sattoriy.fayz97@gmail.com

Yaponiya boshqaruv tizimini tahlil qilganda, ko‘pincha asosiy narsa odamlarni boshqarish, Amerika menejmentida esa investitsiyalardan daromad keltirishi kerak bo‘lgan mablag‘larni boshqarish ekanligi ta’kidlanadi. Shunga asoslanib, AQShda “Inson kapitali”ning pragmatik nazariyasi shakllangan bo‘lib, u shaxs kompaniyaning maqsadlariga erishish uchun resurslardan biri ekanligini tan oladi. Undagi har qanday "investitsiyalar" (ish haqi, ijtimoiy ta’minot, malaka oshirish va boshqalar) oxir-oqibat ortib borayotgan foydani to‘lashi kerak. Yaponiya boshqaruv tizimi odamlarning ishdagi xatti-harakatlariga katta ta’sir ko‘rsatadigan "korporativ falsafa" va "tashkiliy madaniyat" ni o‘z ichiga oladi. Ushbu yondashuv shaxsni yaqinroq identifikatsiya qilish uchun zarur shart-sharoitlarni yaratadi. Mashhur amerikalik olimlar T.Piters va R.Uoterman yapon tajribasini tanqidiy mulohaza yuritib, inson resurslarini boshqarishning yangi kontseptsiyasining asosini tashkil etgan quyidagi xulosalarni ishlab chiqdilar:

1. Harakatga yo‘naltirilganlik, yutuqlar va innovatsiyalarga moyillik;
2. Iste’molchining ehtiyojlarini doimiy ravishda qondirish, uning xohish-istaklarini oldindan bilish;
3. Mustaqillik va tadbirkorlikni qo‘llab-quvvatlash, ixlosmandlarni rag‘batlantirish;
4. Insonni mehnat unumdorligi va ishlab chiqarish samaradorligini oshirishning asosiy manbai deb hisoblash;
5. Hayot bilan bog‘lanish, qadriyatlarga yo‘l-yo‘riq;
6. Ishingizga sodiqlik;
7. Oddiy tashkiliy shakl va boshqaruvchilarning kamtarona tarkibi;
8. Harakat erkinligi va bir vaqtning o‘zida qat’iylilik, asosiy qadriyatlarga nisbatan boshqaruvni markazlashtirish va ishchi guruhlarining maksimal avtonomiyasining birgalikda mavjudligi. Boshqa bir amerikalik olim V.Ouchi “Z nazariyasi” asarida inson resurslarini boshqarishning quyidagi tamoyillarini belgilab bergan:

- ishchilarni uzoq muddatga yollash;
- guruh qarorlarini qabul qilish;
- individual javobgarlik;
- xodimlarni baholash va rag‘batlantirish;
- ixtisoslashgan bo‘lmagan martaba;
- xodimlarga har tomonlama g‘amxo‘rlik qilish;
- norasmiy nazorat.

2-Jadval

Boshqaruvni tashkil etishda Amerika va Yaponiya yondashuvlarining qiyosiy tavsiflari.

Yaponiya tashkiloti	Amerika tashkiloti
Umr bo‘yi bandlik	Qisqa muddatli ijara
Asta-sekin, sekin baholash va targ‘ib qilish	Tez baholash va rag‘batlantirish
Ixtisoslashgan bo‘lmagan faoliyat	Ixtisoslashgan faoliyat
Norasmiy qattiq nazorat mexanizmlari	Rasmiy, miqdoriy nazorat mexanizmlari
Birgalikda qaror qabul qilish	Shaxsiy qaror qabul qilish
Kollektiv javobgarlik	Individual javobgarlik
Inson omiliga e‘tibor kuchaygan	Inson omillariga ikkinchi darajali e‘tibor

Yigirmanchi asrning 20-30-yillarida Sovet O‘zbekistonida mehnat ishtiyoqi kabi sotsialistik hodisa shakllandi. Ushbu turdagi mehnat munosabatlari umumiy manfaatlar uchun jadal kollektiv mehnatda, ijtimoiy hamjamiyat tuyg‘usini rivojlantirishda namoyon bo‘ldi. Ammo asta-sekin iqtisodiy munosabatlarni tinch yo‘l bilan o‘zgartirish Ikkinchi jahon urushi va milliy iqtisodiyotni tiklashning og‘ir yillari bilan to‘xtatildi, bunda davlatdagi o‘ta inqirozli vaziyatlarni hisobga olgan holda favqulodda va direktiv-majburiy boshqaruv choralari qo‘llanildi.

Keyingi bosqich - insonni boshqarishning ma‘muriy-buyruqbozlik, tashkiliy va iqtisodiy tizimining o‘zgarishi 50-60-yillarda sodir bo‘ldi. Stalin vafotidan keyin va KPSS XX qurultoyida davlat rahbari tomonidan taklif qilingan chora-tadbirlar qatorida N.S. Xrushchevning so‘zlariga ko‘ra, Sovet iqtisodiyotini keskin yuksaltirish uchun mikro va makro darajada boshqaruv tizimini takomillashtirish, ko‘paytirish markaziy o‘rinni egalladi.

Ishlab chiqarish samaradorligi, korxonalar direktorlarining huquqlari va mustaqilligi kengaytirildi. Shuningdek, direktiv ko‘rsatkichlar sonini cheklovchi yangi rejalashtirish tartibi joriy etildi hamda yuqori tashkilotlar, shuningdek, boshqaruv apparati uchun hisobot berish qisqartirildi.

Keyinchalik N.S. Xrushchev, hukumatni A.N. Kosigin tomonidan 1965-yil sentabr oyida iqtisodiyotni boshqarish tizimini takomillashtirish bo‘yicha islohotlar o‘tkazish to‘g‘risida qaror qabul qilindi va bir qator muhim hukumat qarorlari qabul

qilindi. Masalan, bu "Rejalashtirishni takomillashtirish va iqtisodiy rag‘batlantirishni kuchaytirish to‘g‘risida", "Sotsialistik davlat ishlab chiqarish korxonasi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash to‘g‘risida" va boshqalar. Mehnatga haq to‘lash tizimini takomillashtirish Sovet korxonalarining kadrlar siyosati uchun muhim ahamiyatga ega edi. Shu maqsadda iqtisodiy rag‘batlantirish fondlari: moddiy rag‘batlantirish fondi, ijtimoiy-madaniy tadbirlar va uy-joy qurilishi fondi, ishlab chiqarishni rivojlantirish fondi shakllantirildi. Ammo amalda iqtisodiy islohotlarning maqsadlariga qisman erishildi. Masalan, muvaffaqiyatsizliklarning jiddiy sabablaridan biri ish haqi fondini yalpi mahsulot hajmidan kelib chiqib rejalashtirishning tenglashtirish tamoyilining saqlanib qolganligi edi. Ushbu tizim xodimlar sonining qisqarishi ish haqi fondini avtomatik ravishda qisqartirishiga olib keldi.

70-yillarning oxiri va 80-yillarning boshlarida yangi iqtisodiy islohot uchun katta umidlar bor edi. Ammo sovet davlati hokimiyatining eng yuqori pog‘onasidagi konservatizm va "turg‘unlik" mamlakatdagi ijtimoiy-iqtisodiy vaziyatni yomonlashtirdi va rejalashtirilgan islohotlarni amalga oshirish uchun sharoit yaratmadi. Sovet davridagi ishlab chiqarish tizimida insonni boshqarishning tashkiliy-iqtisodiy kontseptsiyasining asosiy tamoyillari quyidagilardan iborat edi:

- 1) mehnatni tashkil etish va rag‘batlantirishning g‘oyaviy asoslari, asosiylari - sotsialistik raqobat, Staxanov harakati va kommunistik brigadalar;
- 2) ishlab chiqarish sohasidagi ishchilarning xatti-harakatlarini tartibga soluvchi sovet mehnat qonunchiligida mustahkamlangan intizomiy nazorat;
- 3) rasmiy xulq-atvorning ijtimoiy normalarini ishlab chiqish, asosiy xo‘jalik yurituvchi sub’ektlar o‘rtasida hokimiyatni qat’iy taqsimlash;
- 4) kadrlarni tanlash va joylashtirishning ma’muriy usullari;
- 5) "hujum", "shoshilinch" prinsipiga olib keladigan barcha rejalarning yo‘naltirilganligi;
- 6) ijodkorlik va tashabbusni cheklab qo‘ygan, jamiyat mehnat resurslarini rivojlantirishga to‘sqinlik qilgan sovet iqtisodiyotining zaif innovatsion tadbirkorligi.

1986-yilda M. Gorbachyov boshlagan “qayta qurish” yangi inqilobga turtki bo‘lib xizmat qildi, buning natijasida (birozdan keyin) mulkchilik shakllari va siyosiy rejim tubdan o‘zgardi. Barcha yirik institutlar vayron bo‘ldi va "SSSR" deb nomlangan davlatning o‘zi quladi. Bir iqtisodiy tizimning boshqasiga aylanishi iqtisodiyot va butun jamiyatning alohida, o‘tish davri holatini keltirib chiqardi. O‘tish jarayonlarining davomiyligi va intensivligi mamlakatimizda tarixning o‘ziga xosligi, milliy-madaniy xususiyatlari, ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanish darajasiga qarab turlicha sodir bo‘ldi.

1990-yillarning oxirlarida O‘zbekistonda shakllangan bozor iqtisodiyotiga o‘tishning obyektiv old shartlari odatda noqulay edi. Bular: - iqtisodiyotni milliy lashtirishning juda yuqori darajasi, ishlab chiqarishning o‘ta monopollashuvi;

- ishlab chiqarishning ustun qismining raqobatbardoshligi;
- O‘zbekistonning alohida mintaqalarining notekis ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishi;
- iqtisodiy hayotning yuqori darajada kriminallasuvi va korrupsiyaning o‘sishi va boshqalar.

Bularning barchasi tabiatan subyektiv omillar bilan og‘irlashdi:

O‘zbekistonda sotsialistik iqtisodiyotdan bozor iqtisodiyotiga o‘tish jarayonining asosiy xususiyati shundan iboratki, mulkiy munosabatlardagi tub o‘zgarishlar, milliy iqtisodiyotni qayta qurish va bozor infratuzilmasini yaratish bir qator inqirozlarning kombinatsiyasi bilan birga keldi. (inflyatsiya, to‘lov, ma’naviy va umuman, tizimli)

Ikkinchisi, birinchi navbatda, barcha darajadagi davlat organlarining mamlakatdagi ijtimoiy-iqtisodiy va siyosiy vaziyatni tartibga solish qobiliyatini yo‘qotishi bilan tavsiflanadi.

Bozor bosqichiga zamonaviy o‘tishning boshida, tashkilotlar "xodimlarni boshqarish" kontseptsiyasini amalda qo‘llashning “ibtidoiy” jarayonida, xodimni tashkiliy tuzilmaning elementi va mehnat munosabatlari subyekti sifatida ko‘rib chiqqan edi.

Yangi Mehnat kodeksi xodimlarni ijtimoiy va mehnat munosabatlarining subyektlari sifatida ko‘rib chiqishga majbur qildi, ammo uning talablari ish beruvchilar va xodimlar o‘rtasidagi o‘zaro munosabatlar amaliyotiga katta qiyinchiliklar bilan tatbiq etildi. Faol “qayta qurish” boshlanganidan beri (1991 va undan keyin) ko‘pchilik mahalliy korxonalarda mehnatni boshqarish insoniylashuv jarayonlarini boshdan kechirdi.

3-Jadval

O‘zbekistonda xodimlarni boshqarish evolyutsiyasining asosiy bosqichlari

Bosqich nomi	Yillar	Boshqaruv ustuvorliklari
Buyruq va ma’muriy	1917-1960-yillar	Intizomiy
Tashkiliy va iqtisodiy	1960-1980-yillar	Mehnatni moddiy va ma’naviy rag‘batlantirish
Zamonaviy (bozorga o‘tish)	90-yillar	Ijtimoiy sheriklik elementlari bilan ma’muriy boshqaruv

O‘zbekistonlik olimlar tomonidan olib borilgan tadqiqotlar shuni ko‘rsatadiki, mahalliy korxonalarda aholi daromadlarining pasayishi, mehnatga iqtisodiy adolatli narxning yo‘qligi, zaif ijtimoiy himoya, mehnat sohasidagi qonunchilik bazasining

nomukammalligi natijasida yuzaga kelgan ijtimoiy keskinlik o‘sib bordi va ijtimoiy-mehnat munosabatlari, yangi bozor sharoitlariga moslashishning salbiy shakllarining namoyon bo‘lishi (jinoatchilikning kuchayishi, qiymat yo‘nalishlarining inqirozi, shaxsiy maqsadlarning noaniqligi va noaniqligi va boshqalar) - mehnatning begonalashuvi kuchaydi. Bundan tashqari, begonalashtirish ham davlat, ham tijorat korxonalarida keskin namoyon bo‘ldi.

Xulosa va natijalar

1999-yilda mamlakatimizdaga o‘rganishlarda respondentlarning ko‘pchiligi (80%) o‘z ishlarining mazmuniga ta’sir qila olmasligiga ishonishgan. Faqat 8% o‘zini mehnatni tashkil etishni tartibga solishga qodir deb hisoblaganligi kuzatilgan.

Xulosa shundan iboratki, eng salohiyatli, iqtidorli, lavozim majburiyatlarini vijdonan amalga oshiradigan davlat xizmatchilarini lavozim pog‘onasida ko‘tarish bo‘yicha qo‘llaniladigan Karyera modeli hamda Davlat fuqarolik xizmatchilari faoliyati samaradorligini baholashning o‘lchanadigan indikatorlari (eng muhim ko‘rsatkichlari) tizimini joriy etish bo‘yicha kadrlar xizmati rahbarlari tomonidan amalga oshirilishi muhim ahamiyat kasb etadi.

Shuningdek, umumiy va xususiy inson salohiyatini shakllantirish mexanizmlari etarli darajada ishlab chiqilsa, inson kapitali va resurslari darajasi o‘ssa, tashkilotning raqobatbardoshligi ortadi.

Zamonaviy iqtisodiyotda xodimlardan nafaqat nazariy bilimlar, katta ma’lumotlar bilan ishlash va dasturlashtirish ko‘nikmalarini, balki ijodiy va tahliliy fikrlashni, kommunikativ ko‘nikmalar va noaniqlik sharoitlarida ishlay olish qobiliyatini ham talab qiladi.

Pirovard natija, zamonaviy innovatsion davlat boshqaruvi va iqtisodiyotning raqobatbardoshligi ko‘p jihatdan professional kadrlar sifati, ularning ijtimoiylashuvi va hamkorligi zamonaviy axborot texnologiyalarni joriy etish darajasi bilan belgilanadi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR (REFERENCES)

1. Алавердов А.Р. Управление человеческими ресурсами организации: учебник / А.Р. Алавердов. – 2-е изд., перераб. я доп. – М.: Московский финансово-промышленный университет «Синергия», 2012. – 656 с.
2. Армстронг, М. Практика управления человеческими ресурсами / М. Армстронг. – 10-е изд. – СПб.: Питер, 2010. – 848 с.
3. Десслер, Г. Управление персоналом / Г. Десслер. – М.: Издательство «Лаборатория знаний», 2015. – 802 с. URL: <https://e.lanbook.com/reader/book/84198/#24>

4. Mirolimov M Econometric assessment and forecasting of unemployment level in tashkent region./ *TDIU World Economics and Finance Bulletin*, 29, 26-31. Retrieved from <https://www.scholarexpress.net/index.php/wefb/article/view/3496>
5. Джой-Меттюз, Д. Развитие человеческих ресурсов / Д. Джой-Меттюз. – М.: Эксмо, 2006. – 432 с.
6. Егоршин, А. П. Основы управления персоналом: учебное пособие / А. П. Егоршин. – М.: НИС ИНФРА-М, 2015. – 352 с. – URL: <http://znanium.com/bookread2.php?book=445836>.
7. Карташова, Л.В. Управление человеческими ресурсами: учебник / Л.В. Карташова – М.: ИНФРА-М, 2017. – 235 с. – URL: <http://znanium.com/bookread2.php?book=648501#>
8. Соломандина, Т.О. Организационная культура компании: учебное пособие / Т.О. Соломанидина. – М.: НИС ИНФРА-М, 2015. – 624 с. – URL: <http://znanium.com/bookread2.php?book=473927>.
9. Терентьева Т.А. Подбор персонала: практические инструменты и приемы / Т.А. Терентьева. – М.: Эксмо, 2010. – 400 с.
10. Трудовой кодекс Российской Федерации от 11.10.2018.
11. URL: <http://hh.ru>
12. URL: <http://hr-life.ru/hrm/main>
13. URL: <http://psyfactor.org/lybr31.htm>

ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ САМАРАЛИ ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ СТАТИСТИК КЎРСАТКИЧЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ



<https://doi.org/10.5281/zenodo.10532211>

Ахмедова Мавлуда Шавкатовна

ТДИУ “Статистика” кафедраси д.в.в.б., PhD.

axmedovamavluda25@gmail.com

Аннотация: Ушбу мақолада фермер хўжалиklarининг ўрни, уларнинг фаолияти, иқтисодий-иқтисодий қўшадиған ҳиссаси, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришининг иқтисодий-статистик таҳлили ва истиқболдаги йўналишлари ёритиб берилган.

Калим сўзлар: қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, фермер хўжаликлари, кооперация, деҳқон хўжалиги, озиқ-овқат, чорвачилик.

ОСНОВНЫЕ СТАТИСТИЧЕСКИЕ ПОКАЗАТЕЛИ ЭФФЕКТИВНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ХОЗЯЙСТВ И ИХ АНАЛИЗ

Ахмедова Мавлуда Шавкатовна -

ТГЭУ PhD., в.в.д.д. кафедры “Статистики”

Аннотация: В данной статье описывается роль фермерских хозяйств, их деятельность, их вклад в экономику, экономико-статистический анализ сельскохозяйственного производства и будущие тенденции.

Основные понятия: сельскохозяйственная продукция, фермы, кооперация, земледелие, продукты питания, животноводство.

MAIN STATISTICAL INDICATORS OF EFFECTIVE ACTIVITY OF ECONOMIES AND THEIR ANALYSIS

Akhmedova Mavluda Shavkatovna

PhD., v.v.d.d. Department of “Statistics”, TSUE

Abstract: This article describes the role of farms, their activities, their contribution to the economy, economic and statistical analysis of agricultural production and future trends.

Basic concepts: agricultural products, farms, cooperation, agriculture, food, livestock.

Кириш. Жаҳонда рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг беқарорлиги, глобал миқёсда озиқ-овқат тақчиллигининг кучайиши аҳолини меъёр даражасида хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда фермер хўжаликлари фаолиятини янада ривожлантириш ҳамда самарадорлигини ошириш заруратини кучайтирмоқда. 2019-2028 йиллар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси томонидан БМТ Оилавий фермер хўжаликлари ўн йиллиги деб эълон қилинди ва барча давлатларга оилавий фермер хўжалиklarини ривожлантириш соҳасида илғор тажриба ва амалиёт билан ўзаро алмашган ҳолда давлат сиёсатини ишлаб чиқиш, такомиллаштириш ва амалга ошириш бўйича тавсиялар берилди”¹⁹. Шу нуқтаи назардан, фермер хўжаликлари фаолияти самарадорлигини ошириш бугунги кундаги долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги кунда жаҳонда ер-сув ресурслари чекланганлиги шароитида фермер хўжаликлари ишлаб чиқариш фаолиятининг барқарор ривожланишини таъминлаш, иқтисодий ресурслар салоҳиятидан тўлиқ ва самарали фойдаланишга қаратилган тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада саноат тармоқларига узлуксиз хомашё етказиб бериш, қишлоқ хўжалигида бандликни оптималлаштириш орқали ишчи кучини бошқа тармоқларга жалб этиш, тармоқ ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш орқали аҳоли турмуш даражаси ва фаровонлигини янада юксалтириш, глобал ўзгаришлар шароитида фермер хўжаликлари иқтисодий фаолиятини ривожланишда эконометрик моделларнинг янги авлодини яратиш йўналишидаги тадқиқотлар устувор даражада бажарилмоқда.

Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, жумладан аграр соҳани модернизациялаш, янги техника ва технологияларни кенг татбиқ этиш билан бирга қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш таркибини оптималлаштириш бўйича кенг қамровли тадбирлар амалга оширилмоқда. “Бугунги кучли рақобат шароитида қишлоқ хўжалиги тизимида ҳам янгича ёндашув, инновациялар ва илғор ишланмаларни, интенсив ва ресурс тежайдиган технологияларни изчил татбиқ этишни замоннинг ўзи тақозо этмоқда. ...Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегияси соҳада ислохотларни янада чуқурлаштириш ва инновацион технологияларни қўллаш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, аҳолига сифатли маҳсулотлар етказиб бериш, экспорт географиясини кенгайтиришдек устувор масалаларда дастуриламал сифатида хизмат қилмоқда”²⁰.

¹⁹ Страны региона разрабатывают планы развития семейных фермерских хозяйств. - <https://www.fao.org/europe/news/detail-news/ru/c/1439358/>

²⁰ Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ходимларига. - <https://xs.uz/uzkr/post/ozbekiston-qishloq-khozhaligi-khodimlariga-3>

Асосий қисм. Бозор иқтисодиёти шароитида фермер хўжалиги самарали ишлаши учун чекланган ресурслардан оқилона фойдаланиш орқали юқори натижага эришишга ҳаракат қилинади.

Аммо бу самара, яъни ҳосилдорликнинг ва маҳсулдорликнинг ошиши бу тадбирларнинг қанчалик фойдалилигини кўрсатмайди. Ўғит ва ем-хашаклардан фойдаланиш билан боғлиқ харажатларнинг қопланганлик даражаси шу харажатлар билан олинган натижа даромад билан таққослангандагина маълум бўлади. Ўғит ва ем-хашакдан фойдаланиш натижасида экинлар ҳосилдорлиги, чорва молларининг маҳсулдорлигининг ошиши бу тадбирнинг техник самарадорлигини ифода қилса, тадбирни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар билан бунинг натижасида олинган даромадни таққослаш иқтисодий самарадорликни ифодалайди.

Иқтисодий самарадорлик ишлаб чиқариш воситалари ва жонли меҳнатни қўллаш орқали олинган фойдали натижани ёки жами ресурслар бирлигига олинган натижани ифода этади. Ҳар қандай фаолият ва ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги хўжаликни, шу жумладан, фермер хўжаликлари даромадини орттиради, ижтимоий харажатларни яхшилашга олиб келади. Бу жараён нафақат корхоналарга манфаатли, давлатга ҳам фойдалидир. У ёки бу тадбирга баҳо беришда ёки унинг ўлчамларини аниқлашда иқтисодий самарадорлик мезонини билиш керак²¹.

Фермер хўжаликларини ривожлантиришда унинг фаолиятига баҳо бермасдан иқтисодий самарадорлигини таъминлаб бўлмайди. Иқтисодий самарадорликнинг асосий мезони тўла ва аниқ жараён ҳамда ишлаб чиқаришни ҳисоб-китоб қилишдан иборат. Фермер хўжалигининг ялпи даромади етиштирилган маҳсулотни пулдаги ифодаси бўлиб, йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Бу хўжалик фаолияти ижобий йўналишда бораётганлигини кўрсатади. Шунинг учун хўжалик фаолиятига таъсир этувчи ҳар бир омил ҳаракатини ифода этувчи ўзига хос кўрсаткичларни билиш керак. Фермер хўжаликлари иқтисодий самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишларини комплекс таҳлил қилиш ва ишончли хулосалар чиқариш, тўғри қарорлар қабул қилиш имконини беради.

Фермер хўжалиги фаолияти ва ишлаб чиқаришига биологик жараён ва иқлим шароитлари турлича таъсир этади. Фермер хўжаликлари бир хил меҳнат сарф қилинган ҳолда турли шаклларда ва турли йилларда турли натижаларга эришиши мумкин. Фермер хўжаликлари фаолиятига баҳо

²¹ Г.В.Савицкая «Анализ производственно-финансовой деятельности сельскохозяйственных предприятий», М.: ИНФРА, 2013

беришда ҳамма кўрсаткичларни икки гуруҳга: натура ва қиймат кўрсаткичларига бўлиш мумкин. Натура кўрсаткичлари иқтисодий самарадорликни бевосита ифода қилмасда, бу кўрсаткичларсиз тадбирга тўла баҳо бериб бўлмайди. Чунки натура кўрсаткичлари жараённинг интенсивлигини ифодалайди.

Қишлоқ хўжалигида ер асосий восита бўлганлиги, инсон уни хоҳлаганича кўпайтира олмаслиги боис, бу қишлоқ хўжалигини ривожлантиришни интенсив бўлишини зарурият қилиб кўяди. Шунинг учун 1 гектар ердан олинган маҳсулот, яъни ҳосилни, чорва маҳсулдорлигини ошириш, ҳар бир фермер хўжалигининг асосий вазифаси ҳисобланади. Фермер хўжалигида олинган маҳсулот ва даромад турли ишлаб чиқариш омилларининг ўзаро интеграл (функционал) алоқаси натижаси бўлганлиги учун қиймат кўрсаткичларидан фойдаланилади.

Тошкент вилояти бўйича 2020 йилда ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, жумладан ундаги фермер хўжаликларининг улушини таҳлил қилайлик.

Тошкент вилоятида 2021 йилнинг январь-декабрь ойларида ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) умумий ҳажми 25814,6 млрд. сўмни, шу жумладан, деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ҳамда ушбу соҳаларда кўрсатилган хизматлар ҳажми 24351,7 млрд. сўмни (101,8 %), ўрмончилик хўжаликларида 884,6 млрд. сўмни (101,9 %), балиқчилик хўжаликларида 116,2 млрд. сўмни (117,2 %) ташкил қилди²².

Хусусан, юқори ўсиш суръатлари Қуйичирчиқ (107,6 %), Пискент (105,2 %) Бўстонлик (103,4 %), Бўка (102,9 %), Бекобод (102,8 %) туманларида кузатилди. Бунга қарама-қарши равишда Чиноз (100,1) ва Ўртачирчиқ (100,2%) туманларида паст ўсиш суръатлари билан яқунланди. Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулотларининг (хизматлари)нинг катта ҳажми Паркент туманида - 2185,0 млрд. сўмни ташкил этиб, ҳудудлар бўйича юқори кўрсаткични ташкил қилди. Бўстонлик ва Қибрай туманларида мос равишда 2103,2 млрд. сўм ва 2096,9 млрд. сўм кузатилди. Энг кам ҳажми Олмалиқ (63,8 млрд. сўм) ва Янгийўл (29,5 млрд. сўм) шаҳарларида қайд этилди. Вилоятнинг қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулотлари (хизматлари)нинг умумий ҳажмида Паркент туманининг улуши 8,5 %ни ташкил этиб, ҳудудлар бўйича юқори кўрсаткични ташкил қилди. Бўстонлик - 8,2 %, Қибрай - 8,1%, Бекобод - 8,0 % ва Зангиота - 7,9 % туманлари кейинги ўринларни эгаллади. Энг кам улуш Янгийўл (0,1 %),

²² Тошкент вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

Олмалиқ (0,2%), Нурафшон (0,3 %) ва Оҳангарон (0,3 %) шаҳарларида қайд этилди.

2021 йилнинг январь-декабрь ойларида ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмининг ўсиши 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 101,8 %ни, шу жумладан, деҳқончилик маҳсулотлари 101,3 %ни, чорвачилик маҳсулотлари 102,2 %ни ташкил қилди. 2020 йилнинг январь-декабрь ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 567,0 минг тонна дон экинлари ишлаб чиқарилиб, шундан 333,0 минг тоннасини буғдой ташкил қилди. Бундан ташқари, барча тоифадаги хўжаликларда 1453,3 тонна пилла етиштирилди. Шунингдек, барча тоифадаги хўжаликларда 367,1 минг тонна картошка қазиб олинди (2019 йилга нисбатан 100,1 %ни ташкил этди), 1067,0 минг тонна сабзавот (100,1 %) йиғиб олинди, 59,8 минг тонна полиз экинлари (101,2 %), 131,0 минг тонна мева ва резаворлар (100,1 %) ва 115,4 минг тонна узум (103,6 %) етиштирилди. Худудлар кесимида йиғиб олинган дон ҳосили таҳлил қилинганда, юқори кўрсаткичлар Бекобод (69,1 минг тонна), Ўртачирчиқ (63,4 минг тонна) ва Оққўрғон (63,1 минг тонна) туманларида, аксинча паст кўрсаткич Тошкент туманида (8,4 минг тонна) кузатилди. Қазиб олинган картошканинг юқори кўрсаткичлари Бўстонлик (63739,3 тонна), Зангиота (35964,0 тонна), Пискент (35264,5 тонна) туманларида, аксинча паст кўрсаткичлар Оҳангарон (543,0 тонна), Олмалиқ (244,0 тонна) ва Янгийўл (175,0 тонна) шаҳарларида қайд этилди. Етиштирилган сабзавот экинларининг юқори кўрсаткичлари Бекобод (134,2 минг тонна), Тошкент (123,1 минг тонна) ва Зангиота (115,1 минг тонна) туманларида ташкил этган бўлиб, паст кўрсаткичлар Янгийўл (0,6 минг тонна), Олмалиқ (1,3 минг тонна) ва Оҳангарон (1,5 минг тонна) шаҳарларига тўғри келди. Полиз экинлари етиштириш худудлар кесимида юқори кўрсаткич Бекобод (27077,1 тонна), Янгийўл (7569,5 тонна) ва Паркент (4496,0 тонна) туманларида кузатилди. Аксинча паст кўрсаткич Олмалиқ (0,0 тонна), Оҳангарон (0,0 тонна) ва Ангрен (18,0 тонна) шаҳарларига тўғри келди. Энг кўп мевалар ва резаворлар етиштириш Паркент (19548,2 тонна), Янгийўл (13915,3 тонна) ва Бўстонлик (13737,6 тонна) туманларида кузатилиб, аксинча паст кўрсаткичлар Янгийўл (255,0 тонна) ва Оҳангарон (256,0 тонна) шаҳарларига тўғри келди. Узум етиштириш бўйича энг юқори кўрсаткич Паркент (77948,6 тонна), Бўстонлик (6728,0 тонна) ва Тошкент (6696,3 тонна) туманларида, энг паст кўрсаткичлар Оҳангарон (74,0 тонна) ва Олмалиқ (90,0 тонна) шаҳарларида кузатилди.

2022 йилнинг 1 январь ҳолатига ўтган йилнинг шу даврига нисбатан йирик шохли қорамоллар 101,8 %га (жами 931,4 минг бошни ташкил қилди), шу жумладан сигирлар 101,3 %га (405,4 минг бош), қўй ва эчкилар 102,6 %га (1060,3 минг бош), отлар 100,8 %га (55,3 бош), паррандалар 101,1 %га (17,2 млн. бошга) кўпайди. Барча ҳудудларда чорвачилик маҳсулотлари (гўшт, сут, тухум) ишлаб чиқаришнинг ўсиши асосан деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳисобига бўлиб, гўшт ишлаб чиқариш умумий ҳажмида уларнинг улуши 81,0 %ни, сут ишлаб чиқаришда 95,3 %ни, тухум ишлаб чиқаришда 56,8 %ни ташкил этди. Энг кўп қўй ва эчкилар Оҳангарон (225,5 минг бош), Бўстонлиқ (181,2 минг бош) ва Паркент (110,1 минг бош) туманларида бўлса, аксинча паст кўрсаткичлар Янгийўл (1,3 минг бош) ва Нурафшон (3,3 минг бош) шаҳарларида ҳамда Қуйичирчиқ (17,1 минг бош) туманига тўғри келди. Паррандалар сони бўйича энг юқори кўрсаткич Қибрай (2550,6 минг бош), Зангиота (2206,7 минг бош), Бўстонлиқ (2199,1 минг бош) ва Ўртачирчиқ (1688,9 минг бош) туманларида бўлса, аксинча паст кўрсаткич Янгийўл (8,7 минг бош) ва Олмалиқ (18,2 минг бош) шаҳарлари ҳамда Паркент туманида (305,4 минг бош) кузатилди (1-жадвал).

1-жадвал

2022 йил 1 январь ҳолатига фермер хўжаликларидаги чорва моллари ва паррандалар бош сони*

	минг бош	Ўсиш суръати,% да
Йирик шохли қорамол	81,8	106,9
Улардан сигирлар	26,7	98,6
Қўй ва эчкилар	305,6	106,7
Отлар	9,4	103,9
Паррандалар	639,9	126,4

*Манба: Тошкент вилояти статистика бошқармаси маълумотлари

Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликларида йирик шохли қорамолларнинг улуши 86,8 %ни, фермер хўжаликларида эса 8,8 %ни, шу жумладан, сигирлар мос равишда 89,9 %ни ва 6,6 %ни, қўй ва эчкилар 65,1 %ни ва 28,8 %ни, отлар 78,1 %ни ва 17,0 %ни, паррандалар 58,0 %ни ва 3,7 %ни ташкил этди. 2020 йилнинг январь-декабрь ойларида барча тоифадаги хўжаликларда тирик вазн ҳисобида 273,7 минг тонна гўшт (2019 йилнинг январь-декабрига нисбатан 2,5 %га кўп), 939,2 минг тонна сут (2,1 %га кўп), 1503,9 млн. дона тухум (0,1 % га кўп) ишлаб чиқарилган. Йирик шохли қорамоллар ҳудудлар кесимида таҳлил қилинганда, энг юқори кўрсаткич Бўстонлиқ (108,2 минг бош), Бекобод (81,4 минг бош) ва Бўка (71,9 минг бош) туманларида, аксинча паст кўрсаткич Янгийўл (1,2 минг бош), Оҳангарон

(3,2 минг бош) ҳамда Нурафшон (3,4 минг бош) шаҳарларида кузатилди. Шу жумладан, сигирлар энг юқори кўрсаткич Бекобод (34,5 минг бош) ва Бўка (34,5 минг бош) туманларига, аксинча паст кўрсаткич Янгийўл (0,8 минг бош) ва Чирчиқ шаҳарларига (1,5 минг бош) тўғри келди.

2-жадвал

2021 йилнинг январь-декабрь ойларида вилоят фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган чорвачилик маҳсулотлари*

	миқдори	ўсиш суръати,% да
Гўшт (тирик вазнда), минг т.	9,0	101,1
Сут, минг т.	52,9	99,3
Тухум, млн.дона	15,9	73,8

* Манба: Тошкент вилояти статистика бошқармаси маълумотлари

2021 йилнинг январь-декабрь ойларида гўшт ишлаб чиқариш худудлар кесимида таҳлил қилинганда, энг кўп ишлаб чиқарган худудлар Пискент (26,5 минг тонна), Қибрай (26,1 минг тонна) ва Бўстонлик (25,2 минг тонна) туманлари бўлса, Янгийўл (0,4 минг тонна), Нурафшон (0,5 минг тонна) ва Оҳангарон (0,6 минг тонна) шаҳарларида эса кам ишлаб чиқарилган. Бўстонлик (101,2 минг тонна), Юқоричирчиқ (90,1 минг тонна), Бекобод (81,6 минг тонна) ва Паркент (63,8 минг тонна) туманлари сут ишлаб чиқариш бўйича юқори кўрсаткичлардан ўрин олган бўлса, аксинча Янгийўл (1,5 минг тонна) ва Нурафшон (3,3 минг тонна) шаҳарлари сут ишлаб чиқариш бўйича нисбатан паст кўрсаткичлардан ўрин эгаллади (2-жадвал). Вилоятда тухум ишлаб чиқариш бўйича 2020 йилнинг январь-декабрь ойларида энг юқори кўрсаткич Қибрай (277,2 млн. дона), Зангиота (236,0 млн. дона) ва Юқоричирчиқ (147,2 млн. дона) туманларида, аксинча паст кўрсаткич Янгийўл (0,9 млн. дона), Нурафшон (1,1 млн. дона) Олмалиқ (1,5 млн. дона) ва Ангрен (3,9 млн. дона) шаҳарларида кузатилди.

3-жадвал

2021 йилнинг январь-декабрь ойларида фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари*

	Январь-декабрь				2019 йил январь-декабрга нисбатан % хисобида
	2019 йил		2020 йил		
	тонна	Ишлаб чиқариш умумий хажмидаги улуши,%	тонна	Ишлаб чиқариш умумий хажмидаги улуши,%	
Дон	478777,0	83,8	381526,0	67,3	79,7
Картошка	35028,0	9,6	31246,0	8,5	89,2
Сабзавот	157964,0	14,8	139392,0	13,1	88,2

Полиз	12029,0	20,4	12117,0	20,3	100,7
Мева ва резаворлар	49247,0	37,6	48457,0	37,0	98,4
Узум	57052,0	51,2	56724,0	49,2	99,4
Гўшт, тирик вазнда	8950,0	3,4	9044,0	3,3	101,0
Сут	53264,0	5,8	52909,0	5,6	99,3
Тухум, млн.дона	21519,0	1,4	15889,0	1,1	73,8
Жун	309,0	17,4	354,4	19,8	114,7
Пахта	150120,0	73,1	136 004,2	56,7	90,6
Пилла	881,8	75,4	707,5	48,7	80,2

* Тошкент вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф
ишланмаси

2021 йилнинг январь-декабрь ойларида фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 3782,2 млрд. сўмни ташкил қилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмида фермер хўжалиklarининг улуши 17,1 %ни ташкил этди. 2022 йилнинг 1 январь ҳолатига фермер хўжаликларида 81,8 минг бош йирик шохли қорамол, шу жумладан, 26,7 минг бош сигир, 305,6 минг бош қўй ва эчкилар, 9,4 бош от, 639,7 минг бош паррандалар мавжудлиги тасдиғини топди (3-жадвал).

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.

Олиб борилган таҳлиллар кўрсатадики, республиканинг барча ҳудудларида ер участкалари миқдори бўйича фермер хўжаликлари мавжуд. Бу фермер хўжалиklarининг ривожланиши асосан ҳудудларнинг иқлим, ер сувлари, иқтисодий ва бошқа шарт-шароитлари, шунингдек, давлатнинг аграр сиёсати қоидалари билан белгиланади. Бошқача айганда, фермер хўжалиklarини бундан буён ривожлантириш уларнинг нафақат бозор шароитларига, балки ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун табиий, иқлим, иқтисодий ва бошқа шарт-шароитларга мослашишга йўналтирилган бўлиши керак.

Фермер хўжалиklarининг ривожланишига таъсир кўрсатувчи омиллар уч гуруҳга ажратиб олинди. Биринчи гуруҳ макроиқтисодий омиллар, иккинчи гуруҳ – ҳудудий (минтақавий) омиллар ва учинчи – ички иқтисодий омиллар. Туманларда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан улгуржи савдога ихтисослашган агробиржалар фаолиятини йўлга қўйиш яхши самара беради, машина-трактор паркларини замонавий таъмирлаш ва сервис марказларига айлантириш лозим. Кўпгина ривожланган мамлакатларда қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи инфратузилма шаҳобчаларини ташкил этишда кооперативлар, уюшмалар муҳим ўринни эгаллайди. Мамлакатимизда ҳам шуни йўлга қўйиш керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. www.stat.uz - Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика агентлигининг маълумотлари.
2. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ходимларига. - <https://xs.uz/uzkr/post/ozbekiston-qishloq-khozhaligi-khodimlariga-3>
3. Асадулина Н.Р. Механизм регулирования эффективности плодОВОЩНОГО комплекса Республики Узбекистан на основе логистического подхода. Дисс.на соис. учен. степ. канд. экон. наук. – Т.:–2006.–с.158.;
4. Бурхонов А.Х. Турли мулкчилик шаклидаги қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлигини ошириш. Иқт. фан. ном. илм. дар. олиш учун ёзилган дис.– Т.: ЎзБИИТИ, 2000. – б.117.;
5. Миролимов, М. (2023). Тошкент вилоятида иқтисодий фаол бандликни ривожлантиришдаги муаммо ва ечимлар. *Iqtisodiyot Va ta’lim*, 24(2), 151–156. https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss2/a24
6. Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган
7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси.//”Халқ сўзи” газетаси, 2020 йил, № 271-272 (7229-7230).
8. Тошкент вилояти статистика бошқармасининг 2019-2021 йиллар бўйича маълумотлар асосида тузилди.
9. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ходимларига- <https://xs.uz/uzkr/post/ozbekiston-qishloq-khozhaligi-khodimlariga-3>
10. Г.В.Савицкая «Анализ производственно-финансовой деятельности сельскохозяйственных предприятий», М.: ИНФРА, 2013.

RAQAMLI IQTISODYOT SHAROITIDA SERVIS SOHASIDA RAQAMLI XIZMAT KO‘RSATISHNING EKONOMETRIK TAHLILI



<https://doi.org/10.5281/zenodo.10532254>

Abduraimov Bun’et Muratovich

Sharof Rashidov nomidagi Samarqand
Davlat universiteti –mustaqil tadqiqotchisi

Annotatsiya. *Raqamli texnologiyalarning jadal rivojlanishi mamlakatda yalpi milliy maxsulotning yillik o‘shishiga xamda sifat jixatidan xizmat ko‘rsatish sohasida sinergetik samaraning oshishiga olib kelmoqda. Jaxon iqtisodiyotining hozirgi rivojlanish bosqichi an’anaviy xizmat ko‘rsatish turidan masofaviy raqamli xizmatlarning zamonaviy shakllarini rivojlantirishni talab etmoqda. Shu sababli ushbu maqolada O‘zbekiston Respublikasida raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish sharoitida raqamli xizmat hajmiga ta’sir etuvchi omillar ekonometrik modellar yordamida tahlil qilingan.*

Kalit so‘zlar. *Raqamli xizmatlar, elektron tijorat, F-Fisher mezon, t-Styudent mezon, P-qiymat, determinasiya koeffitsienti, juft korrelyasion koeffitsientlar matritsasi.*

Аннотация. *Быстрое развитие цифровых технологий приводит к ежегодному росту валового национального продукта в стране и повышению синергетического эффекта в сфере услуг с точки зрения качества. Современный этап развития мировой экономики требует от традиционного вида услуг развития современных форм удаленных цифровых услуг. Поэтому в данной статье с помощью эконометрических моделей проанализированы факторы, влияющие на объем цифровых услуг в условиях развития цифровой экономики в Республике Узбекистан.*

Ключевые слова. *Цифровые услуги, электронная коммерция, F-критерий Фишера, t-критерий Стьюдента, p-значение, коэффициент детерминации, матрица парных коэффициентов корреляции.*

Annotation. *The rapid development of digital technologies leads to an annual increase in the gross national product in the country and an increase in the synergetic effect in the service sector in terms of quality. The current stage of development of the world economy requires the development of modern forms of remote digital services from the traditional type of services. Therefore, in this article, using econometric models, the factors affecting the volume of digital services in the*

conditions of the development of the digital economy in the Republic of Uzbekistan are analyzed.


Keywords. Digital services, e-commerce, Fischer's F-criterion, Student's t-criterion, p-value, coefficient of determination, matrix of paired correlation coefficients.

Kirish (Introduction). Mamlakatda xizmat ko‘rsatish jarayonini to‘g‘ri tashkil etish va boshqarish, xizmat ko‘rsatish sohasida tadbirkorlikni yanada rivojlantirish hamda raqamlashtirish raqamli iqtisodiyot sharoitida ayniqsa muhim hisoblanadi va raqamli xizmatlar sohasida matematik modellarni qo‘llash orqali unga ta‘sir etuvchi omillarni hisobga olgan holda optimal darajada to‘g‘ri prognozlash muhim ahamiyat kasb etadi.

Ushbu maqolamizda xizmat ko‘rsatish hajmiga ta‘sir ko‘rsatuvchi omillar va ularning korelyasion, regression tahlili ekonometrik modellar orqali ko‘rsatilgan.

Mavzuga oid adabiyotlar tahlili (Literature review). Xizmat ko‘rsatish hajmiga ta‘sir ko‘rsatuvchi omillar ta‘sirini baholash uchun mazkur sohaga aloqador ko‘rsatkichlarni modellashtirish yo‘nalishida keyingi yillarda ko‘plab olimlar tomonidan izlanishlar olib borilmoqda. Xizmat ko‘rsatish hajmining omillar ta‘sirida o‘zgarish holatini ekonometrik modellar yordamida prognozlash masalalari rossiyalik olimlardan Rezinkina S.G., Kostyuk L.V., Rusina A.N., Karpicheva O., O‘zbekistonlik professor olimlardan Salimov B.T., Arabov N.U., Mahmudov N., Ernazarov O.E., Xodiev B.Yu., Zokirova N.K.lar tomonidan tadqiqotlar olib borilgan.

Tahlil va natijalar (Results and discussion). O‘zbekiston Respublikasida raqamli xizmatlar xajmining o‘shish dinamikasi quyidagi 1-rasmda keltirilgan.



1-rasm. O‘zbekiston Respublikasida raqamli xizmatlar hajmining o‘shish dinamikasi.

O‘zbekiston Respublikasida raqamli xizmatlar hajmiga ta’sir etuvchi omillarni aniqlash va ularni tahlil qilishda ekonometrik modellardan foydalanamiz.

1-jadval

O‘zbekiston Respublikasida raqamli xizmatlar hajmiga ta’sir etuvchi omillar²³

Natijaviy ko‘rsatkich: O‘zbekiston Respublikasida raqamli xizmatlar hajmi, mlrd. so‘m – Y	
Omillar	Belgi
Jami ko‘rsatilgan xizmatlar hajmi, (trln. so‘m)	X ₁
Internet tarmog‘iga ulangan abonentlar soni, (ming birlik)	X ₂
Internetga ulangan korxonalar va tashkilotlar ulushi, (%)	X ₃
Elektron tijorat hajmi, (mlrd. so‘m)	X ₄

Ushbu omillarning natijaviy omilga ta’sirini aniqlash uchun korrelyasion-regression tahlil usullaridan foydalanish mumkin. Bu esa juft korrelyasiya koeffitsientlarini hisoblash yo‘li bilan aniqlanadi. Bu usul, bizga, bir-birini takrorlaydigan va natijaviy omil bilan kuchsizroq bog‘lanishda bo‘lgan omillarni tuzilayotgan ekonometrik modelga kiritmaslik imkonini beradi (1-jadval).

Omillar bog‘liqligining ekonometrik modelini aniqlash uchun ko‘p omilli korelyasion-regression tahlil usulidan foydalaniladi. Maqolamizda iqtisodiy rivojlanish ko‘rsatkichlarini tahlil qilish uchun quyidagi ekonometrik modeldan (ko‘p omilli regressiya tenglamasidan) foydalanildi:

$$y = \beta_0 + \sum_{i=1}^m (\beta_i x_i),$$

Chiziqli model; Bunda, β_0 – ozod had;

y – O‘zbekiston Respublikasida raqamli xizmatlar hajmi;

x_i – raqamli xizmatlar hajmiga ta’sir etuvchi omillar;

β_i – ko‘p omilli model parametrlari; ($i= 1,2,3....m$);

m – tanlangan omillar soni.

Berilgan $y=f(x_1, x_2, \dots, x_n)$ funksiyadan bog‘liqlikni topish zarur. Ushbu bog‘liqlikdagi parametrlarni aniqlashda eng kichik kvadratlar usulidan foydalanamiz.

2-jadval

Korrelyasion-regression statistik taxlil uchun tanlab olingan natijaviy va ta’sir etuvchi omillar²⁴

	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021	2022
--	------	------	------	------	------	------	------	------	------

²³ Muallif tomonidan tuzilgan.

²⁴ Muallif tomonidan tuzilgan.

Y(t)	2991,7	3876,3	4967,7	6377,8	7732,1	8491,9	10777,0	16939,5	27791,2
X ₁	68,0	78,5	97,1	118,8	150,9	193,7	220,0	284,4	366,9
X ₂	7841,5	8339,1	9626,8	11168,0	13321,7	16386,2	19981,0	22987,2	26723,6
X ₃	20,1	21,6	25,9	27,2	27,5	26,2	21,1	17,5	18,8
X ₄	7,1	8,2	8,7	10,1	105,2	260,0	591,4	3907,3	9756,4

Ko‘p omilli korrelyasion bog‘lanishning xususiyati shundaki, uning regressiya tenglamasida bir necha muhim va mohiyatli omillar ishtirok etadi. Bu omillardan eng mohiyatlisini to‘g‘ri tanlash va ularni regressiya tenglamasiga kiritish katta ahamiyatga egadir. Omillarni tanlash va sifat jihatdan nazariy tahlil qilish uch bosqichda o‘tkaziladi. Birinchi bosqichda (dastlabki tahlilda) omillar hech qanday shart qo‘yilmasdan tanlanadi. Ikkinchi bosqichda ular juft korrelyasiya koeffitsentlaridan foydalangan holda tahlil qilinadi. Buning uchun belgilar $y_t, x_1, x_2, \dots, x_n$ o‘rtasidagi juft korrelyasiya koeffitsentlarining matritsasi tuziladi. Omillarni tahlil qilishning uchinchi bosqichida regressiya tenglamasi aniqlanadi va uning parametrlarining mohiyatli bo‘lishi yoki bo‘lmasligi maxsus mezonlar bilan baholanadi.

Ushbu omillarning natijaviy belgiga ta‘sirini aniqlash uchun korrelyasion tahlil usullaridan foydalanish mumkin. Bunda juft korrelyasiya koeffitsienti quyidagicha aniqlanadi:

$$r_{ij} = \frac{(\sum x_i x_j - \sum x_i \times \sum x_j / n)}{\sqrt{(\sum x_i^2 - (\sum x_i)^2 / n)(\sum x_j^2 - (\sum x_j)^2 / n)}}$$

Qaysi omillarni regressiya tenglamasiga kiritish lozimligini aniqlash uchun omillar o‘rtasidagi juft korrelyasion koeffitsientlar matritsasini tuzamiz (3-jadval).

O‘zaro juft korrelyasion koeffitsientlar matritsasi²⁵ 3-jadval

	Y(t)	X1	X2	X3	X4
Y(t)	1				
X1	0,967491	1			
X2	0,935831	0,99251	1		
X3	-0,53707	-0,50107	-0,51249	1	
X4	0,963025	0,870075	0,815539	-0,59593	1

3-jadvaldagi o‘zaro juft korrelyasion koeffitsientlar matritsasi tahliliy ma‘lumotlariga ko‘ra, x_2 va x_3 omillar statistik jihatdan kuchsiz bog‘langan, x_1 va x_4 omillar esa kuchli bog‘lanish hosil qilib yuqori ahamiyatli ekanligini ko‘rishimiz mumkin.

²⁵ Manba: muallif hisob-kitoblari asosida hisoblangan.

4-jadval

	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021	2022
Y(t)	2991,7	3876,3	4967,7	6377,8	7732,1	8491,9	10777,0	16939,5	27791,2
X ₁	68,0	78,5	97,1	118,8	150,9	193,7	220,0	284,4	366,9
X ₄	7,1	8,2	8,7	10,1	105,2	260,0	591,4	3907,3	9756,4

Shuning uchun keyingi bosqich tahlilimizda endi biz kuchli bog‘lanishga ega x₁ va x₄ omillari orqali korrelyasion-regression statistik taxlil uchun tanlab olingan natijaviy va ta’sir etuvchi omillarning yangi jadvalini hosil qilamiz (4-jadval).

5.1-jadval

Modelning sifati va ahamiyatini tekshirish mezonlari²⁶

Dispersion analiz						
Koeffitsientlar		Baholashning standart xatosi	t-statistika Styudent mezoni	P-Qiyamat	Pastki 95%	Yuqorgi 95%
Y-keshishuvchi	751,81	541,19	1,39	0,2141460	32,31	50,93
X ₁	41,62	3,81	10,94	0,0000347	32,309	50,934
X ₄	1,19	0,12	10,23	0,0000508	0,908	1,479

O‘zbekiston Respublikasida raqamli xizmatlar hajmiga ta’sir etuvchi omillar tahliliy jadvaliga asosan P-qiyamat “nolli gipoteza”ning ahamiyatliligini ko‘rsatuvchi mezon bo‘lib 0,05dan kichik ko‘rsatkich uchun tegishli model ahamiyatli hisoblanadi, ya’ni 5.1-jadvaldan X₁ omili uchun P_{jadval} = 0,0000347 ga xamda X₄ omili uchun P_{jadval} = 0,0000508 ga teng qiymatni hosil qildi. Bu esa P-qiyamat “nolli gipoteza”siga asosan P_{haqiqiy}=0,005 dan kichik, ya’ni P_{jadval}< P_{haqiqiy} . Demak, hosil qilingan ko‘p omilli regressiya tenglamamiz ahamiyatli hisoblanadi.

Endi Styudent mezonining jadval qiymati (mohiyatlik darajasi)ni X₁ va X₄ omillari orqali aniqlaydigan bo‘lsak, o‘tkazilgan tahlillar natijasida qo‘yidagilar aniqlandi. Hisob kitoblar natijasida Styudent mezoni bo‘yicha t_{haqiqiy}=4,32 qiymat kelib chiqdi. Bu X₁ omili uchun t_{jadval} = 10,94 dan xamda X₄ omili uchun esa t_{jadval} = 10,23 ga teng qiymatdan kichik, ya’ni t_{jadval}> t_{haqiqiy} Demak, hosil qilingan ko‘p omilli regressiya tenglamamiz Styudent mezoni bo‘yicha ham ahamiyatli hisoblanadi (5.1-jadval).

F- Fisher mezonini qo‘llab modelimizning ahmiyatlik darajasini (5.2-jadval) aniqlaganimizda F_{jadval} 4,168E-08ga teng qiymatni ko‘rsatganini guvohi bo‘lamiz. Bu esa F_{haq}>F_{jadval} degani, bu yerda F_{haq} =0,005. Demak, F- Fisher mezoni ko‘p omilli regressiya tenglamasida ham ahamiyatli ekanligini ko‘rishimiz mumkin.

²⁶ Manba: muallif hisob-kitoblari asosida hisoblangan.

Jadvallardagi tahliliy ma’lumotlarga ko‘ra, x_2 va x_3 omillar statistik jihatdan kuchsiz ahamiyatli, x_1 va x_4 omillar esa kuchli ahamiyatli ekanligini ko‘rish mumkin. Taxlillar natijasida xosil qilingan 5.1-jadval va 5.2-jadval ma’lumotlaridan foydalanib, ekonometrik modelning ko‘rinishini quyidagi ko‘rinishda yozamiz:

5.2-jadval

Regression statistika					
Ko‘p omilli korrelyasiya koeffitsienti R	Ko‘p omilli determinatsiya koeffitsienti R-kvadrat	Korrektlashtirilgan R-kvadrat	Baholashning standart xatosi	Kuzatuvlar soni	F-ahamiyatlilik mezoni
0,9983	0,9965	0,9954	536,3224	9	4,168E-08

$$Y = 751,81 + 41,62 \cdot x_1 + 1,19 \cdot x_4;$$

Xulosa va takliflar (Conclusion). Shunday qilib, natijaviy ko‘rsatkich «O‘zbekiston Respublikasida raqamli xizmatlar hajmi»ga «Jami ko‘rsatilgan xizmatlar hajmi», «Internet tarmog‘iga ulangan abonentlar soni», «internetga ulangan korxonalar va tashkilotlar ulushi», «Elektron tijorat hajmi» kabi omillarning ta’siri ahamiyatlidir. Mazkur omillarning natijaviy ko‘rsatkichga ta’sirini quyidagicha izohlash mumkin:

1. Jami ko‘rsatilgan xizmatlar hajmi (trln. so‘m) (X_1)ning bir trillion so‘m birlikka oshishi O‘zbekiston Respublikasida raqamli xizmatlar hajmi (Y)ning 41,62 milliard so‘mga oshishiga olib keladi;

2. Elektron tijorat hajmi (mlrd. so‘m) (X_4)ning 1 milliard so‘m birlikka oshishi O‘zbekiston Respublikasida raqamli xizmatlar hajmi (Y)ning 1,19 milliard so‘mga oshishiga olib keladi.

ADABIYOTLAR RO‘YXATI (REFERENCES):

1. B.B.Berkinov. Ekonometrika. O‘quv qo‘llanma. Toshkent.: —Fan va texnologiya, 2015yil,164- bet.
2. Shodiyev T.Sh., Hakimov T.X. va boshqalar. Ekonometrika. O‘quv qo‘llanma. Toshkent. 2007 yil.
3. Кувайскова, Юлия Евгеньевна. Эконометрика : учебное пособие / Ю. Е. Кувайскова. –Ульяновск :УЛГТУ, 2017. – 166 с.
4. Abduraimov Bunet Muratovich. Improving the quality of services in the context of the development of the digital economy. International journal of progressive sciences and technologies/ Impact Factor: ICV=80.38 ; SJIF=6.662 ; IFSIJ=7.625; (Volume: 29,

№01october2021)/<https://ijpsat.ijshtjournals.org/index.php/ijpsat/article/view/3700/227>

5. Abduraimov Bunet Muratovich. Improving the quality of electronic services in industrial enterprises in the digital economy. Journal of marketing and emerging economics / e-ISSN: 2792-4009, Volume: 3 Issue: 4, 2023y. SJIF 5.934, JIF7.845

6. <https://www.openaccessjournals.eu/index.php/jmee>

7. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi statistika agentligi ma’lumotlari: <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/raqamli-iqtisodiyot>

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ ЖАРАЁНИ



<https://doi.org/10.5281/zenodo.10532287>

Жумабаева Жадыра Абдукадировна

ТДИУ магистратура, 1-босқич, МБР-32-1 гуруҳ талабаси

e-mail: jadydimash@gmail.com

+998 90 337 95 35

***Аннотация:** Республикамизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар натижасида барча соҳаларда туб ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Бундай ислохотлар бухгалтерия ҳисоби, аудит ва иқтисодий таҳлил соҳасида ҳам жадал давом эттирилмоқда. Бунинг натижасида “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонун, “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонун, Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари, аудиторлик фаолияти миллий стандартлари ишлаб чиқилди ва қабул қилинди.*

***Калит сўзлар:** миллий ҳисоб, аудит тизими, чет эл инвесторлари, бухгалтерия, бухгалтерия ҳисоби, аудиторлик фаолияти, тадбиркор, модернизация.*

ПРОЦЕСС ПЛАНИРОВАНИЯ УЧЕТА И АУДИТА В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

Жумабаева Жадыра Абдукадировна

ТДИУ магистратура, 1-босқич, МБР-32-1 гуруҳ талабаси

e-mail: jadydimash@gmail.com

+998 90 337 95 35

***Аннотация:** В результате социально-экономических реформ, проводимых в нашей республике, реализуются радикальные изменения во всех сферах. Подобные реформы активно продолжают в сфере бухгалтерского учета, аудита и экономического анализа. В результате были разработаны и приняты Закон «О бухгалтерском учете», Закон «Об аудите», Национальные стандарты бухгалтерского учета, Национальные стандарты аудита.*

***Ключевые слова:** национальный счет, система аудита, иностранные инвесторы, бухгалтерский учет, бухгалтерский учет, аудиторская деятельность, предприниматель, модернизация.*

THE PROCESS OF PLANNING ACCOUNTING AND AUDITING IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

Жумабаева Жадыра Абдукадировна

ТДИУ магистратура, 1-босқич, МБР-32-1 гуруҳ талабаси

e-mail: jadydimash@gmail.com

+998 90 337 95 35

Abstract: *As a result of socio-economic reforms carried out in our republic, radical changes are being implemented in all areas. Such reforms are being continued rapidly in the field of accounting, auditing and economic analysis. As a result, the Law "On Accounting", the Law "On Auditing", National Standards of Accounting, National Standards of Auditing were developed and adopted.*

Key words: *national account, audit system, foreign investors, accounting, accounting, audit activity, entrepreneur, modernization.*

КИРИШ

Ҳозирги кунда Республикамиз хўжалик юритувчи субъектлари томонидан ишончли бухгалтерия маълумотларининг тайёрланиши ва ташқи фойдаланувчиларга ўз вақтида етказиб берилиши муҳим вазифа хисобланади. Бунинг асосида ташқи инвесторлар, кредиторлар, давлат органлари самарали иқтисодий қарорлар қабул қилишларига замин яратилади. Бу вазифага эришиш эса аввало аудиторлик фаолиятини замонавий бизнес олами талаблари ва халқаро андозалардан келиб чиққан ҳолда доимий равишда такомиллаштириб боришни тақазо этади. Ҳозирги кунда Республикамизда ҳам, халқаро амалиётда ҳам бухгалтерия фаолиятини замонавий молия бозори талабларига мос равишда ривожлантиришга берилаётган катта эътиборга қарамасдан бухгалтерия тизимининг амалий ва методологик асослари борасида ўз ечимини кутаётган бир қатор масалалар мавжудлигини ҳозирги шароитда кўпгина тадқиқотчи мутахассислар таъкидлашмоқда. Бугун тўла ишонч билан айтиш мумкинки, тадбиркорларга, аввало, кичик бизнес субъектларига асосий, шу жумладан, талаб катта бўлган моддий ресурслардан фойдаланиш имконини берадиган барқарор бозор механизми шаклланди.

Бухгалтерия Ўзбекистон Республикасида ташкилотлар хўжалик фаолиятини назорат қилишнинг асосий йўналиши бўлганлиги учун, 2021 йил 25 февралда «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонун қабул қилинди²⁷. Халқаро бухгалтерлар федерациясининг Аудит ва ишончли таъминлайдиган

²⁷ Ўзбекистон Республикаси «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонун 2021-йил, www.norma.uz

топшириқларнинг халқаро стандартлари бўйича кенгаши томонидан эълон қилинадиган аудитнинг халқаро стандартлари ҳамда сифат назоратининг халқаро стандартлари, таҳлилий текширувларнинг халқаро стандартлари, ишончни таъминлайдиган топшириқларнинг халқаро стандартлари, турдош хизматларнинг халқаро стандартлари бухгалтерия фаолиятининг стандартларидир.

АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ

Ушбу мақолани ёритишда “бухгалтерия ҳисоби ва аудит” тизими бўйича илмий изланишлар олиб борган бир қатор тадқиқотчи олимларнинг илмий мақолалари ва монография, асосий илмий ишлари натижалари асосида чоп этилган дарсликларда келтириб ўтилган фикрларидан иқтибослар олинган бўлиб, уларга хорижлик иқтисодчи олимлардан Х.Андерсон, А.Панков, Д.Шеремет, республикамиз иқтисодчиларидан А. Ўлмасов, А.Ваҳобов, А.Сотиволдиев, Ю.Иткин, А.М.Ходжаева, Ш.Тожибоева, Н.Хожимуротов ва бошқаларнинг илмий ишларида атрофлича ўрганилган.

ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Илмий тадқиқот жараёнида илмий мушоҳадалаш, таҳлил, таққослаш, статистик маълумотларни гуруҳлаш, истиқбол кўрсаткичларини ҳисоблашнинг иқтисодий-математик усулларида фойдаланилди.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисоби ислохотига қадар мавжуд бўлган бухгалтерия ҳисоби тизими маъмурий буйруқбозликка асосланади. У ижтимоий мулкчилик ҳамда иқтисодиётнинг марказлашган давлат бошқаруви талаби билан аниқланар эди. Республикамизда ўтказилган ислохотнинг мақсади бухгалтерия ҳисоби тизимини бозор иқтисодиёти талаблари ва молиявий ҳисоботнинг халқаро андозаларига мувофиқлаштиришдир. Бухгалтерия ҳисоби ислохоти куйидаги энг муҳим ҳуқуқий, меъёрий ҳужжатларнинг ишлаб чиқилиши ва тасдиқланиши билан намоён бўлди:

- Ўзбекистон Республикаси “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонуни;
Ўзбекистон Республикаси “Аудиторлик фаолияти ҳақида”ги қонуни;
- “Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тўғрисида”ги низом;

- “Махсулот таннархига киритиладиган ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тўғрисида”ги йўриқнома;

- Бухгалтерия ҳисоби ва аудит миллий андозалари. Бу ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги хўжалик юритувчи барча субъектлар учун ҳисоб сиёсати меъёрларини ҳукукий жиҳатдан таъминлашга хизмат килади. Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонуни бозор иқтисодиёти шароитида бухгалтерия ҳисобининг мақсад ва вазифаларини аниқ белгилаб берган. Ушбу Қонунга мувофиқ, бухгалтерия ҳисобининг мақсади фойдаланувчиларни ўз вақтида тўлиқ ва аниқ молиявий ҳамда бошқа бухгалтерия ахбороти билан таъминлашдир. Бухгалтерия ҳисоби вазифалари эса куйидагилардан иборат:

- бухгалтерия ҳисоби ҳисоб варақаларида активларнинг ҳолати ва ҳаракати, мулкӣ ҳуқуқлар ва мажбуриятларнинг ҳолати тўғрисидаги тўлиқ ҳамда аниқ маълумотларни шакллантириш;

- самарали бошқариш мақсадида бухгалтерия ҳисоби маълумотларини умумлаштириш;

- молиявий, солиққа доир ва бошқа ишончли ҳисоботларни тузиш²⁸. Бу маълумотлар юқорида айтиб ўтганимиздек, икки гуруҳ ахборотдан фойдаланувчилар учун гайёрланади. Бухгалтерия ҳисоби ахборотдан фойдаланувчилар эҳтиёжига мос равишда иккига; молиявий ва бошқарув ҳисобига бўлинади. Гарчи дунёда бухгалтерлар учун мингдан ортиқ дастурий таъминот мавжуд бўлсада, Россияда бухгалтерлар ва тадбиркорлар бугунги иқтисодиёт шароитлари учун мос келадиган, мамлакатда ишлаб чиқилган пакетларни, бухгалтерия ҳисобини тартибга соладиган қонунчилик ўзгариши вариантларини ва маҳаллий ишлаб чиқарувчиларда фойдаланиш имкониятларини афзал кўради. Сифатли ва структураланган бухгалтерия ҳисобини автоматлаштириш – корxonани самарали бошқаришнинг асоси.

²⁸ Адаменко А.А. Организация коммуникационного воздействия в управлении бизнес-процессом предприятия / А.А. Адаменко, А.С. Цысов // Вестник Академии знаний. - 2019. - № 33(4). - С. 20-24.

1-расм.

Корхонани бошқариш комплексли тизимида бухгалтерия ахборот²⁹




Тўғри ишлов берилган тизимлаштирилган ва структураланган ахборот ташкилотни самарали бошқариш кафолатидир. Аксинча, тўғри ишончли маълумотларнинг етишмаслиги нотўғри қарорга ва эҳтимол сезиларли йўқотишларга олиб келиши мумкин. Ахборот хавфсизлиги махфий ахборотни ҳимоялаш бўйича турли чора-тадбирлар ўрганиладиган, тузиладиган, бажариладиган ва амалга ошириладиган фаолият соҳаси ҳисобланади.

2-расм.

Молияни бошқариш автоматлаштирилган тизимнинг ишлаш³⁰

схемаси



²⁹ Башкатов В.В. Применение облачных технологий автоматизации бухгалтерского учета / В.В. Башкатов, А.М. Воротникова, С.А. Мезина // Вестник Академии знаний. - 2019. - № 33(4). - С. 58-52.

³⁰ Голкина Г.Е. Бухгалтерские информационные системы: учебное пособие / Г.Е. Голкина. - М.: МЭСИ, 2011. - 230с.


Ўрта ва йирик қурилиш компанияларида турли дастурлардан фойдаланадиган кўплаб чизиқли бўлинмалар мавжуд: - смета бўлими смета дастурий таъминотидан фойдаланади; - шартнома бўлими – ҳужжатлар айланмаси бўйича дастурий воситалар; - бухгалтерия – бухгалтерия дастурлари; - кадрлар бўлими – кадрлар ҳисоби бўйича дастурлар ва ҳ.к. Аммо барча ахборотларни ахборот киритиш бўйича икки томонлама ишдан қочиқ қолиш ва бошқарувнинг оператив ахборот олиш имкониятини берадиган ягона ахборот тизимида бирлаштира оладиган корхоналар кам.

Молиявий ҳисобот аудитини режалаштириш ва аудитини амалга оширишнинг ягона талаблари мавжуддир. Улар Ўзбекистон Республикасида АХС 300 «Молиявий ҳисоботлар аудитини режалаштириш», АХС 315 «Муҳим бузиб кўрсатишлар рискларини тадбиркорлик субъект ва унинг муҳитини билиш асосида аниқлаш ва баҳолаш », АХС 320 «Аудитни режалаштириш ва бажаришда муҳимлик», АХС 330 «Баҳоланган рискларга жавобан аудиторнинг ҳаракатлари» аудитнинг халқаро стандартларида кўрсатилган. Аудиторлик текширувини режалаштириш ўз ичига текширув ҳажми ва амалга ошириш муддатлари ҳамда текширувнинг умумий стратегияси ва кутилаётган мазмунга хос ёндашувни назарда тутди. Ушбу АХС 300 «Молиявий ҳисоботлар аудитини режалаштириш» стандарти аудиторлик текширувини режалаштирилишига минимал талабларни назарда тутди. Аудиторлик текширувини режалаштиришнинг асосий босқичларидан бири бу текширилаётган хўжалик юритувчи субъект тўғрисида керакли маълумотларни олиш ҳисобланади, бу текширувчига молиявий ҳисоботига сезиларли таъсир этувчи ҳодисалар, жараёнлар ва бошқа ўзига хос ҳусусиятларни аниқлашга ёрдам беради.

Аудиторлик текширувини режалаштириш учун тузиладиган ҳужжатлар қуйидагилардан иборат: миқоз иқтисодий фаолиятини ўрганиш бўйича иш ҳужжатлари, аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисидаги дастлабки келишув хати, текширув ўтказиш тўғрисидаги шартнома, аудиторлик текширувининг умумий режаси ва умумий дастури.

1-чизма.

Аудиторлик текширувини ташкил қилиш босқичлари³¹



Хорижий давлатларда аудиторлик текширувини ташкил қилишда ҳамда аудиторлик текширувини ўтказишда тўрт босқичли мукамал қилиб ишлаб чиқилиш натижасида аудиторлик текширувини сифатли ҳамда текширув ўтказилаётган иқтисодий субъектнинг молиявий ҳолатини аниқ баҳолаш имкониятини беради. Бизнинг мамалакатимизда эса уч босқичли текширув олиб борилади. Бизда ҳам тўрт босқичли қилиш лозим, яъни ишчи ҳужжатларни расмийлаштиришдан (аудиторлик хулосаси ҳамда аудиторлик

³¹ Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори. 5.02.1999 №54 сон (ўзгартириш ва қўшимчалар билан).

ҳисоботни тузишдан) текширув ўтказилган натижаларни таҳлил қилган ҳолда натижаларни баҳолаш босқичини киритиш керак деб ҳисоблаймиз.

ХУЛОСА ВА НАТИЖАЛАР

1. Аудиторлик текшируви қанчалик тўғри ва сифатли ўтказилса, унинг натижалари, яъни аудиторлик ҳисоботи ва хулосаси ҳам шунчалик, ҳаққоний ва холисона акс эттирилади. Бунинг учун, аудиторлик ташкилоти аудиторлик фаолиятини меъёрий тартибга соладиган ҳужжатларга мувофиқ ўтказилиши, аудит ўтказишни тўғри режалаштириш, аудит жараёнини амалга ошириш устидан назорат олиб бориши керак. Бу аудиторнинг билим ва малакаси, профессионал тўғри мулоҳаза юритиш, корхонанинг молиявий ҳисоботи ва молия-ҳўжалик фаолияти устидан тўғри баҳо бера олишига боғлиқ. Шунинг учун аудиторлар ўз устида ишлашлари, билим ва малакаларини янада оширишлари, халқаро талабларга жавоб берадиган даражада етук профессионал мутахассис бўлишлари лозим.

2. Бугунги кунда ички назорат тизими хўжалик юритувчи субъектлар рискларини минималлаштириш имконини беради ва унинг тўғри ташкил этилиши корхона мулкдорларига ва аудиторларга текширув ўтказишда қулайлик яратади. Ички назорат тизимининг ишончлилигини аниқлаш аудиторлик текширувининг ажралмас қисмидир. Аудиторлар молиявий ҳисобот маълумотларини қайта ишлаш, рўйхатга олиш тизими тўлиқлигини таъминловчи ишончли ички назорат тизими билан қизиқадилар.

3. Аудит режасининг умумий мақсади текшириладиган соҳада ички назорат таркибининг етарлилигини баҳолаш ҳисобланади. Ишнинг умумий ҳажми - тегишли назорат тизимининг тасдиғи учун муомалаларнинг ўтказилиши ва тайёрланишини текшириш керак. Бажариладиган аудиторлик текшируви ички назорат тизими тўғри ташкил этилганлигини таъминлашга йўналтирилмаганлиги, ички назорат тизими зарарлардан тўлиқ ҳимоя қилишни таъминламайди. Яхши ташкил қилинган ички назорат тизими раҳбарият учун рискни "қабул қилса бўладиган" даражага камайтириш имконини беради.

Шуни ҳам ёдда тутиш керакки, ички назорат тизими аниқ бир кўринишга эга эмас. У ўзгарувчан ва турли омиллар таъсирига учрайди. Бу омиллар: раҳбариятнинг ўзгариши, технологияни такомиллаштириш, рақобатчиларнинг таъсири ва бошқалар. Шундай қилиб, агар таҳлил натижалари назорат тизимини ижобий баҳолаган тақдирда ҳам буни тўғри англаш керак. Рискни ҳар қандай йўл билан таҳлил қилиш чегараланган. Назоратнинг сезиларли камчиликларини аниқлаш мақсадида ҳар қандай назорат тизими доимий

текшириб турилиши лозим. Бу каби текширишлар ички назорат тизимидаги ўзгаришларни аниқлаш ва риск натижаларини баҳолаш мақсадига эга.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонун 2021-йил, www.norma.uz
2. Адаменко А.А. Организация коммуникационного воздействия в управлении бизнес-процессом предприятия / А.А. Адаменко, А.С. Цысов // Вестник Академии знаний. - 2019. - № 33(4). - С. 20-24.
3. Башкатов В.В. Применение облачных технологий автоматизации бухгалтерского учета / В.В. Башкатов, А.М. Воротникова, С.А. Мезина // Вестник Академии знаний. - 2019. - № 33(4). - С. 58-52.
4. Голкина Г.Е. Бухгалтерские информационные системы: учебное пособие / Г.Е. Голкина. – М.: МЭСИ, 2011. – 230с.
5. Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори. 5.02.1999 №54 сон (ўзгартириш ва қўшимчалар билан).
6. Абдусаломова Нафосат Баходировна. «Корхоналар бухгалтерия ҳисобида ахбороткоммуникация технологияларидан фойдаланиш» “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. № 4, iyul-avgust, 2021 yil.

ИНФЛЯЦИОН ЖАРАЁНЛАРНИ ИҚТИСОДИЙ-СТАТИСТИК ТАҲЛИЛИ



<https://doi.org/10.5281/zenodo.10532318>

Исмаилова Шахноза Уктамовна
O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti
huzuridagi Statitika agentligi,
Narxlar boshqarmasi bosh mutahassisi
e-mail: shaxnoza.ismailova.87@bk.ru

***Аннотация.** Маълумки, мамлакатдаги жорий иқтисодий ҳолатни ифодаловчи асосий кўрсаткичлар орасида нархлар статистикаси маълумотлари, энг аввало, истеъмол нархлари индекси яъни инфляция кўрсаткичи алоҳида аҳамиятга эга. Мазкур кўрсаткичдан кўплаб мақсадларда фойдаланилиб, истеъмол бозоридаги инфляция даражасини аниқлаш улар орасида энг кенг тарқалганидир. Нархларнинг ва инфляция суръатининг ўсиб бориши нафақат мамлакатимиз иқтисодиётида, балки дунёнинг бошқа давлатлари иқтисодиётида ҳам жиддий муаммолардан бири бўлиб саналади. Товар ва хизматлар нархларининг қимматлашиши ўз навбатида мамлакат аҳолиси орасида турли хил баҳс-мунозараларга сабаб бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Сўнги вақтларда аҳолининг нархлар ўсиши суръатларини яқиндан кузатиб бораётганлигини инобатга олиб “инфляция” ҳақида билишимиз зарур бўлган бир қанча муҳим омиллар ҳусусида тушунчага эга бўлиши керак.*

***Калит сўзлар:** Истеъмол нархлари индекси, инфляция, дефляция, стагнация, ўртача нарх, ишлаб чиқарувчилар нархлари индекси, салмоқ, вазн.*

ЭКОНОМИКО-СТАТИСТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ ИНФЛЯЦИОННЫХ ПРОЦЕССОВ

***Аннотация.** Как известно, среди основных показателей, отражающих текущую экономическую ситуацию в стране, особое значение имеют данные ценовой статистики, прежде всего индекс потребительских цен, то есть показатель инфляции. Этот показатель использовался для многих целей, и определение уровня инфляции на потребительском рынке является наиболее распространенным среди них. Рост цен и темпов инфляции считается одной из серьезных проблем не только в экономике нашей страны, но и в экономике других стран мира. Вряд ли рост цен на товары и услуги, в свою очередь, вызовет различные противоречия среди населения страны. Принимая во внимание тот факт, что в последнее время население внимательно следит за*

темпами роста цен, необходимо иметь понимание в центре внимания нескольких важных факторов, которые нам необходимо знать об «инфляции».

Ключевые слова: индекс потребительских цен, инфляция, дифференциация, стагнация, средняя цена, индекс цен производителей, вес колебания.

ECONOMIC-STATISTICAL ANALYSIS OF INFLATION PROCESSES

Abstract. As you know, among the main indicators that represent the current economic situation in the country, the data of price statistics, above all, the Consumer Price Index, that is, the inflation indicator, is of particular importance. This indicator has been used for many purposes, and determining the level of inflation in the consumer market is the most common among them. The increase in prices and the rate of inflation is considered one of the serious problems not only in the economy of our country, but also in the economy of other countries of the world. It is unlikely that the rise in prices for goods and services, in turn, will cause various controversies among the population of the country. Taking into account the fact that in recent times the population is closely monitoring the rates of price growth, it is necessary to have an understanding in the focus of several important factors that we need to know about "inflation".

Key words: Consumer Price Index, inflation, differentiation, stagnation, average price, manufacturers price index, swing weight.

КИРИШ

Ҳозирги кунда, мамлакатдаги жорий иқтисодий ҳолатни ифодаловчи асосий кўрсаткичлар орасида нархлар статистикаси маълумотлари, энг аввало, истеъмол нархлари индекси кўрсаткичи алоҳида аҳамиятга эга. Мазкур кўрсаткичдан кўплаб мақсадларда фойдаланилиб, истеъмол бозоридаги инфляция даражаси ва инфляцион жараёнларни белгилаб бериш ҳамда аниқлаш улар орасида иқтисодий статистика соҳасида энг кенг тарқалганидир.

Инфляция кўрсаткичи ички истеъмол бозорида товарлар ва хизматлар нархлари умумий даражасининг ўзгаришини ўзида акс эттиради. Шу нуқтаи назардан, нархлар статистикаси маълумотларининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш борасида сўнгги йилларда салмоқли ишлар амалга оширилди.

Жумладан, бу борадаги амалий ишлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 апрелдаги “Давлат бошқарувининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш ҳамда мамлакатнинг статистика салоҳиятини

ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ³² ПҚ-4273-сон қарори билан белгилаб берилган чора-тадбирлар асосида олиб борилмоқда.

УСУЛЛАР

2020 йилда истеъмол бозорида нархлар тўғрисидаги бирламчи маълумотларни тўплаш жараёнларига САРІ рақамли технологияси, яъни махсус курилмалар – планшетлар тўлиқ жорий этилди. Натижада, инфляцияни ҳисоблаш жараёнлари автоматлаштирилди, статистик маълумотларнинг объективлиги ва юқори сифатини таъминлашга эришилди. 2022 йилда нархлар бўйича танланма кузатувларга 10 мингдан ортиқ савдо ва хизмат кўрсатиш объектларидаги кузатув нуқталари камраб олинди. Ҳар ойда 110 мингдан ортиқ нарх котировкалари қайд этиб борилди. Нархлар тўғрисидаги маълумотларни тўплаш жараёнларига рақамли технологияларнинг жорий этилиши “инсон омили” таъсирини камайтириш, маълумотларни тўплаш ва қайта ишлаш тезкорлигини ошириш ҳамда тежалган вақтни маълумотларни янада чуқурроқ таҳлил қилишга йўналтириш имконини берди.

Шунингдек, иқтисодий статистика яъни инфляция кўрсаткичини ҳисоблаш услубиятини такомиллаштириш ва замонавийлаштириш жараёни маълумотларни тўплашдан бошлаб, уларни таҳлил қилиш ва эълон қилишгача бўлган барча жараёнларни камраб олди. Ушбу ислохотлардан асосий мақсад – ҳисоблаш услубиятини халқаро стандартлар тавсияларига мослаштириш ҳамда Халқаро Валюта Жамғармаси, Жаҳон банки, рейтинг агентликлари ва бошқа халқаро молиявий институтларнинг кенг доирадаги фойдаланувчиларига долзарб маълумотлардан фойдаланиш имконини бериш орқали очиклик ва шаффофликни таъминлашдир.

Ушбу мақолада мавзу доирасида аввал ўрганилган тадқиқотларни ўрганиб, таҳлил қилган ҳолда, ечим топилиши керак бўлган саволларни шакллантириб олинган. Мана шу саволлар асосида инфляцион жараёнларни статистик таҳлил этиш бўйича маълумотлар йиғилган. Йиғилган маълумотларни танлаган тадқиқот усуллари ва таҳлилий услублардан фойдаланиб чуқур таҳлилин амалга оширилган. Таҳлил қилиб, олинган натижа ва ечимлардан келиб чиқиб хулоса қилинган. Бу хулосалар асосида жамиятимизда инфляцияни жиловлаш ва камайтириш бўйича назарий ва амалий таклиф, ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилган. Бирламчи манбалардан олинган маълумотлар яъни статистик кузатувлари натижаларини таҳлил қилган ҳолда нарх-наво кузатувларни янада такомиллаштириш устида иш олиб боришни режалаштирилган. Тарихга назар

³² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 апрелдаги “Давлат бошқарувининг очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш ҳамда мамлакатнинг статистика салоҳиятини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4273-сон қарори

солсак, истеъмол нархлари индекси Ўзбекистон статистика органлари томонидан халқаро андозаларга асосан 1994 йилдан бошлаб шакллантирила бошланди. Ўтган давр мобайнида ушбу кўрсаткични шакллантириш механизми изчил такомиллаштириб борилди.

НАТИЖАЛАР

“Товарлар ва хизматларнинг истеъмол нархлари (тарифлари) кузатувини ташкил этиш ҳамда истеъмол нархлари индексини ҳисоблаш бўйича услубий” низомда истеъмол нархлари индекси, инфляцияга қуйидагича таъриф келтирилган.[1.8]

Истеъмол нархлари индекси (ИНИ) – инфляция даражасини ифодаладиган муҳим кўрсаткичлардан бири бўлиб, бу ўртача истеъмолчи томонидан ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган истеъмол учун сотиб олинган товарлар ва хизматлар мажмуи қийматининг умумий ўзгаришини ҳисоблайди, яъни, маълум давр мобайнида, товарлар ва хизматлар истеъмоли миқдорининг ўзгармас бўлган ҳолатида, аҳолининг истеъмол харажатлари умумий миқдорининг ўзгаришини ифодалайди. ИНИда, мамлакатнинг барча ҳудудлари бўйича турли товарлар ва хизматлар нархларининг ҳаракати ўртача даражага келтирилади. Инфляция товар пул муносабатлари билан узвий боғланганлиги боис иқтисодиётга ва ижтимоий соҳаларга тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади. Инфляциянинг иқтисодиётга таъсири ишлаб чиқарувчилар индекси, ижтимоий соҳаларга таъсири эса истеъмол нархлари индекси орқали баҳоланади.

Аксарият иқтисодчилар инфляция тушунчаси остида талаб ва таклиф ўртасидаги мувозанатнинг бузилиши, иқтисодиётда вужудга келадиган бошқа номутаносибликлар таъсирида нархларнинг ўсишини тушунадилар. Аммо бу инфляция кузатилган даврда барча товар ва хизматлар нархлари ошади дегани эмас. Айрим товарлар сезиларли даражада қимматлашади, баъзи маҳсулотлар нархи эса ўзгармаслиги (барқарор), шунингдек, бошқа турдаги товар ва хизматлар нархларининг ўсиши тезлиги турли даражаларда рўй бериши ҳам мумкин. Ҳозирги вақтда иқтисодчилар ўртасида уч хил концептуал ёндашув туфайли тортишувлар мавжуд: Кейнс назарияси, монетаризм ва неоклассик мактаб вакиллари. Ушбу соҳаларнинг ҳар бири вакиллари инфляция муаммоси бўйича ўз қарашларини ривожлантирдилар ёки ривожлантирмоқдалар.[3.1]

МУНОЗАРА


Инфляция жараёнларини таҳлил қилишнинг анъанавий концептуал кўриниши Жон Мейнард Кейнс асарида келтирилган. Кейнс ва унинг издошларига кўра иқтисодиётнинг бозор таркиби ички "камчиликларга" эга,

айниқса, товарлар ва хизматлар бозорларида пайдо бўлаётган нархларга нисбатан ўзини ўзи тартибга солишга қодир эмас, деб ҳисоблашган.[3.3]

Бу хусусан, ишсизлик, инфляциянинг кескинлашуви, тез-тез иқтисодий инқирозларда ифодаланади. Кейнсчилар давлат инқирозларнинг олдини олиш ва қатъий фискал ва монетар сиёсат олиб бориш орқали барқарорликни таъминлаш учун иқтисодий ишларга фаол аралашуви керак, деган хулосага келдилар. Улар пул таклифидаги ўзгариш номинал ялпи миллий маҳсулот (ЯММ)га таъсир қилишини ва фоиз ставкаси даражаси монетар сиёсатнинг асоси бўлиши кераклигини тан олишди (чунки фоиз ставкасини ўзгартириш орқали биз инвестиция фаолиятини ўзгартирамиз ва мультипликатор самараси орқали номинал ЯММ яратамиз).

Р. Лукас томонидан таклиф этилган "рационал кутишлар назарияси" ни инфляцион жараёнларни таҳлил қилишда замонавий назарий ёндашувга киритиш мумкин. Рационал кутишлар тарафдорлари мувозанат нарх моделини яратишга катта ўрин ажратадилар. Мувозанат нархлар пул массаси билан боғланган, унинг ҳаракати пул таклифидаги ўзгаришлар нархларда намоён бўлади. Шу билан бирга, маълум бир давлат сиёсати натижасида пул массасининг ўзгариши иқтисодиётни табиий ҳолатидан четга чиқармасдан, фақат умумий нарх даражасига таъсир қилади деган хулосага келинади. Рационал тахминлар назарийчилари пул-кредит сиёсатининг барқарорлигини ҳимоя қиладилар, чунки уларнинг фикрига кўра нархларнинг барқарорлиги унга боғлиқ. [3.4]

Назарий тушунчаларни ва эмпирик тадқиқотларни ўрганишни яқунлаб шуни айтиш керакки, ҳозирги пайтда биз инфляцияни, унинг сабаблари ва оқибатларини баҳолашда фақат бошқарилиши мумкин бўлган барча фактлар билан тасдиқланган инфляцион жараёнлар назарияси тўғрисида ягона фикрга эга эмасмиз. Ушбу назарияларнинг ҳар бири ўзининг кучли ва заиф томонларига эга. Барча назария ва тушунчалар ўзаро боғлиқ бўлиб, бири иккинчисини тўлдиради, давом эттиради ёки унга муқобили бўлиб, инфляцион жараёнларни тушунтириш, тушуниш ва тадқиқ қилиш усуллари кенг танлаш имкониятини беради.



2018 йил	2019 йил	2020 йил	2021 йил	2022 йил
114,3 %	115,2 %	111,1 %	110,0 %	112,3 %

1-расм. Ўтган йилнинг декабрига нисбатан ИНИ.³³

2022 йилда Ўзбекистон Республикаси бўйича истеъмол нархлари даражаси 12,3 % га ўсиши кузатилган. Йил давомида қисқа муддатли ИНИ тебранишлар оралиғи март ойида 101,5 % дан, июл ойидаги энг паст кўрсаткич 99,9 % гачани ташкил этган.

ИНИ турли шаклларда дунёнинг кўплаб давлатларида, шу жумладан, кўшни давлатларда ҳам ҳисобланади:

Жумладан, 2022 йилда Арманистон – 8,3 %, Белоруссия - 12,8 %, Грузия - 9,8 %, Қозоғистон - 20,3 %, Хитой - 1,8 %, Қирғиз Республикаси - 14,7 %, Латвия - 20,8 %, Литва - 21,7 %, Молдова - 30,2 %, Россия - 11,9 %, Украина - 26,6 %, Туркия - 64,3 %, Франция – 6 %, Эстония - 17,6 %, Жанубий Корея – 5 % ва Япония – 4 % га ўсиш кузатилган.

1-жадвал.

Йиғма ИНИнинг 2018-2022 йилларда ўртача ойлик кўшимча ўсиш суръатлари, % да³⁴

	Йиллар				
	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2021 йил	2022 йил
Йиғма ИНИ	1,1	1,2	0,9	0,8	1,0

³³ Манба: Муаллиф томонидан статистика агентлигининг маълумотлари асосида тайёрланган.

³⁴ Муаллиф томонидан статистика агентлигининг маълумотлари асосида тайёрланган

2022 йилда йиғма ИНИ ўртача ойлик қўшимча ўсиш суръати 1,0 % ни ташкил этиб, 2020 ва 2021 йиллардаги кўрсаткичлардан баланд, бироқ 2018-2019 йиллардаги кўрсаткичдан паст бўлган.

Тасдиқланган Услубий низомга мувофиқ, нархларни рўйхатга олиш ҳар ойнинг 10 санасидан 20 санасигача амалга оширилади. Маълумотларни йиғиш шундай ташкил этилганки, бу вақт оралиғида нархларни рўйхатга олиш ҳар бир товар ва хизмат бўйича бир марта амалга оширилади ва қўшни даврлар учун рўйхатга олиш оралиғи бир календарь ойни ташкил қилади. ИНИни ҳисоблашда фақатгина инфляция омилларини аниқлаш учун ассортимент ва ҳудудий силжишлар омилларининг таъсири чиқариб ташланади.

Нархлар ўзгаришини кузатиш учун товарлар ва хизматлар тўпламига аҳоли харажатлари таркибидаги ижтимоий-иқтисодий аҳамияти ва вакиллигини ҳисобга олган ҳолда танлаб олинган 510 та позиция киради. Ушбу позициялар учта йирик гуруҳга бўлинган:

- озиқ-овқат маҳсулотлари (170 та маҳсулот),
- ноозиқ-овқат маҳсулотлар (250 та маҳсулот),
- хизматлар (90 та хизмат).

Ҳар ойда 10 мингдан ортиқ савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари кузатилади, 120 мингдан ортиқ нарх котировкалари қайд этилади.

ХУЛОСА

Мамлакатимизда истеъмол нархлари индексини шакллантириш амалиётини ўрта ва узоқ муддатли истиқболда такомиллаштириш бўйича қуйидаги асосий йўналишларни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин.

Бугунги кунда хорижий тавсиялар асосида муҳим услубий ёндашувларни амалиётга жорий этиш бўйича амалий ишлар бошланган. Мазкур йўналишдаги келгусидаги ишлар шакллантириладиган йиғма кўрсаткични сифат жиҳатидан янада яхшилаш ҳамда кўрсаткични шакллантириш услубиятини хорижий стандартлар тавсиялари ва бошқа мамлакатларнинг илғор тажрибалари билан уйғунлаштириш имконини беради.

Ривожлантиришнинг навбатдаги муҳим йўналиши бу – истеъмол нархлари индексини ҳисоблаш амалиётига замонавий рақамли технологияларни жорий этиш бўйича амалга ошириладиган ишларни давом эттиришдир. Ўрта муддатли истиқболда бу, веб-скрейпингдан фойдаланишни кенгайтириш ва солиқ органларининг идоравий маълумотлар базаси билан интеграцияни йўлга қўйиш бўлса, узоқ муддатли истиқболда катта ҳажмдаги маълумотлардан, яъни BIG DATA технологиясидан фойдаланишга босқичма-босқич ўтишни назарда тутди.

Фойдаланилган адабиётлар (REFERENCES)

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 апрелдаги “Давлат бошқарувининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш ҳамда мамлакатнинг статистика салоҳиятини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4273-сон қарори.
2. “Истеъмол нархлари индекси бўйича қўлланма: Назария ва амалиёт” (Халқаро Валюта Жамғармаси (ХВЖ), Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти, Европа ҳамжамияти статистика бюроси (Евростат), Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Европа иқтисодий комиссияси (БМТ ЕИК), Бутунжаҳон банки ва Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ)), 2007 й.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 августдаги ПҚ-4796-сонли қарори.
4. “Ўзбекистон Республикаси. Истеъмол нархлари индекси бўйича миссия ҳисоботи (2022- йил 9-13 май)” В. Герейро, 2022 й.
5. Ривожланган давлатларнинг истеъмол нархлари индекси кўрсаткичи бўйича метамаълумотлари, Халқаро валюта жамғармасининг к-МТУТ, <https://dsbb.imf.org/>.
6. “Товарлар ва хизматларнинг истеъмол нархлари (тарифлари) кузатувини ташкил этиш ҳамда истеъмол нархлари индексини ҳисоблаш бўйича услубий” низом 2020 йил 30 ноябрдаги 46-сон қарори.
7. Поршаков А.Г. Моделирование взаимосвязи инфляции, с денежными факторами // Межвузовский сборник научных трудов «Математико-статистический анализ социально-экономических процессов». МЭСИ — 2008.
8. Д. М. Кейнс «Общая теория занятости процента и денег», Москва 1994, стр. 101.
9. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари. Тошкент, 2018-2022 йиллар.
10. <http://www.president.uz> – Ўзбекистон Республикаси Президентининг матбуот хизмати.
11. www.stat.uz– Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги статистика агентлиги.

ИЖТИМОЙ – ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ КЎРСАТКИЧЛАРИНИ БАҲОЛАШДА ХАЛҚАРО ТАСНИФЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШНИНГ АҲАМИЯТИ



<https://doi.org/10.5281/zenodo.10532360>

Исмаилова Шахноза Уктамовна
O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti
huzuridagi Statitika agentligi,
Narxlar boshqarmasi bosh mutahassisi
e-mail: shaxnoza.ismailova.87@bk.ru

Аннотация. Ушбу мақолада халқаро тан олинган статистик таснифлагичларнинг аҳамияти тўғрисида сўз юритилган. Унда Мақсадлар бўйича индивидуал истеъмол таснифлагичининг Миллий ҳисоблар, нархлар статистикаси ва уй хўжаликлари статистикасида қўлланилиш усуллари ёритилган. Шунингдек, мазкур таснифлагичнинг статистик ва иқтисодий таҳлил учун муҳимлиги мисоллар билан асосланган.

Калит сўзлар: БМТ, МХТ, МИИТ, таснифлар, Халқаро меҳнат ташиқоти, инфляция, истеъмол нархлари индекси, ишлаб чиқарувчилар нархлари индекси, уй хўжаликлари бюджети, мақсадлар, харажатлар, истеъмол.

ВНЕДРЕНИЕ МЕЖДУНАРОДНЫХ КЛАССИФИКАЦИЙ ПРИ ОЦЕНКЕ ПОКАЗАТЕЛЕЙ СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКОГО РОСТА

Аннотация. В данной статье обсуждается важность международно признанных статистических классификаторов. В нем описываются методы использования Классификатора индивидуального потребления по целям в национальных счетах, статистике цен и статистике домохозяйств. Также на примерах представлена важность данного классификатора для статистического и экономического анализа.

Ключевые слова: ООН, СНС, КИПЦ, Международная организация труда, инфляция, индекс потребительских цен, индекс цен производителей, бюджеты домохозяйств, цели, затраты (расходы), потребление.

IMPLEMENT INTERNATIONAL CLASSIFICATIONS IN ASSESSING SOCIO-ECONOMIC GROWTH INDICATORS

Abstract. This article discusses the importance of internationally recognized statistical classifiers. It describes methods for using the Classifier of Individual Consumption by Purpose in National Accounts, Price Statistics and Household

Statistics. The importance of this classifier for statistical and economic analysis is also presented with examples.

Keywords: UN, SNA, COICOP, International Labor Organization, inflation, consumer price index, producer price index, household budgets, purposes, expenditures, consumption.

КИРИШ

Маълумки, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатини юритишда долзарб ва ишончли статистик маълумотларнинг аҳамияти ҳал қилувчи ўринни эгаллайди. Шу нуқтаи назардан, миллий статистика тизимини такомиллаштириш, соҳага дунёнинг илғор тажрибаларини жорий этиш, замонавий технологиялардан фойдаланиш қамровини кенгайтириш бугунги кунда барча иқтисодиётларнинг кун тартибида турган устувор йўналишлардан бири ҳисобланади.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган қатор қонун ҳужжатлари, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар мамлакатимизда миллий статистика тизимини такомиллаштириш борасидаги амалий ишларнинг пойдевори бўлди. Шунингдек, мамлакатимизда Статистикани ривожлантириш бўйича Миллий стратегиянинг (кейинги ўринларда – Стратегия) тасдиқланиши келгусида ривожланишнинг асосий йўналишларини аниқлаш имконини берди ва Ўзбекистонда миллий статистикани модернизация қилиш жараёни орқага қайтмаслигининг барқарор кафолати бўлди³⁵.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 19 августдаги “Ўзбекистон Республикасида Миллий ҳисобларнинг замонавий тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ВМҚ-691-сон қарорида Ўзбекистон Республикасида миллий ҳисоблар замонавий тизимининг халқаро стандартларини жорий этиш мақсадида Ялпи Ички Маҳсулотнинг якуний истеъмол усули бўйича батафсиллаштирилган ҳисоб-китобларида уй хўжалиқларининг истеъмол харажатлари тўғрисидаги маълумотларни халқаро таснифлагич, яъни “Мақсадлар бўйича индивидуал истеъмол таснифлагичи” асосида шакллантириш вазифаси белгиланган.

УСУЛЛАР

Мақсадлар бўйича индивидуал истеъмол таснифлагичи (МИИТ) – бу уй хўжалиқлари харажатларининг халқаро таснифлагичи ҳисобланади. МИИТнинг мақсади уй хўжалиқлари истеъмол харажатларининг функцияси ёки мақсади

³⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 августдаги ПК-4796-сон [қарори](#), 1-илова

ҳисобланган товарлар ва хизматларнинг ўзаро мос турларининг тузилмасини шакллантириш ҳисобланади.

Мақсадлар бўйича индивидуал истеъмол таснифлагичи (МИИТ) мақсадларга кўра харажатлар таснифлагичлари тўпламининг бир қисми ҳисобланади, шу билан бирга, 1968 йилдан бери Миллий ҳисоблар тизимининг (МХТ) ажралмас қисми ҳисобланган “функционал” таснифлагич сифатида ҳам қайд этилади.

1968 йилдаги МХТда “Уй хўжаликларининг товарлар ва хизматлар таснифлагичи” деб номланган навбатдаги таснифлагич таҳрири келтирилди. Ушбу таснифлагич истеъмолнинг асосий мақсадини белгилайдиган саккизта бўлимдан иборат бўлган.

Шунингдек, мазкур таснифлагич МИИТнинг биринчи таҳрири ҳисобланади ва у юқорида таъкидланганидек БМТ Статистика комиссияси томонидан 1999 йилнинг мартида қабул қилинган. Таснифлагич шунингдек, товарларни хизматлардан ажратиш ҳамда узоқ муддатли, ўрта муддатли ва қисқа муддатли фойдаланишга мўлжалланган товарлар ўртасидаги фарқни аниқлаштириш учун ишлаб чиқилган.

МИИТ–1999 индивидуал истеъмолни 14 та бўлимга таснифлайди: 01-12- бўлимларда уй хўжаликларининг индивидуал истеъмол харажатлари; 13- бўлимда уй хўжаликларига хизмат кўрсатувчи нотижорат ташкилотларининг индивидуал харажатлари ва 14-бўлимда давлат бошқаруви секторининг индивидуал истеъмол харажатлари қамраб олинган.

Юқорида таъкидлаганимиздек, МИИТ номи остидаги биринчи таснифлагич Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Статистика комиссияси томонидан 1999 йилнинг мартида МХТнинг бошқа 3 та функционал таснифлагичлари: уй хўжаликларига хизмат кўрсатувчи нотижорат ташкилотларнинг мақсадлари бўйича таснифлагич (COPNI), Ҳукумат функциялари таснифлагичи (COFOG) ва Ишлаб чиқарувчиларнинг мақсадлар бўйича харажатлари таснифлагичи (COPP) билан биргаликда қабул қилинган.

Қайта кўриб чиқилган ва янги таҳрирда шакллантирилган МИИТ–2018 олдинги таҳрирга қараганда кенгроқ, фойдаланувчиларнинг талабларига батафсил маълумотлар билан жавоб бера оладиган ва таснифлагичларни қайта кўриб чиқишни тақозо этадиган бошқа бир нечта масалалар келтирилган восита (инструмент) сифатида шакллантирилди.

Масалан, МИИТ–2018 айрим соҳалардаги товарлар ва хизматларнинг сезиларли ўзгаришларни акс эттириб, МИИТнинг бошқа таснифлагичлар билан алоқасини яхшилади ва қатор халқаро ташкилотларнинг янги статистик ва сиёсий эҳтиёжларини кўриб чиқиш имконини яратди.

Шу тариқа, 2018 йилнинг март ойида БМТ Статистика комиссиясининг 49-сессиясида такомиллаштирилган МИИТ таснифлагичи – МИИТ–2018 ни кўриб чиқилди ва у халқаро тан олинган стандарт сифатида маъқулланди.

МХТ–2018да мақсадлар бўйича харажатларнинг 4 та таснифлагичидан фойдаланилади. Ушбу таснифлагичлар турли институционал бирликлар томонидан мақсадлардан келиб чиққан ҳолда қилинадиган харажатлар бўйича истеъмол тузилмасини таҳлил қилишда фойдаланилади. Ушбу таснифлагичлар функционал таснифлагичлар деб аталади:

МИИТ (СОICOP) – Мақсадлар бўйича Индивидуал Истеъмол Таснифлагичи;

НТМТ (COPNI) – Уй хўжалиқларига хизмат кўрсатувчи Нотижорат Ташкилотларининг Мақсадлари Таснифлагичи;

ДФТ (COFOG) – Давлат Функциялари Таснифлагичи;

ИЧМХТ (COPP) – Ишлаб Чиқарувчиларнинг Мақсадлар бўйича Харажатлари Таснифлагичи.

Шу жиҳатдан, МИИТ–2018да синфлар ва кичик синфлар даражалари “Хизматлар” (S), “Қисқа муддат фойдаланиладиган товарлар” (ND), “Ўрта муддатда фойдаланишга мўлжалланган товарлар” (SD) ва “Узоқ муддат фойдаланишга мўлжалланган товарлар” (D)га бўлинади. Ушбу қўшимча таснифлар бошқа таҳлилий ишларни амалга оширишда ҳам қўл келади. Масалан, баъзида уй хўжалиқларига тегишли бўлган “капитал қийматликлар” захирасини баҳолашда. МИИТнинг “узоқ муддат фойдаланишга мўлжалланган товарлар” деб таснифланган синфлари бундай баҳолашлар учун базавий элементлар вазифасини бажаради.

НАТИЖАЛАР

МИИТ шунингдек, бутун дунё бўйича, айниқса ривожланаётган мамлакатлардаги уй хўжалиқлари харажатларининг энг юқори улушини ташкил этадиган озиқ-овқат харажатлари ва истеъмоли тўғрисидаги ахборотларни тўплаш ва тарқатиш борасида ҳам фойдали ҳисобланади.³⁶ Бироқ, МИИТнинг олдинги таҳрирларида таснифларнинг тафсилотлари етарли даражада бўлмаганлиги натижасида, турли давлатларда озиқ-овқатлар таснифларининг ҳар хил рўйхатлари пайдо бўлишига ва оқибатда халқаро даражада таққосламаликнинг чекланишига олиб келди.

Шу билан бирга, МИИТ–2018 01-бўлимининг қўшимча батафсил таснифига манбаалар бўйича гуруҳлаштирилган янги товарлар киритилган. Масалан, ёрмалар, гўшт, денгиз маҳсулотлари каби бирламчи товарлар ҳар бир


³⁶ Жаҳон банки, Глобал Истеъмол бўйича маълумотлар базаси: <http://datatopics.worldbank.org/consumption/>

гурухда иерархиянинг бошида жойлашган, улардан кейин эса мазкур товарларни қайта ишлаш натижасида тайёрланган маҳсулотлар жойлашган. Шунингдек, бошқа категорияларга киритилмаган тайёр озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари бўйича янги синф ҳам 01-бўлимга киритилган.

МИИТ-ИНИда таснифлаш объектини белгилаш бўйича намуна:

2-расм

01.1.1.3.1.1 Олий навли буғдой ундан нон ва булка маҳсулотлари



Айтиш жоизки, мазкур ўқув курсида вакиллари иштирок этган Марказий Осиё, Кавказ ва Шарқий Европа мамлакатларида МИИТ–2018ни жорий этиш бўйича ишлар ҳали давом этаётганлиги, бу борада Ўзбекистон миллий статистика тизими илгарилаб кетганлигидан далолат беради.

Ўзбекистон миллий статистика тизими 2021 йил январь ойидан бошлаб МДҲга аъзо давлатлар статистика идоралари орасида биринчилардан бўлиб истеъмол нархлари индексини тўлиқ БМТнинг Classification of Individual Consumption According to Purpose (COICOP) 2018 халқаро стандартига асосланган, Мақсадлар бўйича индивидуал истеъмол таснифлагичи 2018 (МИИТ–2018) асосида шакллантиришни амалиётга жорий этди. Бунгача, истеъмол нархлари индекси ҳисоб-китоблари учун товарлар ва хизматларнинг рўйхати Давлат статистика қўмитаси томонидан Товарлар номенклатураси ва

аҳолига кўрсатиладиган хизматлар таснифлагичи асосида шакллантирилган ҳамда йиллар давомида ушбу рўйхат аҳолининг истеъмол харажатларини ҳисобга олган ҳолда мунтазам равишда қайта кўриб чиқилиб, мақбуллаштириб борилган.

МУНОЗАРА

Ўзбекистон Республикасининг Мақсадлар бўйича индивидуал истеъмол таснифлагичи (ЎЗР МИИТ–2 018) 2019- йил учун иқтисодиёт ва ижтимоий соҳада долзарб масалаларнинг статистик таҳлилини ўтказиш бўйича халқаро ташкилотларнинг тавсияларини ўрганиш асосида услубий қўлланмаларни такомиллаштириш ва жорий этиш бўйича Ҳаракатлар режасига мувофиқ ишлаб чиқилган³⁷.

ЎЗР МИИТ–2018га асосан, 2021 йилда истеъмол нархларини кузатиш ва ИНИни ҳисоблаш учун танлаб олинган 510 та товарлар ва хизматлар қуйидаги 13 та йирик бўлимларга гуруҳланган:

- 01- Озиқ-овқат маҳсулотлари ва спиртсиз ичимликлар;
- 02- Спиртли ичимликлар, тамаки маҳсулотлари;
- 03- Кийимлар ва пойафзал;
- 04- Турар жой хизматлари, сув, электр, газ ва бошқа ёнилғи турлари;
- 05- Уй-рўзғор асбоблари, маиший техника ва турар жойларга кундалик хизмат кўрсатиш;
- 06- Соғлиқни сақлаш;
- 07- Транспорт;
- 08- Ахборот ва алоқа;
- 09- Дам олиш, спорт ва маданият;
- 10- Таълим соҳасидаги хизматлар;
- 11- Ресторанлар ва меҳмонхоналар хизматлари;
- 12- Суғурталаш ва молиявий хизматлар;
- 13- Маиший товарлар ва хизматлар, ижтимоий ҳимоя ва турли товарлар ва хизматлар.

Шу билан бирга, МИИТ бўйича хорижий амалиётни ўрганиш жараёнида мазкур таснифлагич бўйича алоҳида услубий ҳужжатлар ишлаб чиқилган.

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида шуни қайд этиш жоизки, Ўзбекистон миллий статистика тизимида МИИТ–2018нинг жорий этилиши мамалакат кўрсаткичларининг

³⁷ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлигининг расмий веб-сайти, <https://stat.uz/uz/interaktiv-xizmatlar/statistik-klassifikasiyalar>

халқаро майдонда тан олиншига ва ўзаро таҳлил ҳамда солиштирув ишларида қўлланилишига яна бир туртки бўлди. Бу хусусан, уй хўжаликлари бюджети статистикаси, истеъмол нархлари ва ЯИМ маҳсулот бўйича статистик кўрсаткичларда яққол намоён бўлди.

МИИТда белгиланган мақсадлар миллий статистика идоралари томонидан ўзларининг шахсий фойдаланишлари учун ишлаб чиқилган истеъмол харажатлари таснифлагичларига асосланган бўлиб, кўплаб таҳлилий маълумотларни шакллантиришда қулайлик яратади. Энг асосийси статистик кўрсаткичларни ягона таснифлар асосида таснифлаш маълумотларнинг ўзаро таққосламалигини таъминлашга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати (REFERENCES)

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 апрелдаги “Давлат бошқарувининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш ҳамда мамлакатнинг статистика салоҳиятини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4273-сон қарори.
2. “Истеъмол нархлари индекси бўйича қўлланма: Назария ва амалиёт” (Халқаро Валюта Жамғармаси (ХВЖ), Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти, Европа ҳамжамияти статистика бюроси (Евростат), Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Европа иқтисодий комиссияси (БМТ ЕИК), Бутунжаҳон банки ва Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ)), 2007 й.
3. “Ўзбекистон Республикаси. Истеъмол нархлари индекси бўйича миссияси техник ҳисоботи (2021 йил 11-15 октябрь)” П. Келли, 15.12.2021 й.
4. “Ўзбекистон Республикаси. Истеъмол нархлари индекси бўйича миссия ҳисоботи (2022- йил 9-13 май)” В. Герейро, 2022 й.
5. Ривожланган давлатларнинг истеъмол нархлари индекси кўрсаткичи бўйича метамаълумотлари, Халқаро валюта жамғармасининг к-МТУТ, <https://dsbb.imf.org/>.
6. “Товарлар ва хизматларнинг истеъмол нархлари (тарифлари) кузатувини ташкил этиш ҳамда истеъмол нархлари индексини ҳисоблаш бўйича услубий” низом 2020 йил 30 ноябрдаги 46-сон қарори.
7. <https://www.weforum.org/agenda/2022/05/what-is-the-consumer-price-index/>

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ИЧКИ АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ



<https://doi.org/10.5281/zenodo.10532380>

Музафарова Сусанна Диляверовна

ТДИУ магистратура, 1-босқич, МБР-32-1 гуруҳ талабаси

e-mail: Susanna.Muzafarova@uzea.uz

Тел -99890 3227418

Аннотация: Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонуни 2000 йилда қабул қилинган бўлиб, сўнгги 20 йилда аудит бозорида катта ўзгаришлар рўй бергани ва қатор ислохотлар амалга оширилгани туфайли бугунги кун талабига тўлиқ жавоб бермаслиги тобора аён бўлиб қолди. Шу боис, 2021 йил 25 февралда Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди. Янги таҳрирдаги қонунда замонавий талаблар ва аудитни тартибга солиш соҳасидаги текширилган халқаро амалиёт принципларига асосланган аудиторлик фаолиятини тартибга солишнинг самарали ташкилий-ҳуқуқий механизмини яратилиши, аудиторлик фаолиятини тартибга соладиган қоида ва нормалар ҳамда меъёрий ҳужжатларни ягона норматив-ҳуқуқий ҳужжатда унификациялаш ва тизимлаштириши масалалари ўз ифодасини топган.

Калит сўзлар: аудит тизими, бухгалтерия, аудиторлик фаолияти, аудитор текшируви, аудиторлик фаолияти, янги босқич.

ПЛАНИРОВАНИЕ И СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ АУДИТА В НОВОМ УЗБЕКИСТАНЕ

Музафарова Сусанна Диляверовна

ТДИУ магистратура, 1-босқич, МБР-32-1 гуруҳ талабаси

e-mail: Susanna.Muzafarova@uzea.uz

Тел -99890 3227418

Аннотация: Закон Республики Узбекистан «Об аудиторской деятельности» был принят в 2000 году, и в связи с серьезными изменениями на аудиторском рынке и рядом реформ за последние 20 лет стало все более очевидным, что он не в полной мере отвечает сегодняшние требования. Поэтому 25 февраля 2021 года была принята новая редакция Закона Республики Узбекистан «Об аудиторской деятельности». В новой редакции закона рассматриваются вопросы создания эффективного организационно-

правового механизма регулирования аудиторской деятельности на основе современных требований и проверенных принципов международной практики в области регулирования аудита, унификации и систематизации правил и норм, регулирующих аудит. Деятельность и нормативные документы выражены в едином нормативном правовом документе.

Ключевые слова: *система аудита, бухгалтерский учет, аудиторская деятельность, аудиторская проверка, аудиторская деятельность, новый этап.*

PLANNING AND IMPROVING THE AUDIT IN THE NEW UZBEKISTAN

Музафарова Сусанна Диляверовна

ТДИУ магистратура, 1-босқич, МБР-32-1 гуруҳ талабаси

e-mail: Susanna.Muzafarova@uzea.uz

Тел -99890 3227418

Abstract: *The Law of the Republic of Uzbekistan "On Auditing Activities" was adopted in 2000, and due to major changes in the audit market and a number of reforms in the last 20 years, it has become increasingly clear that it does not fully meet today's requirements. Therefore, on February 25, 2021, the new version of the Law of the Republic of Uzbekistan "On Auditing Activities" was adopted. In the new version of the law, the issues of creating an effective organizational and legal mechanism for the regulation of audit activity based on modern requirements and verified principles of international practice in the field of audit regulation, unifying and systematizing the rules and norms regulating audit activity and regulatory documents in a single regulatory legal document are expressed.*

Key words: *audit system, accounting, audit activity, auditor review, audit activity, new stage.*

КИРИШ

Мамлакатимизда иқтисодий назоратнинг асосий таркибий элемента ҳисобланган аудит бугунги кунда бозор иқтисодиёти ривожланишининг муҳим элементларидан бири ҳисобланади. Корхоналарнинг бухгалтерия ва молиявий ҳисоботини мустақил текширишнинг ташкилий, услубий ва методологик усулларини ўзида жамлаган аудитни ўтказиш учун бу жараёнларни амалга ошира оладиган мутахассис етарли билимга эга бўлиши зарур. Бундай билимга нафақат текширувчи, балки текшириш ўтказилаётган иқтисодий субъектнинг тегишли мутахассислари ҳам эга бўлиши лозим. Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий мустақил ҳамда молиявий барқарор фаолият

курсатишларида уларни оқилона бошқариш, ҳисоб-китоб юритилишини бозор иқтисодиёти талабларига мослаштириш, аудитни тўғри ташкил қилиш, мавжуд моддий, молиявий ва меқнат ресурсларидан самарали фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатишни ташкил этиш, натижада юқори фойда олиб, давлат бюджети олдидаги мажбуриятларини ўз вақтида бажариш заҳираларини ташкил этиш муҳим ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан ҳам Ўзбекистонда аудиторлик фаолиятни бозор талаблари асосида ташкил этиш бугунги кундаги долзарб масалалардан саналади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2018 йил 19 сентабрдаги “Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-3946-сон қарорида ҳам мамлакатимизда амалга оширилиши лозим бўлган бир-қатор ишлар белгилаб берилган бўлиб, бугунги замон талабларига тўла жавоб бера оладиган аудиторлик фаолияти тизимини ташкил этишда дастурул амал бўлиб хизмат қилмоқда.

Адабиётлар шарҳи


Корхонада ички аудит бўлимини ташкил қилиш мураккаб жараён бўлиб, унинг самарали фаолият юритиши учун уни корхона хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда босқичма-босқич амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир. Ички аудит фаолиятини ташкил қилишнинг айрим қирралари хорижий ва республика олимлари Е.Н. Макаренко, А.И. Харитончик, А.Д. Шеремет, Б. Ҳамдамов, Б.А. Хасанов, Н.Ф. Каримовнинг илмий ишларида тадқиқ қилинган. Проф. Н.Ф. Каримов томонидан ички аудит фаолиятини юритиш мажбурий бўлган кўпгина мамлакатлар тажрибасини ўрганиш асосида ишлаб чиқилган ички аудит хизматини ташкил қилиш босқичларини ўзаро узвий боғланган ҳолда ташкил этилиши келтирилган.

Тадқиқот методологияси

Мақолада илмий мушоҳада, тизимли ёндашув ва индуксия ва дедуксия каби тадқиқот усулларида фойдаланилди. Жаҳондаги мавжуд усул ва ёндашув-лар таҳлилларига асосланиб, Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисоби тизими ва аудиторлик фаолиятини ривожлантиришдаги муаммо ва ечимлари бўйича таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилган.

Таҳлил ва натижалар

Ички назорат тизимининг кўлами ва хусусиятлари, шунингдек уларнинг шаклланиш даражаси иқтисодий субъектнинг ҳажми ва унинг фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари билан мос келиши лозим.




1-чизма. Ички назорат тизими элементлари³⁸

Ички назорат тизимининг хусусиятлари текширилаётган иқтисодий субъектнинг бухгалтерия ҳисоби тизими унинг хўжалик фаолиятини аниқ (ёки ноаниқ) акс эттираётганлигига кераклича ишонч ҳосил қилишга ёрдам бериши мумкин. Аудитор назоратнинг тегишли воситаларига таяниши мумкинлигига ишонч ҳосил қилгандагина, у аудиторлик тадбирларини янада осонроқ ва янада қулайроқ олиб боради, шунингдек аудиторлик тадбирлари ва уларни амалга ошириш учун кўзда тутилган давр харажатлари мазмунига ўзгартириш киритиши мумкин. Ички назорат тизими функцияларини 1.2-чизмада ҳавола этамиз. Ички назорат тизимининг умумий ҳолати, назорат муҳити ва алоҳида назорат воситаларининг самарадорлиги ва ишончлилигини баҳолашда аудиторлик ташкилоти камида қуйидаги уч босқичдан иборат градацияни бажариши керак: юқори, ўрта, паст.

Аудиторлик ташкилотлари бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимини ўрганиш ва баҳолашнинг усул ва тартибини мустақил равишда ишлаб чиқадилар, шунингдек аудиторлик текшируви тадбирларини ушбу ўрганиш ва баҳолаш натижаларига асосланган ҳолда режалаштирадилар. Хўжалик юритувчи субъект ички назорат тизимининг самарадорлигини баҳолаш учун аудитор томонидан тестлар тузиб чиқилади.

³⁸ Бухгалтерия Ҳисобининг Халқаро Стандартлари - 2013, Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар миллий Ассоциациясининг таржимаси, - Т.,2014



2-чизма. Ички назорат тизими функциялари³⁹

Аудиторлик текшируви давомида аудиторлик ташкилотлари томонидан бухгалтерия ҳисобининг ўзига хос хусусиятларининг ўрганиб борилиши ва баҳоланиши, ички назорат тизимини ўрганилиб борилиши ва баҳоланиши ўрнатилган тартибда ҳужжатлаштирилиши керак. Ушбу ишни олиб бориш ва ҳужжатлаштиришда қуйидаги шакллардан фойдаланиш тавсия этилади:

- а) махсус ишлаб чиқилган тест жараёнлари;
- б) раҳбар ходимлар ва бухгалтерия бўлими ходимлари фикрини аниқлаш учун намунавий саволлар рўйхати;
- в) махсус бланк ва текширув қоғозлари;
- г) блок-схемалар ва графиклар;
- д) изоҳлар, баённомалар ёки далолатномалар рўйхати.


Аудиторлик текширувининг асосий босқичлари шартли равишда ажратилган, масалан, стандартларга мувофиқ аудит жараёнларини режалаштириш бутун аудит давомида амалга оширилади.

Фикримизча, халқаро амалиётда кенг фойдаланилаётган халқаро ички аудит стандартларини республикада ҳам қабул қилиш лозим. Ўзбекистон жамоат ташкилотлари орқали Ички аудиторлар институтига аъзо бўлиш, мамлакатимизда халқаро ички аудит стандартларидан фойдаланиш имконияти яратилади.

³⁹ Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар миллий Ассоциациясининг таржимаси, - Т., 2014

1-расм.

Операцион аудит ўтказишнинг асосий босқичлари⁴⁰



Тасдиқланган топширик бўйича аудит умумий режасининг янада кенгайтирилган ва батафсил ёритилгани аудит ўтказиш дастури ҳисобланади. Ички аудиторлар фаолиятини режалаштириш Ички аудиторларнинг халқаро касб стандартлари 2010 -сон “Режалаштириш” ва 2020 – сон “Кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун режани тақдим этиш”га мувофиқ тартибга солинади. Аудитни режалаштириш бўйича ҳар қандай ҳужжатни тайёрлаш аудиторлик рискин таҳлил қилишдан бошланади. Аниқланган операцион аудит рисқи аудиторнинг “Операцион аудит рисқи” номли ишчи ҳужжатда акс эттирилади. “Аудиторлик амалларини ўтказиш” босқичи аудиторлик топшириқини бажаришда асосий босқич ҳисобланади, чунки ушбу босқичда ички назорат тизимининг операцион самарадорлигини аниқлаш амалга оширилади. Операцион аудит билан шуғулланган ички аудитор томонидан назорат амалларининг натижадорлиги ва таъсирчанлигини баҳолаш мақсадида ўтказилган аудит натижасида назорат амалларининг самарадорлиги тўғрисида фикр билдириши лозим.

⁴⁰ Якубов Матрасул Мавлонбердиевич Тошкент молия институти таянч докторанти Операцион аудитни ташкил этишнинг асосий босқичлари.

ХУЛОСА ВА НАТИЖАЛАР

Республикамизда иқтисодий ислохотларни янада ривожлантириш ва либераллаштириш шароитида инвесторлар, кредиторлар, давлат органи томонидан иқтисодий асосланган самарали қарорлар қабул қилиниши хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ишончли бухгалтерия маълумотларининг тайёрланиши ва ташқи фойдаланувчиларга ўз вақтида етказиб берилиши билан бевосита алоқадор ҳисобланади. Зеро, самарали иқтисодий қарорлар қабул қилинишига асос бўлувчи бухгалтерия тизими маълумотларининг белгиланган таъминларга мос равишда тузилганлиги мустақил аудит тизими воситасида аниқланади.

1. Аудиторлик текширувини режалаштираётганда аудитор аудит рискин камайтириш учун турли хилдаги аудит далилларини тўплайди. Аввалги бобларда таъкидлаганимиздек, аудит рисқи уч элементдан ташкил топган, яъни доимий рисқи, назорат рисқи ва аниқланмаслик рисқи. Бу рисқларнинг ҳар бири учун аудитор тўплаши лозим бўлган далиллар турличадир. Аммо, шуни таъкидлаш лозимки, аудитор далилларни аввало аниқланмаслик рискин камайтириш учун тўплайди. Чунки, аниқланмаслик рисқи бевосита аудит далилларига боғлиқ. Назорат рисқи билан боғлиқ бўлган аудит далиллари ҳар бир операция ёки ҳужжатни текширишга эмас, балки шу операцияларга нисбатан ишлаб чиқилган ички назорат тизимининг сифатини ўрганишга қаратилган. Ички назорат тизими қанчалик сифатли деб топилса, аудит далиллари ҳам шунчалик кам миқдорда тўпланиши мумкин.

2. Хорижий давлатларда аудиторлик текширувини ташкил қилишда ҳамда аудиторлик текширувини ўтказишда тўрт босқичли мукамал қилиб ишлаб чиқиши натижасида аудиторлик текширувини сифатли ҳамда текширув ўтказилаётган иқтисодий субъектнинг молиявий ҳолатини аниқ баҳолаш имкониятини беради. Бизда эса уч босқичли текширув олиб борилади. Ўзбекистонда ҳам тўрт босқичли қилиш лозим, яъни ишчи ҳужжатларни расмийлаштиришдан (аудиторлик хулосаси ҳамда аудиторлик ҳисоботни тузишдан) текширув ўтказилган натижаларни таҳлил қилган ҳолда натижаларни баҳолаш босқичини киритиш керак деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида” ги Қонуни. №404. 2016 йил 13 апрель.
2. Ўзбекистон Республикаси «Аудиторлик фаолияти тўғрисида» ги Қонуни (янги таҳрир). - Т.: 2021 йил 25 май (ўзгартириш ва қўшимчалар билан).

3. Бухгалтерия Ҳисобининг Халқаро Стандартлари - 2013, Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар миллий Ассоциациясининг таржимаси, - Т.,2014
4. Халқаро аудит стандартлари, сифат назорати, кўриб чиқиш, бошқа ишонч билдириш ва турдош хизматларнинг халқаро стандартлари тўплами - Халқаро Бухгалтерлар Федерацияси, 2013.
5. Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар миллий Ассоциациясининг таржимаси, - Т., 2014
6. Якубов Матрасул Мавлонбердиевич Тошкент молия институти таянч докторанти Операцион аудитни ташкил этишнинг асосий босқичлари.

KLASTER TIZIMI VA UNING FERMER XO‘JALIKLARI RIVOJIDAGI O‘RNI



<https://doi.org/10.5281/zenodo.10532396>

Murodov Jahongir Choriyevich,
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti,
“Statistika” kafedrasida katta o‘qituvchisi

Annotatsiya: *ushbu maqola fermer xo‘jaliklarini rivojlantirishda klaster tizimining o‘rniga bag‘ishlangan. Maqolada klaster tushunchasi, ularning asosiy xususiyatlari, afzalliklari va kamchiliklari, shuningdek, klasterlarning qishloq xo‘jaligini rivojlantirishdagi o‘rni yoritilgan. Dunyoning turli mamlakatlaridagi klaster tizimlarining aniq misollari va ularning fermer xo‘jaliklarining iqtisodiy ko‘rsatkichlarini oshirishga ta‘siri ko‘rib chiqiladi.*

Kalit so‘zlar: *klaster tizimi, qishloq xo‘jaligi, fermerlik, rivojlanish, iqtisodiyot.*

КЛАСТЕРНАЯ СИСТЕМА И ЕЕ РОЛЬ В РАЗВИТИИ ФЕРМЕРСКОГО ХОЗЯЙСТВА

Аннотация: *данная статья посвящена роли кластерных систем в развитии фермерских хозяйств. В статье описывается концепция кластеров, их основные характеристики, преимущества и недостатки, а также роль кластеров в развитии сельского хозяйства. Рассматриваются конкретные примеры кластерных систем в различных странах мира и их влияние на улучшение экономических показателей фермерских хозяйств.*

Ключевые слова: *кластерная система, сельское хозяйство, фермерское хозяйство, развитие, экономика.*

CLUSTER SYSTEM AND ITS ROLE IN FARM DEVELOPMENT

Abstract: *this article focuses on the role of cluster systems in the development of farming businesses. The concept of clusters, their main characteristics, advantages, and disadvantages, as well as the role of clusters in agriculture development are described in the article. Concrete examples of cluster systems in various countries of the world and their influence on improving economic indicators of farming businesses are examined.*

Keywords: *cluster system, agriculture, farming business, development, economy.*

KIRISH

Klasterlash fermerlik sohasida faoliyat ko‘rsatuvchi tadbirkorlik sub'ektlari orasida hamkorlikni rivojlantirish imkoniyatlarini oshirishga qaratilgan strategiyalardan biridir. Fermer xo‘jalilarini klasterlash ishlab chiqarishni optimallashtirishga, mijozlari bilan yuqori darajada aloqa o‘rnatish, tajribalar almashish, sotish va marketing ishlari ustida ko‘proq boshqaruv tajribasini jalb etishga imkoniyat yaratadi. Shuningdek, klasterlar yordamida fermer xo‘jalilarining moliyaviy, iqtisodiy, ijtimoiy va boshqa ko‘pgina muammolarini hal qilish uchun tadbirkorlar va institutlar bilan hamkorlik qilish imkoniyatini beradi.

Fermer xo‘jaliklarida qishloq xo‘jalik mahsulotlarini qayta ishlash, xizmat ko‘rsatish va boshqa shu kabi qo‘shimcha tarmoqlarni yo‘lga qo‘yish orqali yangi ish o‘rinlari yaratishda ularning ixtiyoriylik asosidagi o‘zaro kooperatsiyasini yo‘lga qo‘yish ham muhim ahamiyat kasb etadi [1]⁴¹.

Fermer xo‘jaliklarini klasterlash hozirgi kunda dolzarb hisoblangan quyidagi muammolarni hal etadi, jumladan:

1. **Resurslarni taqsimlashning optimallasuvi**, bunda klasterdagi bir nechta fermer xo‘jaliklari sug‘orish tizimiga ehtiyoj sezsa, resurslarni birlashtirish va xarajatlarni kamaytirish uchun birlashishadi.

2. **O‘zaro hamkorlikning kuchayishi**: klasterdagi fermer xo‘jaliklari ko‘pincha umumiy maqsad va manfaatlarga ega bo‘lib, tadqiqot hamda bilimlarni o‘rtoqlashish, ilg‘or tajribalarni almashishlari yoki sotib olish kelishuvlarida hamkorlik qilish ehtimoli ko‘proq bo‘ladi.

3. **Ixtisoslashuvni ta'minlash**: klasterdagi fermer xo‘jaliklari muayyan ekinlar yoki faoliyat turlariga ixtisoslashadi va ular faoliyati samaradorligi oshadi.

4. **Siyosiy qarorlarni qo‘llab-quvvatlash**: klasterlashtirish siyosatchilarga turli fermer xo‘jaliklari duch keladigan muammolar va imkoniyatlarni tushunishga yordam berib, fermerlarning ehtiyojlarini yaxshiroq qondiradigan xuquqiy qarorlar ishlab chiqishga ko‘maklashadi.

5. **Marketing ishlarini osonlashtirish**: klasterlash fermer xo‘jaliklariga ma'lum bir hududda ishlab chiqarilgan mahsulotlar uchun taniqli brend yoki o‘ziga xoslikni yaratish orqali o‘z mahsulotlarini yanada samaraliroq sotib, fermer xo‘jaliklari tomonidan ishlab chiqarilgan mahsulotlarga iste'mol talabining oshishiga yordam beradi.

6. **Raqobatbardoshlikni oshirish**: klasterlash orqali fermerlar bozorda raqobatbardoshligini oshirish uchun o‘zlarining jamoaviy resurslari va tajribalaridan

⁴¹ Mamatqulov B.X., Utanov B.Q. “Qishloq xo‘jaligi statistikasi”. Darslik. Toshkent. Iqtisodiyot. 2020.

foydalanishlari mumkin. Ular birgalikda marketing harakatlaridan, umumiy infratuzilmadan va jamoaviy muzokaralar kuchidan foyda olishadi.

7. **Moliyadan foydalanish:** bunda yangi asbob-uskunalarga sarmoya kiritish, faoliyatini kengaytirish va bozorning yangi imkoniyatlaridan foydalanishda yordam beradi.

8. **Barqarorlikni yaxshilash:** fermer xo‘jaliklarining klasterlashuvi tabiatni muhofaza qilish texnikasi, chiqindilarni kamaytirish va yerdan mas’uliyatli foydalanishga oid bilimlarni almashish orqali barqaror dehqonchilik amaliyotini rag‘batlantiradi.

9. **Munosabatlarning mustahkamlanishi:** fermer xo‘jaliklarining klasterlashuvi ish o‘rinlarini yaratish, iqtisodiy faollikni oshirish va ijtimoiy hamjihatlikni rag‘batlantirish orqali qishloqlarda xo‘jalik yurituvchi sub’ektlar orasida munosabarlarni mustahkamlaydi.

Agrobiznesning klaster modelini keng joriy etish chora-tadbirlarini amalga oshirish, klasterlash jarayonining tashkiliy-huquqiy va iqtisodiy asoslarini takomillashtirish, qishloq xo‘jaligi tarmoqlarida klasterlarni tashkil etish va rivojlantirish bo‘yicha investitsiya loyihalarini amalga oshirishga ko‘maklashish muhim vazifa bo‘lib hisoblanadi [2]⁴².

Umuman olganda, fermer xo‘jaliklarining klasterlashuvi qishloq xo‘jaligining barqaror, raqobatbardosh va inklyuziv rivojlanishini rag‘batlantirishning muhim strategiyasidir.

Adabiyotlar tahlili

Fermer xo‘jaliklarining klasteri turli sohalarda, jumladan, qishloq xo‘jaligi iqtisodiyoti, qishloq taraqqiyoti va geografiya bo‘yicha turli olimlar tomonidan o‘rganilgan mavzudir. Fermer xo‘jaliklarini klasterlash bo‘yicha tadqiqotlar olib borgan taniqli olimlardan ba’zilari:

Raqobat strategiyasi va iqtisodiy rivojlanish bo‘yicha yetakchi ekspert Maykl Porter klasterlar, jumladan, qishloq xo‘jaligida klasterlarni geografik jihatdan o‘zaro bog‘langan va ularga aloqador korxonalar guruhi sifatida ta’riflagan [3]⁴³.

Charu Aggarwal o‘zining “Data Clustering: Algorithms and Applications” nomli kitobida fermer xo‘jaliklarini klasterlash va ular algoritmini tuzish bo‘yicha o‘z fikrlarini bergan [4]⁴⁴.

“Innovative Clusters: Drivers of National Innovation Systems” kitobi muallifi Charlie Karlsson fermer xo‘jaliklari faoliyatini samarali tashkil etishda

⁴² O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019 yil 17 apreldagi “Qishloq xo‘jaligi sohasida davlat boshqaruvi tizimini takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PF-5708-sonli Farmoni.

⁴³ Machael E. Porter, Clusters and the new economics of competition Harvard Business Review, Nov-Dec,1998 P77-90

⁴⁴ Aggarwal, Charu & Reddy, Chandan. (2013). DATA CLUSTERING Algorithms and Applications.

klasterlashlarning iqtisodiy foydalari, klasterlarning innovatsion rivojlanishni qanday qo‘llab-quvvatlashi va mamlakat iqtisodiyotida klasterlashning o‘rni haqida tahlillarini bayon etgan [5]⁴⁵.

Buyuk Britaniyaning Linkoln universiteti professori Filipp Kostov qishloq xo‘jaligi klasterlarining muvaffaqiyatiga hissa qo‘shuvchi omillar bo‘yicha tadqiqot olib borgan [6]⁴⁶.

Klasterlarning mohiyati, tashkil etish zaruriyati, rivojlantirish tamoyillari, shart-sharoitlari, bosqichlari, samaradorligini aniqlash va davlat tomonidan qo‘llab-quvvatlashning asosiy yo‘nalishlari haqida oz‘bek olimlaridan Ch.Murodov tadqiqot olib borgan [7]⁴⁷. Qodirov A.M. va A.T.Axmedievalar davlat agroklaster siyosatining vazifalari, agroklasterlarni ajratishning algoritmlari, institutsional asoslari va o‘zaro manfaatli iqtisodiy munosabatlarni amalga oshirish mexanizmlarini ishlab chiqish bo‘yicha tadqiqot ishlari olib borishgan [8]⁴⁸. Shuningdek, meva-sabzavotchilik klasterlarini innovatsion rivojlantirish omillari, yo‘llari, klaster tizimini rivojlantirish va meva-sabzavotchilik sohasi samaradorligini oshirish bo‘yicha Sh.Dehqonova tadqiqot olib borgan [9]⁴⁹.

T. Xidirovning tadqiqotlariga ko‘ra, klaster tizimining samarali ishlash omillari quyidagilar sanaladi: korxonalararo integratsiya tizimini joriy etish, yangi tashabbuslarni yo‘lga qo‘yish, innovatsion texnologiyalarni qo‘llash, qayta ishlash imkoniyatlarini oshirish, xalqaro tajribalarni tadbiq etish va xarajatlar oqimini kamaytirish [10]⁵⁰.

Tadqiqot metodologiyasi

Klaster tizimi va uning fermer xo‘jaliklari rivojida o‘rni mavzusidagi tadqiqot ishida quyidagi metodologiyalardan foydalandik: tadqiqot muammosi va unig dolzarbligi aniqlashtirildi, fermer xo‘jaliklarini klasterlash mavzusiga oid adabiyotlar tahlili amalga oshirildi, ma‘lumot jamlash maqsadida so‘rovnomalar, intervyu, keys tadqiqotlari, ma‘lumotlarni tahlili amalga oshirildi. Tahlillar natijasiga asosan, fermer xo‘jaliklarida klasterlashni qo‘llab-quvvatlash, ilg‘or tajribalarni

⁴⁵ Charlie Karlsson “*Innovative clusters: drivers of national innovation systems*”. Paris: OECD publication. Parto, S. (2019).

⁴⁶ Kostov, Philip & Davidova, Sophia. (2023). Smallholders Are Not the Same: Under the Hood of Kosovo Agriculture. Land. 12. 146. 10.3390/land12010146.

⁴⁷ Муродов Ч., Насанов Ш., & Муродова М. (2014). Агрокластер: ташкил этишнинг назарий асослари. Экономика.

⁴⁸ Qodirov A.M., Axmedieva A.T. “Klasterlarni rivojlantirishni bo‘yicha uslubiy mintaqaviy xususiyatlari”. Qishloq xujaligida klaster tizimini rivojlantirish: tajribalar, natijalar va istikbolli yunalishlar. Respublika ilmiy-amaliy anjumani materiallari. 2019 yil 24 may: - Buxoro : “Sadridin Salim Buxoriy” Durdona nashriyoti, 2019.-260 b.

⁴⁹ Dehqonova Sh. “Meva-sabzavotchilik klasterlarini innovatsion rivojlantirish yo‘llari”. Agroiqtisodiyot ilmiy-amaliy agroiqtisodiy jurnal. 2(16) 2020.

⁵⁰ Xidirov T.Q. “Sutni qayta ishlash korxonalarini klaster tizimi asosida rivojlantirish orqali iqtisodiy samaradorligini oshirish yo‘llari”. Iqtisodiyot va ta‘lim jurnali. 2022-yil 5-son.

joriy qilish bo‘yicha takliflar va kelgusi tadqiqotlar uchun metodologik asoslar shakllantirildi.

Tahlil va natijalar muhokamasi

Klasterlash - natija olish maqsadida o‘xshash ob'ektlarni ma'lum mezonlar asosida guruhlash uchun ishlatiladigan mashhur usuldir. Fermer xo‘jaliklari faoliyatini klasterlashda fermer xo‘jaliklarining umumiy faoliyat turlari yoki xususiyatlaridan kelib chiqib guruhlash amalga oshiriladi.

Iqtisodiyotda klaster deganda avvalo, hududiy jihatdan yaqin bo‘lgan hamda funksional jihatdan bir-biri bilan o‘zaro bog‘liq bo‘lgan turli xil sub’ektlar, ya’ni tashkilotlar, ishlab chiqarish hamda xizmat ko‘rsatish korxonalarini, ilmiy-tadqiqot va ta’lim maskanlarining birlashmasi tushuniladi [11]⁵¹.

Fermer xo‘jaliklari faoliyatini klasterlashtirish samaradorligi ma’lumotlar sifati, tegishli klasterlash algoritmlarini tanlash, natijalarni sharhlash kabi turli omillarga bog‘liq. Fermer xo‘jaliklari faoliyatini klasterlashtirishning o‘ziga xos xususiyatlari va afzalliklari quyidagilardan iborat:

Qonuniyatlarni oshkor qilish: klasterlash fermer xo‘jaliklari faoliyatidagi qonuniyat va o‘xshashliklarni aniqlashga yordam beradi. Masalan, o‘xshash ekinlar yetishtiruvchi yoki shunga dehqonchilik texnikasidan foydalanadigan fermer xo‘jaliklarini birlashtiradi.

Resurslarni taqsimlash: klasterlash yer, ishchi kuchi va uskunalari kabi resurslarni samarali taqsimlashga yordam beradi. Faoliyati o‘xshash bo‘lgan fermer xo‘jaliklarini guruhlash orqali qaysi resurslar zarurligini va ular qayerda kerakligini aniqlash oson bo‘ladi.

Qaror qabul qilish: klasterlash fermer xo‘jaliklarining faoliyati va xarakterli jiharlari haqida qaror qabul qilishda yordam beradi. Ushbu ma'lumotlardan iqtisodiy, investitsiyaviy va resurslarni taqsimlash bo‘yicha asosli qarorlar qabul qilish uchun foydalaniladi.

Xavfni baholash: klasterlash chorva hamda o‘simlik kasalliklarining avj olishi yoki ob-havo hodisalari kabi xavflarda zaif bo‘lgan fermer xo‘jaliklarini aniqlash orqali xavfni baholashga yordam beradi.

Hamkorlik: Klasterlash klaster ichidagi fermer xo‘jaliklari o‘rtasida hamkorlikni osonlashtiradi.

Fermer xo‘jaliklarini klasterlashning zamonaviy tajribalari quyidagilarni o‘z ichiga oladi:

Agroturizm klasterlari: ko‘pgina qishloq joylarida fermer xo‘jaliklari qishloqqa keluvchilarga agroturizm xizmatini taklif qilish uchun birlashdilar. Ushbu

⁵¹ Abdulloyev A., Qayimova Z. “Qishloq xo‘jaligi tarmoqlarida klasterlarni tashkil etish – iqtisodiy o‘shishning innovatsion yo‘li”. Agroiqtisodiyot ilmiy-amaliy agroiqtisodiy jurnal. 1(15)2020.

klasterlar turli xildagi ekinlar yoki mahsulotlar ishlab chiqaradigan fermer xo‘jaliklarini o‘z ichiga olishi mumkin, ammo ular sayyohlar uchun yaxlit xizmat taklif qilish uchun birgalikda ishlaydi. Misol uchun, bir guruh fermer xo‘jaliklari o‘z dalalariga ekskursiyalarni taklif qilishlari, olma terish yoki rezavor mevalarni terish kabi amaliy tajribalarni taqdim etishlari va o‘z mahsulotlarini bevosita tashrif buyuruvchilarga sotishlari mumkin.

Organik dehqonchilik klasterlari: hududlarda fermerlar organik dehqonchilik amaliyoti bilan bog‘liq bilim va resurslarni almashish uchun birgalikda faoliyat olib boradigan organik fermer xo‘jaliklari klasterlarining rivojlanishi kuzatilgan. Ushbu klasterlar o‘z mahsulotlarini birgalikda sotish uchun faoliyat olib boradi, bu esa ularga kengroq auditoriyani qamrab olish va yuqori narxlarni boshqarishga yordam beradi.

Kooperativ dehqonchilik klasterlari: kooperativ dehqonchilik - bu bir nechta fermerlar yer va resurslarni boshqarish, xarajatlarni bo‘lishish va foydani taqsimlash uchun birgalikda ishlaydigan xo‘jalik yuritish shaklidir. Hududlarda fermerlar o‘z resurslarini birlashtirish, xaridorlar va yetkazib beruvchilar bilan jamoaviy kelishuvni yaxshilash uchun kooperativ dehqonchilik klasterlarini tuzadilar. Bu, ayniqsa, yirik korxonalar bilan raqobatlasha oladigan kichik fermerlar uchun foydali bo‘ladi.

Qo‘shilgan qiymat ishlab chiqarish klasterlari: hududlarda fermerlar qishloq xo‘jaligi mahsulotlarini ishlab chiqarishda qo‘shimcha qiymatli mahsulotlar ishlab chiqarish uchun klasterlar tuzadilar. Birgalikda ishlash orqali fermerlar ishlab chiqarish quvvatlari, uskunalari va tajriba almashishadi, bu esa ularga xarajatlarni kamaytirish va samaradorlikni oshirishga yordam beradi.

Respublikamizda klaster tizimi faoliyatini tahlil qilish uchun Qashqadaryo viloyatida amalga oshirilgan ishlar haqida tahlil natijalarni keltirishni lozim deb topdik.

1-jadval

Viloyatdagi paxta to‘qimachilik klasterlari tomonidan 2022 yil paxta hosilidan olinishi mumkin bo‘lgan texnik chigitni qayta ishlash hisobiga olinadigan mahsulotlar hajmi⁵²

tonna

№	Klaster nomi	Olinishi mumkin bo‘lgan chigit hajmi (o‘rtacha 52%)	qayta ishlashdan olingan mahsulot miqdori			
			tozalangan iste‘mol yog‘i	sopstok	shrot	sheluxa
Viloyat jami:		226 200	37 461	4 725	101 338	71 705
1	«Indorama Agro» MChJ XK	49 486	8 195	1 034	22 170	15 687
2	«Koson baxt Textile» MChJ	23 135	3 831	483	10 364	7 334
3	«Oqsaroy cluster» MChJ	21 057	3 487	440	9 433	6 675

⁵² Qashqadaryo viloyat statistika boshqarmasi ma‘lumotlari asosida mualliflar tomonidan tuzildi.

4	«Bunyodkor» MChJ	11 986	1 985	250	5 370	3 800
5	«Qarshi Agrocluster» MChJ	12 899	2 136	269	5 779	4 089
6	«Mirishkor textile group cluster» MCHJ	15 490	2 565	324	6 939	4 910
7	«Emg Inter Investment» MCHJ XK	8 239	1 365	172	3 691	2 612
8	«Chiroqchi Cluster» MChJ	13 187	2 184	275	5 908	4 180
9	«Litai textile Overseas» MCHJ XK	10 811	1 790	226	4 843	3 427
10	«Oq saroy Textile» MChJ	8 445	1 399	176	3 783	2 677
11	«Beshkent Agrocluster» MChJ	8 021	1 328	168	3 593	2 543
12	«Kitob ip yigiruv» MChJ	12 118	2 007	253	5 429	3 841
13	«Qamashi Textile» MChJ	6 152	1 019	128	2 756	1 950
14	«Cluster Khilal» MCHJ	8 986	1 488	188	4 026	2 848
15	«Nahshab tex group» MChJ	6 227	1 031	130	2 790	1 974
16	«Original cotton Mirishkor» MCHJ	3 908	647	82	1 751	1 239
17	«Semurg agro-tex» MChJ	2 795	463	58	1 252	886
18	«Shodlik» XK	2984,8	494	62	1 337	946
	Urug‘chilik xo‘jaliklari	275,6	46	6	123	87

Viloyat qishloq xo‘jaligida qo‘shilgan qiymat zanjirini yaratishda **77 ta agroklastlar**, xususan **18 ta paxta-to‘qimachilik**, **28 ta g‘allachilik** va **31 ta meva-sabzavotchilik** va boshqa yo‘nalishlardagi klasterlar faoliyati samarali yo‘lga qo‘yilgan.

Paxta-to‘qimachilik klasterlari tomonidan 2022 yilda **483,4 mlrd.so‘mlik 14 ta investitsiya** loyihalari amalga oshirildi. **Natijada 4 ming nafarga yaqin ish o‘rni yaratildi.** Shuningdek viloyatda kovrak o‘simligini yetishtirish hamda eksport qilish maqsadida **5 ta yangi klasterlar** korxonalarini tashkil etildi.

Keltirilgan raqamlardan shuni anglash mumkinki, klasterlash tizimini qo‘llab-quvvatlash orqali qishloq xo‘jaligi oldida turgan yirik muammolarni birgalashib yengish orqali natijadorlikka erishish mumkin bo‘ladi.

Xulosa va takliflar

Fermer xo‘jaliklarini klasterlashtirish tizimi nafaqat fermer xo‘jaliklari, balki uning atrofi istiqomat qiloyatgan aholining ham moddiy farovonligining oshishiga olib keladi. Fermer xo‘jaliklari klasterlash tizimining samaradorligini oshirish uchun quyidagilarni taklif etamiz:

Infratuzilmani rivojlantirish: yo‘llar, sug‘orish tizimlari, omborxonalar va qayta ishlash inshootlari kabi infratuzilmani rivojlantirish klasterlashgan fermer xo‘jaliklari faoliyatining samaradorlik va natijadorligini oshiradi. Bu fermerlarning bozorlarga kirishini osonlashtiradi, transport xarajatlarini kamaytiradi va mahsulot sifatini oshiradi.

Umumiy xizmatlar: mashina, asbob-uskunalar va ishchi kuchidan foydalanish kabi umumiy xizmatlar fermerlarga xarajatlarni kamaytirish va samaradorlikni

oshirishga yordam beradi. O‘z resurslarini birlashtirish va xarajatlarni taqsimlash imkonini beruvchi kooperativlarni rivojlantirish bunga erishish yo‘llaridan biridir.

Bilim almashish: fermer xo‘jaliklarini klasterlashda fermerlarga bir-biridan o‘rganish va ilg‘or tajribalarni o‘zlashtirishda yordam berish uchun bilim almashish muhim ahamiyatga ega. Bunga seminarlar, o‘quv dasturlari va hududiy malaka almashinuv orqali erishish mumkin.

Marketing: marketing klasterlashgan fermer xo‘jaliklari muvaffaqiyatining hal qiluvchi omilidir. Birgalikda ishlash orqali fermerlar o‘z mahsulotlarini birgalikda sotishlari mumkin, bu esa ularga kengroq auditoriyani qamrab olish va yuqori narxlarni egallashga yordam beradi.

Davlat tomonidan qo‘llab-quvvatlash: siyosat, iqtisodiy va ijtimoiy dasturlar orqali davlat tomonidan qo‘llab-quvvatlanishi fermer xo‘jaliklarining klasterlashuvini yaxshilashga yordam beradi. Bunda infratuzilmani rivojlantirishni qo‘llab-quvvatlash, kredit va moliyalashtirishdan foydalanish hamda texnik yordamni o‘z ichiga olishi mumkin.

Fermer xo‘jaliklarining klasterlashuvini takomillashtirish fermerlar, davlat idoralari va boshqa manfaatdor tomonlarning muvofiqlashtirilgan sa‘y-harakatlarini talab qiladi. Birgalikda ishlash orqali ular fermerlar va uning atrofidagi aholiga foyda keltiradigan yanada samarali va barqaror qishloq xo‘jaligi tizimini yaratishi mumkin.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI:

1. Mamatqulov B.X., Utanov B.Q. “Qishloq xo‘jaligi statistikasi”. Darslik. Toshkent. Iqtisodiyot. 2020.
2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019 yil 17 apreldagi “Qishloq xo‘jaligi sohasida davlat boshqaruvi tizimini takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PF-5708-sonli Farmoni.
3. Machael E. Porter, Clusters and the new economics of competition Harvard Business Review, Nov-Dec,1998 P77-90
4. Aggarwal, Charu & Reddy, Chandan. (2013). DATA CLUSTERING Algorithms and Applications.
5. Charlie Karlsson “*Innovative clusters: drivers of national innovation systems*”. Paris: OECD publication. Parto, S. (2019).
6. Kostov, Philip & Davidova, Sophia. (2023). Smallholders Are Not the Same: Under the Hood of Kosovo Agriculture. Land. 12. 146. 10.3390/land12010146.
7. Муродов Ч., Насанов Ш., & Муродова М. (2014). Агрокластер: ташиқил этишининг назарий асослари. Экономика.и
8. Qodirov A.M., Axmedieva A.T. “Klasterlarni rivojlantirishni bo‘yicha uslubiy mintaqaviy xususiyatlari”. Qishloq xujaligida klaster tizimini rivojlantirish: tajribalar,

natijalar va istikbolli yunalishlar. Respublika ilmiy-amaliy anjumani materiallari. 2019 yil 24 may: - Buxoro : “Sadridin Salim Buxoriy” Durdona nashriyoti, 2019.- 260 b.

9. Dehqonova Sh. “Meva-sabzavotchilik klasterlarini innovatsion rivojlantirish yo‘llari”. Agroiqtisodiyot ilmiy-amaliy agroiqtisodiy jurnal. 2(16) 2020.

10. Xidirov T.Q. “Sutni qayta ishlash korxonalarini klaster tizimi asosida rivojlantirish orqali iqtisodiy samaradorligini oshirish yo‘llari”. Iqtisodiyot va ta'lim jurnali. 2022-yil 5-son.

11. Abdulloyev A., Qayimova Z. “Qishloq xo‘jaligi tarmoqlarida klasterlarni tashkil etish – iqtisodiy o‘shishning innovatsion yo‘li”. Agroiqtisodiyot ilmiy-amaliy agroiqtisodiy jurnal. 1(15)2020.

12. Qashqadaryo viloyat statistika boshqarmasi ma'lumotlari asosida mualliflar tomonidan tuzildi.

ВАЛЮТАЛАРНИНГ ХАРИД ҚИЛИШ ҚОБИЛИЯТИ НИМА ВА У ҚАНДАЙ ҲИСОБЛАНАДИ?



<https://doi.org/10.5281/zenodo.10532448>

А.А. Набиходжаев,

ТДИУ университети “Статистика” кафедраси доценти, и.ф.н.

У.А.Одилхонов

ТДИУ магистранти

***Аннотация:** Ушбу мақолада валюталарнинг харид қилиш қобилияти тушунчаси, унинг аҳамияти ва хориж амалиёти таҳлил қилинган. Валюталарнинг харид қилиш қобилиятини шакллантириш услубиёти, халқаро тавсиялар, шунингдек, мамлакат ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини реал аниқлашдаги аҳамияти очиб берилган.*

***Калит сўзлар:** ялпи ички маҳсулот (ЯИМ), халқаро таққослашлар дастури (ХТД), миллий валюталарнинг харид қилиш қобилияти (ВХҚҚ), ўртача нарх, товар ва хизматлар тўплами.*

ЧТО ТАКОЕ ПОКУПАТЕЛЬНАЯ СПОСОБНОСТЬ ВАЛЮТЫ И КАК ОНА РАССЧИТЫВАЕТСЯ?

***Аннотация:** В данной статье анализируется понятие покупательной способности валют, его значение и зарубежная практика. Раскрыта методология формирования покупательной способности валют, международные рекомендации, а также ее значение в реальном определении социально-экономического потенциала страны.*

***Ключевые слова:** валовой внутренний продукт (ВВП), программа международных сопоставлений (ПМС), паритет покупательной способности (ППС) национальных валют, средняя цена, набор товаров и услуг.*

WHAT IS THE PURCHASING POWER OF CURRENCIES AND HOW IS IT CALCULATED?

***Annotation:** This article analyzes the concept of purchasing power of currencies, its meaning and foreign practice. The methodology of the formation of the purchasing power of currencies, international recommendations, as well as its significance in the real determination of the socio-economic potential of the country are revealed.*

Key words: *gross domestic product (GDP), international Comparison program (ICP), purchasing power parity (PPP) of national currencies, average price, set of goods and services.*

КИРИШ.

Халқаро макроиктисодий таққослашларнинг асосий мақсади турли мамлакатлардаги ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ва бошқа миллий ҳисоблар тизимининг (МХТ) агрегатларини бир хил валютага келтириб тўғридан-тўғри таққослашдир. Ушбу вазифани ечишда миллий валюталарнинг расмий алмашув курсларига эмас, балки валюталарнинг ҳақиқий харид қилиш қобилиятларини (ХҚҚ) қўллашга устунлик берилган. ЯИМ маълум даврда айрим мамлакатлар иқтисодий ривожланиш даражаларини таққослашда фойдаланилади. Ушбу кўрсаткич шунингдек, иқтисодий фаолиятнинг пировард натижасини ифодаловчи агрегат ҳисобланганлиги сабабли халқаро таққослашларга мос келадиган кўрсаткичдир.

Усуллар МХТда ЯИМни ҳисоблашда турли ёндошишлар мавжуд бўлгани учун, Халқаро таққослашлар дастурида (ХТД) товар ва хизматлардан пировард фойдаланиш усулини қўллашга келишиб олинган. Шунинг учун “ЯИМдан фойдаланиш билан боғлиқ харажатлар” (ёки оддийгина “харажатлар”) атамаси ХТДда энг кўп қўлланилади ва ЯИМни ҳисоблашнинг қайси усулига устунлик берилганлигига урғу беради. Харажатлар турли товар ва хизматлар харид қиладиган (ёки оладиган) пировард истеъмолчиларга хосдир.

Натижалар Макроиктисодий қиймат кўрсаткичларини халқаро таққослашда иккита асосий муаммони ҳал қилиш талаб қилинади:

1. Таққосланаётган кўрсаткичларнинг иқтисодий мазмунида бир хилликка эришиш.

2. Кўрсаткичларни миллий валюталардан бир хил пул бирлигига ўтказиш методини танлаш, яъни таққослаш натижаларини ҳисоблаш методини танлаш.

Биринчи муаммо халқаро андоза таснифлар ва ягона методологияни қўллаш натижасида ечилиши мумкин.

Иккинчи муаммо (ҳисоблаш формуласи, вазнлари, хусусий индексларни умумлаштириш усулларини ва ҳ.к. танлаш) ўтказилаётган таққослашнинг иқтисодий мазмуни, мақсади, вазифалари, дастлабки ахборотлари (унинг батафсиллиги, аниқлиги, таққосламалиги), тақдим қилинадиган натижаларга аналитик талаблар билан белгиланади.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин шаклланган валюта курслари тизими 1960 йиллардан бошлаб, айниқса 1970 йиллар бошида Бреттон-Вуд битимининг барҳам топганидан сўнг ва сузиб юривчи ва белгиланган валюта курслари

яратилиши билан макроиктисодий қиймат кўрсаткичларни таққослаш ишларида қониқарли натижа бермай қўйди, чунки валюта курслари тизими энди фақат ташқи иқтисодий фаолият соҳасига хизмат кўрсатиш билан чегараланиб қолган эди.

Ҳозирги валюта курслари йил, ой ва кун давомида тебраниб туриши мумкин. Унга турли сиёсий ва конъюнктурадаги ўзгаришлар сабаб бўлгани учун бундай тебранишлар валюталар харид қилиш қобилятининг реал ўзгаришини ифодамай олмайди. Шунинг учун 1950 йиллар ўрталаридан бошлаб миллий валюталарда ҳисобланган кўрсаткичларни ягона таққослама валютага ўтказишда харид қилиш қобилятидан (ХҚҚ) фойдаланила бошланди.

Агар динамика нарх индекслари битта мамлакат валютасининг ХҚҚни вақт бўйича ўзгаришини ўлчаса, ХҚҚ паритети турли мамлакатлардаги валюталарнинг ҳудудий ХҚҚни ўлчайди. Бунда ХҚҚ паритетининг бир қанча ўзига хос хусусиятлари мавжуд:

1. Турли миқёсдаги миллий иқтисодиётга эга бўлган мамлакатларни таққослаш мумкин.

2. Таққослаш базис йили давомида амалга оширилади. Ҳозирги вақтда макроиктисодий кўрсаткичларни халқаро таққослашларда товарлар-вакиллари нархлари асосида ҳисоблаган индекс методи қўлланилади ва ХҚҚ паритети аниқланади.

БМТнинг Халқаро таққослашлар Дастури 1968 йилдан бошланган бўлиб, унинг биринчи маърузаси 1975 йилда чоп этилган. Маърузада қўлланилган метод моҳияти ва мазмуни батафсил ёзилган ва 10 та мамлакат (Венгрия, Ҳиндистон, Италия, Кения, Колумбия, Буюк Британия, АҚШ, Германия (1990 йилгача бўлган ҳудуд), Франция ва Япония) бўйича 1967 ва 1970 йиллар учун таққослашлар натижалари эълон қилинган. Ушбу тадқиқотда ер юзининг барча қитъаларидан турли иқтисодий (социалистик ва капиталистик) тизимли мамлакатлар қатнашган ва кўп томонлама таққослаш методологияси қўлланилган.

1967 йилдаги таққослашларда 10 та мамлакат қатнашган бўлса, 1970 ва 1973 йилларда - 16 та мамлакат, 1975 йилда - 34 та мамлакат, 1980 йилда – 60 та мамлакат ва 1985 йилда – 64 та мамлакат қатнашган. 1990 йилда Европа қитъасидаги 40 та ва 1993 йилда 86 та мамлакат бўйича таққослаш ишлари амалга оширилган.

1980 йилдан бошлаб таққослаш ишларида қатнашаётган мамлакатлар сони ошиб кетганлигини ҳисобга олиб, уни минтақа (регион) даражасида олиб боришга киришилди.

1993 йил дунё миқёсида олиб борилган таққослашларда юқорида қайд қилинганидек, 86 та мамлакат қатнашган бўлса, улардан 24 таси дунё миқёсида энг ривожланган мамлакатлар, 23 таси Марказий ва Шарқий Европа ҳамда Марказий Осиё мамлакатлари, 22 таси Африка мамлакатлари, 17 таси Шарқий Осиё ва Океания мамлакатлари бўлган.

Минтақа нуқтаи назарида мамлакатлар қуйидаги гуруҳларга ажратилган:

I. Гуруҳ. 24 та энг ривожланган OECDга аъзо мамлакатлар.

II. Гуруҳ. Европа гуруҳи (ривожланган мамлакатлардан ташқари):

2A гуруҳи – Австрия, Польша, Чехия, Словакия, Венгрия, Словения, Хорватия, Руминия, Болгария, Беларусь, Россия ва Украина.

2B гуруҳи – Финляндия, Латвия, Литва ва Эстония.

2C гуруҳи – Туркия, Арманистон, Озарбайжон, Грузия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистон.

2D гуруҳи – Руминия ва Молдова.

2A гуруҳига киритилган мамлакатлар таққослаш учун марказ ва координатор қилиб танлаб олинган Австрия мамлакати билан иккиёқлама таққослашларни амалга оширишган, бошқа гуруҳдагилар эса биринчи турган мамлакат билан худди шундай таққослашларни амалга оширишган. Ўз навбатида бошқа мамлакатлар ушбу биринчи турган мамлакатлар орқали Австрия билан таққосланганлар.

Мунозара Халқаро таққослаш жараёнида ўзаро боғланган иккита масала ечилади:

1. Нархлардаги фарқлар таъсирини чеклаш учун харид қилиш қобилияти аниқланади.

2. “Реал ҳажмлар” аниқланади.

Юқорида қайд қилинганидек, ХҚҚ ўзига хос товар ва хизматлар савати бўйича нархлар нисбати орқали ҳисобланади ва ўзига хос дефлятор бўлиб хизмат қилади. Бундай сават рўйхати олдиндан тайёрланиб, унга ЯИМ пировард истеъмоли таркибига кирувчи (уй хўжаликлари истеъмоли, инвестицион товарлар (машина ва ускуналар, қурилиш ишлари)) барча товарлар ва хизматлар тўпламидан ажратиб олинган товар ва хизматлар вакилларида иборат бўлади. Саватга киритиладиган товар (хизмат) вакиллари танлаш масаласининг малакали тарзда ҳал қилиниши халқаро таққослашларда ва ”реал ҳажм”ларни ҳисоблашда ишончли натижалар олишга имкон беради.

Товар (хизмат) вакиллари танлаш ва баҳолаш бир нечта босқичда амалга оширилади.

Биринчи босқичда асосий ишчи материаллари тайёрланади (товарлар рўйхати, ҳар бир товар бўйича спецификацияларни танлаш, варақларни расмийлаштириш).

Иккинчи босқичда нархлар кузатилиб, сифатдаги ўзгаришлар тўғрисида ахборот йиғилади. Сўнгра вакил товарлар (хизматлар) рўйхати ва уларнинг нархлари мувофиқлаштирилади. Фақат ушбу ишлар тугаллангандан кейингина индивидуал ва гуруҳ ХҚҚни ҳисоблашга киришилади.

Шундай қилиб, халқаро таққослашларида қўлланиладиган асосий ёндашув борасида қуйидаги **хулосаларга** келиш мумкин:

➡ ҳар бир мамлакатнинг ЯИМ унинг пировард истеъмолни ташкил қилувчиларига кўра бир жинсли товар гуруҳларига бўлинади;

➡ ҳар бир товар гуруҳи бўйича танланган товарлар нархлари қайд қилинади ва турли мамлакатларда қайд қилинган нархларнинг ўртача нисбатлари ҳар бир товар гуруҳи бўйича ҳисобланади. Ушбу ўртача нархлар нисбатлари барча умумлаштириш даражаларидан тортиб ЯИМгача вазнланади ва ХҚҚлари ҳисобланади;

➡ ушбу товар гуруҳларининг миллий қиймат кўрсаткичлари ”халқаро таққослама” кўрсаткичларга юқорида кўрсатилган ХҚҚлари ёрдамида қайта ҳисобланади. Олинган кўрсаткичлар миллий валютада ифодаланган ”номинал миқдорлардан фарқли ўлароқ, ”реал миқдорлар” деб номланади.

АДАБИЁТЛАР (REFERENCES)

1. «Расмий статистика тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси қонуни (ЎРҚ-707-сон Қонуни, 2021 йил 11 августда қабул қилинган). Халқ сўзи газетаси, 2021 йилнинг 12 август сони.
2. Маҳмудов Б. Миллий ҳисобчилик асослари. Ўқув қўлланма.– Т., Академия, 2003.
3. Набихўжаев А.А., Азизов М.Г., Хужакулов Х.Д., Система национальных счетов. Т., 1998.
4. Набихўжаев А.А., Маҳмудов Б.М., Насретдинова Ш.С., Молиявий дастурлаш. Т.: Молия: 2005.
5. Сиденко А.В., Башкатов Б.И., Матвеева В.М. Международная статистика. Учебник. М., Дело и Сервис, 1999.
6. Система национальных счетов 2008 Комиссия ЕС, МВФ, ОЭСР, ООН, Всемирный банк, 2022, т.1 и 2.
7. Соатов Н.М. Статистика. Дарслик.- Т., Абу Али ибн Сино, 2003.
8. Шодиев А., Ҳамраев М. Молия статистикаси, Т., 2003.

БЕДНОСТЬ В СУБЪЕКТАХ РОССИЙСКОЙ ФЕДЕРАЦИИ: ПРАКТИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ РАЗВИТИЯ РЕГИОНАЛЬНОЙ СТАТИСТИКИ



<https://doi.org/10.5281/zenodo.10532478>

Разумов Александр Александрович

д.э.н., профессор,

советник генерального директора

ФГБУ «ВНИИ труда» Минтруда России

Селиванова Ольга Владимировна

к.э.н., старший научный сотрудник,

ФГБУ «ВНИИ труда» Минтруда России

***Аннотация:** Статья посвящена статистическим характеристикам бедности в регионах РФ и мерам государственной социальной политики, направленным на сокращение ее уровня. В ходе экспертизы региональных программ по снижению бедности в 72 субъектах Российской Федерации и на основе актуальных статистических данных Росстата и территориальных статистических управлений выявлены общие и специфические особенности региональной бедности, определены основные факторы и причины, обуславливающие попадание определенных категорий населения за официальную монетарную черту бедности. Сформулированы направления перспективных исследований региональной бедности и предложения по совершенствованию региональной статистики.*

***Ключевые слова:** бедность, прожиточный минимум, доходы населения, социальная поддержка, региональные программы, региональная статистика.*

ВВЕДЕНИЕ

Бедность является одной из наиболее острых социальных проблем в современной России. Определение бедности, данное ЭКОСОС (ECOSOS – Экономический и социальный совет ООН), является наиболее распространенным: к бедным относят индивидов с такими ограниченными ресурсами, которые не позволяют им вести минимально приемлемый образ жизни в странах, в которых они проживают⁵³.

Из международного опыта известно, что основными концепциями бедности являются абсолютная, относительная и субъективная. Для каждой из

⁵³ Экономический и Социальный Совет ООН (ЭКОСОС). - URL: <https://www.un.org/ecosoc/en> (дата обращения 02.11.2023).

них разработаны монетарные и немонетарные методы определения и измерения бедности.

Показатель уровня абсолютной монетарной бедности Всемирного банка лежит в основе межстрановых сравнений бедности. Пороговые значения этого показателя периодически актуализируются и пересчитываются в зависимости от изменения уровня социально-экономического развития конкретной страны.

В дополнение к подходам, применяемым Всемирным банком, большинство государств мира рассчитывает свои собственные национальные черты бедности.

В России бедными принято считать малоимущих граждан, которые по независящим от них причинам имеют среднедушевой доход ниже величины прожиточного минимума, устанавливаемого в соответствии с Федеральным законом РФ «О прожиточном минимуме в Российской Федерации» от 24.10.1997 № 134-ФЗ.

Изучение бедности на региональном уровне в России приобретает в настоящее время все большую актуальность. Это определяется различиями регионов РФ по уровню социально-экономического и демографического развития. Усиление региональной компоненты государственной социальной политики по сокращению бедности обуславливает дальнейшее совершенствование статистических методов ее измерения.

Целью данной статьи является анализ актуальных статистических данных, применяемых для исследования региональной бедности, и выявление причин, обуславливающих попадание домохозяйств в категорию малоимущих.

Методы

В ходе исследования была проведена экспертиза 72 региональных программ по преодолению бедности, осуществляемых в субъектах РФ, и содержащихся в них конкретных мероприятий в области занятости, заработной платы и социальной защиты населения.

Базой для изучения характеристик домохозяйств, оказавшихся за чертой абсолютной бедности, явились микроданные «Выборочного наблюдения доходов населения и участия в социальных программах» (ВНДН), проведенного Росстатом в 2022 году⁵⁴. На их основе, с применением методов статистической обработки информации, сравнительного и логического анализа, классификаций и группировок, были изучены социально-экономические и демографические характеристики бедного населения в ряде регионов России.

⁵⁴ Выборочное наблюдение доходов населения (ВНДН). – URL: https://rosstat.gov.ru/free_doc/new_site/vndn-2022/index.html (дата обращения 01.11.2023)

Для аналитических целей исследования мы провели выборку статистических данных по членам домохозяйств со среднедушевыми доходами до 1,0 прожиточного минимума (ПМ), установленного в субъекте Российской Федерации по основным социально-демографическим группам. Характеристики данных групп изучены с учетом таких модальных признаков, как статус занятости главы домохозяйства, количество детей в домохозяйстве, тип и размер населенного пункта, в котором проживает домохозяйство, возраст и уровень образования главы домохозяйства и некоторых других.

Результаты

Характеристики бедности в региональном разрезе весьма дифференцированы. Они зависят от уровня социально-экономического и демографического развития субъектов РФ, который определяется ситуацией на региональных рынках труда, условиями проживания и доходами семей, доступностью социальной инфраструктуры и другими факторами, влияющими на уровень жизни населения.

Статистический анализ основных характеристик региональной бедности выявил ее основные особенности [1-3]:

- за черту бедности, как правило, попадают домохозяйства с детьми;
- по мере роста иждивенческой нагрузки уровень материальной обеспеченности домохозяйств обнаруживает тенденцию к снижению. Соответственно, многодетность приводит к большим материальным трудностям;
- лица со средним и средне-специальным образованием чаще оказываются ниже черты бедности, чем обладатели диплома о высшем образовании;
- высокий уровень бедности характерен для домохозяйств, в которых трудоспособные граждане имеют статус безработных, осуществляют трудовую деятельность на неполную ставку или в режиме неполного рабочего времени, получают низкую заработную плату (на уровне МРОТ или несущественно выше). Все это не позволяет обеспечить среднедушевой доход семье выше прожиточного минимума.

Согласно Указу Президента России от 21 июля 2020 г. № 474 «О национальных целях и стратегических задачах развития Российской Федерации на период до 2030 года» в качестве одной из главных национальных целей развития страны определено двухкратное снижение показателя «уровень бедности» к 2030-му году⁵⁵. Для достижения данной цели регионы России разрабатывают программы по снижению масштабов региональной бедности.

⁵⁵ Указ Президента Российской Федерации от 21.07.2020 г. № 474 «О национальных целях развития Российской Федерации на период до 2030 года» / URL: <http://www.kremlin.ru/acts/bank/45726> (дата обращения 11.10.2021)

Эти программы реализуются с учетом географической, социально-экономической, инфраструктурной специфики субъектов РФ.

Комплексный анализ 72 региональных программ снижения доли населения с доходами ниже прожиточного минимума показал, что они направлены на рост доходов всех категорий проживающего здесь населения, в том числе повышение заработной платы на уровень, превышающий инфляцию; расширение социальной помощи семьям и одиноко проживающим гражданам; совершенствование условий предоставления социального контракта.

Основным, задающим показателем региональных программ является показатель «уровень бедности». Также используются такие важнейшие показатели, как реальные денежные доходы, реальная заработная плата, уровень безработицы и иные показатели, отражающие динамику социально-экономических процессов, влияющих на ситуацию с региональной бедностью.

Доходы от занятости и социальные выплаты формируют благосостояние подавляющей части российских семей. Поэтому для снижения уровня бедности необходимо выполнение двух главных условий. Первое – увеличение заработных плат занятых в экономике, и второе - предоставление того объема и состава социальной помощи, которые бы удовлетворяли потребности бедных домохозяйств и их членов на уровне усыновленных государством минимальных социальных гарантий (норм и нормативов).

В состав региональных программ по снижению уровня бедности включены мероприятия по индексации заработных плат работников предприятий и организаций, предоставляющих населению социальные услуги, увеличению объема предоставляемых работникам работодателями гарантий, развитию активных программ содействия занятости, снижению уровня «теневой» занятости и доходов от нее, стимулированию инвестиционной деятельности и развитию малого и среднего предпринимательства, самостоятельной занятости.

Большое значение для снижения бедности имеют осуществляемые в регионах России активные программы содействия занятости. Это дополнительное образование и профессиональное обучение граждан профессиям, востребованным на рынке труда, помощь в поиске работы и трудоустройстве безработных граждан, содействие занятости женщин, воспитывающих детей, организация временного трудоустройства несовершеннолетних граждан и др.

Вследствие того, что бедные домохозяйства с детьми составляют весомую долю в структуре бедности в большинстве субъектов РФ, основным направлением их социальной поддержки является предоставление

материальной помощи (детские пособия, региональная помощь семьям, имеющим трех и более детей, ежемесячное пособие студенческим семьям с детьми, субсидирование оплаты услуг ЖКХ и др.).

Особое место в системе социальной поддержки населения занимает социальный контракт. В соответствии с ним малоимущие граждане получают помощь по профессиональному обучению и дополнительному профессиональному образованию. Им возмещаются затраты на проведение стажировок по итогам обучения, оказывается поддержка в открытии стартапов и развитии самостоятельной занятости, в организации личного подсобного хозяйства и т.п.

Обсуждение

Различные аспекты прикладного анализа социально-экономического положения регионов и проблемы статистической оценки их развития отражены в работах Лайкама К.Э., Окладникова С.М., Захаровой Е.Н. [4-6] и других авторов.

Авторы солидарны во мнении, что для достижения целевых ориентиров регионального развития большую роль играет своевременная актуализация подходов к проведению статистических исследований и формированию показателей, обеспечивающих высокую эффективность мер государственного управления.

Ряд вопросов, связанных с применением действующих показателей, отражающих процессы бедности и влияние тех или иных мер государственной поддержки на ее динамику, требует дополнительного изучения. Это отмечается в работах Бобкова В.Н., Гришиной Е.Е., Зубаревич Н.В. [7-9] и других ученых.

Проведенный нами анализ выявил, что бедность остается одним из основных препятствий для успешного социально-экономического развития страны. Это определяет необходимость разработки и осуществления на федеральном и региональном уровнях новых, более эффективных механизмов борьбы с этим явлением. Решению данной задачи способствуют улучшение ситуации на рынке труда, содействие продуктивной, приносящей необходимый уровень дохода, занятости как в бюджетном, так и во внебюджетном секторах экономики, повышение производительности труда.

На основе актуальных статистических данных в каждом из субъектов РФ выполнена определенная работа по выявлению причин и особенностей бедности, выделению групп населения, социальная поддержка которых является приоритетной. Вместе с тем анализ статистических данных о ситуации с уровнем жизни в регионах России характеризуется разной степенью проработки. Статистика бедности, которой оперируют разработчики

региональных программ, формируется со значительным временным лагом, что затрудняет своевременную корректировку действующих мер, направленных на сокращение бедности.

Каждая из проанализированных региональных программ, как уже отмечено выше, содержит мероприятия по выполнению активных программ содействия занятости. Вместе с тем показатели, формируемые на основе региональной статистики в сфере содействия занятости, не позволяют явным образом отследить изменение денежных доходов домохозяйств до и после получения вышеперечисленных мер государственной поддержки, что затрудняет количественную (статистическую) оценку вклада активных программ содействия занятости в снижение уровня бедности в регионах и выбор наиболее эффективных практик.

Положительным примером развития системы государственной статистики в России является формирование системы показателей социального контракта и мониторинг на их основе уровня бедности домохозяйств, заключивших такой контракт. В настоящее время в рамках реализации социального контракта учитываются не только численность граждан, заключивших социальный контракт, размеры помощи в денежном и натуральном выражении, сведения о трудоустройстве граждан-участников программы социального контракта, но и сведения о доходах семей по итогам получения данного вида социальной поддержки, позволяющие сделать выводы о преодолении ими трудной жизненной ситуации по окончании срока действия социального контракта⁵⁶.

ВЫВОДЫ

Анализ программ субъектов РФ по снижению бедности позволяет сформулировать вывод, что на формирование масштабов, структуры и особенностей региональной бедности определяющее влияние оказывают состояние региональных рынков труда, конкурентная среда, инфраструктура, отраслевая и экспортная ориентированность региональной экономики, доступность образования и здравоохранения, другие факторы.

Как мы отмечали ранее [1,2], основными характеристиками бедности в большинстве субъектов РФ являются:

- высокая доля бедных семей с детьми;
- бедность в сельской местности глубже, чем в городах;

⁵⁶ Приказ Минтруда России и Федеральной службы государственной статистики от 30 сентября 2013 года N 506н/389 «Об утверждении методики оценки эффективности оказания государственной социальной помощи на основании социального контракта». – URL: <https://docs.cntd.ru/document/499050722?marker> (дата обращения 01.11.2023)

- доходы малоимущих домохозяйств формируются, в основном, за счет низкой оплаты труда по найму в формальном секторе экономики;

- чаще всего работа в неформальном секторе обеспечивает более низкие доходы, чем занятость по найму на предприятиях и в организациях формального сектора;

- за черту бедности чаще попадают люди с невысоким образовательным и квалификационным уровнем;

- основной причиной попадания семей с детьми в зону риска монетарной бедности является низкий уровень оплаты труда работающих родителей;

- повышенный риск перехода семей с одним и двумя детьми за черту бедности связан с невозможностью получения ими того объема социальной помощи, который в соответствии с действующим законодательством гарантируется многодетным семьям.

Подытоживая сказанное, отметим, что реализация мер по сокращению бедности имеет на высокую общественную значимость. Однако наличие и сила эффекта их влияния на реальное сокращение численности малоимущих во многом остается дискуссионным вопросом и требует дополнительных научных исследований на основе совершенствования региональной статистики.

ЛИТЕРАТУРА (REFERENCES)

1. Разумов А. А., Селиванова О. В. Бедность в России: региональные особенности и перспективные инструменты снижения ее уровня // Социально-трудовые исследования. – 2021. – № 4(45). – С. 75-88. – DOI 10.34022/2658-3712-2021-45-4-75-88. – EDN SNUWCF.
2. Разумов А. А. Селиванова О. В. Домохозяйства в зоне риска бедности: региональный аспект // Уровень жизни населения регионов России. – 2022. – Т. 18, № 2. – С. 236-247. – DOI 10.19181/lsprr.2022.18.2.8. – EDN JWLUEB.
3. Разумов А. А., Селиванова О. В. Влияние детских пособий и компенсационных выплат на снижение уровня бедности в регионах РФ // Социально-трудовые исследования. – 2023. – № 1(50). – С. 83-93. – DOI 10.34022/2658-3712-2023-50-1-83-93. – EDN LAOWFK.
4. Акаткин Ю. М., Лайкам К. Э., Ясиновская Е. Д. Связанные статистические данные: актуальность и перспективы // Вопросы статистики. – 2020. – Т. 27, № 2. – С. 5-16. – DOI 10.34023/2313-6383-2020-27-2-5-16. – EDN UXDNIN.
5. Золотарева О. А., Окладников С. М., Дарда Е. С. Конвергенция статистики и аналитики как фактор повышения качества стратегического управления // Государственная служба. – 2023. – Т. 25, № 1(141). – С. 21-30. – DOI 10.22394/2070-8378-2023-25-1-21-30. – EDN URMDKB.

6. Захарова Е. Н., Рябцев Н. В., Чистова М. В. Региональная статистика как системный институт обеспечения территориального развития // Экономика: вчера, сегодня, завтра. – 2021. – Т. 11, № 7-1. – С. 84-92. – DOI 10.34670/AR.2021.10.12.008. – EDN PJAMDS.
7. Бобков В. Н., Гулюгина А. А., Колмаков И. Б., Одинцова Е. В., Черных Е. А. Мониторинг доходов и уровня жизни населения России - 2020 год [монография] / М.: «Фабрика офсетной печати», 2021. - 116 с.
8. Гришина Е. Е., Цацура Е. А. Влияние системы социальной поддержки на уровень бедности в регионах // Уровень жизни населения регионов России. – 2022. – Т. 18, № 3. – С. 368-377. – DOI 10.19181/lsprr.2022.18.3.8. – EDN ZPRAQA.
9. Zubarevich, N.V. Poverty in Russian regions in 2000-2017: factors and dynamics. Population and Economics. 2019. Vol. 3. No 1. P. 63-74. DOI: 10.3897/popecon.3.e35376 EDN: SXOTTO

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ХАЛҚАРО ТУРИЗМ ВА УНИНГ РИВОЖЛАНИШ ҲОЛАТИНИ СТАТИСТИК ТАХЛИЛИ



<https://doi.org/10.5281/zenodo.10532523>

Ешмуратова Айнур Нуржан кизи

ТДИУ магистратура, 1-босқич, МТХТ-01-1 гуруҳ талабаси

E-mail: ay_nurqizi@mail.ru

+998900266425

Аннотация: Шиддат билан ўсиб бораётган бозор иқтисодиёти шароитида мамлакатда туризм соҳасини ривожлантириш учун қўлай имкониятлар ва шарт-шароитлар юза келаётганлиги, туризмнинг республика иқтисодиётига янада интеграциялашуви, мамлакат иқтисодиётида муҳим аҳамият касб этади. Жаҳон иқтисодиёти тажрибаларидан маълумки, туризм соҳаси мамлакат хазинаси учун зарур бўлган валюта тушумини таъминлаш, янги иш жойларини вужудга келтириш ва шу билан биргаликда аҳолининг турмуш даражасини кўтариш учун хизмат қилади.

Калит сўзлар: туризм, экотуризм, логистика, аҳоли фаровонлиги, смарт туризм, инфратузилма, сайёҳлар, туризм мақсадлари, аҳоли фаровонлиги, минтақа иқтисодиёти, ялпи ҳудудий маҳсулот.

СТАТИСТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ МЕЖДУНАРОДНОГО ТУРИЗМА И СОСТОЯНИЯ ЕГО РАЗВИТИЯ В НОВОМ УЗБЕКИСТАНЕ

Ешмуратова Айнур Нуржан кизи

ТДИУ магистратура, 1-босқич, МТХТ-01-1 гуруҳ талабаси

E-mail: ay_nurqizi@mail.ru

+998900266425

Аннотация: В условиях быстро развивающейся рыночной экономики в стране появляются возможности и возможности для развития типизма, большое значение в экономике страны имеет дальнейшая интеграция типизма в общественную экономику. Из истории мировой экономики известно, что сфера туризма служит обеспечению обмена валюты, необходимой для казны страны, созданию новых рабочих мест и повышению уровня жизни населения.

Ключевые слова: туризм, экотуризм, логистика, благосостояние населения, умный туризм, инфраструктура, туристы, цели туризма, благосостояние населения, региональная экономика, валовой региональный продукт.

STATISTICAL ANALYSIS OF INTERNATIONAL TOURISM AND ITS DEVELOPMENT STATE IN NEW UZBEKISTAN

Ешмуратова Айнур Нуржан кизи

ТДИУ магистратура, 1-босқич, МТХТ-01-1 гуруҳ талабаси

E-mail: ay_nurqizi@mail.ru

+998900266425

Abstract: *In the context of the rapidly growing market economy, opportunities and opportunities for the development of tourism are emerging in the country, further integration of tourism into the public economy is of great importance in the country's economy. It is known from the history of the world economy that the tourism sector serves to provide currency exchange necessary for the country's treasury, to create new jobs and to raise the standard of living of the population.*

Key words: *tourism, ecotourism, logistics, population welfare, smart tourism, infrastructure, tourists, tourism goals, population welfare, regional economy, gross regional product.*

КИРИШ

Республикамиз халқаро туризм соҳасидаги имкониятларининг катталиги билан кўшни мамлакатлардан тубдан фарқ қилади. Ўзбекистоннинг географик ўрни, ниҳоятда кўлай, табиий иқлим шароитига эга эканлиги, инсоният маданий тараққиётида ҳам катта ўрин тутди. Ўзбекистон бетақроқ, ажойиб тарихий архитектура ёдгорликлари, ширин-шакар мевалари, хилма-хил миллий таомлари, ажойиб миллий анъаналари, урф-одатларига эга бўлган меҳмондўст халқига эга. Буларнинг барчаси чет эллик туристлар эътиборини ўзига тортади ва кишиларни лол қолдиради. Халқаро туризмни ривожлантиришда Ўзбекистонда мавжуд бўлган сиёсий барқарорлик ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Мамлакатимизда кейинги йилларда замон талабига мос келувчи қурилиш иншоотлари, зиёратгоҳлар, маданий-маънавий дам олиш масканлари, вужудга келди. Охириги йилларда мамлакатимизда ўзбек миллий кураши, теннис ҳамда бошқа спорт турлари бўйича дунё миқёсида чемпионатлар ўтказилди. Бу тадбирлар эса кўпгина хорижий мамлакатлардан туристлар келишига олиб келди. Ўзбекистонда бозор муносабатлари шароитида халқаро туризмни ривожлантириш чора-тадбирлари давлат томонидан белгиланган бўлиб, иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш учун турли битимлар, келишувлар амалга оширилган ва оширилмоқда.

Халқаро туризм статистика маълумотлар базаси ахборотларни йиғишнинг турли шаклларидадан фойдаланади. Статистик кузатувларни ҳисоботлар орқали ёки бевосита махсус текширувлар ўтказиш билан олиб борилади.

Ҳисоботлар орқали статистик кузатувлар. Бу ҳолатда статистик маълумотлар корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва бошқалардан белгиланган шакл ва муддатларда олинади. Улар бухгалтерлик ҳисоби ва оператив маълумотлар асосида ҳисоботлар тайёрлаб, буларни статистика органларига топширадилар. Худди шу ҳисоботлар туризм тўғрисидаги барча маълумотларни ўзида акс эттиради.

Туризмда махсус ташкил қилинадиган кузатувлар. Туристлик оқимлар ва харажатлар аниқ ҳисоби туризм статистикаси бош усуллари - чегарага ва жойлаштириш воситаларига келганларни қайд этиш, шунингдек банк усуллари махсус кузатувлар ташкил этиш билан биргаликда олиб борилганда ортади. Иммиграция хизмати томонидан тақдим этиладиган ҳисобот, туристларни қабул қилиш бўйича корхоналар, банклар ва валюта алмаштириш пунктлари ҳисоботлари асосий статистик ахборотлар манбаи бўлиб хизмат қилади. Аммо оммавий-иқтисодий мураккаб ҳодисалар сингари у туризмнинг ҳамма томонларини қамраб олиш имкониятига эга эмас⁵⁷.

Адабиётлар шарҳи

XIX аср охирида Австрияда илк маротаба туризм соҳасида статистика кузатуви ўтказилган бўлиб, ундан аввалроқ Швейцарияда 1852 йилда туризм расмий статистикасини тузиш масаласи ўртага ташланган эди. XIX-XX асрларда биринчи маротаба хорижий мамлакатларда туризмга оид 21 га яқин мавзуларда илмий тадқиқотлар олиб борилган, жумладан ўз илмий қарашларида туризмга оид статистикани кенг қўллаган Австриялик машхур, атоқли олим Р. Энгельманнинг илмий изланишларини намуна сифатида бунга яққол мисол қилиш мумкин. Туризмнинг миллий иқтисодиётдаги улуши тўғрисидаги ҳисоботларни ишлаб чиқиш, туризм соҳасида иқтисодий тадқиқотлар олиб бориш бўйича Австрия, Швейцария, Франция, Канада, Испания, Швеция, Буюк Британия, Америка Қўшма Штатлари каби мамлакатлар етакчилик қилганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Охирги 50 йил давомида туризм соҳасини тадқиқ этиш ишлари жадал ривожланмоқда, бироқ туризм иқтисодиётига оид муаммоларнинг олимлар томонидан ўрганилиши, иқтисодий фаолиятнинг бошқа соҳаларини ўрганишга нисбатан камроқ эканлигини кузатиш мумкин. Туризмни тадқиқ этиш бўйича энг муҳим илмий изланишлардан бири 1960 йил ўрталарида М. Клоусон и Дж. Клетчнинг

⁵⁷ Н.Хайдаров. Туризмни ривожлантиришда хорижий давлатлар тажрибаси. Очиқ иқтисодиёт: соғлом рақобат, бизнес муҳити инвестицион муҳит жозибадорлиги / Халқаро амалий анжуман / ТДИУ

“Табиат кўйнида дам олиш иқтисодиёти” номи остида, 1970 йилда эса Х.П.Грэйнинг “Халқаро сайёҳлик ва “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 6, ноябрь-декабрь, 2016 йил 2 www.iqtisodiyot.uz савдо ўртасидаги алоқадорлик” ҳақидаги китобларининг чоп этилганлигидир. Бу эса ўз навбатида, иқтисодчилар томонидан туризмни алоҳида иқтисодий фаолият тури сифатида ўрганишга бўлган қизиқишини уйғотди. 1995 йилда биринчи марта дунё миқёсида туризмнинг иқтисодий ва молиявий муаммолари ақс эттириладиган “Туризм иқтисодиёти” (Tourism Economics) номли илмий журнал чоп этила бошлади⁵⁸.

Тадқиқот методологияси

Статистик ҳисоботлар фирмаларида туристларнинг жўнаб кетиш кўрсаткичларига ҳам аҳамият берилмайди. Кўпинча тушиб қолдирилади. Аммо кўпчилик миллий туристик маъмуриятлар жўнаб кетиш-чиқиш туризми, статистикасини умуман юритмайдилар ва бу ҳақда ҳеч қандай маълумотларга эга эмас. Халқаро туризмга харажатлар катталиги бундай ҳолда аҳоли жон бошига тўғри келадиган сафар ўртача харажатлари тегишли мамлакатлар гуруҳлари учун аҳолиси сонини ҳисоблаб чиқиш орқали аниқланади. Кейин эса маълум формула бўйича жўнаб кетишлар сонига ҳисоблаб чиқилади⁵⁹.

$$D = T \left(\frac{T+D}{T} + 1 \right); \quad E = R \left(\frac{R+E}{R} - 1 \right);$$

Бу ерда: **D** – жаҳон транспорт ташишдан даромадлар. **T** – халқаро туризмдан даромадлар. **E** – халқаро транспортда ташиш харажатлари. **R** – халқаро туризмга харажатлар.

Таҳлил ва натижалар

Ҳисоб – китоблар кўрсатадики, статистик кузатувлар ташиш тўғрисида 80 % ахборот беради. Қолган 20 % баҳолаш йўли билан тўлдирилади. Ҳар бир мамлакат учун ва жунаб кетишлар, туристик ва транспорт даромадлари, харажатлари тўғрисида маълумотлар олинган, баҳолашнинг иккинчи босқичи – даромадлар ва харажатларни таққослаб кўриш бошланади.

Республикамизда туризм асосан марказлашган бошқарув усулида ривожлантирилмоқда. Ривожланаётган мамлакатларда туризм иқтисодиётининг бозор модели қўлланилади ва бунда кўпгина кўрсаткичлар давлат томонидан (солиқлар ва меъёрий ҳужжатлар ва нормативлар орқали) бошқарилиб турилади. Бозор иқтисодиёти шароитида туризм соҳасининг монетар бошқарув


⁵⁸ Кабиров И.С. Статистический учет в туризме. Актуальные проблемы экономики и права., 2009., - № 3. – с. 45.

⁵⁹ <http://arm.sies.uz/wp-content/uploads/2020/10/12-y-Xalqaro-turizm.-Darslik-X.M.Mamatqulov-A.B.Bektemirov-va-bosh.-S-2007-.pdf>

модели молиявий бошқаришга асосланади. Бундай бошқарув туристик маҳсулотнинг ўсишига олиб келади. Халқаро туризмнинг бундай тартибга солиниши ҳозирда Япония, Франция, Италия каби туризм ривожланган мамлакатларда йўлга қўйилган.

1-расм.


Ўзбекистон Республикасига хориж давлатларидан келган чет эл фуқаролари
(2023 йил январь-октябрь, минг киши)



Хорижий фуқароларнинг республикамизга энг кўп оқими қуйидаги давлатлардан қайд этилди: Қозоғистондан – 1551,1 минг киши, Тожикистондан– 1448,0 минг киши, Қирғиз Республикасидан – 1356,9 минг киши, Россиядан –567,6 минг киши, Туркиядан – 75,5 минг киши, Жанубий Корейдан – 20,0 минг киши, Германиядан – 17,7 минг киши, Ҳиндистондан – 16,8 минг киши, Беларус Республикасидан – 13,7 минг киши, АҚШдан – 13,2 минг киши, Исроилдан – 11,3 минг киши, Украинадан – 11,1 минг киши, Франциядан – 10,9 минг киши ва Буюк Британиядан – 10,4 минг киши. Қолган 108,6 минг киши Ўзбекистонга бошқа хорижий давлатлардан келганлар.

2-Расм.


Ўзбекистон Республикасига хориж давлатларидан келган чет эл фуқаролари сонининг сафар мақсадлари бўйича тақсимланиши
(2023 йил январь-октябрь, минг киши)



2023 йил давомида чет эл фуқаролари хизмат сафарлари билан Ўзбекистонга асосан Россия (14,6 минг киши), Тожикистон (12,5 минг киши) ва Туркиядан (11,7 минг киши) келганлар. Ўқиш учун асосан Ҳиндистон (3,8 минг киши), Покистон (1,2 минг киши) ва Тожикистондан (0,6 минг киши) ташриф буюришган. Бўш вақтини ўтказиш ва дам олиш учун юртимизга келган чет элликларнинг асосий қисми Россия (157,4 минг киши), Қозоғистон (37,9 минг киши) ва Туркияликлардан (23,3 минг киши) иборат. Тижорат мақсадида амалга оширилган сафарларнинг асосий қисми Тожикистон (10,8 минг киши), Туркменистон (2,4 минг киши) ва Афғонистон (1,7 минг киши) фуқароларидир.

3-Расм.

Халқаро туристларнинг келиши, дунё ва минтақалар⁶⁰




UNWTO Бош котиби Зураб Пололикашвили шундай деди: “Янги йил жаҳон туризмга оптимистик қарашга кўпроқ сабаблар келтиради. UNWTO турли муаммолар, жумладан, иқтисодий вазият ва давом этаётган геосиёсий ноаниқлик шароитида ҳам сектор учун кучли йил бўлишини кутмоқда. Иқтисодий омиллар одамларнинг 2024 йилда саёҳат қилишига таъсир қилиши мумкин ва UNWTO ички ва минтақавий саёҳатларга бўлган талаб кучли бўлиб

⁶⁰ <https://www.unwto.org/news/tourism-set-to-return-to-pre-pandemic-levels-in-some-regions-in-2023>

қолишини ва секторни янада кенгроқ тиклашни қўллаб-қувватлашни кутмоқда⁶¹. Дунёнинг барча минтақалари 2022-йил январ ойида 2021-йилнинг энг паст кўрсаткичларига нисбатан сезиларли ўсиш кузатилди. Европа (+199%) ва Америка (+97%) энг кучли натижаларни қўйишда давом этди, гарчи халқаро ташрифлар ҳали олдинги даврнинг ярмига яқин бўлса-да, пандемия даражаси (мос равишда -53% ва -52%). Яқин Шарқ (+89%) ва Африкада (+51%) ҳам 2022-йилга нисбатан 2023-йил январиди ўсиш кузатилди, бироқ бу ҳудудларда 2020-йилга нисбатан мос равишда 63% ва 69% га пасайиш кузатилди. Осиё ва Тинч океани минтақасида эса 44% қайд этилди. Субминтақаларга кўра, энг яхши натижалар Ғарбий Европада қайд этилган бўлиб, улар 2023-йил январиди 2022-йилга нисбатан тўрт баравар кўп, лекин 2020-йилга нисбатан 58 фоизга кам бўлган. Бундан ташқари, Кариб денгизи (-38%) ва Жанубий ва Ўрта ер денгизи Европа (-41%).) 2019 йил даражасига нисбатан энг тез тикланиш сур'атларини кўрсатди (4-расм).

4-Расм.

Ўзбекистон Республикасига кировчи ва чиқувчи туризм харажатлари⁶²



5-расм.

Ўзбекистон Республикасига сайёҳат мақсадларида келган ҳориж фуқаролари (тегишли йилнинг январь-декабрь ойлари учун, минг киши)⁶³

⁶¹ <https://www.unwto.org/news/tourism-set-to-return-to-pre-pandemic-levels-in-some-regions-in-2023>

⁶² <https://www.unwto.org/tourism-statistics/key-tourism-statistics>

⁶³ Stat.uz сайти маълумотлари асосида тайёрланди.



2022 йилнинг январь-декабрь ойларида Ўзбекистонга келган чет эл фуқаролари сафар мақсадини ўқиш учун деб белгилаганлар сони 8,8 минг кишига (жами келганларнинг 0,2 % и) тенг, тижорат мақсадида келганлар – 20,4 минг киши (0,4 %), даволаниш учун – 70,0 минг киши (1,3 %), хизмат сафари учун – 83,8 минг киши (1,6 %), бўш вақт ва дам олиш учун – 392,2 минг киши (7,5 % га тўғри келган). Энг кўп саёҳатларнинг мақсадларига эса қариндошларни йўқлаш деб белгиланганлари – 4 657,6 минг киши (89,0 % га тенг бўлган). Тегишли даврнинг ўтган 2021 йилга нисбатан ўқиш мақсадидаги сафарлар 37,5 % га, хизмат сафарлари 38,1 % га, тижорат мақсадидаги сафарлар 48,9 % га ошган. Даволаниш учун амалга оширилган сафарлар 2,2 бараварга, бўш вақтини ўтказиш ва дам олиш учун 2,5 бараварга ва қариндошларни йўқлаш учун 2,9 баробарга ошган. Қуйида келтирилган графиклардан хулоса қилиш мумкинки, 2022 йилда хорижий давлатлардан (МДХ давлатларидан ташқари) хориж фуқаролари мамлакатимизга асосан бўш вақтини ўтказиш ҳамда дам олиш учун – 140,5 минг киши (чет эл давлатларидан (МДХ давлатларидан ташқари) ташриф буюрганларнинг умумий сонидан 53,08 % и), қариндошларини йўқлаш учун – 73,4 минг киши (27,73 %) ҳамда хизмат сафари мақсадида – 37,6 минг киши (14,2 %) ташриф буюрган.

Хулоса ва натижалар

Хулоса ўрнида айтиш лозимки, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози жараёнлари давом этаётганлигига қарамай айни пайтда халқаро туризм индустрияси ривожланиб, бу айниқса иқтисодиётида туризмнинг ўрни ва салоҳияти юқори мамлакатларда сезиларли ҳолатда кечмоқда ҳамда дунё миқёсида туризм оқимининг мунтазам равишда кўпайиши билан халқаро сайёҳлик экспортига ўз таъсирини кўрсатамоқда. Туризм тармоқлар орасида кам ҳаражат талаб этган ҳолда юқори ялпи қўшилган қийматга эга хизматлар соҳаси сирасига айланди. Бу, ўз навбатида, иқтисодиётда туризмни

тавсифловчи жамлама кўрсаткичлар, жумладан туризм тармоқларида яратилган ялпи қўшилган қиймат ёки туризмнинг иқтисодийдаги, яъни ялпи ички маҳсулотдаги улуши, туризм харажатлари ва истеъмолини чуқур таҳлил этиш заруратини юзага келтирди. Бугунги кунда туризм бозорлари хизматини тўлиқ таҳлил этиш учун туризм статистикасини такомиллаштириш, яъни туризмнинг ривожланиш тенденцияларини туризм ёрдамчи ҳисоби орқали миллий ҳисоблар тизими асосида баҳолаш муҳимлигини кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати (REFERENCES)

1. Н.Хайдаров. Туризмни ривожлантиришда хорижий давлатлар тажрибаси. Очiq иқтисодий: соғлом рақобат, бизнес муҳити инвестицион муҳит жозибadorлиги / Халқаро амалий анжуман / ТДИУ
2. Кабиров И.С. Статистический учет в туризме. Актуальные проблемы экономики и права., 2009., - № 3. – с. 45.
3. <http://arm.sies.uz/wp-content/uploads/2020/10/12-y-Xalqaro-turizm.-Darslik-X.M.Mamatqulov-A.B.Bektemirov-va-bosh.-S-2007-.pdf>
4. <https://www.unwto.org/news/tourism-set-to-return-to-pre-pandemic-levels-in-some-regions-in-2023>
5. <https://www.unwto.org/tourism-statistics/key-tourism-statistics>
6. Stat.uz сайти маълумотлари асосида тайёрланди.

ЎЗБЕКИСТОНДА ТУРИЗМНИНГ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ ВА ЙЎНАЛИШЛАРИ



<https://doi.org/10.5281/zenodo.10532570>

Нуруллаева Малика Самаджон кизи

ТДИУ магистратура, 1-босқич, МТХТ-01-1 гуруҳ талабаси

E-mail: mlknurullaeva@gmail.com

+998908201409

Аннотация: Туризм ўзининг кўп қиррали таркиби билан жамият ҳаётининг барча соҳаларига фаол таъсир ўтказиб келмоқда. У иқтисодиётнинг кўпгина жабҳаларини ривожлантиришига имкон туғдиради. Шу сабабли унинг ривожланиш босқичларини ўрганиш, ҳудудларда мавжуд шарт-шаройитлар ҳамда муаммоларни таҳлил қилиш, келиб чиқиш сабабларини ўрганиш ва уларга илмий хулосалар бериш муҳим аҳамиятга касб этади.

Калит сўзлар: иқтисодиёт, туризм, смарт туризм, логистика, туризм "монетизацияси", инфратузилма, сайёҳлар, туризм мақсадлари, ривожлантириш.

ЭТАПЫ РАЗВИТИЯ И НАПРАВЛЕНИЯ ТУРИЗМА В УЗБЕКИСТАНЕ

Аннотация: Туризм с его многогранной структурой активно влияет на все сферы жизни общества. Это позволяет развивать многие аспекты экономики. Поэтому важно изучить этапы его развития, проанализировать существующие условия и проблемы в регионах, изучить причины их возникновения и дать им научные выводы.

Ключевые слова: экономика, туризм, смарт туризм, логистика, «монетизация» туризма, инфраструктура, туристы, цели туризма, развитие.

DEVELOPMENT STAGES AND DIRECTIONS OF TOURISM IN UZBEKISTAN

Abstract: Tourism with its multifaceted structure actively affects all spheres of society's life. It enables the development of many aspects of the economy. Therefore, it is important to study the stages of its development, analyze the existing conditions and problems in the regions, study the causes of their origin and give them scientific conclusions.

Key words: economy, tourism, smart tourism, logistics, tourism "monetization", infrastructure, tourists, tourism goals, development.

КИРИШ

Туризм ўзида жаҳон иқтисодиётининг мураккаб ва мажмуавий соҳаларини мужассам этганки, бу бутун жаҳон хўжалигига сезиларли таъсир ўтказди. Алоҳида мамлакатлар хўжалигига ҳам, ҳудудларга ҳам у бирдай тегишлидир. Айрим мамлакатларда халқаро туризм валюта тушумларининг ягона манбаи ҳисобланади. Унинг шарофати билан иқтисодий тараққиёт юқори даражаси ва халқ турмуш фаровонлиги қўллаб-қувватланиб турилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 апрелдаги “Ички туризм хизматларини диверсификация қилишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-232-сон қарори ҳамда 2022 йил 15 январдаги “Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-2666-сон қарорида ҳам Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб қуйидагилар белгиланган:

мамлакатнинг туризм салоҳиятини тубдан оширишга, туризмга иқтисодиётнинг стратегик сектори мақомини беришга, туризм соҳасида ягона давлат сиёсати ўтказилишига йўналтирилган туризмни ривожлантиришнинг яхлит концепцияси шакллантирилиши ва амалга оширилишини таъминлаш;

туризм хизматларининг ташқи ва ички бозорларида маркетинг тадқиқотлари олиб боришга, тарихий-маданий меросни кенг тарғиб қилишга, Ўзбекистон Республикасининг туризм қиёфасини сақлаб қолиш ва ривожлантиришга, миллий туризм маҳсулотлари ва брендлари халқаро туризм бозорларига кириб боришига йўналтирилган фаол реклама-ахборот сиёсатини амалга ошириш;

ички, кириш ва чиқиш туризмни комплекс ривожлантиришнинг миллий ва ҳудудий дастурлари ишлаб чиқилишини мувофиқлаштириш ва уларнинг амалга оширилиши мониторинги, туризм турларининг кенг доирасини жадал ривожлантириш, халқаро стандартларга мувофиқ бўлган туризм инфратузилмасини ривожлантиришга хорижий инвестицияларни, шунингдек халқаро молия институтлари ва бошқа ташкилотларнинг кредитлари ва грантларини жалб этиш⁶⁴ каби бир қатор аниқ вазифалар белгиланган.

АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ

Кужел Ю. ўзининг дарслигида туризм соҳасини мамлакат ижтимоий–иқтисодий ривожлантиришдаги ролини очиб берган. Бунда мамлакатнинг энг тез ривожланадиган соҳаси сифатида туризмга алоҳида эътибор қаратиш

⁶⁴ Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-2666-сон қарори. <https://lex.uz/>

зарурлигини келтириб ⁶⁵ ўтади. Россиялик олимлар Н.Морозова ва М.Морозовнинг фикрига кўра замонавий туризм индустрияси янги компьютер технологияларини жорий этилиши билан улкан ўзгаришларга эга бўлди. Ҳар қандай ташкилотни туристик бизнес бозорида замонавий ахборотлар технологиясидан фойдаланилмасдан муваффақиятли фаолият кўрсатиши амалиётда мумкин⁶⁶ эмас.

Н. Хайдаровнинг фикрига кўра, мамлакатда таълим соҳасига хорижлик талабаларни қабул қилишни кескин кўпайтириш керак. Улар камида 4 йил ўқиш даврида туристлар каби ҳаёт кечиради. Уларни ўқиш даврида ота-оналари ва яқин дўстлари кўриб кетиш учун келиб-кетиш имконияти жуда катта⁶⁷.

Кўриб ўтилган мутахассисларнинг фикрига кўра, туризм соҳасини ривожлантириш мамлакатнинг барча секторларининг ривожланишига бевосита таъсири юқори эканлиги асослаб берилган. Ҳозирги кунда мамлакатимиз туризм салоҳиятини ривожланган давлатлар фойдаланаётган тажрибалар асосида мавжуд бўлган туристик салоҳиятдан фойдаланиш орқали дунёга намоён қилиш зарур ҳисобланади.

ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Жаҳон товарлар ва хизматлар экспортида ҳозирги пайтда туризм улушига бутун жаҳон экспортининг 8%га яқини, жаҳон хизматлар савдосининг 30%, жаҳон ялпи маҳсулотининг 11%, жаҳон капитал қуйилмаларининг 9%, жаҳон истеъмол харажатларининг 11%, бутун дунё солиқ тушумларининг 5% тўғри келди. Бундан ташқари, туризм аҳолининг бандлигига анчагина таъсир ўтказмоқда. Мутахассислар баҳосича, ҳозирги замон туризми ва унинг билан боғлиқ соҳаларида жаҳондаги ҳар саккизинчи ходим банд. Туризм индустрияси жаҳон иқтисодиётининг уч етакчи экспорт соҳалари қаторига киради. У фақатгина нефть қазиб олиш ва қайта ишлаш ҳамда автомобилсозлик саноатларидангина кейин туради.

Туризм жаҳоннинг кўпчилик давлатларида ягона тизим сифатида ривожланмоқда ва мамлакатлар бюджетига салмоқли даромад келтиради.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Туризм соҳасида биринчи мутахассислардан бири англиялик Томас Кук бўлиб ҳисобланади. У баптистлар пастери (руҳонийси) бўлиб, 1843 йилда биринчи марта 570 кишидан иборат этикод қилувчиларни тўплаб Англиянинг

⁶⁵Current Issues Of Tourism Development In Uzbekistan <https://core.ac.uk/download/336866720.pdf> (Кужеля Ю. Л. Туризм и гостеприимство. Учебник.- М. : Издательство Юрайт, 2018. — 439 с.)

⁶⁶ Current Issues Of Tourism Development In Uzbekistan <https://core.ac.uk/download/336866720.pdf> (Морозова Н., Морозов М., Информационное обеспечение туризма. Учебник. Москва, КноРус, 2016, 7 с)

⁶⁷ Н.Хайдаров. Туризмни ривожлантиришда хорижий давлатлар тажрибаси. Очик иқтисодиёт: соғлом рақобат, бизнес муҳити инвестицион муҳит жозибadorлиги / Халқаро амалий анжуман / ТДИУ

Лестера ва Лафебаро шаҳарлари ўртасида туристик гуруҳни поездга саёҳатга олиб чиқади ва оммавий туризмнинг ташкил этилишига асос солади⁶⁸.

1901 йилда тузилган Россия туристлар жамияти мамлакатда туризмни кенг кўламда ривожлантириш учун катта рол ўйнайди. Туристлар жамияти аъзолари турли хил экскурсияларни яъни яёв, (пиёда), велосипедда, чангида, отда байдарка ва парусларда ташкил қилганлар. Жамият аъзоси А.Панкратов велосипедда биринчи бор ер шарини 15 йилда айланиб чиқади.


Биринчи жаҳон урушидан кейин, яъни 1920 йиллардан бошлаб халқаро туризм янги ривожланиш босқичига ўтди. Уруш даврида кўпгина туристлар Италия ва Швейцария мамлакатларига борган бўлсалар, урушдан сўнги йилларда эса уларнинг сафари бутун Европа мамлакатларини қамраб олдилар.

II жаҳон уруши тугагандан кейин Европанинг айрим давлатларида, АҚШ ва Канадада халқаро туризм энди ривожлана бошлади. 1951 йилга келиб бутун дунё бўйича қайд этилган туристларнинг умумий сони урушгача бўлган даражага етди ва 25 млн. дан ортиқ кишини ташкил қилди.

Халқаро миқёсда айрибошлаш кенг кўламда ривожлана бошлади. Туризм яқка тартибдан, уюшган оммавий ҳолатга айлана бошлади. 1947 йил Парижда халқаро туристик ташкилотларнинг расмий Иттифоқи (МСОТО) тасдиқланди. Унинг ҳақиқий аъзолари бўлиб давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳисобланади. Иттифоқ таркибига 116 давлат кирган.

1-жадвал

2022- йилда кирувчи, чиқувчи ва ички туризмнинг асосий кўрсаткичлари⁶⁹.



1-жадвал маълумотлари асосида таъкидлаш мумкинки, 2022 йилда республикамизга 5232,8 минг киши турли мақсадларда келган бўлиб, бу 2018


⁶⁸ <http://arm.sies.uz/wp-content/uploads/2020/10/12-y-Xalqaro-turizm.-Darslik-X.M.Mamatqulov-A.B.Bektemirov-va-bosh.-S-2007-.pd>

⁶⁹ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотлари асосида тузилган. <https://stat.uz>

йилнинг мос даврига нисбатан 113,4 минг кишига ёки 2,12 % га кам эканлигини кўрсатмоқда. Чиқувчи туризм ҳам 2022 йилда 5163,2 минг кишини ташкил этиб, 2018 йилнинг мос даврига нисбатан 3431,6 минг кишига ёки 39,9 % камайган бўлса, ички туризм 2022 йилда 2475,0 минг кишини ташкил этиб, 2018 йилнинг мос даврига нисбатан 219,5 минг кишига ёки 9,7 % га ўсганлигини кўришимиз мумкин бўлади. Бу албатта сўнги йилларда мамлакатимизда туризм соҳасида олиб борилаётган ислохотларнинг Президентимиз ташаббуслари билан амалга оширилаётган ислохотлар натижаси сифатида қарашимиз мумкинлигини англатади. Дарҳақиқот сўнги йилларда мамлакатимизда ички ва ташқи туризмни ривожлантириш борасида қатор салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

2-жадвал.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудларидаги сайёҳлар сони⁷⁰. минг бирлик.




2-жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, 2022 йилда республикамиз ҳудудлари ичида энг кўп сайёҳ қашқадарё вилоятига келган бўлиб, 18761,4 минг киши, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан эса 41,1 % га кўпроқ сайёҳ ташриф буюрган. Энг кам эса Хоразм вилоятига тўғри келиб 1979,2 минг киши, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 31,1 % га кўпроқ сайёҳ ташриф буюришган.

⁷⁰ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотлари асосида тузилган. <https://stat.uz>.

3-жадвал.

2022- йилда фаолият олиб бораётган туристик фирма ва ташкилотлар сони, дона⁷¹



3-жадвал маълумотлари асосида таъкидлаш мумкинки, 2022 йилда 300 яқин туристик фирма ва ташкилотлар фаолият олиб бомоқда ва Республикамиз бўйича энг кўп туристик фирмаларга эга ҳудуд 181 та ташкилот билан Тошкент шаҳри етакчи бўлиб, охириги ўринларда Наманган ва Сирдарё вилояти эгалламоқда.

Хулоса ва натижалар

Туризмнинг глобал ривожланиши дунё мамлакатларини яқинлаштириб, уларнинг ўзаро муносабатларини фаоллаштиришда энг ишончли ва энг мустаҳкам тизимдир. Туризм ривожланиши ҳамма соҳаларга ижобий таъсир кўрсатади. Мамлакат иқтисодиётининг юқори тарзда ўсишига олиб келади. Шунингдек, соҳага киритилаётган сармоя қисқа фурсатда ўзини оқлаши, туристик компаниялар имкониятлари кенгайиши ҳамда юқори фойда олиш мумкинлиги соҳага жалб қилинаётган инвестициялар ҳажмини ортишига хизмат қилмоқда. Шу сабабли, жаҳон бозорида ривожланиб келаётган кўпгина мамлакатлар ва тадбиркорлар туризм соҳасини ривожлантиришга катта эътибор бермоқдалар. Туризмда ҳозирги кунда энг катта эътибор зиёрат туризмига бўлмоқда. Саудия Арабистони, Туркия, Миср, Малайзия каби мусулмон мамлакатларида ҳалол туризмни оммалаштириш учун кенг ислохотлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, АҚШ, Германия, Англия, Франция, Испания ва

⁷¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотлари асосида тузилган. <https://stat.uz>.

бошқа аҳолисининг куп қисми мусулмон бўлган қатор давлатларида ҳам ҳалол туризм стандартларига мос турлар жадал ривожланиб бормоқда.

UNWTO⁷²нинг янги маълумотларига кўра, 2022 йилда дунё бўйлаб 900 миллиондан ортиқ сайёҳ саёҳат қилган, бу 2021 йилдагидан икки баравар кўп, лекин ҳали ҳам пандемиядан олдинги даражанинг 63 фоизини ташкил қилади. Ҳар бир глобал минтақа халқаро сайёҳлар сонининг сезиларли ўсишини қайд этди. Яқин Шарқда энг кучли нисбий ўсиш кузатилди, чунки ҳозирда пандемиядан олдинги даврга қараганда, келганларнинг сони 83 фоизига ошди. Европа 2022-йилда 585 миллион келганни кутиб олгани сабабли, пандемиядан олдинги даражанинг деярли 80 фоизига етди. Африка ва Америка пандемиядан олдинги ташриф буюрувчиларнинг тахминан 65 фоизини тиклади, Осиё ва Тинч океани эса кучлироқ пандемия туфайли атиги 23 фоизга етди. Бунга сабаб, пандемия давридаги чекловлар бўлиб охириги ойларда чекловларни енгиллаштирилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати (REFERENCES)

1. Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-2666-сон қарори. <https://lex.uz/>
2. Current Issues Of Tourism Development In Uzbekistan <https://core.ac.uk/download/336866720.pdf> (Кужеля Ю. Л. Туризм и гостеприимство. Учебник:- М. : Издательство Юрайт, 2018. — 439 с.)
3. Current Issues Of Tourism Development In Uzbekistan <https://core.ac.uk/download/336866720.pdf> (Морозова Н., Морозов М., Информационное обеспечение туризма. Учебник. Москва, КноРус, 2016, 7 с)
4. Н.Хайдаров. Туризмни ривожлантиришда хорижий давлатлар тажрибаси. Очиқ иқтисодиёт: соғлом рақобат, бизнес муҳити инвестицион муҳит жозибadorлиги / Халқаро амалий анжуман / ТДИУ.
5. <http://arm.sies.uz/wp-content/uploads/2020/10/12-y-Xalqaro-turizm.-Darslik-X.M.Mamatqulov-A.V.Bektemirov-va-bosh.-S-2007-.pd>
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотлари асосида тузилган. <https://stat.uz>.

⁷² UNWTO- жаҳон туристик ташкилоти

ХУДУДЛАРДА МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИК ТАРМОҒИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН ЙЎНАЛИШЛАРИ ТАҲЛИЛИ



<https://doi.org/10.5281/zenodo.10532587>

Олим Албаевич Жўраев

Термиз давлат университети таянч докторанти

Аннотация: Мақолада мева-сабзавотчилик тармоғини ривожлантиришнинг инновацион йўналишлари таҳлили ва инновацияларни яратиш босқичида уларни баҳолашнинг асосий мезонлари ҳамда инновацион ривожлантириш йўл харитаси ишлаб чиқилган. Хорижлик олимларнинг илмий тадқиқот ишлари таҳлил этилган.

Калит сўзлар: инновацион технологиялар, ишлаб чиқарувчилар, истеъмолчилар, ташкилий-агротехник, технологик янгиланиш, аграр соҳа, қишлоқ хўжалиги, маҳсулотлар, рақобат, минтақа.

ANALYSIS OF INNOVATIVE DIRECTIONS OF DEVELOPMENT OF THE FRUIT AND VEGETABLE NETWORK IN THE REGIONS

Abstract: In the article, the analysis of innovative trends in the development of the fruit-vegetable network, the main criteria for their evaluation at the stage of innovation creation, and the roadmap for innovative development are developed. Research works of foreign scientists are analyzed.

Key words: innovative technologies, producers, consumers, organizational-agro-technical, technological renewal, agricultural sector, agriculture, products, competition, region.

АНАЛИЗ ИННОВАЦИОННЫХ НАПРАВЛЕНИЙ РАЗВИТИЯ ПЛОДООВОЩНОЙ СЕТИ В РЕГИОНАХ

Аннотация: В статье проведен анализ инновационных тенденций развития плодоовощной сети, разработаны основные критерии их оценки на этапе создания инноваций, разработана дорожная карта инновационного развития. Проанализированы научно-исследовательские работы зарубежных ученых.

Ключевые слова: инновационные технологии, производители, потребители, организационно-агротехническое, технологическое обновление, аграрный комплекс, сельское хозяйство, продукция, конкуренция, регион.


КИРИШ.

Бугунги кунда дунёда инновацион технологияларни қўллаш орқали аграр саноатни ривожлантириш бўйича рақобат муҳити кучайиб бораётган бир пайтда худудларда мева-сабзавотчилик саноатини ривожлантириш йўналишларини аниқлаб олиш ва такомиллаштириш зарур. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги тармоғини ривожлантиришнинг 2020 – 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5853-сонли Фармони[1] қишлоқ хўжалигининг муҳим қисми бўлган мева – сабзавотчилик тармоғини ривожлантиришда муҳим ўрин тутмоқда. Бинобарин, мева сабзавотчилик тармоғининг ривожланиши нафақат жаҳон мева-сабзавотчилик бозорининг ўсиш тўлқини, балки жаҳон бозорини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш омили ҳамдир. Мева – сабзавотчилик маҳсулотларини этиштириш ҳамда ушбу тармоқ ривожини ижтимоий – иқтисодий ўсиш омили ҳисобланганлиги боис, мева – сабзавотчилик тармоғи маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларини давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш механизмларини такомиллаштириш, шу жумладан, стратегик аҳамиятга эга бўлган айрим мева – сабзавотчилик тармоғи маҳсулотларини этиштиришга ажратилган тижорат кредитларининг фоиз ставкаларини субсидиялаш, мева – сабзавотчилик тармоғи ва озиқ-овқат тармоғининг стратегик йўналишлари ва эҳтиёжларига мос кредитлаш ва суғурталаш механизмини, мева – сабзавот тармоғида интенсив инновацион технологияларни жорий қилишни рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш каби вазифалар орқали тармоқнинг инновацион юксалиш жараёнларини жаддаллаштиришни кўзлайди.

Таҳлил ва натижалар.

Инновацияларни тарқатиш босқичида инновацион жараёнларни баҳолашнинг асосий мезони товар ишлаб чиқарувчиларни турли каналлар бўйича (кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизими орқали, бошқарув функцияларини унинг барча даражаларида амалга ошириш йўли билан, илмий ташкилотлар ва оммавий ахборот воситалари ёрдамида ахборот-маслаҳат хизматлари тизими ҳамда инновацияларни махсус тарғиб қилиш орқали) янги билимлардан, фан ва техника ютуқларидан хабардор қилишнинг максимал тезкорлиги ҳисобланади. Савинко.В.Ф мева – сабзавотчилик тармоғида инновацияларни ўзлаштириш тизимларини шакллантириш учун инновацияларни тарқатиш заруратини асослаб берган[2]. Юқорида қайд этилган ва бошқа олимларнинг илмий тадқиқотларини ўрганиш натижаси, мева – сабзавотчилик тармоғини ривожлантириш йўналишида инновацияларни

тадбиқ этиш борасида хал этилиши лозим бўлган муаммолар борлигини кўрсатади. Фикримизча, мева – сабзавотчилик тармоғини ривожлантириш учун мева – сабзавот хўжалиги ишлаб чиқариши самарадорлигини инновация асосида комплекс таҳлил қилиш ҳамда такомиллаштирилган услубиётини ишлаб чиқиш зарурдир(.1-расм).



1-расм.

Мева - сабзавот тармоғи ишлаб чиқариши самарадорлигини комплекс таҳлил қилиш услуби[4]..

Юқоридаги 1-расмда мева - сабзавот тармоғи ишлаб чиқариши самарадорлигини комплекс таҳлил қилиш услуби келтирилган бўлиб, ҳозирги кунда мамлакатимизда аграр тармоқда катта эътибор берилётган кўп тармоқли ишлаб чиқариш фаолиятини ривожлантиришнинг маҳсулот етиштириш ҳамда уни сотиш бўйича даврийлик хусусиятларини инобатга олган ҳолда статистик баҳо бериш зарур. Аграр тармоқда ривожланиш дастури сифатида мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги тармоғини 2030 - йилгача ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиши билан изоҳлашимиз мумкин бўлади[3]. Мамлакатимизда аграр тармоқни ривожлантириш учун кўплаб давлат дастурлари ишлаб чиқилмоқда ҳамда унинг ижросини назорат қилиш ҳамда натижасини баҳолаб бориш зарур ҳисобланади. Аграр тармоқда фаолият самарадорлигига таъсир қилувчи омилларга статистик баҳо бериш, омилларнинг статистик жиҳатдан аҳамиятлилик даражасини аниқлаш ва олинган натижа асосида зарурий хулосалар ишлаб чиқиш статистик таҳлилнинг кўзланган мақсадга эришилишига замин яратади. Мамлакатимизда импорт

ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш қишлоқ тармоғи тармоғида ҳам ўзининг ижобий натижаларини бермоқда.

Ишлаб чиқаришда ўзлаштиришга тайёр бўлган инновацияларнинг яратилганлиги тўғрисидаги ахборотлар товар ишлаб чиқарувчиларга қанчалик тез етказилса, инновацион жараённинг ушбу босқичи шунча самарали фаолият кўрсатаётган бўлади. Ишлаб чиқаришда инновациялар (янгиликлар)ни ўзлаштириш босқичида самарадорлик мезонлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- ❖ ишлаб чиқаришнинг технологик ва иқтисодий самарадорлигини оширишга кўмаклашувчи технологик янгиланиши;
- ❖ меҳнат унумдорлигининг ва ишлаб чиқаришнинг ижтимоий самарадорлигининг ошиши;
- ❖ бир-бирлик ишлаб чиқариш майдонига тўғри келадиган маҳсулот чиқаришнинг кўпайиши;

Мева - сабзавот тармоғини инновацион ривожлантириш бўйича йўл харитаси[4].(1-жадвал)

1-жадвал

№	Иўналиш	Тадбирлар
I	Қисқа, ўрта ва узоқ муддатли (технология асосида) мева - сабзавотчилик тармоғи тармоқларида илмий-техник ютуқларни sanoat ривожланишининг асосий йўналишларининг инновацион прогнозлари	Мева – сабзавотчиликчиликга оид фанлари ютуқларини тизимли мониторинг қилиш, мева - сабзавотчилик тармоғи фанини ривожлантиришни истикболли йўналишларини аниқлаш
II	Дастурий-мақсад усулидан фойдаланган ҳолда мамлакат миқёсида ва минтақавий даражада мева - сабзавотчилик тармоғида инновацион жараёнларни ривожлантиришни рағбатлантириш	Мева - сабзавотчилик тармоғида илмий тадқиқотларни молиялаштиришни унинг ютуқларидан мақсадли фойдаланишга йўналтириш билан ошириш: ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишни таъминлайдиган асосий янгиликларни амалга ошириш учун бюджет маблағлари ажратилади.
III	Инновацияларни амалга оширувчи мева - сабзавотчилик тармоғи корхоналари қатламини уларнинг умумий сонининг 25 фоизгача кенгайтириш	Ишлаб чиқаришни изчил ва доимий равишда такомиллаштирадиган мева - сабзавотчилик тармоғи ишлаб чиқарувчилари учун қулай иқтисодий ва ҳуқуқий шароитларни таъминлайдиган институционал ва ҳуқуқий базани шакллантириш.
IV	Солиқ қонунчилигини такомиллаштириш: янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқиш даврида солиқ имтиёзларини белгилаш	Вилоят мева - сабзавотчилик тармоғи ишлаб чиқарувчилари ўртасида инновацияларнинг потенциал истеъмолчилари рейтинги ва инновацияларни бирламчи ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг кашшоф лойиҳаларини амалга оширувчи субъектларни танлаш
V	Мева - сабзавотчилик тармоғида ишлаб чиқариш жараёнларини инновацион асосда рағбатлантириш	Инновацияларнинг дастлабки ривожланиш хавфини сугурта қилиш,тезлаштирилган амортизация ёрдамида ишлаб чиқаришни техник қайта жиҳозлаш, модернизация қилиш ва янгिलाш харажатларини қоплаш, ресурс тежовчи технологиялардан фойдаланиш

1-жадвалда Мева - сабзавот тармоғини инновацион ривожлантириш бўйича йўл харитаси мева – сабзавотчилик тармоғи-бозорнинг инновацион

занжирини шакллантириш воситаси сифатида форсайт технологиялари турларидан биридир.

Хулоса

Хулоса қилиб айтганда, мева - сабзавотчилик тармоғида инновацион инфратузилманинг мавжуд ва янгидан яратилган объектлари сони (технопарклар, инновацион-технологик марказлар, бизнес-инкубаторлар, технология трансфери марказлари и ҳ.к.) ошириш. Мева – сабзавотчилик тармоғида юқори технологик компанияларнинг фонд бозорини шакллантириш (юксак технологияларни яратиш), юқори технологик компанияларининг қимматли қоғозлари савдоси учун фонд бозорининг ихтисослаштирилган сегментини яратиш имкониятларини статистик баҳолаш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар (REFERENCES)

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги тармоғини ривожлантиришнинг 2020 – 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5853-сонли Фармони (<https://lex.uz/>).
2. Савенко В.Г. Формирование системы освоения инноваций в сельском хозяйстве: теория, методология, практика: диссертация доктора экономических наук: 08.00.05. - Москва, 2005. - 338 с
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 7 июндаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги тармоғини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифалар ижросини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5853-сонли Фармони (<https://lex.uz/>).
4. Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

TOSHKENT VILOYATIDA ISHSIZLIK DARAJASINI EKONOMETRIK BAHOLASH VA PROGNOZLASH



<https://doi.org/10.5281/zenodo.10532616>

Ayubjonov Abbas Hosilovich

TDIU Statistika kafedrası mudiri i.f.n., dotsent

E-mail: abbasayubjanov@gmail.com

+998981261215

Mirolimov Mirislom Mirshokir o‘g‘li

TDIU statistika kafedrası katta o‘qituvchisi PhD

E-mail: mirislom.mirolimov3138@gmail.com

+998903343138

***Annatatsiya:** Bugungi kunda respublikamizda, mehnat bozorini rivojlantirish va uni tartibga solish, zamonaviy mehnat bozori ehtiyojlarini hisobga olgan holda yuqori malakaga ega bo‘lgan kadrlarni tayyorlash va har tomonlama raqobatbardosh mutaxassislarni tayyorlashning bugungi jahon talablariga mos eng samarali tizimini ishlab chiqishni talab etmoqda. Qolaversa yosh mutaxassislarni ishlab chiqarishdagi o‘rnini belgilash va ularning xorijiy mamlakatlar mutaxassislari bilan raqobatbardoshligini oshirish bugunning eng muhim masalalaridan biri bo‘lib kelmoqda. Yuqoridagi masalalardan kelib chiqqan holda, yangi ish o‘rinlarini barpo etish va yoshlarni tadbirkorlikka yo‘naltirishni qo‘llab-quvvatlash natijasida aholi, ayniqsa ijtimoiy muxofazaga muhtoj bo‘lgan aholi qatlamlari farovonligiga erishish borasida izchil tizimli ishlar amalga oshirilmoqda.*

***Kalit so‘zlar:** iqtisodiy faol aholi, iqtisodiyotda bandlar soni, mehnat resurslari, mehnat bozori, ish bilan bandlik, ishsizlik darajasi, mehnat resurslari tasimlanishi, yashil ish o‘rinlari.*

ЭКОНОМЕТРИЧЕСКАЯ ОЦЕНКА И ПРОГНОЗИРОВАНИЕ УРОВНЯ БЕЗРАБОТИЦЫ В ТАШКЕНТСКОЙ ОБЛАСТИ

***Аннотация:** Сегодня в нашей республике развитие рынка труда и его регулирование с учетом потребностей современного рынка труда требует разработки максимально эффективной системы подготовки высококвалифицированных кадров. Кроме того, определение места молодых специалистов на производстве и повышение их конкурентоспособности стран является сегодня одним из важнейших вопросов. Исходя из вышеперечисленных*

задач, в результате создания новых рабочих мест и поддержки ориентации молодежи на предпринимательство проводится последовательная системная работа для повышения благосостояния населения, особенно нуждающегося в социальной защите.

Ключевые слова: экономически активное население, количество рабочих мест в экономике, трудовые ресурсы, рынок труда, занятость, уровень безработицы, распределение трудовых ресурсов, зеленые рабочие места.

ECONOMETRIC ASSESSMENT AND FORECASTING OF UNEMPLOYMENT LEVEL IN TASHKENT REGION

Abstract: Today in our Republic, the development of the labor market and its regulation, taking into account the needs of the modern labor market, requires the development of the most effective system for training highly qualified personnel and training everyone. round competitive specialists. In addition, determining the place of young specialists in production and increasing their competitiveness with specialists from foreign countries is one of the most important issues today. Based on the above objectives, as a result of creating new jobs and supporting the orientation of young people towards entrepreneurship, consistent systematic work is being carried out to achieve the well-being of the population, especially those in need of social protection.

Key words: economically active population, number of jobs in the economy, labor resources, labor market, employment, unemployment rate, distribution of labor resources, green jobs.

KIRISH

Mehnat bozorida yuz berayotgan barcha o‘zgarishlar va jarayonlar mintaqqa iqtisodiyotining holati bilan bevosita yoki bilvosita bog‘liq. O‘z navbatida, mintaqaning kadrlarga bo‘lgan joriy ehtiyojini baholash mintaqada yuz berayotgan turli jarayonlar natijasi sifatida mehnat bozorining holati haqida tasavvurga ega bo‘lish imkonini beradi. Ushbu baho mehnat bozori va iqtisodiyotning umumiy holatiga bevosita yohud bilvosita ta’sir ko‘rsatuvchi iqtisodiy sub’ektlar tomonidan amalga oshiriladigan faollikning oqibatini baholash imkonini beradi.


O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022 yil 28 yanvardagi 2022-2026 yillarga mo‘ljallangan yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida PF-60-son farmonida ham jahon miqyosidagi murakkab jarayonlarni va mamlakatimiz bosib o‘tgan taraqqiyot natijalarini chuqur tahlil qilgan holda keyingi yillarda “Inson qadri uchun” tamoyili asosida xalqimizning farovonligini yanada oshirish, iqtisodiyot tarmoqlarini transformatsiya qilish va tadbirkorlikni jadal rivojlantirish, inson

huquqlari va manfaatlarini so‘zsiz ta‘minlash hamda faol fuqarolik jamiyatini shakllantirishga qaratilgan islohotlar⁷³ negizida aholi farovonligi, turmush darajasi, aholini samarali bandligini ta‘minlash, o‘z-o‘zini band qilgan shaxslarga qonuniy imtiyozlar berish tizimini joriy etish, iqtisodiyotni yashil iqtisodiyotga bosqichma-bosqich o‘tkazish, raqamli texnologiyalar markazlari faoliyatlarini isloh qilish hamda kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni rivojlantirish borasida qator vazifalar amalga oshirilmoqda.

Ta‘kidlashimiz mumkinki bu borada Toshkent viloyatida ham salmoqli ishlar amalga oshirilmoqda. 2023 yil 1 aprel holatiga ko‘ra, Toshkent viloyati doimiy aholi soni yil boshiga nisbatan 0,5 % ga yoki 13,5 ming kishiga ko‘payib, 3007,0 ming kishini tashkil yetmoqda. Shu jumladan, shahar aholisi soni 1504,6 ming kishini, jami aholi soniga nisbatan 50,04 % ni, qishloq aholisi soni 1502,4 ming kishini, jami aholiga nisbatan 49,96% ni tashkil yetmoqda. Viloyatning doimiy aholisini 13,3 % ni yoki 399,9 ming kishini mehnatga layoqatli yoshdan kattalar, 902,3 ming kishini yoki 30,0 % ini mehnatga layoqatli yoshdan kichiklar tashkil yetgan bo‘lsa, mehnatga layoqatli yoshdagilar 56,7 % ni yoki 1704,8 ming kishini tashkil yetmoqda (1-rasm).

1-rasm.

Toshkent viloyati aholisining yosh guruhlari bo‘yicha taqsimlanishi⁷⁴



Yuqoridagi ko‘rsatkichlar Toshkent viloyati mehnat bozoriga o‘zining ta‘sirini ko‘rsatmasdan qolmaydi albatta. Mehnat bozori va uning samaradorligini ifodalovchi asosiy ko‘rsatkichlardan hisoblangan iqtisodiyotda bandlar soni va ishsizlik darajasi bo‘yicha olib borilgan tadqiqotlarimiz natijasida ta‘kidlashimiz mumkinki ishsizlik darajasi va uni jilovlash masalasi mehnat bozori rivojlanishi uchun muxim omil hisoblanadi.

⁷³ O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022 yil 28 yanvardagi “2022-2026 yillarga mo‘ljallangan yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida”gi PF-60-son farmoni.

⁷⁴ O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Statistika agentligi ma‘lumotlari asosida tuzilgan.

ADABIYOTLAR SHARHI

Mahalliy tadqiqotchilar Sh.R. Xolmuminov va N.U Arabovlar⁷⁵ mehnat bozori infratuzilmasi va uning tarkibiy qismlari o‘zaro uzviy bog‘likdigi ilmiy-nazariy jihatdan tahlil etilib, uni rivojlantirish samaradorligini kompleks baholash va istiqbollashtirish uslubiyati hamda davlat va nodavlat ish bilan bandlik xizmatlari shakllanishi va rivojlanishining asosiy yo‘nalishlari aniqlaganlar. Shuningdek, mehnat bozorini tartibga solishning tashkiliy-iqtisodiy mexanizmini takomillashtirish va mehnat bozori infratuzilmasini rivojlantirish samaradorligini oshirishning strategik konsepsiyasi ishlab chiqilgan.

A.E.Kotlyar mehnat bozori sub’ektlarining iqtisodiy manfaatlarini muvofiqlashtirishda ancha tor yondashuvda bo‘lgan⁷⁶. Bunday yondashuv mehnatbozorini ishdan ozod bo‘lgan mehnatga layoqatli shaxslar bilan cheklaydi, bunday kishilar muayyan vaqtlarda o‘qishdan yoki ishdan bo‘sh bo‘lib, ishsiz qoladilar va boshqa ish joyi kidirayotgan yoki birinchi marta mehnat faoliyatiga kirishayotgan bo‘ladilar. Bunday nazariya namoyandalari mehnat bozorini odamning mehnat qilishga bo‘lgan qobiliyatini ayirboshlash bo‘yicha kelishuv jarayoni bilan chegaralaydilar va bu qobiliyatdan foydalanish mehnat bozoridan tashqarida, mehnat jarayonida ro‘y beradi, deb ta’kidlashadi.

Rossiyalik iqtisodchi olim V.A.Pavlenkov⁷⁷ va mamlakatimiz iqtisodchi olimlaridan Q.X.Abdurahmonov mehnat bozori sub’ektlarining iqtisodiy manfaatlarini kengaytirilgan holda talqin qilishni maqbul ko‘radilar⁷⁸.

Tadqiqot metodologiyasi

Maqolada ilmiy mushohada, tizimli yondashuv va induksiya va deduksiya kabi tadqiqot usullaridan foydalanildi. Jahondagi mavjud usul va yondashuvlar tahlillariga asoslanib, Toshkent viloyati mehnat bozori samaradorligini ifodalovchi ishsizlik darajasi va uni kamaytirishdagi muammo va yechimlari bo‘yicha taklif ishlab chiqildi.

Tahlil va natijalar

Toshkent viloyati mehnat bozori o‘zgarishi va rivojlanishining ekonometrik baholash uchun viloyatdagi ishsizlik darajasi – Y ga ta’sir etuvchi korxonalar soni – X_3 , aholi jon boshiga real daromadlar – X_4 , o‘rtacha nominal hisoblangan oylik ish haqi – X_5 va iqtisodiyotda band aholining jon boshiga yalpi hududiy mahsulot hajmi – X_6

⁷⁵ Xolmuminov Sh.R., Arabov N.U. Mehnat bozori infratuzilmasi. O‘quv qo‘llanma. -T.: "Fan va texnologiyalar", 2016. 150-155 b

⁷⁶ Kotlyar A.E. O ponyatii rynka truda // J. Voprosy ekonomiki. – Moskva, 2008. -No 1. – S 34-35.

⁷⁷ Pavlenkov V.A. Rynok truda. –Moskva: Obshchestva Ankil, 2012 – S.34

⁷⁸ Abdurahmonov K. X. Mehnat iqtisodiyoti. – T.: Mehnat, 2009. – 122-b.

omillari tanlab olindi. Dastlab ushbu omillar o‘rtasida korrelyatsion bog‘lanish darajasini aniqlab olamiz (1-jadval).

1-jadval

Toshkent viloyatida mehnat bozori samaradorligi o‘zgarishiga ta’sir etuvchi omillar o‘rtasidagi korrelyatsiya koeffitsienti⁷⁹

	Y	X ₃	X ₄	X ₅	X ₆
Y	1				
X ₃	0,928982	1			
X ₄	0,891295	0,687302	1		
X ₅	0,908534	0,584386	0,773596	1	
X ₆	0,878841	0,660722	0,743851	0,679389	1

Jadval qiymatlariga e’tibor qaratadigan bo‘lsak, viloyatdagi ishsizlik darajasiga nisbatan korxonalar soni -X₃ ($r_{Y,X_3}=0,928982$), aholi jon boshiga real daromadlar -X₄ ($r_{Y,X_4}=0,891295$) o‘rtacha nominal hisoblangan oylik ish haqi- X₅ ($r_{Y,X_5}=0,908534$) va iqtisodiyotda band aholining jon boshiga yalpi hududiy mahsulot hajmi -X₆ ($r_{Y,X_6}=0,878841$) omillari kuchli zichlikda to‘g‘ri bog‘langan bo‘lib, omillar o‘rtasida $r_{x_1,x_2}<0,8$ shartga ko‘ra multikoleniarlik mavjud emasligidan jarayonni davom ettirishimiz mumkin.

Buning uchun birinchi navbatda, tanlab olingan omillar o‘lchov birliklari turlicha bo‘lganligi bois, omil ko‘rsatkichlarini logarifmlab chiziqsiz tenglamani hosil qilish bilan birga uni sifat mezonlari asosida tekshiriladi. Unga ko‘ra, kuzatilayotgan bog‘liqlik o‘rtasida regressiya tenglamasini aniqlashni eviews dasturi orqali davom ettirish mumkin (2-jadval)

2-jadval

Toshkent viloyatida mehnat bozori samaradorligi o‘zgarishiga ta’sir etuvchi omillar o‘rtasidagi regressiya tenglamasi natijalari⁸⁰

Dependent Variable: LNY

Method: Least Squares

Date: 11/25/22 Time: 00:05

Sample: 2000 2021

Included observations: 22

Variable	Coefficient	Std. Yerror	t-Statistic	Prob.
----------	-------------	-------------	-------------	-------

⁷⁹ Muallif ilmiy tadqiqot natijalari.

⁸⁰ Muallif ilmiy tadqiqot natijalari.

LNX3	-1.166770	0.990427	-1.178047	0.0542
LNX4	-0.498439	0.151994	-3.279330	0.0044
LNX5	2.067970	0.672634	3.0744357	0.0025
LNX6	-0.437632	1.018315	-0.429761	0.0313
C	0.117084	5.223590	0.243288	0.0107
			$t_{jad}=2,109815578$	
R-squared	0.733180	Mean dependent var		1.873683
Adjusted R-squared	0.670398	S.D. dependent var		0.501829
S.E. of regression	0.288105	Akaike info criterion		0.545732
Sum squared resid	1.411076	Schwarz criterion		0.793697
Log likelihood	-1.003056	Hannan-Quinn criter.		0.604145
F-statistic	11.67831	Durbin-Watson stat		1.878652
Prob(F-statistic)	0.000096	$F_{jad}=0,33730133$		


Hisob-kitob natijalari bo‘yicha jadvalda keltirilgan koeffitsientlar qiymatlaridan kelib chiqqan holda quyidagi tenglmani hosil qilinadi:

$$\ln Y = -1.17 \ln X_3 - 0.5 \ln X_4 + 2.068 \ln X_5 - 0.44 \ln X_6 + 0,12 \quad (1)$$

Aniqlangan 1-regressiya tenglamasi parametrlarini t-Statistic mezonlari bo‘yicha ahamiyatligiga e‘tibor qaratadigan bo‘lsak, $\alpha=0,05$ va $df=17$ bo‘lgan holda $t_{jad}=2,1098$ ga tengligidan aholi jon boshiga real daromadlar- X_4 ($t_{X4}=-3.279 > t_{jad}=2,1098$) o‘rtacha nominal hisoblangan oylik ish haqi $-X_5$ ($t_{X5}=3.0744357 > t_{jad}=2,1098$) parametrlari ahamiyatli bo‘lib, qolgan parametrlarning ahamiyatligini retrospektiv sifat mezonlari MAPE va TIC bilan tekshirish talab yetiladi (2-rasm).

2-rasm.

Regressiya parametrlarini retrospektiv sifat mezonlari natijasi



2-rasmda keltirilgan ma‘lumotlarga asosan ta‘kidlash mumkinki, $MAPE=10,5$ bo‘lib, bu o‘z navbatida $MAPE=10,5 < 20\%$ prognoz aniqligi yuqori va $TIC=0,07 < 1$

koefitsient shunchalik nolga intilishidan regressiya tenglamasi parametrlarining barchasini ahamiyatligi kelib chiqadi. Logorifm qoidalariga va hisob-kitob jarayonlarini osonlashtirish hamda natijalar aniqligiga erishish uchun yuqorida hosil qilingan regressiya tenglamasini potensirlab olinadi va unga ko‘ra quyidagi tenglama hosil qilinadi: $Y = \frac{X_5^{2.068} * e^{0.12}}{X_3^{1.17} * X_4^{0.5} * X_6^{0.44}}$ (1*) Hosil qilingan 1*-regressiya tenglamasini haqiqatdan ahamiyatligini $\alpha=0,05$ va $k_1=17$; $k_2=4$ bo‘lganda $F_{Jad}=0,33730$ ga tengligini e‘tiborga olgan holda hisoblangan Fisher qiymati $F_{his}=11.68$ tengligidan $F_{Jad} < F_{his}$ shartga binoan 1*-regressiya tenglamasining ahamiyatligi hamda $DW=1,88$ teng bo‘lganligi bois, avtokorrelyatsiya mavjud yemasligidan tenglamaning ishonchli va adekvatligi kelib chiqadi.

Aniqlangan 1*-regressiya tenglamasiga iqtisodiy izoh beradigan bo‘lsak, korxonalar sonini, aholi jon boshiga real daromadlarni va o‘rtacha nominal hisoblangan oylik ish haqini 1,0 foizga oshirilsa, Toshkent viloyatidagi ishsizlik darajasi mos ravishda 0,1 foizga, 0,02 foiz va 0,01 foizga qo‘shimcha qisqartirish mumkinligi aniqlandi. Bundan ko‘rinadiki viloyatda birinchi masala sifatida yangi ishlab chiqarish ob‘ektlarini tashkil etish maqsadga muvofiqdir.

Ishsizlik darajasining yuqori bo‘lishi viloyat mehnat bozorining samarali faoliyatiga salbiy ta‘sir ko‘rsatadi. Shu ma‘noda biz ishsizlik darajasining ko‘p omilli ekonometrik tahlilini ham o‘tkazganmiz. Yuqorida aniqlangan $Y = \frac{X_5^{2.068} * e^{0.12}}{X_3^{1.17} * X_4^{0.5} * X_6^{0.44}}$ (1*)-regressiya tenglamasidan foydalanib qolgan omillarni vaqt ($t=24$) bo‘yicha quyidagi tenglamalaridan:

Korxonalar soni – $X_3=2784,8+2159,6*t$; Aholi jon boshiga real daromadlar $X_4=-1086,8+717,1*t$; O‘rtacha nominal hisoblangan oylik ish haqi $-X_5=26,4+119,8*t$; Iqtisodiyotda band aholi jon boshiga YaHM – $X_6=-3559,4+3217,2*t$. foydalangan holda Toshkent viloyatining ishsizlik darajasi o‘zgarishining ko‘p omilli prognoz natijalari aniqlanadi (4-jadval).

4-jadval

Toshkenti viloyatining ishsizlik darajasi o‘zgarishining ko‘p omilli prognoz natijalari⁸¹

Yillar	Ishsizlik darajasi, %	Korxonalar soni, birlikda	Aholi jon boshiga real daromadlar, ming so‘m	O‘rtacha oylik nominal hisoblangan ish haqi, ming so‘m	Band aholining jon boshiga YaHM, ming so‘m

⁸¹ Muallif ilmiy tadqiqot natijalari

2023	8,2	54615	16123,6	2901,6	73653,4
2024	7,9	56775	16840,7	3021,4	76870,6
2025	7,6	58934	17557,8	3141,2	80087,8
2026	7,3	61094	18274,9	3261	83305
2027	7,0	63254	18992	3380,8	86522,2

Jadvalda keltirilgan Toshkent viloyatining ishsizlik darajasi o‘zgarishining ko‘p omilli prognoz natijalariga e‘tibor qaratadigan bo‘lsak, bunda avvalambor, nafaqat viloyatlarda balki, rivojlangan davlatlarda ham ishsizlik darajasini to‘laligicha bartaraf etib bo‘lmasligi balki, kamaytirish mumkinligini ilmiy tadqiqotlar tasdiqlagan. Bizning tadqiqotimizda ishsizlikning natijaviy omil sifatida olinishi bevosita mehnat bozorida uning ahamiyatligini aniqlashdan iborat bo‘lib, bu o‘z navbatida viloyatda 2028 yilga borib, ishsizlik darajasi 2023 yilga nisbatan 1,5 foizga kamayishi kutilmoqda, bu esa o‘z navbatida Toshkent viloyatida korxonalar sonini 2023 yilga nisbatan olganda 13,7 foizga, aholi jon boshiga real daromadlarni 15,7 foiz va viloyatda band aholi jon boshiga yalpi hududiy mahsulot hajmining 14,9 foizga oshib, mos ravishda korxonalar soni 63254 taga yetganda, aholi jon boshiga real daromadlarni 18992,0 ming so‘mga va band aholi jon boshiga yalpi hududiy mahsulot hajmining 86522,2 ming so‘mga yetishi bilan kuzatiladi.

XULOSA VA NATIJALAR

Xulosa qilib aytganda, Toshkent viloyati mehnat bozori ishsizlikning sezilarli darajada saqlanib qolishi, yashirin ishsizlik bilan tavsiflanadi, bu uzoq vaqt ijtimoiy-iqtisodiy vaziyatning murakkablashishi davomida hal etilmagan ko‘plab muammolar va qarama-qarshiliklar natijasidir. Umuman olganda, Toshkent viloyati mehnat bozorining zamonaviy modeli quyidagi kamchiliklar bilan tavsiflanadi:

- mehnat munosabatlarini haddan tashqari tartibga solishdan kelib chiqqan bandlik sohasining qattiqligi;
- bandlik siyosati va mehnatga haq to‘lashni davlat tomonidan tartibga solishning iqtisodiy, ijtimoiy, moliyaviy, tarmoq, hududiy, investitsiya, kredit siyosatiga mos kelmasligi;
- bandlik sohasini tartibga solishda faol yondashuvning yo‘qligi, bu allaqachon shakllangan muammolar va mavjud tahdidlarga ko‘pincha o‘z vaqtida javob bermaslikda, ularning oldini olishga qaratilgan tegishli choralar ko‘rilmaganda namoyon bo‘ladi;
- mehnat bozorining ta‘lim xizmatlari bozoriga nomuvofiqligi, bu esa ishchi kuchiga talab va taklifning miqdoriy hamda kasbiy-malakaviy nomutanosibligining kuchayishiga va yoshlarning ishsizligi muammosining keskinlashuviga olib keladi;

- yangi sifatli ish o‘rinlarini yaratish hamda yoshlar va yuqori malakali ishchi kuchini jalb etishga ko‘maklashuvchi iqtisodiy mexanizmlardan past darajada foydalanish;

- samarali bandlikni ta‘minlash uchun samarali rag‘batlantirish mavjud bo‘lmaganda, ishsizlarning qaram munosabatlarini qo‘llab-quvvatlashga davlat siyosatining e‘tibori;

- ixtisoslashtirilgan davlat dasturlari samaradorligining pastligi, me‘yoriy-huquqiy hujjatlarning eskirganligi va nomuvofiqligi, qoidalarining xalqaro standartlarga yetarli darajada moslashtirilmaganligi, mehnat munosabatlari sohasidagi qonun hujjatlariga rioya etilishini ta‘minlashning samarali mexanizmining mavjud emasligidan iborat bo‘lgan mehnat qonunchiligining nomukammalligi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI (REFERENCES)

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022 yil 28 yanvardagi 2022-2026 yillarga mo‘ljallangan yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida PF-60-son farmoni. <https://president.uz/uz>
2. Xolmuminov Sh.R., Arabov N.U. Mexnat bozori infratuzilmasi. O‘quv qo‘llanma. -T.: "Fan va texnologiyalar", 2016. 150-155 b
3. Котляр А. Е. О понимании рынка труда // Ж. Вопросы экономики. – Москва, 2008. – № 1. – С 34-35.
4. Павленков В.А. Рынок труда. –Москва: Общество Анкил, 2012 – С.34.
5. Abdurahmonov K. X. Mehnat iqtisodiyoti. – T.: Mehnat, 2009. – 122-b.
6. Abduraxmonov Q.X., Shoyusupova N.T. Aholini ish bilan bandligi. O‘quv qo‘llanma. – T.: 2011. - 291 b.
7. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Statistika agentligi rasmiy sayti. <https://Stat.uz>.
8. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Statistika agentligining Toshkent viloyat boshqamasi rasmiy sayti. <https://Toshvilstat.uz>.
9. O‘zbekiston Respublikasi Kambag‘allikni qisqartirish va bandlik vazirligi rasmiy sayti va yillik to‘plamlari. <https://mehnat/uz>.

ХУДУДЛАРНИ КОМПЛЕКС ВА МУТАНОСИБ РИВОЖЛАНТИРИШ СТРАТЕГИЯСИ



<https://doi.org/10.5281/zenodo.10532666>

Б.Турсунов

и.ф.д., проф., ТДИУ

Email: b.tursunov@tsue.uz

М.Ашуров

таянч докторант, НамМТИ

Email: ashurov.m@gmail.com

Ф.Акрамжонов

таянч докторант, НамМТИ

Email: f.akramjonov@gmail.com

***Аннотация.** Ушбу мақолада ҳудудларни комплекс ва мутаносиб ривожлантириш стратегиясининг амалий жиҳатлари тадқиқ этилган.*

***Калит сўзлари:** маҳалла, хонадон, даромад, иқтисодий ривожланиш, ҳудуд.*

***Аннотация:** В данной статье рассматриваются практические аспекты стратегии комплексного и сбалансированного развития регионов.*

***Ключевые слова:** микрорайон, домохозяйство, доход, экономическое развитие, территория.*

***Abstract:** This article discusses the practical aspects of the strategy for integrated and balanced regional development.*

***Key words:** microdistrict, household, income, economic development, territory.*

КИРИШ.

Ўзбекистонда тадбиркорлик ривожланиб, иқтисодиётда узиш кузатилмоқда. Пировардида, аҳолининг ишчанлик кайфияти кутарилиб, товар ишлаб чиқариш, иш бажариш ва хизматлар курсатиш сифати ошмоқда, уларнинг турлари купаймоқда. Ҳудудларнинг урта ва узок муддатларга мулжалланган ижтимоий-иқтисодий тараккиёт параметрлари аниқланиб, ривожланиш стратегиялари белгилаб олинмоқда. [2]

Ўзбекистон Республикаси ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги нотекисликни уларнинг республика ялпи ички маҳсулотини ишлаб чиқаришдаги ҳиссалари фарқларни таҳлил қилиш орқали ифодалаш мумкин.

Маълумки, 2019 йилда бошланган Covid-19 дан кейинги содир бўлаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози жараёнлари бозор муносабатларига ўтишнинг тўлиқ эмаслиги ва геосиёсий вазиятнинг беқарорлиги билан бирга келади. Коронавирус пандемиясининг аҳоли турмуш даражасига салбий таъсирини юмшатиш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва кўмакка муҳтож оилаларни моддий қўллаб-қувватлашга қаратилган тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 июлдаги “Коронавирус пандемияси даврида ижтимоий ҳимояга ва ёрдамга муҳтож аҳоли қатламларини моддий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–6038-сон Фармонида мувофиқ кам таъминланган ва ҳимояга муҳтож одамларга кенг қўламли ижтимоий ёрдам кўрсатилди.[1]

Таҳлил ва натижалар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 25.10.2022 йилдаги “2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-408-сон қарори имзоланган. Хужжат билан 2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантириш бўйича лойиҳалар дастурлари доирасида амалга ошириладиган тадбирларнинг йиғма параметрлари тасдиқланди. Унга кўра республиканинг 5284 та маҳалласида ички йўллар, ичимлик сув таъминоти, оқава сув таъминоти, электр ва газ таъминоти, таълим муассасалари, маданият, спорт ва бошқа объектларни ривожлантириш белгилан. [3]

Наманган вилоятида 788 та маҳалла мавжуд бўлиб, бунда 526,7 минг хонадондаги 753,5 минг оилаларда 2 997,6 минг нафар фуқаролар истиқомат қилади.

Маҳаллалардаги ҳоким ёрдамчилари томонидан жорий йил бошидан 526,7 мингта (100%) хонадонлар хатловдан ўтказилиб, иқтисодий аҳволига кўра 4 та тоифага ажратиб олинди.

биринчи тоифа – даромади кам, бироқ даромад топишга ҳаракат қилаётган хонадонлар 78,2 мингта (14,8 фоиз);

иккинчи тоифа – доимий даромадга эга, қўшимча даромад топиш истагидаги хонадонлар 204,6 мингта (38,6 фоиз);

учинчи тоифа – ижтимоий ҳимояга муҳтож, боқувчисини йўқотган, ногиронлиги бўлган хонадонлар 39,7 мингта (7,5 фоиз);

тўртинчи тоифа – иқтисодий аҳволи яхши ва ўзига тўқ хонадонлар 206,3 мингтани (39,1 фоиз) ташкил этмоқда.

Ўтказилган хатловлар бўйича биринчи ва иккинчи ярим йиллик йўл-хариталари тасдиқланган.

2022 йил давомида 231,2 минг нафар фуқаролар даромадли меҳнат билан бандлиги таъминланди Жумладан,

- 74 505 нафарини доимий ва жамоат ишларига жойлаштирилди (*доимий ишга 61 283 нафар, жамоат ишларга 13 222 нафар*)

- 91 465 нафари ўзини ўзи банд қилинди.

- 14 122 нафари касб-хунарга ўқитилди

- Оилавий тадбиркорлик йўналишида вилоятга ажратилган 865 млрд.сўм кредит лимитидан тавсияномалар асосида 21 133 нафар фуқарога 482,5 млрд.сўм кредит ажратилиб бандлиги таъминланди.

- Ишсиз аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш, уларга меҳнат қуроллари ва асбоб ускуналари учун жамғарма маблағлари ҳисобидан 4 514 та фуқарога 13,4 млрд.сўмлик субсидиялар ажратилди.

- ПҚ-20-сонли қарор асосида 8 165 гектар (*60 280 лот*) ер майдонларини ажратиш ҳисобига 60 280 нафар аҳолини бандлигини таъминланди.

- Хунармандчиликни йўналишида 5 839 нафар иш ўринлари яратилди (*754 нафари хунарманд, 5 105 нафари шогирд*)

Бундан ташқари, вилоятда кичик бизнес субъектларини икки баробарга ошириш мақсадида;

- 5 542 та юридик ва 5 961 та яқка тартибдаги янги тадбиркорлик субъектлари ташкил этилиши натижасида 11 503 та янги иш ўринлари яратилди.

2023 йилда жами 314,9 минг. нафар фуқаролар даромадли меҳнат билан бандлиги таъминланади.

1-чорақнинг ўзида 78 725 нафари бандлиги таъминланади. Жумладан,

- 103 317 нафари доимий, мавсумий ва жамоат ишларига жойлаштирилади шундан, 1-чорақда 39 325 нафари бандлиги таъминланади.

Шунингдек, 119 100 нафар фуқаролар ўзини ўзи банд қилинади шундан, 29 775 нафари 1-чорақда рўйхатдан ўтказилди

- 25 280 нафар касб-хунарга ўқитилиб, шундан 6 450 нафари 1-чорақда ўқитилди.

- Оилавий тадбиркорлик йўналишида 27 564 нафар фуқароларга 800,5 млрд.сўм кредитлар ажратилиб бандлиги таъминланади, 1-чорақда 6 891 нафар фуқароларга 200,1 млрд.сўм имтиёзли кредитлар ажратиш кўзда тутилган.

- Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш, меҳнат қуроллари ва асбоб ускуналари учун жами 8 132 нафар фуқароларга 39,2 млрд. сўмлик шундан, 1-чорақнинг ўзида 2 033 нафар фуқароларга 9,8 млрд. сўмлик субсидиялар ажратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-373-сон қарорига асосан 2023 йилда 9 056 гектар (78 400 *лот*) ер майдонлари очик электрон танлов орқали ижарага берилиб 78 400 нафар аҳолини бандлигини таъминланди, шундан 2 264 гектар ер майдонлари (19 600 *лот*) 19 600 нафар аҳолига 1-чорак якунига қадар ажратилди.

- Хунармандчилик йўналишида 7 100 нафар иш ўринлари шундан, 1-чорак давомида 1 775 нафар янги иш ўринлари яратилди.

- 6 700 та юридик ва 8 140 та яқка тартибдаги янги тадбиркорлик субъектларида 14 840 та янги иш ўринлари шундан 1-чоракнинг ўзида 1 675 та юридик ва 2 035 та яқка тартибдаги янги тадбиркорлик субъектларида 3 710 та янги иш ўринлари яратилди.

ХУЛОСА

Янги Ўзбекистон стратегиясида худудларни мутаносиб ривожлантириш орқали худудий иктисодиётни 1,4-1,6 бараварга ошириш ҳамда 14 та худуд буйича туман ва шаҳарлар кесимида ишлаб чиқилган беш йиллик худудий дастурларни амалга ошириш, ижтимоий-иктисодий ривожланиш рейтинг курсаткичлари "кониқарсиз" булган шаҳар ва туманлар буйича амалий чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва амалга оширилади. Худудларда аҳолининг яшаш шароитини яхшилаш учун урбанизация сиёсатини янада такомиллаштириш асосан Самарқанд ва Наманган шаҳарларини истикболда "миллионлик шаҳарлар"га айлантириш буйича чоралар куриш, 450 минг аҳолига мулжалланган Янги Андижон шаҳрининг дастлабки бир нечта мавзеларини куриб, фойдаланишга топшириш масалаларига эътибор қаратилиш лозим. Кашқадарё вилоятининг урбанизация даражасини 50 фоизга етказиш. Шаҳарлардаги аҳолининг турмуш тарзи қулайлигини баҳоловчи "Шаҳарлар қулайлиги" индексини жорий этиш. Шаҳарларни рақамлаштириш, курилиш ва лойиҳалаштириш ишлари сифатини ошириш ва "Ақлли шаҳар" концепциясига мувофиқ ривожлантириш. Тошкент шаҳрида барпо этилган "INNO" инновацион укув-ишлаб чиқариш технопаркини 4 та худудда ташкил этиш. Инновацион худудга айлантирилаётган туманларда юқори қушилган қиймат яратадиган инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологияларини узлаштириш. Олий таълим муассасаларида архитектура-курилиш соҳасида олиб борилаётган илмий изланишларни амалиёт билан уйғунлаштириш. Қурилиш соҳасини техник тартибга солиш. Аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш тизимини тубдан такомиллаштириш ва шаҳарсозлик ҳужжатлари билан таъминлаш дастурини ишлаб чиқиб, амалга ошириш. Аҳолини жойлаштиришнинг бош схемасини ишлаб чиқиш. Реновация ва уй-жойлар дастурлари асосида шаҳарларда эскирган уйлар урнига 19 миллион квадрат

метрдан ортик замонавий уй-жойларни барпо этиш, 275 мингдан зиёд оиланинг янги массивларга кучиб утиши учун шароит яратиш Янги Ўзбекистон стратегиясида белгиланган. [2]

Шубаҳасиз, ушбу амалий ишларни бажариш асосида маҳалаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга эришилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Shavkat Mirziyoyev. Yangi O'zbekiston taraqqiyot strategiyasi. To'ldirilgan ikkinchi nashri. -Toshkent: "O'zbekiston" nashriyoti, 2022. - 416 bet.
2. <https://cyberleninka.ru/article/n/yangi-zbekiston-ududlarni-izhtimoiy-i-tisodiy-rivozhlantirish-strategiyasi>.
3. https://www.norma.uz/uz/qonunchilikda_yangi/mahallalar_infratuzilmasini_rivojlantirish_uchun_7_trln_sumdan_zied_mablag_yunaltiriladi

O‘ZBEKISTONDA AHOLI TURMUSH DARAJASINI STATISTIK TAHLILI



<https://doi.org/10.5281/zenodo.10532705>

Akbarova Barno Shuxratovna
TDIU Statistika kafedrasida dotsenti
e-mail: b.akbarova@tsue.uz

Annotasiya: Ushbu maqolada O‘zbekiston Respublikasi aholi turmush darajasini statistik jihatdan bir necha omillarning ta’sir doirasida o‘rganilgan. Aholi turmush darajasini ifodalavchi statistik ko‘rsatkichlar tizimi o‘rganilgan va prognoz qilingan.

Kalit so‘zlar: aholi turmush darajasi, ijtimoiy himoya, iste’mol, aholi daromadlari, pul tushumlari, mulkdan foiz, dividend .

СТАТИСТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ УРОВНЯ ЖИЗНИ НАСЕЛЕНИЯ УЗБЕКИСТАНА

Акбарова Барно Шухратовна
Доцент кафедры статистики ТДИУ
электронная почта: b.akbarova@tsue.uz

Аннотация: В данной статье статистически изучается уровень жизни населения Республики Узбекистан в рамках влияния нескольких факторов. Изучена и прогнозирована система статистических показателей, отражающих уровень жизни населения.

Ключевые слова: уровень жизни населения, социальная защита, потребление, доходы населения, доходы, проценты от собственности, дивиденды.

STATISTICAL ANALYSIS OF THE LIVING STANDARD OF THE POPULATION OF UZBEKISTAN

Akbarova Barno Shukhratovna
Associate Professor, Department of Statistics, TDIU
email: b.akbarova@tsue.uz

Abstract: This article statistically studies the standard of living of the population of the Republic of Uzbekistan under the influence of several factors. A system of statistical indicators reflecting the standard of living of the population has been studied and predicted.

Key words: *standard of living of the population, social protection, consumption, income of the population, income, interest on property, dividends.*

Kirish

O‘zbekistonda mustaqillikning dastlabki yillaridan boshlab bozor iqtisodiyoti qonun-qoidalari asosida aholini ijtimoiy muhofaza qilish tizimi ishlab chiqildi va u doimiy ravishda yo‘l xapitalari ishlab chiqish, strategiyalar qo‘llanilishi bilan takomillashtirib borilmoqda. Lekin shunday bo‘lishiga qapamay, hozirgi kundagi mavjud vaziyat respublikada aholini ijtimoiy himoya qilish tizimini yanada takomillashtirish va kambag‘allik darajasini qisqartirish dasturlari samaradorligini oshirish zaruriyatini vujudga keltirmoqda. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M. Mirziyoyev ta’kidlaganidek, «Biz bu yil tariximizda ilk bor pensiya va ijtimoiy nafaqalar miqdorini minimal iste’mol xarajatlaridan kam bo‘lmagan darajaga olib chiqdik. Mamlakatimizda pandemiyadan oldingi davrda ishsizlar soni 1 mln. 350 mingga yaqin bo‘lgan bo‘lsa, pandemiya sharoitida ushbu ko‘rsatkich qariyb 2 mln. kishiga etdi.⁸² Shu bois, mamlakatimiz byudjet muassasalari xodimlarining ish haqi, pensiya, stipendiya va ijtimoiy nafaqalar hajmini inflyatsiya sur‘atlaridan yuqori miqdorda oshirish, mehnat bozori mutanosibligini va infratuzilmasi rivojlanishini ta’minlash, mehnatga layoqatli aholining mehnat va tadbirkorlik faolligini to‘liq amalga oshirish uchun sharoitlar yaratish, ish kuchi sifatini yaxshilash, ishga muhtoj shaxslarni kasbga tayyorlash, qayta tayyorlash va malakasini oshirish tizimini kengaytirish ishlari⁸³ olib borilayotganligi innovasion taraqqiyot jadallashayotgan paytda aholi daromadlarini oshirish masalasidan samarali foydalanish ilmiy-amaliy ahamiyatga ega ijtimoiy-iqtisodiy muammo hisoblanadi.

Ushbu maqola mamlakatimiz Prezidenti tomonlaridan 2022 yil 28 yanvardagi PF-60-son «2022 – 2026-yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida»gi, 2022 yil 25 iyuldagi PF-175-son «O‘zbekiston Respublikasi aholisini ijtimoiy himoya qilish strategiyasini tasdiqlash to‘g‘risida»gi farmonlari, 2018 yil 14 iyuldagi PQ-3856-son «Aholi bandligini ta’minlash borasidagi ishlarni takomillashtirish va samaradorligini oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida»gi qarori hamda boshqa me’yoriy-huquqiy hujjatlarda belgilangan vazifalarni amalga oshirishga qaratilgan fikr va mulohazalardan iborat.

Adabiyotlar sharhi

⁸² <https://www.gazeta.uz/uz/2020/06/08/jobless/>

⁸³ O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining «O‘zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo‘yicha Harakatlar strategiyasi to‘g‘risida»gi farmoni.

Aholining ijtimoiy jihatdan muhtoj qatlamlarini aniqlash metodologiyasi, ijtimoiy jihatdan muhtoj aholi qatlamlariga ijtimoiy xizmatlar ko‘rsatish va ularni ijtimoiy qo‘llab-quvvatlash, aholini ijtimoiy himoya qilish tizimining amal qilish mexanizmiga bag‘ishlangan ilmiy tadqiqotlar G. Bacco, M. Dolls, C. Bexpendt, J. Bepg, P. Mepkl, B. Babajanyan, P. Bettie kabi chet el olimlarining ilmiy ishlarida tahlil etilgan.

G‘apb iqtisodchilari daromadni mehnat va kapitalni samarali ishlatish natijasi deb hisobladilar. U.Petti daromadni o‘zgaralar mehnati mahsuli deb izohlagan bo‘lsa, Fpansiyada fiziokratlar daromadga yerni umumli ishlatishdan tushadigan mahsulot sifatida qaraydilar. A.Smit daromadni tovarida gavalangan mehnatdan, unga to‘lanadigan ish haqidan va foydadan tashkil topishini aytib o‘tadi. Keyinchalik har qanday tovar o‘zida mehnat orqali hosil bo‘ladigan qiymat, buning zaminida renta va foyda mujassam bo‘lishini ta’kidlab, ish haqi, foyda va renta har qanday daromadning 3 ta dastlabki manbai bo‘lib qolishini aytib o‘tadi.⁸⁴

K.Mapks fikricha, ishlab chiqarish jarayonida jamiyat a‘zolari tabiat ne‘matlarini inson ehtiyojlariga muvofiq moslashtiradi (yaratadi, o‘zgartiradi), yaratilgan mahsulotdan olinadigan daromad bo‘yicha taqsimot shunday nisbatda o‘rnatiladiki, bunda har bir individuum ma’lum ulushga ega bo‘ladi. Taqsimot munosabatlarida bilvocita individuumlarga qancha miqdopda ulush tegishli ekanini aniqlaydi. Subyektning ishlab chiqarishdagi ishtiroki taqsimotning alohida usulining amal qilishini va daromadning tupli shaklda yuzaga chiqishini anglatadi.

Zamonaviy iqtisodiyotda aholi daromadlari ma’lum vaqt opalig‘ida ular tomonidan olingan pul va natupal shakldagi tushumlarning miqdopini anglatadi⁸⁵ deb olingan. Aholi pul daromadlari ish haqi, tadbirkorlik faoliyatidan olingan daromadlar, nafaqa, pensiya, stipendiya shaklidagi barcha pul tushumlarini, mulkdan foiz, dividend, renta shaklida olinadigan daromadlar, qimmatli qog‘ozlar, ko‘chmas mulk, qishloq xo‘jaligi mahsulotlari, hunarmandchilik buyumlarini sotishdan va har xil xizmatlar ko‘rsatishdan kelib tushadigan daromadlarni⁸⁶ o‘z ichiga oladi.

Aholi daromadlari nafaqat moddiy ahvolni belgilaydi, balki iqtisodiyot samaradorligini va jamiyatdagi iqtisodiy munosabatlarni ham aks ettiradi. Daromadlar darajasi, tarkibi, dinamikasini aholi xarajatlari bilan taqqoslash orqali jamiyatning turli guruhleri va tabaqalari o‘rtasidagi tabaqalanish tavsiflanadi. Demak, daromad bevosita aholi turmush darajasi bilan bog‘liq.

⁸⁴ Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов». - М - Л, 1935, - с. 98

⁸⁵ Шодмонов Ш., Фафуров У. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. - Т.: «Фан ва технология», 2005. – 662 б.

⁸⁶ N.A. Safarova «Jismoniy shaxslar daromadlarini soliqqa tortishning ijtimoiy-iqtisodiy ahamiyati» «Xalqaro moliya va hisob» ilmiy elektron jurnali. №2, aprel, 2017 yil.

Tadqiqot metodologiyasi

O‘zbekistonda aholi daromadlari va turmush darajasi mexanizmi jarayonida tizimli tahlil, induksiya va deduksiya, mantiqiy va iqtisodiy-statistik tahlil, taqqoslash, statistik ma’lumotlarni guruhlash, ekonometrik tahlil va prognozlashtirish usullari qo‘llanilgan.

Tahlil va natijalar

Aholi turmush darajasi va sifati iqtisodiy-ijtimoiy siyosatning, aholi daromadlari va xarajatlarini tartibga solish bo‘yicha siyosatning natijasi ko‘rsatkichidir. Turmush darajasini aniqlashda «Iste‘mol savati»dan, ya’ni muayyan iste‘mol darajasini ta‘minlovchi tovarlar va xizmatlar majmuidan foydalaniladi. Iste‘molning minimal darajasi «qashshoqlik chegarasi»ni belgilaydi. «Qashshoqlik chegarasi»dan pastda yashovchi aholi ulushi mamlakatda turmush darajasini tavsiflovchi eng muhim ko‘rsatkichlardan biri hisoblanadi. Ushbu ko‘rsatkichning qisqarishi hamda qashshoqlikka qarshi kurash – ijtimoiy siyosatning asosiy vazifalaridan biri sanaladi. Byudjet orqali daromadni shakllantirish, ijtimoiy to‘lovlar va imtiyozlar bo‘yicha daromadlarni qayta taqsimlashni tashkil etish orqali hukumat kambag‘allarning daromadlarini oshirish muammosini hal qiladi hamda ijtimoiy keskinlikni yumshatishga ko‘maklashadi. Tovarlarini soliqqa tortish iste‘mol talabini tartibga soladi, jismoniy shaxslarning imtiyozlarini shakllantiradi, zararli tovarlar iste‘molini kamaytiradi va sog‘lom turmush tarzi uchun zarur bo‘lgan tovarlar iste‘molini rag‘batlantiradi, inson resurslari va ishlab chiqarish kuchlarini yuqori sifatli qayta ishlab chiqaradi.

Aholining turmush darajasi ko‘p qamrovli va keng tavsifli tushuncha bo‘lganligi sababli, amalda turmush daraja aholi jon boshiga real daromadlar yoki jon boshiga iste‘mol darajasi ko‘rinishida ifodalanadi. Aholi jon boshiga real daromadlar yoki iste‘molning o‘sishi esa ayni paytda bir qator omillarga, avvalambop, ishchi kuchi unumdorligining o‘zgarishiga va unga ta’sir etuvchi bir qator omillarga bog‘liq.

1-jadval

Aholi daromadlari va unga ta’sir etuvchi omillar⁸⁷

Yillar	Aholi jon boshiga real daromad o‘sishi	Aholi jon boshiga daromadlar (o‘zgarmas narxlarda)	Iste‘mol	Kapital fondi	Kapitalni mehnatga nisbati darajasi	Real YaIM
2005	117,4	1559,6	55320,5	322038,0	31717,6	148688,2

⁸⁷O‘zbekiston uchun muallif tomonidan hisoblab chiqilgan

2006	121,0	1887,1	60403,0	339186,4	32412,8	159752,7
2007	121,1	2285,3	64936,0	362127,0	33576,3	174894,0
2008	124,6	2847,5	65899,8	393991,8	35337,9	190634,4
2009	123,0	3502,4	68726,1	435503,9	37814,9	206075,8
2010	120,1	4206,4	68336,2	480170,2	40351,1	223592,3
2011	119,9	5043,5	77682,6	524143,5	42687,3	240998,5
2012	113,3	5714,3	84650,7	572742,4	45175,5	258773,7
2013	113,9	6508,6	93315,4	627086,4	47947,0	278400,6
2014	107,1	6970,7	103194,6	686608,5	50929,1	298388,1
2015	104,3	7270,4	114995,6	751525,8	54332,8	320611,1
2016	108,5	7888,4	125493,2	817318,6	57612,4	340149,8
2017	107,2	8456,4	130131,8	899096,4	61899,0	355325,6
2018	107,1	9056,8	137675,9	1011318,1	70438,6	374678,3
2019	105,0	9509,6	146892,7	1168222,6	79881,0	395524,3
2020	109,9	8652,9	161435,1	1283876,6	87789,2	434681,2
2021	112,1	9699,9	180968,7	1439225,7	78313,3	487277,6
2022	103,7	10058,8	187664,6	1492477,1	81210,9	505306,9

Keltirib o‘tilgan omillarning o‘zaro bog‘liqligini aniqlash maqsadida korrelyatsion tahlildan foydalanildi, ammo umumiy omil unumdorligi ko‘rsatkichidan boshqa barcha omillarda ularga ta‘sir etuvchi umumiy tendensiyalar va nostasionarlik kuzatilganligi tufayli tahlildan avval ularning birinchi farqi hisoblab chiqildi. Ularning koppelatsion koeffitsientlari Pipcon (Pearson) metodi yordamida tahlil qilindi. Tahlil natijalari kutilgan natijalar bilan birga, ayrim kutilmagan natijalarni ko‘rsatmoqda. Masalan, aholi daromadlari o‘zgarishining YaIM real hajmi va ishchi kuchi unumdorligi o‘zgarishlari bilan o‘zaro bog‘liqligi kuchli bo‘lsa, uning iqtisodiyotdagi umumiy va har bir ishchiga to‘g‘ri keladigan kapital hajmi bilan bog‘liqligi o‘rtacha. Lekin uning aholi ta‘lim darajasi indeksi va umumiy omil unumdorligi ko‘rsatkichlari bilan korrelyatsion koeffitsientlari manfiy ko‘rsatkichga ega. Ammo bu omillarni boshqa omillar nazorat qilingan holda qisman korrelyatsion tahlil qilanimizda ularning koeffitsientlari musbat natija bermoqda.

2-jadval.

O‘zgapuvchilar o‘zapo bog‘liqligining koppelatsion koeffitsientlari⁸⁸ (Pearson’s correlation coefficients)

		DIFF (Aholionbosh igadaromadiar2019nandarda,1)	DIFF (Consumptioncn,1)	DIFF (Educationindex,1)	DIFF (RDGPna,1)	DIFF (LaborQualityindex,1)	DIFF (HDindex,1)	DIFF (Laborproductivity,1)	DIFF (TFPgrowth,1)	DIFF (Capitalabboratioma,1)	TFP growth	DIFF (Cunsumpercapita,1)	DIFF (Capitalstockna,1)
DIFF (Aholionbosh igadaromadiar2019nandarda,1)	Pearson Correlation Sig. (2-tailed)	1	.354 .136 19	-.089 .718 19	.735 ^{**} .000 19	-.734 ^{**} .000 19	.076 .758 19	.588 ^{**} .008 19	-.220 .366 19	.372 .832 19	-.052 .832 19	.122 .618 19	.414 .078 19
DIFF (Consumptioncn,1)	Pearson Correlation Sig. (2-tailed)	.354 .136 19	1	-.323 .177 19	.718 ^{**} .001 19	-.652 ^{**} .002 19	-.351 .141 19	.514 .024 19	-.022 .928 19	.492 ^{**} .032 19	-.227 .351 19	.119 .629 19	.569 .011 19
DIFF (Educationindex,1)	Pearson Correlation Sig. (2-tailed)	-.089 .718 19	-.323 .177 19	1	-.417 .075 19	.333 .163 19	.715 ^{**} .001 19	-.456 .050 19	.010 .968 19	-.249 .304 19	-.102 .679 19	-.196 .421 19	-.263 .277 19
DIFF (RDGPna,1)	Pearson Correlation Sig. (2-tailed)	.735 ^{**} .000 19	.718 ^{**} .001 19	-.417 .075 19	1	-.938 ^{**} .000 19	-.210 .387 19	.808 ^{**} .000 19	-.207 .396 19	.629 ^{**} .004 19	-.172 .482 19	-.002 .992 19	.703 ^{**} .001 19
DIFF (LaborQualityindex,1)	Pearson Correlation Sig. (2-tailed)	-.734 ^{**} .000 19	-.652 ^{**} .002 19	.333 .163 19	-.938 ^{**} .000 19	1	.251 .301 19	-.748 ^{**} .000 19	.339 .156 19	-.725 ^{**} .000 19	.337 .158 19	.005 .984 19	-.796 ^{**} .000 19
DIFF (HDindex,1)	Pearson Correlation Sig. (2-tailed)	.076 .758 19	-.351 .141 19	.715 ^{**} .001 19	-.210 .387 19	.251 .301 19	1	-.208 .394 19	.252 .297 19	-.377 .112 19	.338 .157 19	-.152 .534 19	-.373 .176 19
DIFF (Laborproductivity,1)	Pearson Correlation Sig. (2-tailed)	.588 ^{**} .008 19	.514 .024 19	-.456 .050 19	.808 ^{**} .000 19	-.748 ^{**} .000 19	-.208 .394 19	1	.097 .692 19	.669 ^{**} .002 19	-.039 .874 19	.033 .892 19	.619 ^{**} .005 19
DIFF (TFPgrowth,1)	Pearson Correlation Sig. (2-tailed)	-.220 .366 19	-.022 .928 19	.010 .968 19	-.207 .359 19	-.339 .156 19	.252 .297 19	.097 .692 19	1	-.401 .089 19	.638 ^{**} .003 19	.149 .542 19	-.478 ^{**} .038 19
DIFF	Pearson Correlation	.372	.492	-.249	.629 ^{**}	-.725 ^{**}	-.377	.669 ^{**}	-.401	1	-.746 ^{**}	-.006	.978 ^{**}

Correlations

Control Variables			DIFF (Aholijonbosh igadaromadlar 2019naxlarda,1)	DIFF (EducationIndex,1)
TFP growth & DIFF (Capitallaborratiorna,1)	DIFF (Aholijonboshigadaromadlar2019naxlarda,1)	Correlation	1.000	.200
		Significance (2-tailed)	.	.441
		df	0	15
	DIFF(EducationIndex,1)	Correlation	.200	1.000
		Significance (2-tailed)	.441	.
		df	15	0

Correlations

Control Variables			DIFF (Aholijonbosh igadaromadlar 2019naxlarda,1)	TFP growth
DIFF (Capitallaborratiorna,1)	DIFF (Aholijonboshigadaromadlar2019naxlarda,1)	Correlation	1.000	.365
		Significance (2-tailed)	.	.137
		df	0	16
	TFP growth	Correlation	.365	1.000
		Significance (2-tailed)	.137	.
		df	16	0

Aholi daromadlariga ta’sir etuvchi omillarning ta’sir darajasini o’rganish va uning kelajak prognozlarini aniqlash maqsadida ARIMA (Autoregressive Integrated Moving Average) modelidan foydalandik. Modelimizda, aholi daromadlarini qaram (mustaqil bo‘lmagan) o‘zgaruvchi sifatida va unga ta’sir etuvchi uchta omil – har bir ishchiga to‘g‘ri keladigan kapital miqdori, ta’lim darajasi (indeksi) va umumiy omil unumdorlik omillarini tanlab oldik. Bunda omillarning model bilan mosligi ko‘rsatkichlaridan ham foydalandik, ya’ni R-kvadrat va stasionar R-kvadrat ko‘rsatkichlarining eng katta ko‘rsatkichi va normallashtirilgan BIC ko‘rsatkichining minimal ko‘rsatkichlariga asoslangan holda tanlandi.

Model Statistics

Model	Number of Predictors	Model Fit statistics			Ljung-Box Q(18)			Number of Outliers
		Stationary R-squared	R-squared	Normalized BIC	Statistics	DF	Sig.	
Aholi jon boshiga daromadlar (2019 naxlarda)-Model_1	3	.613	.998	10.761	13.830	17	.679	0

Modelimizning R-kvadrat va uning nostasionarlikdan holi ko‘rsatkichlari mos ravishda 0.998 va 0.613 tashkil etyardi va tanlangan omillarning qaram o‘zgaruvchining o‘zgarishlaridagi katta ahamiyatini ko‘rsatmoqda. Quyidagi

jadvaldan ko‘rishimiz mumkinki, olingan uch omilning ikkitasida P-ko‘rsatkich koeffitsientlar aniqliligini ko‘rsatib bermoqda.

ARIMA Model Parameters


				Estimate	SE	t	Sig.
Aholi jon boshiga daromadlar (2019 narxlarida)-Model_1	Aholi jon boshiga daromadlar (2019 narxlarida)	No Transformation	Difference	1			
	Capital labor ratio mna	No Transformation	MA Lag 1	-.985	2.264	-.435	.670
TFP growth	Education Index	No Transformation	Numerator Lag 0	.084	.018	4.533	.000
		No Transformation	Difference	1			
Education Index	Education Index	No Transformation	Numerator Lag 0	75.228	20.973	3.587	.003
		No Transformation	Numerator Lag 0	2744.407	4104.596	.669	.514
				Difference			
				1			

Modelimizda faqatgina ta’lim darajasi koeffitsienti aniq emasligi ehtimoli katta. Bu esa ta’lim darajasi (indeksi)ning aholi daromadlariga ta’siri statistik raqamlarda hali aniq aks etmayotganidan dalolat berishi mumkin. Modelimiz har bir ishchiga to‘g‘ri keladigan kapital miqdori va umumiy omil unumdorlik kabi omillarining aholi daromadlarining o‘zgarishida ijobiy ta’sir ko‘rsatishini ko‘rsatmoqda.

Forecast

Model		2020	2021	2022	2023	2024	2025	2026	2027	2028	2029	2030
Aholi jon boshiga daromadlar (2019 narxlarida)-Model_1	Forecast	10,059.7	10,633.4	11,230.3	11,851.6	12,498.8	13,173.4	13,876.8	14,610.8	15,377.0	16,177.3	17,013.6
	UCL	10,389.0	11,355.0	12,196.7	13,012.6	13,826.4	14,649.0	15,487.0	16,345.3	17,227.5	18,137.1	19,076.9
	LCL	9,730.5	9,911.8	10,263.9	10,690.6	11,171.3	11,697.8	12,266.6	12,876.2	13,526.4	14,217.5	14,950.3

For each model, forecasts start after the last non-missing in the range of the requested estimation period, and end at the last period for which non-missing values of all the predictors are available or at the end date of the requested forecast period, whichever is earlier.



Olingan natijalar asosida aholi daromadlari darajasining 2030 yilgacha o‘zgarishini prognoz qilib ko‘rdik. Bunda, uch omil – har bir ishchiga to‘g‘ri keladigan kapital miqdori, ta’lim darajasi (indeksi) va umumiy omil unumdorligi – omillarining prognoz qilinayotgan davrda yillik o‘zgarishi ularning ko‘rib chiqilgan 20 yillik davrdagi o‘rtacha yillik o‘shishiga, ya’ni mos ravishda 5,7, 1 va 2 foizga teng deb qabul qildik. ARIMA modeli prognoz natijalarining ko‘rsatishicha, aholi daromadlari 2019 yilgi 9,5 mln. so‘mdan 2030 yilda solishtirma (2019 yilgi) narxlarida 17 mln. so‘mdan o‘shishi mumkin. Bunda 95% ishonchlilik darajasining

minimal va maksimal chegaralari (LCL va UCL) mos ravishda 14,95 mln. so‘m va 19,08 mln. so‘mni tashkil etmoqda⁸⁹.

Bozor iqtisodiyoti sharoitida mamlakatda amal qilayotgan aholini ijtimoiy himoya qilish tizimining ijtimoiy-iqtisodiy samaradorligini baholash amaliyotini ishlab chiqish va uni amaliyotga tatbiq etish ilmiy-amaliy ahamiyatga egadir. Aholini ijtimoiy himoya qilish tizimining ijtimoiy-iqtisodiy samaradorligini baholash mamlakatda amal qilayotgan va ijtimoiy dasturlarga ta’sir etuvchi quyidagi omillarning o‘zgarishini baholash imkoniyatini beradi:

– aholini ijtimoiy himoya qilish dasturi qamrab olgan aholining ijtimoiy guruhlari va ularning oila a’zolari daromadlarining ortishi (yoki xarajatlarning qisqarishi);

– ijtimoiy himoya dasturlarining amalga oshirilishi jarayonida jamiyatning manzilli ijtimoiy himoya dasturlari qamrab olmaydigan ijtimoiy guruhlarning daromadlari va xarajatlarini o‘zgarishi;

– jamiyatning ayrim toifadagi ijtimoiy guruhlarni davlat tomonidan qo‘llab-quvvatlanishi oqibatida ijtimoiy resurslardan foydalanish samaradorligi;

– aktiv ijtimoiy himoya dasturlarining amalga oshirilishi japyonida aholiga munosib mehnat sharoitlarining yaratilishi va aholi bandligining ortishi natijasida aholi daromadlarini ortishi.

Taklif etilayotgan aholini ijtimoiy himoya qilish tizimining ijtimoiy-iqtisodiy samaradorligini baholash amaliyoti aholini ijtimoiy himoya qilish dasturlarining ijtimoiy natijasi va ularning ijtimoiy samaradorligi tushunchalariga aniqlik kiritib o‘tishni taqozo etadi.

XULOSA VA NATIJALAR

1. Yuqorida qayd etilgan holatlarni inobatga olgan holatda mamlakatimiz aholisini ijtimoiy himoya qilish tizimining samaradorligi va qamrovi darajasini baholash metodologiyasini ishlab chiqish amaliyotda vujudga kelayotgan muammolar, kamchiliklar va erishilgan yutuqlarni tavsiflashda xatoliklarni qisqartiradi.

2. So‘nggi yillarda jami xarajatlar tarkibida iste’mol xarajatlarining ulushi ortib, aksincha iste’moldan tashqari xarajatlarning ulushi kamayib bopmoqda. Ushbu holat oilalarning iste’mol xarajatlari makro tarkibi ham optimallashtirib borayotganidan dalolat bermoqda: oziq-ovqat mahsulotlari uchun xarajatlar ulushi barqarorlashib, xizmatlar uchun xarajatlar ulushi ortib bormoqda. Bunday holat iqtisodiy rivojlanib borayotgan davlatlar uchun xosdir.

3. Turmush darajasi aholi turmushining moddiy tomonlarini ifodalasa, turmush sifati aholi turmushining madaniy va maishiy jihatlarini bildiradi va turmush sifati

⁸⁹ Muallif tomonidan hisoblab chiqilgan

insonlar hayotining rivojlanganlik darajasini ko‘rsatadi.

4. Aholi ijtimoiy himoyasi dasturlarining ijtimoiy samarasi (impacts) – bu aholini ijtimoiy himoya qilish dasturlari qamroviga kirmagan aholining ijtimoiy guruhlarining turmush farovonligi ko‘rsatkichining ortishi bilan tavsiflanadi. Boshqacha aytganda, ijtimoiy himoya dasturlarining ayrim aholi ijtimoiy guruhlariga bilvosita ta‘sirini belgilovchi ko‘rsatkich hisoblanadi.

5. Mamlakatimiz aholisini ijtimoiy himoya qilish tizimining samaradorligi va qamrovi darajasini baholash metodologiyasini ishlab chiqish amaliyotda vujudga kelayotgan muammolar, kamchiliklar va erishilgan yutuqlarni tavsiflashda xatoliklarni qisqartiradi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI (REFERENCES)

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M. Mirziyoyev tomonidan 2022 yil 28 dekabrda “O‘zbekiston Respublikasining 2023-2025 yillarga mo‘ljallangan investitsiya dasturini amalga oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PQ-459- soni qarori.
2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi.// “Xalq so‘zi” gazetasi, 2022 yil 28 dekabr, № 258 (6952)
3. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 21 oktyabrdagi “2019-2021 yillarda qishloq joylarda yangilangan namunaviy loyihalar bo‘yicha arzon uy-joylar qurish dasturi to‘g‘risida”gi PQ-2639 sonli Qarori // "Xalq so‘zi", 2018 yil 25 oktyabr.
4. Tursunov Q.B., Rajabov N.R. Sanoat tarmoqlarining investitsion salohiyatini barqarorlik ko‘rsatkichlari orqali boshqarish yo‘llari // «O‘zbekiston Respublikasi Harakatlar strategiyasi: makroiqtisodiy barqarorlik, investitsion faollik va innovatsion rivojlanish istiqbollari» mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman materiallari to‘plami – T.: TDIU, 2020 yil 11-12 dekabr. 348-357 betlar.
5. Tursunov Q.B., Rajabov N.R., Investitsion muhit jozibadorligini boshqarishni takomillashtirish, «Innovatsion rivojlanish nashriyot-matbaa uyi» Toshkent – 2021//6-9 bet.
6. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Statistika agentligi rasmiy sayti. <https://stat.uz>.
7. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Statistika agentligining Toshkent viloyat boshqamasi rasmiy sayti. <https://toshvilstat.uz>.

QASHQADARYO VILOYATIDA SAFARI TURIZMINI TASHKIL QILISH VA TAKOMILLASHTIRISH ISTIQBOLLARI



<https://doi.org/10.5281/zenodo.10532776>

Ro‘ziyev Bobir Akramovich

Qarshi davlat universiteti tayanch doktoranti;

e-mail: ruzievb053@gmail.com

Temirova Layloxon Alisher qizi

Qarshi davlat universiteti talabasi;

e-mail: temirovala@gmail.com

***Annotatsiya:** Ilmiy maqolada yurtimizda olib borilayotgan turizm siyosati hamda turizm sohasini jozibadorligini oshirishga xizmat qiluvchi Safari turizmini tashkil qilish Qashqadaryo viloyati misolida yoritilgan hamda tarmoqni rivojlantirish bo‘yicha takliflar keltirib o‘tilgan.*

***Kalit so‘zlar:** Safari turizm, foto safari, jeep safari, festival, turizm magistrali, Encyclopedia of Tourism, etno turizm, ziyorat turizmi, MICE turizm, gastronomic turizm, etnografik turizm.*

***Аннотация:** В научной статье на примере Кашкадарьинской области освещена туристическая политика в нашей стране и организация сафари-туризма, служащего повышению привлекательности туристической сферы, а также даны предложения по развитию сети.*

***Ключевые слова:** Сафари-туризм, фотосафари, джип-сафари, фестиваль, туристическая магистраль, Энциклопедия туризма, этнотуризм, паломнический туризм, MICE-туризм, гастрономический туризм, этнографический туризм.*

***Abstract:** The scientific article highlights the tourism policy in our country and the organization of Safari tourism, which serves to increase the attractiveness of the tourism sector, on the example of Kashkadarya region, and offers for the development of the network are given.*

***Key words:** Safari tourism, photo safari, jeep safari, festival, tourism highway, Encyclopedia of Tourism, ethno tourism, pilgrimage tourism, MICE tourism, gastronomic tourism, ethnographic tourism.*

KIRISH.

Hozirgi kunda milliy iqtisodiyotga yuqori daromad keltiradigan istiqbolli tarmoqlardan biri - bu turizmdir. Shu tufayli Yangi O‘zbekistonning 2022–2026

yillarga mo‘ljallangan taraqqiot strategiyasida “Milliy iqtisodiotni rivojlantirish, uning o‘sish sur‘atlarini zamon talablari darajasida ta‘minlash”ga bag‘ishlangan ustuvor yo‘nalishida mahalliy sayyohlar sonini 12 million nafardan oshirish hamda respublikaga tashrif buyuradigan xorijiy turistlar sonini 9 million nafarga yetkazish vazifasi qo‘yilgan. Ushbu vazifaning bajarilishi turizm sohasini rivojlantirish, aholini yangi ish o‘rinlari bilan ta‘minlash maqsadida, xalqaro standartlar asosida yangi turistik xizmatlar assortimentini ko‘paytirish, yangi yo‘nalishlardagi turistik marshrutlarni ko‘paytirish, turistlarning bo‘sh vaqtlarini mazmunli o‘tkazish tadbirlarini tashkil qilish, zamonaviy turizm infratuzilmasini kengaytirish, ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishni jadallashtirish bo‘yicha ilmiy-tadqiqotlar olib borishni taqozo etmoqda.[1]

“O‘zbekiston Respublikasida ichki va ziyorat turizmini yanada rivojlantirish chora tadbirlari” to‘g‘risidagi 2021-yil 9-fevral sanasidagi Pf-6165 son Farmoning 9-bandiga muvofiq Qashqadaryo viloyatida turizmni rivojlantirish va infratuzilmani yaxshilash maqsadida Qashqadaryo viloyati hokimligi byudjetdan tashqari 200 mlrd so‘m mablag‘ ajratilgan.[2]

Shu bilan birga, Qashqadaryo viloyatining betakror tabiati, tog‘li va cho‘l hududlaridagi go‘zal dam olish zonalari imkoniyatlaridan foydalanib, yangi turistik yo‘nalishlar ochish mumkin. Bu sohaga jahon brendlarini faol jalb etgan holda, biz Safari turizmi va bu sohaning boshqa tarmoqlarini rivojlantirishga alohida e‘tibor qaratishimiz zarur.

Turizm ensiklopediyasida (Encyclopedia of Tourism) Safari turizm ta‘rifi va kelib chiqish tarixi quydagicha: Safari - quruqlikdagi ekspeditsiya bo‘lib, odatda sayyohlar Afrika qit‘asiga madaniyat, geografiya, manzara va yovvoyi tabiatni o‘rganish uchun olib boradilar. Bu milliy bog‘larning rivojlanishi bilan bog‘liq va uning kelib chiqishi Janubiy va Sharqiy Afrikada mustamlakachilik davridagi yirik ov ekspeditsiyalari davriga to‘g‘ri keladi (Anderson va Grove 1987). Mustamlaka davrida paydo bo‘lgan markazlashtirilgan siyosiy va ma‘muriy institutlar safari turizmini shakllantirishga turtki bo‘lgan va shunday bo‘lgan dastlabki ijtimoiy-iqtisodiy va siyosiy muhitni yaratdi.[3]

Tadqiqotning metodologiyasi. Tadqiqotda Qashqadaryo viloyatida amalga oshirilayotgan ishlar va uning iqtisodiy mazmuni tahlil qilindi. Tizimli tahlil qilishda 2022-2023 yillardagi statistik ma‘lumotlar va ustuvor vazifalardan qo‘llanildi. Statistik manba sifatida, Qashqadaryo viloyati Madaniyat va turizm bosh boshqarmasi ma‘lumotlaridan foydalanildi.

Tahlil va natijalar. So‘nggi yillarda Prezidentimiz tomonidan turizm bo‘yicha qabul qilingan farmon va qarorlar ijrosi samarasida mamlakat turistik salohiyati dunyo hamjamiyati e‘tiborini tortmoqda.

Shu bilan bir qatorda Qashqadaryo viloyati Respublikada turizmning barcha yo‘nalishlarida o‘z imkoniyatlariga ega salohiyati keng bo‘lgan viloyatlardan biri hisoblanadi.

Bu imkoniyatlarni yanada oshirish va Respublikada Qashqadaryo turizm salohiyatini o‘rnini belgilash hamda xorijiy va mahalliy sayyohlar uchun xizmat ko‘rsatish sohasini kengaytirish maqsadida, 2022-yil davomida bir qator ishlar amalga oshirildi. Jumladan:

1. Viloyatga tashrif buyurgan sayyohlar 45 ming nafarni tashkil etadi. (Eron ming nafar, Buyuk Britaniya 1,3, AQSh 1,9, Isroil 2,8, Germaniya 4,1, Hindiston 4,9, Xitoy 5,2, Fransiya 5,6, Turkiya 7,3, Rossiya Federatsiyasi 10,9)

2. Mahalliy sayyohlar esa 1433 ming nafarni tashkil etgan. (Ziyorat turizm 49 ming, MICE turizm 14 ming, Eko turizm 42 ming, Gastronomik Turizm 35 ming nafar).

3. Xorijiy va mahalliy sayyohlarning viloyatimizga tashrifi davomida eksport hajmi 11 mln AQSh dollarini tashkil etdi. (xorijiy 9 mln AQSh dollari, mahalliy 2 mln. AQSh dollarida jalb qilingan.)

4. Joriy yil mobaynida turizm va unga yondosh sohalarda 16293 ta ish o‘rni yaratildi. (Yillik rejaga nisbatan 101% ni tashkil qiladi.).

5. 1 ta mehmonxona, 23 ta xostel, 44 ta uy mehmonxonalari tashkil etish hisobidan qo‘shimcha 426 ta xona va 1206 ta mehmon o‘rinlari yaratildi hamda infratuzilmani yaxshilash maqsadida 66 ta SGS (zamonaviy sanitar gigina shahobchalari), 2 ta turizm axborot markazlari va 23 ta transport xizmati yo‘lga qo‘yildi.

2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2023-yil 11-sentabrdagi ““O‘zbekiston – 2030” strategiyasini 2023-yilda sifatli va o‘z vaqtida amalga oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PQ-300-son qarori.
3. Q.X.Abdurahmonov. Mehnat iqtisodiyoti. Darslik. – T.: “Mehnat”, 2009.
4. X.Shodiyev., I.Xabibullayev. Statistika. T.: - 2013 y.
5. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Statistika agentligi ma’lumotlari.

МАМЛАКАТИМИЗДАГИ ДЕМОГРАФИК ЖАРАЁНЛАРНИНГ СТАТИСТИК ТАҲЛИЛИ



<https://doi.org/10.5281/zenodo.10533006>

З.Юлдошев

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Статистика агентлиги бошқарма бошлиғи, PhD

Бутун дунёда содир бўлаётган демографик ўзгаришлар бутунги кундаги халқаро даражадаги энг долзарб масалалардан бири десак адашмаймиз. Бир томондан ривожланган ва баъзи ривожланаётган давлатларда кузатилаётган демографик инқироз олимлар ва ҳукуматларда хавотир уйғотаётган бўлса, бошқа томондан, иккинчи дунё мамлакатларида озиқ-овқат ресурсларига номутаносиб равишда содир бўлаётган юқори даражадаги демографик ўсиш мамлакатлар ҳукуматларини шошириб қўймоқда. Айни ушбу хавотирлар мамлакатларда демографик муаммоларни чуқур татбиқ қилиш ва демографик тадқиқотлар олиб бориш заруриятини оширмоқда.

Муҳтарам юрбошимиз Шавкат Мирзиёев 2022 йил 20 декабрь куни Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган мурожаатида, “... бу йил аҳолимиз 36 миллиондан ошди. Ҳар йили сафимизга қарийб 900 минг янги авлод қўшилмоқда. Ўзбекистон деб аталмиш катта ва иноқ оиланинг ҳар бир аъзоси тинч ва фаровон ҳаёт кечирishi учун зарур шарт-шароитлар яратishi йўлида тинимсиз изланилмиш”, деб таъкидлашлари ҳам бежиз эмас, албатта.

Шуни таъкидлаш керакки, аҳоли сони ўсишининг ижобий ва салбий томонлари унинг қандай бошқарилишига қараб катталаштирилиши мумкин. Масалан, агар мамлакат аҳолиси адекват режалаштиришсиз тез ўсиб борса, бу аҳолининг ҳаддан ташқари кўпайиши, моддий захираларнинг етишмаслиги ва атроф-муҳитнинг бузилиши каби муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Бироқ, агар мамлакат аҳолиси аста-секин ва барқарор ўсиб борса, бу иқтисодий ўсиш, технологик инновациялар ва ҳаёт сифатининг яхшиланиши каби қатор имтиёзларга олиб келиши мумкин.

Бугунги кунда мамлакатимиз аҳолиси сонининг ошиб бориши ўзига хос демографик жараёни юзага келтирмоқда. Аҳоли ўртасидаги туғилиш, вафот этиш, никоҳ ва ажрим, аҳолининг кўчиб келиши ва кўчиб кетиш

кўрсаткичларидаги ўзгаришлар демографик сиёсатни олиб боришда устувор вазифаларни белгилашни талаб этмоқда.

Демографик сиёсат аҳоли сиёсатининг асосий қисми бўлиб, жамият тараққиётининг турли босқичларида, турли давлатларда ўзига хос хусусиятларга, йўналишларга эгадир. Аҳоли сиёсати демографик сиёсатга қараганда кенг қамровли бўлиб, аҳолини ривожлантириш мақсадида олиб бориладиган ижтимоий-иқтисодий сиёсат йўналиши ҳисобланади [1].

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар Қ.Абдурахмонов ва Х.Абдурамановлар “демографик сиёсат” тушунчасига қуйидагича таъриф берган: “Демографик сиёсат деганда, ҳозирги давр ҳамда узоқ муддатли истиқбол учун аҳолининг такрор барпо бўлиши ва динамикаси соҳасида муайян бир сифат ва миқдорга эришишни назарда тутувчи бирлашган воситалар ва фикрлар бирлигининг давлат миқёсида қабул қилинган тизими тушунилади” [2].

Демография статистикаси доимий аҳоли сони, тирик туғилиш, ўлим (вафот этиш), гўдаклар ўлими, болалар ўлими, оналар ўлими, ўлим сабаблари, никоҳ, никоҳдан ажралиш (никоҳни бекор қилиш), шаҳар ва қишлоқ аҳолиси, аҳоли миграцияси (кўчиб келиши ва кўчиб кетиши) ва ички миграция кўрсаткичларининг ҳосил бўлиши натижасида шаклланади.

Статистик таҳлил натижаларига эътибор қаратадиган бўлсак, Ўзбекистон доимий аҳолиси сони 2013 йилда 29 993,5 минг кишини ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2023 йилга келиб 36 024,9 минг кишига етди. Бу шуни англатадики, Ўзбекистон доимий аҳолиси сони 10 йил ичида қарийб 6 031,4 минг киши (2013 йилга нисбатан 20,1 % га ошган)га кўпайганини ҳамда аҳоли ўртасида туғилиш жараёни кескин ошаётганлигини кўрсатади (1-жадвал) [3].

Доимий аҳоли – рўйхатдан ўтказилаётган вақтда муайян аҳоли пункти ёки ҳудудда доимий истиқомат қилаётган аҳолидан иборат бўлиб, бунга ушбу ҳудудда доимий рўйхатда турган, лекин вақтинча яшамайдиган аҳоли ҳам киритилади.

1-жадвал

Доимий аҳоли сонининг ҳудудлар кесимида тақсимланиши

Ҳудудлар	2013 й.	2015 й.	2017 й.	2019 й.	2021 й.	2023 й.
Ўзбекистон Республикаси	29993,5	31022,5	32120,5	33255,5	34558,9	36024,9
Қорақалпоғистон Республикаси	1711,8	1763,1	1817,5	1869,8	1923,7	1976,2
Андижон	2756,4	2857,3	2962,5	3066,9	3188,1	3322,7
Бухоро	1729,7	1785,4	1843,5	1894,8	1947,1	2009,7
Жиззах	1205,0	1250,1	1301,0	1352,4	1410,5	1475,5

Қашқадарё	2831,3	2958,9	3088,8	3213,1	3335,4	3482,3
Навоий	888,4	913,2	942,8	979,5	1013,6	1055,5
Наманган	2458,7	2554,2	2652,4	2752,9	2867,5	2997,5
Самарқанд	3380,9	3514,8	3651,7	3798,9	3947,7	4118,2
Сурхондарё	2260,6	2358,3	2462,3	2569,9	2680,8	2806,5
Сирдарё	750,6	777,1	803,1	829,9	860,9	896,6
Тошкент	2695,7	2758,3	2829,3	2898,5	2975,9	2993,4
Фарғона	3329,7	3444,9	3564,8	3683,3	3820,0	3976,3
Хоразм	1653,8	1715,6	1776,7	1835,7	1893,3	1958,1
Тошкент ш	2340,9	2371,3	2424,1	2509,9	2694,4	2956,4

Жадвал маълумотларидан кўринадикки, 2023 йилда республикада доимий аҳоли сонининг энг юқори улуши Самарқанд (2013 йилга нисбатан 21,8 % га), Фарғона (2013 йилга нисбатан 19,4 % га), Қашқадарё (2013 йилга нисбатан 23,0 % га) ва Андижон (2013 йилга нисбатан 20,5 % га) вилоятлари кўрсаткичига тўғри келса, энг паст улуши Сирдарё, Навоий ва Жиззах вилоятлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Доимий аҳоли сонининг ортиб бориши, албатта, аҳоли ўртасида туғилиш жараёнининг кўпайиши билан узвий боғлиқдир.

Статистик маълумотлар шуни кўрсатадики, мамлакатимизда 2022 йилда жами туғилганлар сони 932 217 нафарни ташкил этган бўлиб, шундан жами туғилган ўғил болалар сони 482 368 нафар (жамига нисбатан 51,74 %), қиз болалар сони 449 849 нафар (жамига нисбатан 48,26 %)га тенг (2-жадвал).

2-жадвал

Туғилганлар сони

нафар

	2017 й	2018 й	2019 й	2020 й	2021 й	2022 й
Туғилганлар сони	715 519	768 520	814 960	841 817	905 211	932 217
<i>шундан:</i>						
Ўғил бола	372 414	403 304	423 262	436 351	468 48	482 368
Қиз бола	343 105	365 216	391 698	405 466	436 727	449 849

Жадвал маълумотларидан кўринадикки, 2017 йилда республикада жами туғилганлар сони 715 519 нафарни ташкил этган. Бу кўрсаткич 2022 йилга келиб 30,3 фоизга ошганини кузатиш мумкин. Шундан туғилган ўғил

болалар улуши 2022 йилда 2017 йилга нисбатан 29,5 фоизга ошган бўлса, қиз болалар улуши эса 31,1 фоизга ошган.

Таҳлил натижаларига кўра, қиз болаларнинг ўсиш суръати 5 йил давомида ўғил болалар улушига нисбатан юқори бўлсада, аммо мутлақ кўрсаткич нуқтаи назаридан ўғил болаларнинг туғилиши юқорилиги кузатиш мумкин.

Ўғил болалар қизларга қараганда бир оз кўпроқ туғилади, аммо бутун дунёда аёлларнинг умр кўриш давомийлиги эркакларникидан юқори. Шу сабабли, ривожланган мамлакатларда ва аллақачон кўплаб ривожланаётган мамлакатларда аҳолининг аёллар улуши эркакларникидан бир оз юқори.

Сўнги 3 йил давомида Ўзбекистонда ўлим ҳолатлари олдинги даврларга қараганда пасаяётганини кузатиш мумкин.

Статистик маълумотларга қараганда, мамлакатимизда 2022 йилда вафот этганлар сони 172 068 нафарни ташкил этиб, 2021 йилда – 174 541 нафар, 2020 йилда – 175 625 нафарга тенг бўлган. Ҳар 1000 кишига тўғри келадиган ўлганлар сони 2022 йилда 4,8 нафарни ташкил этган.

Ўлимнинг умумий коэффиценти қиймати 10 промиллегача бўлса, ўлим даражаси паст, 10,0-14,9 бўлса - ўртача, 15,0-24,9 бўлса - юқори, 25,0-34,9 бўлса - жуда юқори, 35,0 ва ундан юқори бўлса фавқулодда юқори ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб қайд этиш мумкинки, халқаро мезонлар бўйича Ўзбекистон дунёда ўлим кўрсаткичи энг паст бўлган мамлакатлар қаторига киради.

Юқори туғилиш даврида (1950–1965 йиллар) туғилганлар сони бугунги кунда кексалар сафига ўтиши туфайли мазкур қатламдаги аҳоли сони юқори суръатда ўсмоқда. Жумладан, мазкур гуруҳдаги фуқаролар сони 1991 йилда 1 635,7 мингдан 2022 йилда 4 128,1 мингга (ёки 2,5 мартага) ошди. Жами аҳоли сонидagi улуши эса мос равишда 7,7 фоиздан 11,2 фоизга ортди.

БМТ демографлари томонидан қариш жараёнини баҳолаш мақсадида уч босқичли мезон ишлаб чиқилган. Демак, 65 ва ундан юқори ёшдаги аҳоли улуши 4,0 фоиздан кам бўлса – демографик ёш, 4,0-7,0 фоиз бўлса – кексайиш бўсағасида, 7,0 фоиздан ошса ҳудуд аҳолиси демографик кекса ҳисобланади.

2021 йилда Ўзбекистонда 65 ва ундан юқори ёшдагилар салмоғи 5,1 фоизни ташкил этди. Демак, халқаро мезонлар бўйича Ўзбекистон “демографик кексайиш бўсағасида”ги мамлакатлар қаторига киради.


Демографлар аҳоли сиёсатини “давлат органлари ва бошқа махсус институтларни аҳолининг такрор барпо бўлиш жараёнларини тартибга солиш соҳасидаги аҳоли сони, таркиби, жойлашуви ва сифати динамикасининг

тенденцияларини сақлаб қолишни ёки ўзгартиришни назарда тутувчи аниқ мақсадга йўналтирилган фаолияти сифатида таърифлашган [3].

Инсонларнинг туғилиши ва вафот этиши орқали авлодлар алмашинуви жараёнида аҳоли сони ҳамда таркибининг мунтазам янгилашиб бориши натижасида аҳолининг такрор барпо бўлиши юзага келади.

Бир аёлдан туғилиб репродуктив давр (15-49 ёш) охиригача етиб борган қизлар ўртача сонининг ифодаланиши **аҳоли такрор барпо бўлишининг нетто-коэффициентини** билдиради. Аҳоли такрор барпо бўлишининг нетто-коэффициенти немис олими Р. Кучинский томонидан таклиф етилган ва фанга киритилган.

Демографлар томонидан нетто-коэффициентини баҳолаш мақсадида уч босқичли мезон ишлаб чиқилган. Агар нетто-коэффициенти 1,0 дан кам бўлса, мамлакат демографик камайиш жараёнида, 1,0 га тенг бўлса, демографик турғунлик ва 1,0 дан ошса, демографик ўсиш жараёнида бўлади (1-расм).



1-расм. Ўзбекистон Республикаси бўйича нетто-коэффициенти динамикаси, нафар

Ўзбекистон Республикасида аҳоли такрор барпо бўлишининг нетто-коэффициенти 1,579 ни ташкил етмоқда. Бу еса, халқаро мезонлар бўйича Ўзбекистон Республикаси демографик ўсиш жараёнида эканлигини англатади.

Юқорида қайд этилган демографик кўрсаткичлардан хулоса қилиш мумкинки, Ўзбекистондаги демографик жараёнларда кескинлик, беқарорлик ва салбий ўзгаришлар кузатилаётгани йўқ. Кутилмаларга кўра, мамлакатимиз аҳолиси 2030 йилга бориб 41 миллион кишидан ошади.

Лекин яқин келажакда кузатиладиган аҳоли ўсиши, туғилишлар сонининг ошиши, умумий аҳоли таркибида ёшлар улушининг ошиши меҳнат бозорида меҳнат ресурслари сонининг ортишига олиб келади ва янги иш ўринларини кўпайтиришни талаб этади. Кутилаётган демографик кўрсаткичларга мувофиқ равишда турли параметрларга ўзгартириш киритиш, узоқ муддатли ривожланиш стратегиялари ишлаб чиқиладиганда ушбу кўрсаткичларни инобатга олиш мақсадга мувофиқдир. Жумладан, меҳнат ресурслари сонининг ошиши натижасида кузатилиши мумкин бўлган ишсизлик кўрсаткичи барқарорлигини таъминлаш, ижтимоий объектлар сонини тизимли равишда кўпайтириш, аҳоли сонининг кўпайишини инобатга олиб, шаҳарлар бош режаларини тузиш, келажакда аҳоли сонининг ошиши сабаб янада жиддийлашадиган чучук сув етишмовчилиги муаммоси оқибатларини юмшатиш чора-тадбирларини ишлаб-чиқиш, озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги саноати хавфсизлигини ошириш кечиктириб бўлмас вазифалардир. Айниқса, аҳоли сонининг ошиб бориши билан энг катта босим оладиган соғлиқни сақлаш ва таълим тизимида бўладиган ўзгаришларни тўғри баҳолаш ва демографик кўрсаткичларга мутаносиб ижтимоий сиёсат юритиш давлат ва халқ тараққиётида кузатилиши мумкин салбий оқибатларни камайтиради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати (REFERENCES)

1. Бўриева М.Р. Демография асослари. – Т.: ЎзМУ, 2001. – 41-б.
2. Abdurahmonov Q.X., Abduramanov X.X. Demografiya. O‘quv qo‘llanma. – Т.: Noshir, 2011. – 296 б.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлигининг расмий сайти маълумотлари асосида, stat.uz.
4. Демография. Современное состояние и перспективы развития: Учеб. пособие/ Под ред. Д.И. Валентея. -М.: Высшая школа, 1997. – С.259.

К ВОПРОСАМ ИЗУЧЕНИЯ ОПЫТА ФОРМИРОВАНИЯ «ПОТРЕБИТЕЛЬСКОЙ КОРЗИНЫ» НАСЕЛЕНИЯ



<https://doi.org/10.5281/zenodo.10542049>

Долгова Ирина Евдокимовна

Ташкентский государственный экономический университет,
кандидат экономических наук, доцент

Аннотация: В данной статье рассматриваются понятие норм рационального потребления продуктов питания, понятие и состав «потребительской корзины», необходимость ее разработки в республике.

Ключевые слова: Прожиточный минимум, потребительская корзина, продукты питания, нормы рационального потребления.

Аннотация: Ушбу мақолада озиқ-овқат маҳсулотларини оқилона истеъмол қилиш нормалари тушунчаси, "истеъмол савати" тушунчаси ва таркиби, уни республикада ривожлантириш зарурати муҳокама қилинади.

Калит сўзлар: яшаш маоши, истеъмол савати, озиқ-овқат, рационал истеъмол нормалари.

Abstract: This article discusses the concept of norms of rational food consumption, the concept and composition of the "consumer basket", the need for its development in the republic.

Key words: Living wage, consumer basket, food, rational consumption standards.

ВВЕДЕНИЕ

Такие понятия как «прожиточный минимум» и «потребительская корзина» населения в нашей республике впервые были озвучено в 2018 году в Государственной программе на 2018 год, утвержденной Указом Президента РУ от 22.01.2018 г. № УП-5308, для определения необходимого уровня доходов населения страны.

В своем послании Олий Мажлису Республики Узбекистан от 24 января 2020 года Президент Ш.М. Мирзиёев впервые поднял вопросы о наличии и сокращении бедности в нашей стране. В Послании было отмечено, что около 12–15%, или 4–5 миллионов жителей страны, не имеют достаточных источников дохода, т.е. живут за чертой бедности. Поэтому в республике, активно проводится работа по сокращению бедности. В этом же Послании Ш.М. Мирзиёев сказал: «Мы ускоренно продолжим масштабные социальные реформы по коренному улучшению жизни народа, которые последние три года

осуществляются на основе принципа «Интересы человека – превыше всего». Повышение благосостояния людей и усиление их социальной защиты останутся в числе наших самых главных задач»¹⁰⁸.

Начиная с 2021 года в правовом поле нашего государства, появились такие понятия как «прожиточный минимум» и «потребительская корзина» населения, которые являются важными составляющими уровня жизни населения.

Эти понятия на данный момент времени являются новыми для нашего государства. Поэтому на наш взгляд, будет интересно и полезно рассмотреть опыт Советского Союза и Российской Федерации в вопросе разработки потребительской корзины населения.

Основная часть.

Потребительская корзина – это минимальный набор продуктов, товаров и услуг, необходимый для жизни человека и сохранения его здоровья в течение определенного периода времени. Людям нужно питаться, одеваться, оплачивать коммунальные и прочие услуги, пользоваться услугами транспорта, покупать необходимые медикаменты и т.д. Все эти потребности человека являются основой для составления потребительской корзины. Она используется для расчета величины прожиточного минимума, влияет на все социальные показатели, уровень жизни населения.

Метод потребительской корзины признан наиболее точным для определения абсолютного уровня прожиточного минимума. В данную корзину включаются товары и услуги, необходимые для поддержания уровня жизни семьи среднего достатка. Прожиточный минимум и бюджет прожиточного минимума используются следующим образом:

- в качестве базы для адресной социальной защиты;
- для целевого направления регулирования доходов и расходов малообеспеченных слоев населения;
- для оказания целевой медицинской помощи малообеспеченным слоям населения, оценки материальных и финансовых ресурсов, необходимых для реализации настоящих и предстоящих социальных программ;
- для установления размеров минимальной заработной платы и пенсий по возрасту;
- в качестве критерия для определения уровня мало обеспеченности семей, дающего право на получение различных социальных выплат.

¹⁰⁸ Ш.М. Мирзиёев «Послание Президента Республики Узбекистан Олий Мажлису», 24.01.2020, <http://www.press-service.uz>

Потребительская корзина классически состоит из трех частей: продукты питания, непродовольственные товары и услуги. Во многих развитых странах она корректируется не менее одного раза в пять лет на основе методических рекомендаций. При этом наибольшее значение придается продовольственной части корзины.

Разработка основ полноценного питания, структуры и объемов оптимального потребления является актуальной темой современных исследований. Исследования в области рационального питания проводились в Советском Союзе, начиная с 20-х годов прошлого столетия.

В 1920 году по постановлению Совета Народных Комиссаров РСФСР в составе Государственного института народного здравоохранения был создан Институт физиологии питания, который развернул большие работы в области питания. Детальному изучению были подвергнуты потребности людей в белках, жирах, витаминах, минеральных веществах, а также пищевая ценность различных пищевых продуктов, усвояемость их и влияние на функционирование различных органов здорового и больного человека. Исследования, проведенные в 1920–1940-е годы, явились базой для дальнейших разработок в этой области, в том числе и исчисления рациональных норм потребления продуктов питания.

Исследования по изучению рациональных норм годового потребления продовольственных и промышленных товаров начались в середине 1950-х годов прошлого столетия. Они проводились под руководством Института питания АМН СССР и Госплана СССР. И уже в конце 1950-х – начале 1960-х годов в ряде экономических исследований встречаются данные о нормах потребления товаров, рассчитанные в килограммах и ориентированные на годовое потребление продуктов человеком.

Вопросами разработки норм рационального потребления занимались О.Е. Губарева, П.С. Мстиславский, Р.А. Чаянов, Ю.Л. Шнирлин и многие другие. По мнению авторов, нормы – это идеальный физиологически обоснованный уровень потребления, напрямую не связанный с реальным производством, но обозначающий перспективу его развития. Важность и объективность нормирования питания аргументировалась авторами наличием пределов потребностей. В частности, по мнению О.Е. Губаревой, «человек не может больше потребить хлеба, мяса, молока, сахара, фруктов, чем это нужно для нормальной жизнедеятельности здорового человека»¹⁰⁹.

¹⁰⁹ Губарева О.Е. Преимущественное развитие тяжелой индустрии и создание избытка предметов потребления. М.: Изд-во ВПШ и АОН при ЦК КПСС. 1960. 196 с.

Нормы потребления продуктов питания в СССР периодически менялись. Так, в 1961 году нормы потребления мяса и мясопродуктов на одного человека в год составляли 85 кг, молока и молочных продуктов 322 л., рыбы и рыбных продуктов 14,2 кг, сахара 33 кг, картофеля 103 кг, овощей и бахчевых 153 кг в год на одного человека.¹¹⁰

В 1989 году нормы потребления продуктов питания имели следующий вид: мясо и мясные продукты 73 кг в год на одного человека, молоко и молочные продукты 389 л., рыба и рыбные продукты 23 кг, сахар – 38 кг, картофель 126 кг, овощи и бахчевые 161 кг в год на одного человека.¹¹¹

На настоящий момент в Российской Федерации имеют место следующие нормы потребления продуктов питания в год на одного взрослого человека: хлебобулочные изделия 126,5 кг, мясо и мясные продукты 58,6 кг, молоко и молочные продукты 290 кг., рыба и рыбные продукты 18,5 кг, сахар – 23,8 кг, картофель - 100,4 кг, овощи и бахчевые - 114,6 кг.¹¹²

Таким образом, за период с 1961 года по настоящее время имеет место значительное снижение норм потребления мяса и мясопродуктов, молочных продуктов, и увеличение норм потребления хлебобулочных и картофеля.

Потребительская корзина должна разрабатываться отдельно для 3-х основных социально-демографических групп населения:

- трудоспособного населения;
- пенсионеров;
- детей, так как нормы потребления продуктов питания у них разные.

Понятно, что работающий мужчина трудоспособного возраста для восстановления своих жизненных функций должен потреблять больше мясных и хлебобулочных изделий, чем не работающий пенсионер. Ребенку для его роста и полноценного развития необходимо большое количество витаминов и минералов. Следовательно, его рацион должен включать в себя больше молочных продуктов, фруктов и овощей.

Состав «потребительской корзины» определяется на государственном уровне и зависит от многих факторов, таких как: биологические потребности человеческого организма, природно-климатические условия, экономическое развитие страны, особенности производства продовольственных и непродовольственных товаров, фактическое потребление товаров и услуг, менталитет населения, его традиций и культуры.

¹¹⁰ Шнирлин Ю.Л. Научно обоснованные нормы потребления. М.: Высшая школа, 1961. 148 с.

¹¹¹ Антонова Н.А., Голованова В.Г. Тенденции изменения потребления сельского населения // Социальное развитие села. Выпуск 128. М., 1989. С. 25–34.

¹¹² Закон РФ №227 «О потребительской корзине в целом по Российской Федерации» от 2012 года, электронный вариант <https://legalacts.ru/doc/federalnyi-zakon-ot-03122012-n-227-fz-o/>

ЗАКЛЮЧЕНИЕ.

При разработке «потребительской корзины» Узбекистана, прежде всего, нужно разработать оптимальные нормы потребления продуктов питания, входящих в состав потребительской корзины для основных социально-демографических групп населения республики, необходимых для сохранения здоровья и обеспечения их жизнедеятельности.

Кроме того, при разработке внутренней потребительской корзины надо учитывать:

- демографические факторы: размер и структуру семей, состав и половозрастную структуру населения и др.;
- социально-экономические факторы: фактическое потребление продуктов питания, непродовольственных товаров и услуг в семьях;
- нужды всех групп населения, их уровень доходов и др.;
- научные рекомендации по минимальным объемам потребления и перечню товаров и услуг, необходимых для сохранения здоровья человека и обеспечения его жизнедеятельности;
- финансовые возможности государства по обеспечению социальной защиты населения,
- реальные рыночные цены на товары и услуги;
- опыт Советского Союза и других стран в данном вопросе.

СПИСОК ЛИТЕРАТУРЫ (REFERENCES):

1. Указ Президента от 22.01.2018 г. № УП-5308, <http://www.press-service.uz>.
2. Мирзиёев Ш.М. «Послание Президента Республики Узбекистан Олий Мажлису», 24.01.2020, <http://www.press-service.uz>.
3. Станишевская С.П., Губанов Д.А. К вопросу о российской потребительской корзине // Вестник ПГУ. Серия: Экономика. – 2012. – №2.
4. Антонова Н.А., Голованова В.Г. Тенденции изменения потребления сельского населения // Социальное развитие села. Выпуск 128. М., 1989. С. 25–34.
5. Губарева О.Е. Преимущественное развитие тяжелой индустрии и создание избытка предметов потребления. М.: Изд-во ВПШ и АОН при ЦК КПСС. 1960. с.196
6. Шнирлин Ю.Л. Научно обоснованные нормы потребления. М.: Высшая школа, 1961. 148 с.
7. Закон РФ №227 «О потребительской корзине в целом по Российской Федерации» от 2012 года, электронный вариант <https://legalacts.ru/doc/federalnyi-zakon-ot-03122012-n-227-fz-o/>

BANKLARNING XALQARO MOLIYAVIY INSTITUTLARI BILAN O‘ZARO HAMKORLIGINI STATISTIK O‘RGANISH



<https://doi.org/10.5281/zenodo.10542077>

Qurbonboyev Abdulla Mansur o‘g‘li
Toshkent Davlat Iqtisodiyot Universiteti,
Statistika kafedrasida assistenti,
email: aqm97@mail.ru
Tel: +998900960024

***Annotatsiya:** O‘zbekiston milliy iqtisodiyotini rivojlantirishda xalqaro moliya institutlari - statistik o‘rganish obyekti sifatida olingan. O‘zbekistonda faoliyat yurituvchi banklarining xalqaro moliya tashkilotlari bilan hamkorligi statistik taxlil qilingan. Mamlakatimiz banklarining xalqaro moliya institutlari bilan hamkorligini takomillashtirish yo‘llari o‘rganilgan.*

***Kalit so‘zlari:** iqtisodiyot, moliya, bank, moliya tashkilotlari, tijorat bank, modernizatsiya.*

STATISTICAL STUDY OF INTERACTION OF BANKS WITH INTERNATIONAL FINANCIAL INSTITUTIONS

***Annotation:** In the development of the national economy of Uzbekistan, international financial institutions are obtained as an object of statistical study. Statistical analysis of cooperation of banks operating in Uzbekistan with international financial organizations was carried out. Ways of improving cooperation of banks of our country with international financial institutions have been studied.*

***Key words:** economics, finance, banking, financial organizations, commercial banking, modernization.*

СТАТИСТИЧЕСКОЕ ИЗУЧЕНИЕ ВЗАИМОДЕЙСТВИЯ БАНКОВ С МЕЖДУНАРОДНЫМИ ФИНАНСОВЫМИ ИНСТИТУТАМИ

***Аннотация:** В развитии национальной экономики Узбекистана международные финансовые институты становятся объектом статистического изучения. Проведен статистический анализ сотрудничества банков, действующих в Узбекистане, с международными финансовыми организациями. Изучены пути улучшения сотрудничества банков нашей страны с международными финансовыми институтами.*

***Ключевые слова:** экономика, финансы, банковское дело, финансовые организации, коммерческие банки, модернизация.*

KIRISH

Mamlakatimizga jalb etilayotgan xorijiy investitsiyalar bilan bir qatorda xalqaro moliyaviy munosabatlar ko‘lami yanada kengayib bordi, bu holat o‘z navbatida xalqaro moliya institutlari va tijorat banklari o‘rtasida o‘zaro xamkorlik aloqalari rivojlanishiga qulay shart-sharoitlar yaratdi. Ayni paytda iqtisodiyotni modernizatsiyalash, texnik va texnologik qayta qurollantirish yirik ishlab chiqarish quvvatlarini barpo etishni, iqtisodiy infratuzilmani yaxshilashni, milliy iqtisodiyotga kiritilayotgan investitsiyalar hajmini kengaytirishni talab etadi. Mamlakatimiz tijorat banklari hamda xalqaro moliya institutlari o‘rtasida bir qator samarali loyihalar amalga oshirilmoqda, bu esa respublikamiz iqtisodiyotini taraqqiy etishida mustahkam rol o‘ynamoqda.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyev 2020 yil 29 dekabrda Oliy Majlisga taqdim etgan Murojaatnomasida ta’kidlaganidek: “...Tan olish kerak, mutaxassislarning bilim va malakasi, yirik korxonalarining texnik imkoniyatlari, ularni mustaqil transformatsiya qilish uchun yetarli emas. Shuning uchun elektr energetikasi, neft-gaz va kimyo sanoati, mashinasozlikdagi yirik korxonalar hamda tijorat banklarini isloh qilishga Jahon banki, Yevropa tiklanish va taraqqiyot banki, Osiyo taraqqiyot banki hamda “MakKinzi”, “Boston konsalting Grupp”, “Rotshild” kabi xalqaro tan olingan kompaniyalar jalb etildi.

Dunyodagi mashhur va nufuzli kompaniyalar, Osiyo taraqqiyot banki, Jahon banki, Islom taraqqiyot banki, Janubiy Koreya, Yaponiya taraqqiyot banklari singari moliya institutlari, qator arab davlatlarining investitsiya fondlari va boshqa xorijiy tashkilotlar yuqori qo‘shimcha qiymatga ega bo‘lgan, yuksak texnologiyalarga asoslangan mahsulotlar ishlab chiqarish bo‘yicha investitsiya loyihalarini amalga oshirishda bizning yirik hamkorlarimiz bo‘lmoqda.

Shuningdek, etakchi xalqaro moliya institutlari tomonidan muntazam chop etiladigan, birinchi navbatda, Jahon bankining “Biznes yuritish” deb nomlangan ma’ruzasida e’lon qilinayotgan bizning biznes yuritish bo‘yicha ko‘rsatkichlarimizni tizimli asosda chuqur o‘rganish, mavjud kamchilik va nuqsonlarni bartaraf etishga doir aniq chora va takliflar ishlab chiqish muhim vazifaga aylanishi kerak.

Shunday ekan, mamlakatimiz banklari bilan hamkorlikda xalqaro moliya institutlari mablag‘lari hisobidan loyihalarni moliyalashtirishni takomillashtirish masalalari iqtisodiy siyosatimizning dolzarb va ustuvor vazifalaridan biri sifatida o‘z o‘rniga ega bo‘lib qolaveradi.

Adabiyotlar sharhi

Xorijlik iqtisodchi olimlardan J.Madura, F.Mishkin, L.N.Krasavina, O.I.Lavrushin, L.N.Fedyakina, V.A.Slepov, E.A.Zvonova, A.G.Movsesyan, S.B.Ognivtsev, A.S.Neshitoy, A.Moiseev, A.A.Suetin va boshqa mutaxassislarning

maqola hamda ilmiy izlanishlarida xalqaro moliya institutlari mablag‘larini milliy iqtisodiyotga jalb qilish, masalalariga bilvosita e‘tibor qaratilgan.

O‘zbekistonlik olimlardan A.Vahobov, N.Karimov, R.Tojiyev, N.Xaydarov, N.Qo‘zieva, R.X. Karlibyeva, H.Imomov, J.Ataniyazovning ilmiy asarlarida xalqaro moliya tashkilotlari bilan O‘zbekistonning o‘zaro aloqalarini o‘rnatilishi, xorijiy investitsiyalarni milliy iqtisodiyotga keng jalb etish masalalari tadqiq qilingan.

Ammo, ularning tadqiqotlarida xalqaro moliya institutlari bilan banklarning o‘zaro hamkorlik munosabatlari alohida mustaqil tadqiqot ob‘ekti sifatida o‘rganilmagan.

Tadqiqot metodologiyasi

O‘zbekiston banklarining xalqaro moliyaviy institutlari bilan o‘zaro hamkorligini tizimli tahlil, induksiya va deduksiya, mantiqiy va iqtisodiy-statistik tahlil, taqqoslash, statistik ma‘lumotlarni guruhlash usullari qo‘llanilgan

Tahlil va natijalar

Mamlakatlar iqtisodiyotini rivojlantirishda xalqaro moliya tashkilotlari ham muhim rol o‘ynaydi. Mintaqaviy rivojlanish banklari o‘z hududlariga boshqa xalqaro tashkilotlarga nisbatan imtiyozli kreditlar ajratish orqali uni rivojlantirishni nazarda tutadi. Bunday rivojlanish tashkilotlariga Evropa taraqqiyot va tiklanish banki, Osiyo taraqqiyot banki, Amerikaaro rivojlanish banki, Afrika rivojlanish banki, Islom taraqqiyot banklarini kiritishimiz mumkin. Mintaqaviy rivojlanish banklarini tuzishga XIX asr oxiridan boshlab harakat qilingan.

Osiyo taraqqiyot banki (OTB) - 1966 yilda tashkil topgan va unga bugungi kunda 67 ta davlat a‘zo bo‘lib, shundan 48 tasi Osiyo, Osiyo-Tinch okeani mintaqasi mamlakatlari, shuningdek, 19 tasi Evropa va Amerikaning sanoati rivojlangan davlat hisoblanadi. OTBning maqsadi Osiyo qo‘mitasidagi rivojlanayotgan mamlakatlarga iqtisodiy rivojlanishda ko‘maklashishi, hududiy hamkorlikni rag‘batlantirish, a‘zo-mamlakatlarga texnik yordam ko‘rsatish va ularning iqtisodiy siyosatini muvofiqlashtirishdan iborat.

1993-yil 23-mayda O‘zbekiston Respublikasi tomonidan OTBga a‘zo bo‘lib kirish uchun rasmiy ariza beriladi, unga ko‘ra 1993-yil 6-avgustda OTB boshqaruv kengashi O‘zRni bankka a‘zolikka qabul qilish haqida 266-sonli rezolyutsiya qabul qildi.

1995-yil 29-iyunda O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “O‘zbekistonning Osiyo Taraqqiyot Banki”ga a‘zo bo‘lib kirishi to‘g‘risida”gi PF-1199-sonli Farmoni chiqdi.

Respublikamiz jahonda yirik moliyaviy tashkilotlaridan biri bo‘lgan OTBga 1995-yilda mintaqada o‘n beshinchi, a‘zo mamlakatlar ichida yigirma ikkinchi yirik aktsiyador sifatida a‘zo bo‘lib kirdi.

OTB aksiyador kapitaliga a‘zolik badallarini to‘lash jadvaliga muvofiq O‘zbekiston Respublikasi uchun hozirda 71,502 aktsiya ajratilgan. O‘zbekiston OTBning 71,502 ta aktsiyasiga (0,67%) va 110,932 ta ovozga (0,84%) ega. 1997-yildan buyon Toshkentda OTB vakolatxonasi faoliyat yuritmoqda.¹¹³ O‘zbekiston Respublikasi OTBning mintaqaviy a‘zolari orasida 15-yirik aksioner va 14-yirik kreditor hisoblanadi.¹¹⁴

O‘zbekistonda OTB bilan hamkorlikda amalga oshirilayotgan dastur va loyihalar 4 ta muhim sohalarga yo‘naltirilgan. Bular:

- qishloq xo‘jaligi;
- xususiy tadbirkorlikni rivojlantirish;
- transport va bojxona tranziti sohalarida mintaqaviy hamkorlik;
- bolalikni himoya qilish va boshlang‘ich ta‘limni egallashga qaratilgan ijtimoiy xizmatlarni takomillashtirish.

Tahlillar ko‘rsatishicha, 1996-yildan 2006-yilgacha kreditlar OTBning oddiy kapital resurslar hisobidan berilgan. Bu esa, kreditlarni imtiyozli shartlar asosida jalb etish imkoni bo‘maganligini ko‘rsatadi. 2006-yildan boshlab OTB O‘zbekistonga imtiyozli kreditlar bo‘yicha kredit berishni boshladi. Aksariyat kreditlar infratuzilmani rivojlantirishga yo‘naltirilganini ko‘rishimiz mumkin. Shuningdek, moliya, transport va kommunikatsiya sohalariga ham katta e‘tibor qaratilayotganini ko‘rishimiz mumkin.

Shunisi muhimki, 2008-yilda OTB Kengashi 2008-2020-yillarga mo‘ljallangan hamkorlikni rivojlantirishning uzoq muddatli Strategiyasi –“Strategiya-2020” Dasturini ma‘qulladi. OTBning O‘zbekistondagi faoliyati mazkur Strategiya va Dasturga asoslanadi OTBning bu Strategiyasi ustuvor sohalar sifatida qishloq xo‘jaligi, xususiy sektor, transport kommunikatsiyalari va bojxona tizimi, umumiy ta‘lim, maktabgacha tarbiya tarmoqlarida amalga oshirilayotgan loyihalarni moliyalashtirishni ko‘zda tutadi

OTB va O‘zbekiston o‘rtasida 2017-2021-yillarda infratuzilma, transport va kommunikatsiya qurilishini rivojlantirishni jadallashtirish dasturi doirasida Maroqand - Qarshi uchastkasida temir yo‘llarni elektrlashtirish uchun 100 mln. dollarlik; qishloq joylarda tasdiqlangan namunaviy loyihalar asosida uy-joy, muhandislik-kommunikatsiya va ijtimoiy infratuzilma obyektlarini qurish dastur doirasida qishloq joylarda uy-joy qurilishini rivojlantirish bo‘yicha qiymati 200 mln. dollarlik; Andijon shahrida suv ta‘minoti va sanitariya xizmatlarini yaxshilash, jumladan, kanalizatsiya tarmoqlarini rekonstruksiya qilish, Jizzax viloyatining Zafarobod va Arnasoy tumanlarida, shuningdek, Qoraqalpog‘iston Respublikasi

¹¹³<http://www.adb.org/publications/uzbekistan-fact-sheet>

¹¹⁴<http://www.adb.org/sites/default/files/publication/28939/uzbekistan-fact-sheet-ru.pdf>

hamda Xorazm viloyatining qishloq aholi punktlarida suv ta’minotini yaxshilash uchun 58 mln. dollarlik; elektr energiyasidan foydalanish samaradorligini oshirish, jumladan, elektr energiyasini nazorat qilish va hisobga olishning avtomatlashtirilgan tizimini joriy etish uchun 150 mln. dollarlik zayom bitimlari imzolandi. Bundan tashqari OTB va O‘zbekiston Respublikasi hukumati o‘rtasida Quyosh energiyasi bo‘yicha qo‘shma xalqaro ilmiy tadqiqot institutini tashkil etish to‘g‘risida Memorandum imzolandi. Ushbu hujjatda OTB tomonidan quyosh energetikasini rivojlantirish loyihalarini amalga oshirish uchun 200 mln. dollar ajratish ko‘zda tutilgan.

OTB 1995-yildan O‘zbekistonga 54 ta loyiha uchun umumiy summasi 4,1 mlrd. AQSh dollari bo‘lgan loyihalar tasdiqlanib, shundan 225 mln. AQSh dollari xususiy sektorga, 61,7 mln. AQSh dollari texnik yordam grantlari hisoblanadi. Hozirgacha OTBdan mamlakatimizga kreditlar 2,1 mlrd. dollardan ortiq kreditlar ajratgan. Faqatgina 2021-yilning o‘zida bank O‘zbekistonga 302 mln. dollar miqdoridagi kredit ajratdi. OTB tomonidan berilayotgan moliyaviy yordamlarning sezilarli qismi energetika va transport sohalarini isloh etishni moliyalashtirishga yo‘naltirilmoqda (1-jadval).

1-jadval

1997-2021 yillarda OTBning O‘zbekiston loyihalari uchun ajratayotgan kreditlarining tarmoq tarkibi¹¹⁵

Tarmoqlar tarkibi	Loyihalar soni	Kreditlar hajmi, mln. doll.	Jamiga nisbatan foizda
Qishloq xo‘jaligi va tabiiy resurslar, qishloq turmushining rivojlanishi	28	581,74	13,13
Ta’lim	21	296,95	6,70
Energetika	20	1091,18	24,62
Moliya	21	529,72	11,95
Sog‘liqni saqlash	4	41,60	0,94
Sanoat va savdo	3	175,68	3,96
Davlat sektorini boshqarish	15	29,73	0,67
Transport	26	1178,35	26,59
Suv xo‘jaligi, boshqa shahar infratuzulmasi va xizmatlar	19	506,72	11,43
Jami	157	4431,65	100,00

O‘zbekiston Islom Taraqqiyot bankiga 2003-yil 3-sentyabrda a’zo bo‘lib kirgan. Ushbu bank tomonidan mamlakatimizda qator loyihalarni moliyalashtirish amalga oshirildi, jumladan, mintaqaviy tez tibbiy yordam markazlarini zarur jihozlar bilan

¹¹⁵<http://www.adb.org/publications/uzbekistan-fact-sheet?ref=countries/uzbekistan/publications>

ta'minlash, elektr energiyasi uzatish tarmoqlarini qurish, kichik va xususiy biznes uchun moliyalashtirish liniyalari, kollejlilar va umumta'lim maktablarini qurish va jihozlash, davlat moliyasini boshqarish islohotlarini o'tkazishga ko'maklashish va boshqalar.

Ushbu bank tomonidan 2007-2021-yillar mobaynida umumiy qiymati 1,2 mlrd. dollarga teng 32 ta loyihani moliyalashtirgan, 1,1 mln. AQSh dollariga teng 5 ta texnik yordam ko'rsatgan, 158,1 mln AQSh dollariga teng 8 ta savdoni moliyalashtirish loyihasiga qatnashgan, 1,9 mln. AQSh dollari miqdorida 7 maxsus yordam operatsiyalarini amalga oshirgan. Umuman olganda, bank tomonidan umumiy qiymati 1,4 mlrd. AQSh dollarilik 52 ta moliyaviy xizmatlar ko'rsatilgan (2-jadvalga qarang).

2-jadval

2007-2021 yillarda ITBning O‘zbekiston bilan hamkorlik natijalari¹¹⁶

Hamkorlik yo'nalishlari	Hamkorlik loyihalari soni	Islom dinori, mln.	AQSh dollari
Loyihalarni moliyalashtirish	32	812,1	1237,5
Texnik yordam	5	0,8	1,1
Savdoni moliyalashtirish	8	102,1	158,1
Maxsus yordam operatsiyalari	7	1,4	1,9
Jami	52	916,4	1398,5

Shuningdek, 2007-2021-yillar mobaynida O‘zbekistonga bank tomonidan jami ko'rsatilgan xizmatlar bankning bank faoliyati davomidagi jami ko'rsatilgan xizmatlarning 1,43 foizini tashkil etmoqda.

Tahlillar natijasida, mamlaktimizga ITB tomonidan ajratilayotgan mablag'larning asosiy manbasi ushbu bankning oddiy kapital resurslari hisoblanishi aniqlandi. Xususan, 2020-yil yakuni bo'yicha 506,3 mln. AQSh doll. miqdorida bank tomonidan loyihalarni moliyalashtirish uchun mablag' ajratish ma'kullangan bo'lsa, shundan bankning Oddiy kapital resurslari (Ordinary Capital Resources of IDB (OCR)) hisobidan 434,3 mln. AQSh doll., Xususiy sektorni rivojlantirish islom korporatsiyasi (Islamic Corporation for the Development of the Private Sector (ICD)) hisobidan 72,0 mln. AQSh doll. miqdoridagi mablag'lari berish belgilangan.

2021-yilda mamlakatimiz bilan ITB o'rtasida quyidagi loyixalar va texnik yordamlarni amalga oshirish bo'yicha kelishuvlar imzolagan (3-jadval).

¹¹⁶ Cumulative IDB Group Operations by Major Modes of Financing (1406H - 1441H) (1 January 1976 - 3 November 2021). Islamic Development Bank, Annual Report: 1441H (2021); Sha'ban 1441H (June 2021). Jeddah. Kingdom of Saudi Arabia. xvii/85 p.

3-jadval


2021-yilda O‘zbekiston va ITB o‘rtasida tasdiqlangan loyihalar va texnik yordam operatsiyalari¹¹⁷

№	Loyiha nomi	Moliyalashtirish shakli	Jami qiymati	ITB tomonidan moliyalashtirish hajmi	
				mln. islom dinori	mln. AQSh dollari
1.	Onkologiya xizmatlarini rivojlantirish	Bo‘lib bo‘lib to‘lash sharti bilan sotish (Instalment Sale)	71,55	25,51	37,04
2.	Xorazmdagi “Tashaka” irrigatsiya tizimidagi asosiy suv xo‘jaligi kanallarini rekonstruksiyalash	“Istisna’a” Jidda deklaratsiyasi	119,57	56,48	90,37
3.	O‘zbekistondagi gidroenergetika stantsiyalarini modernizatsiyalash	Lizing	184,00	67,00	100,00
4.	O‘zbekiston “UZINFOINVEST” korxonasi texnik yordam granti	texnik yordam granti	0,42	0,20	0,30

O‘zbekiston Respublikasining ITB bilan hamkorligi mamlakatimizdagi iqtisodiy islohotlarni chuqurlashtirishning ustuvor yo‘nalishlari sifatida tanlab olingan makroiqtisodiy barqarorlik, ishlab chiqarishning izchil va mutanosib o‘shirish sur‘atlarini ta‘minlash, jalb etilayotgan investitsiyalarni ko‘paytirish hisobidan tarkibiy o‘zgarishlarni qat‘iy davom ettirish, ishlab chiqarishni yangilash va modernizatsiya qilish, iqtisodiyot, soliq-budjet siyosatini yanada erkinlashtirish, bank-moliya tizimining barqarorligini ta‘minlash, bozor infratuzilmasini jadal rivojlantirish, aholini ish bilan ta‘minlashni yanada yaxshilash va uning farovonligini oshirishning eng muhim yo‘nalishi sifatida kichik biznes va xususiy tadbirkorlik, xizmat ko‘rsatish sohasini qo‘llab-quvvatlash va rivojlantirishni yanada rag‘batlantirish borasida qabul qilingan dasturlarni muvaffaqiyatli amalga oshirishda sezilarli yordam berib kelmoqda.


Melodiy 2021 (hijriy 1438) yilda ITB tomonidan amalga oshirilgan operatsiyalar hajmi 6,9 mlrd. islom dinori (10,5 mlrd. AQSh dollari)ga teng bo‘lgan. Uning hajmi oxirgi 5 yil davomida ortib bormoqda (1-diagramma).

¹¹⁷ Cumulative IDB Group Operations by Major Modes of Financing (1406H - 1441H) (1 January 1976 - 3 November 2021). Islamic Development Bank, Annual Report: 1441H (2021); Sha‘ban 1441H (June 2021). Jeddah. Kingdom of Saudi Arabia. xvii/85 p.



1-diagramma. ITB guruhining yillik (sof) operatsiyalari (amalga oshirilishi tasdiqlangan loyihalari) hajmi, mln. islom dinori¹¹⁸

ITBning mazkur mablag‘lari asosan uning 3 ta manbasidan ajratilmoqda. Ya’ni, oddiy kapital resurslari (Ordinary Capital Resources of IDB (OCR)) hisobidan 4,1 mlrd. AQSh dollari, Xususiy sektorni rivojlantirish islom korporatsiyasi (Islamic Corporation for the Development of the Private Sector (ICD)) bo‘yicha 0,4 mlrd. AQSh dollari, Savdoni moliyalashtirish xalqaro islom korporatsiyasi (International Islamic Trade Finance Corporation (ITFC)) orqali 5,0 mlrd. AQSh dollari miqdorida mablag‘lar ajratilgan. Oxirgi 5 yil davomida ularning jamiga nisbatan salmog‘ini o‘zgarishini 2-diagrammada ko‘rish mumkin.



2-diagramma. ITB guruhining yillik (sof) tasdiqlangan operatsiyalarini amalga oshirish manbalari, jamiga nisbatan foizda¹¹⁹


ITB tomonidan tasdiqlangan loyihalarga ajratilgan mablag‘lar va ularning qaytishi (shu jumladan muddatidan oldin qaytishi) dinamikasini o‘rganadigan bo‘lsak,

¹¹⁸IDB Group Net Approvals (1434H-1438H) (ID million). Islamic Development Bank, Annual Report: 1438H (2021); Sha’ban 1438H (June 2021). Jeddah. Kingdom of Saudi Arabia. 3/85 p.

¹¹⁹ Izoh: IDB-OCR – ITBning oddiy kapital resurslari (Ordinary Capital Resources of IDB); ICD – Xususiy sektorni rivojlantirish islom korporatsiyasi (Islamic Corporation for the Development of the Private Sector); ITFC – Savdoni moliyalashtirish xalqaro islom korporatsiyasi (International Islamic Trade Finance Corporation)

Manba: Sectoral Distribution of OCR Net Approvals 1435H. Islamic Development Bank, Annual Report: 1438H (2021); Sha’ban 1438H (June 2021). Jeddah. Kingdom of Saudi Arabia. 4/85 p.

ularning ham yillar davomida barqaror ravishda ortib borayotganligini ko‘rish mumkin (3-diagramma).



3-diagramma. ITB guruhining yillik tasdiqlangan loyihalarga ajratgan mablag‘lari va ularning qaytishi hajmi, mlrd. islom dinori¹²⁰

1978-2021-yillar davomida ITB tomonidan 97,8 mlrd. AQSh dollar qiymatidagi 7910 ga yaqin loyihalarni moliyalashtirilgan. Shundan oddiy kapital resurslari (OCR) hisobidan 37,6 mlrd. AQSh doll., xususiy sektorni rivojlantirish islom korporatsiyasi (ICD) bo‘yicha 2,4 mlrd. AQSh doll., savdoni moliyalashtirish xalqaro islom korporatsiyasi (ITFC) orqali 19,1 mlrd. AQSh doll., ITBning alohida investitsiya fondi (Unit Investment Fund of IDB (UIF)) orqali 2,2 mlrd. AQSh doll., “Avqaf” mulki investitsiya fondi orqali (Awqaf Properties Investment Fund (APIF)) 0,3 mlrd. AQSh doll., maxsus yordam operatsiyalariga 0,7 mlrd. AQSh doll., g‘azna majburiyatlari bilan bog‘liq operatsiyalarga 5,7 mlrd. AQSh doll., xalqaro savdoni moliyalashtirishga aloqador (ITFC doirasida bo‘lmagan) ayrim boshqa operatsiyalarga (Pre-ITFC trade (ITFO (Import Trade Financing Operations of IDB), EFS & IBP (Islamic Banks Portfolio) 21,8 mlrd. AQSh doll. mablag‘ yo‘naltirilgan.

XULOSA

Mamlakatimiz iqtisodiy taraqqiyoti ustuvor yo‘nalishlarining biri sifatida xalqaro moliyaviy tashkilotlar bilan hamkorligimizni yanada kuchaytirish vazifasi qayd etilgan.

Mustaqilligimiz yillarida xalqaro moliyaviy tashkilotlar – Xalqaro valyuta fondi (XVF), Jahon Banki (JB), Evropa Taraqqiyot va tiklanish banki (ETTB), Osiyo Rivojlanish banki (ORB) va boshqalar bilan, bevosita, to‘g‘ridan-to‘g‘ri aloqalar o‘rnatildi. Fikrimizcha, mamlakatimizning ijtimoiy-siyosiy hayotida bozor munosabatlarini shakllantirish va ularni tizimli rivojlantirishda bunday xalqaro moliyaviy tashkilotlarning o‘rni anchagina salmoqli.

Respublikamizda amalga oshirilayotgan iqtisodiy islohotlarni har tomonlama, shu jumladan, moliyaviy qo‘llab-quvvatlanilayotganligi, byudjet taqchilligini

¹²⁰ Izoh: Disbursements – qaytishi mo‘ljallangan loyihalarga ajratilgan mablag‘lar; Repayments – amalga oshirilgan loyihalardan qaytgan mablag‘lar.

kamaytirish choralarining ko‘rilayotganligi, faqatgina milliy emas, balki xalqaro ahamiyatga ega bo‘lgan yirik loyihalarni moliyalashtirishda hamkor sifatida ishtirok etilayotganligi, ijtimoiy ahamiyatga ega bo‘lgan bir necha yuzlab million AQSh dollari hajmidagi xalqaro grantlarning ajratilayotganligi, iqtisodiyot tarmoqlari o‘rtasida mavjud bo‘lgan disproportsiyalar (nomutanosibliklar)ning oldini olishga qaratilgan tadbirlarning amalga oshirilayotganligi va hokazolar ana shular jumlasidandir.

Hozirgi davrda jahon tajribasida, investitsion iqlim darajasini aniqlovchi mahsus “BERI” indeksi mezonlari baholaridan keng foydalanilmoqda. Ushbu indeks mamlakatdagi investitsiya muhitini turlicha salmoqqa ega bo‘lgan 15 ta baholash mezonlari asosida hisoblab chiqadi.

Davlatda yaratilgan qulay investitsion iqlim ushbu davlatga yo‘naltirilgan investitsiyalar hajmini oshishiga xizmat qiladi va keng ko‘lamdagi investitsiya oqimining davlatga kirib kelishi, iqtisodiy va ijtimoiy barqarorlikni ta‘minlaydi hamda davlatning jahon arenasida ham iqtisodiy ham siyosiy jihatdan muhim o‘rin egallashiga zamin yaratadi.

O‘zbekiston misolida ko‘radigan bo‘lsak davlatimiz tomonidan iqtisodiyot va siyosatning barcha jabhalarida olib borilayotgan oqilona siyosat mamlakatimizda qulay investitsion muhit yaratilishiga zamin yaratmoqda.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR (REFERENCES)

1. <http://www.adb.org/publications/uzbekistan-fact-sheet>
2. <http://www.adb.org/sites/default/files/publication/28939/uzbekistan-fact-sheet-ru.pdf>
3. <http://www.adb.org/publications/uzbekistan-fact-sheet?ref=countries/uzbekistan/publications>
4. Cumulative IDB Group Operations by Major Modes of Financing (1406H - 1441H) (1 January 1976 - 3 November 2021). Islamic Development Bank, Annual Report: 1441H (2021); Sha‘ban 1441H (June 2021). Jeddah. Kingdom of Saudi Arabia. xvii/85 p.

YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTIDA XALQARO INVESTITSION MUHITNI YARATISHNING STATISTIK TAHLILI



<https://doi.org/10.5281/zenodo.10542088>

Xusnuddinova Munisa Jamoliddin qizi

TDIU Statistika kafedrası assistenti

e-mail: munisahuniddinova9@gmail.com

Annotatsiya: O‘zbekiston Respublikasi yildan-yilga rivojlanib, ijtimoiy-iqtisodiy taraqqiyotning turli jabhalarida ulkan ahamiyatga molik yutuq va natijalarga erishib, jahon hamjamiyatida tobora yuksak mavqega ega bo‘lib bormoqda. Bu borada O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M. Mirziyoev tomonidan iqtisodiyotni rivojlantirish borasida belgilab berilgan strategik maqsadlar va ularga bosqichmabosqich erishish bo‘yicha aniq ishlab chiqilgan vazifalarning izchil amalga oshirilishi, erishilayotgan muvaffaqiyatlarning asosi bo‘lib xizmat qilmoqda.

Kalit so‘zlar: investitsiya, moliya, chet ellik investorlar, kapital, o‘zlashtirish, korxonalar, asosiy kapitalga investitsiyalar, markazlashgan moliyalashtirish manbalari, iqtisodiyot.

СТАТИСТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ СОЗДАНИЯ МЕЖДУНАРОДНОЙ ИНВЕСТИЦИОННОЙ СРЕДЫ В НОВОЙ ЭКОНОМИКЕ УЗБЕКИСТАНА

Аннотация: Республика Узбекистан из года в год развивается, добиваясь значительных достижений и результатов в различных аспектах социально-экономического развития, завоевывая все более высокие позиции в мировом сообществе. В связи с этим Президент Республики Узбекистан Ш.М. Основой достигнутого успеха служат последовательная реализация поставленных Мирзиёевым стратегических целей по развитию экономики и четко сформулированных задач по их поэтапному достижению.

Ключевые слова: инвестиции, финансы, иностранные инвесторы, капитал, ассигнования, предприятие, капиталные вложения, централизованные источники финансирования, экономика.

STATISTICAL ANALYSIS OF THE CREATION OF THE INTERNATIONAL INVESTMENT ENVIRONMENT IN THE NEW UZBEKISTAN ECONOMY

Abstract: *The Republic of Uzbekistan is developing ear by ear, achieving significant achievements and results in various aspects of socio-economic development, and is gaining a higher position in the world community. In this regard, the President of the Republic of Uzbekistan Sh.M. The consistent implementation of the strategic goals set by Mirziyoyev for the development of the economy and clearly developed tasks for their step-by-step achievement serve as the basis of the achieved success.*

Key words: *investment, finance, foreign investors, capital, development, enterprise, investments in fixed capital, centralized sources of financing, economy.*

KIRISH

Respublikamizda investitsion faoliyat sohasida boshqaruv qarorlarini ishlab chiqish hamda qabul qilish jarayonida ilg‘or axborot-kommunikatsiya texnologiyalari va dasturiy mahsulotlarni qo‘llashga asoslangan innovatsion yondashuvlarni joriy etish bugungi kunda iqtisodiyotning barcha tarmoqlarini jadal rivojlantirish va davlat boshqaruvi tizimini takomillashtirishga yo‘naltirilgan islohotlarni muvaffaqiyatli amalga oshirishning asosiy shartlaridan biri hisoblanadi.

Dunyoning rivojlangan mamlakatlari sanoat tarmog‘ini yuksaltirish orqali yuqori darajada iqtisodiy o‘shishga erishgan. Sanoat tarmog‘ini rivojlantirishda, o‘z navbatida, bozor talablaridan kelib chiqib tezkor moslanuvchan va moliyaviy risklarga bardoshli hisoblangan hamda ishsizlik muammosini asosiy yechimi bo‘lgan kichik biznes va xususiy tadbirkorlik sohasi yillar davomida yanada yuksalib kelmoqda. Iqtisodiyot aniq raqamlar, hisob-kitoblar bilan birga, odamlar turmush tarzida yuz berayotgan real o‘zgarishlar, natijadorlikni xush ko‘radi¹²⁷.

2022-2026 yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasining¹²⁸ 29-maqсадiga ko‘ra, tadbirkorlik faoliyatini tashkil qilish va doimiy daromad manbalarini shakllantirish uchun sharoitlar yaratish, xususiy sektorning YaIMdagi ulushini 80 foizga va eksportdagi ulushini 60 foizga yetkazish belgilangan.

Mamlakatimizda kichik biznesni va xususiy tadbirkorlikni yanada barqaror qilish maqsadida O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Xususiy mulkni himoya qilish va mulkdorlar huquqlarining kafolatlarini kuchaytirish, tadbirkorlik tashabbuslarini qo‘llab-quvvatlash borasidagi ishlarni tashkil qilish tizimini tubdan takomillashtirish bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar, shuningdek, tadbirkorlik subyektlarining moliyaviy resurslar va ishlab chiqarish infratuzilmasidan foydalanish imkoniyatlarini kengaytirish to‘g‘risida” 2019-yil 13-avgustdagi PF-5780-son Farmoni va O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va sanoat vazirligi huzuridagi Kichik biznes va tadbirkorlikni rivojlantirish agentligi faoliyatini tashkil etish to‘g‘risida” 2019-yil 13-avgustdagi PQ-4417-son qarorlari qabul qilingan¹²⁹. Shuningdek, O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyev ta’kidlaganidek: “Jahon tajribasi shuni ko‘rsatadiki, qaysi davlat faol investisiya siyosatini yuritgan bo‘lsa, o‘z iqtisodiyotining barqaror o‘shishga erishgan. Shu sababli ham investisiya – bu iqtisodiyot drayveri, o‘zbekcha aytganda, iqtisodiyotning yuragi, desak, mubolag‘a bo‘lmaydi”¹³⁰.

¹²⁷ <https://yuz.uz/uz/news/kichik-biznes--iqtisodiyotning-qon-tomiri>

¹²⁸ O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022 yil 28 yanvardagi PF-60-son “2022-2026 yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida”gi Qarori. www.lex.uz

¹²⁹ D.A. Ismailov. Kichik biznes va xususiy tadbirkorlik. Scientific Progress Volume 2 | Issue 7 | 2021 ISSN: 2181-1601

¹³⁰ O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi.//Xalq so‘zi, 29.12.2018 y

O‘zbekiston iqtisodiyotini mustahkamlash, har tomonlama rivojlantirib borish, iqtisodiyotni xususan bozor munosabatiga o‘tishni tezlashtiruvchi eng asosiy yo‘llardan biri bu kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni rivojlantirish hisoblanadi¹³¹.

Hozirgi vaqtda global iqtisodiyotni qayta qurish va yuqori texnologiyalarni rivojlantirish bilan bog‘liq holda, neft-kimyano sanoatining uchinchi tuzilmasi aktivlarni qayta tashkil etishning asosiy biznesga konsentratsiyasini va kapitalni ko‘p talab qiladigan texnologiyadan texnologiyaga qadar rivojlanishni o‘z ichiga oladi¹³².

USULLAR

Kimyano sanoatining rivojlanishiga kichik biznesning ta‘sirini statistik tahlil qilish va statistik ma‘lumotlarni xalqaro standartlarga moslashtirish borasida olib borilgan tadqiqot jarayonida statistik jadval va grafiklar, induksiya va deduksiya, statistik guruhlash, ekspert baholash, ilmiy abstraksiyalash, tahlil va sintez, dinamik qatorlar va iqtisodiy indekslar kabi turli statistik tahlil usullaridan keng foydalanildi.

NATIJALAR.

Toshkent viloyatining asosiy makroiqtisodiy ko‘rsatkichlari yillar davomida ijobiy o‘shish sur‘atlariga ega bo‘lib kelmoqda. Buni YaHM, sanoat, qishloq xo‘jaligi va tashqi savdo ko‘rsatkichlarida kuzatishimiz mumkin bo‘ladi(1-jadval).

1-jadval.

Toshkent viloyatining makroiqtisodiy ko‘rsatkichlari dinamikasi, %da¹³³.

	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021	2022
YaHM	106,5	106,2	105,9	104,7	101,0	106,8	107,3	102,9	110,7	105,1
Sanoat	112,1	106,4	108,1	105,6	102,7	114,8	107,3	103,8	112,8	105,7
Qishloq xo‘jaligi	103,3	104,0	103,7	101,6	97,1	99,2	100,6	102,1	104,0	108,6
Investitsiya	144,0	114,8	99,3	87,0	118,4	139,9	158,5	82,8	120,3	110,7
Xizmatlar	118,4	117,2	113,2	116,9	105,1	107,0	113,4	103,4	117,8	112,1
Eksport	95,7	115,2	85,5	67,4	127,5	109,2	116,0	100,3	112,6	101,6
Import	136,2	117,7	74,8	131,5	94,0	129,1	127,5	95,0	117,1	107,3


Ushbu jadval ma‘lumotlaridan ko‘rishimiz mumkinki, Toshkent viloyatida YaHM hajmi 2013-2022-yillar davomida ijobiy darajada o‘shib kelgan (mos ravishda 106,6% dan 105,1% gacha). Shu bilan birga, sanoat, qishloq xo‘jaligi, asosiy kapitalga investitsiyalar va xizmatlarda ham ijobiy o‘shishni kuzatishimiz mumkin bo‘ladi.eksportning o‘shishiga nisbatan importning yuqori darajada o‘shishi mamlakatimiz tashqi savdo balansiga sezilarli darajada salbiy ta‘sir ko‘rsatgan bo‘lsada, umumiy holat eksportning o‘shishini ijobiy holat deb aytsa bo‘ladi.

¹³¹ Bakhtiyarovna, Y. E. (2019). Portfolio as an assessment tool for individualized instruction. Достижения науки и образования, (5 (46)).

¹³² Li Q., Song J., Wang E., Hu H., Zhang J., Wang Y., 2014, Economic growth and pollutant emissions in China: a spatial econometric analysis. Stochastic environmental research and risk assessment, 28(2), 429-442, DOI: 10.1007/s00477-013-0762-6.

¹³³ www.toshvilstat.uz rasmiy sayt ma‘lumotlari asosida muallif ishlanmasi.

Toshkent viloyatida 2022- yilda sanoat mahsuloti hajmi 93 002,3 mlrd. so‘mni yoki o‘tgan yilning tegishli davriga nisbatan sanoat ishlab chiqarish indeksi 105,1 %ni tashkil etgan. Hududlar kesimida kichik biznesning sanoat mahsulotlari ishlab chiqarishdagi eng yuqori ulush Toshkent (jami sanoat mahsulotlari ishlab chiqarishdagi ulushi 90,6%) Parkent (86,6 %), Quyi Chirchiq (73,1 %) va Zangiota (86,1 %) tumanlarida hamda eng kichik ulush Olmaliq (2,1%), Bekobod (2,1 %) shaharlarida kuzatilgan(1-rasm)¹³⁴.



1-rasm. 2022-yilda hududlar bo‘yicha kichik biznesning sanoat mahsulotlari ishlab chiqarishdagi ulushi, %da¹³⁵.

Aholi jon boshiga sanoat mahsulotlari ishlab chiqarishning taqsimlanishi, yirik sanoat korxonalarini joylashganligi hisobiga Olmaliq (242 169,8 ming so‘m), Chirchiq (183 709,4 ming so‘m) va Bekobod (105 474,1 ming so‘m) shaharlarida o‘rtacha viloyat darajasi ko‘rsatkichidan (31 354,3 ming so‘m) ancha yuqoriligini ko‘rsatmoqda. Buni sanoat mahsuloti ishlab chiqarish hajmida hududlarning ulushi orqali tahlil uchun yanada qukay ko‘rinishga keltirishimiz mumkin (2-jadval).

2-jadval

Sanoat mahsuloti ishlab chiqarish hajmida hududlarning ulushi, %da¹³⁶

Hududlar	Ulushi	Hududlar	Ulushi
Nurafshon sh	1,8	Bo‘ka	0,4
Olmaliq sh	35,6	Quyi Chirchiq	1,0
Angren sh	4,7	Zangiota	3,3
Bekobod sh	11,5	Yuqori Chirchiq	2,8
Ohangaron sh	5,1	Qibray	7,4
Chirchiq sh	8,0	Parkent	0,5
Yangiyo‘l sh	0,8	Piskent	0,7
Oqqo‘rg‘on	0,9	O‘rta Chirchiq	1,2
Ohangaron	6,0	Chinoz	0,8
Bekobod	0,3	Yangiyo‘l	2,0
Bo‘stonliq	2,6	Toshkent	2,6


¹³⁴ www.toshvilstat.uz rasmiy sayt ma’lumotlari asosida muallif ishlanmasi.

¹³⁵ www.toshvilstat.uz rasmiy sayt ma’lumotlari asosida muallif ishlanmasi.

¹³⁶ www.toshvilstat.uz rasmiy sayt ma’lumotlari asosida muallif ishlanmasi.

Viloyat bo‘yicha ushbu korxonalarining ishlab chiqarish hajmi eng ko‘p Olmaliq (salmog‘i 35,6 %), Bekobod (11,5 %), Chirchiq (8,0 %) shaharlari, Qibray (7,4 %) va Ohangaron (6,0 %) tumanlariga to‘g‘ri keladi. O‘tgan yilning tegishli davriga nisbatan sanoat ishlab chiqarish indeksi eng yuqori ko‘rsatkichi Chinoz (120,2 %), Ohangaron (113,7 %) va O‘rta Chirchiq (119,4 %) tumanlarida kuzatilgan.


Albatta, bozor iqtisodiyoti davrida kichik biznes subyektlari faoliyatini iqtisodiyotga ta‘siri juda kuchli bo‘lganligi sababli, ushbu sohada faoliyat yuritayotgan korxonalarining demografik holatini tahlil qilish orqali, sohaga ajratilayotgan imtiyozlardan qay darajada foydalanilayotganligini aniqlab olish bo‘ladi(2-rasm).



2-rasm. Viloyatda kichik biznes korxonalarining demografik holati, birlikda¹³⁷.

Yuqoridagi jadvaldan, Toshkent viloyatida 2022-yilda ro‘yhatga olingan korxonalar soni qariyb 53961 ta ochilgan bo‘lsa-da, nofaol korxonalar soni 4816 tani tashkil qilgan, 1212 ta korxoatugatilganligini kuzatishimiz mumkin bo‘ladi. Bunda, kichik biznes korxonalarini faoliyat yuritishi va ular faoliyatining to‘xtalishi va bunga asosiy sabablarni tahlil qilish orqali ular faoliyati barqarorligini ta‘minlash mumkin bo‘ladi. Ushbu yangi tashkil etilgan kichik biznes korxonalarining iqtisodiy faoliyat turlari bo‘yicha taqsimlanishi tarmoqlarning istiqboldagi holatiga baho berish imkoniyatini oshiradi(3-rasm).

¹³⁷ www.toshvilstat.uz rasmiy sayt ma‘lumotlari asosida muallif ishlanmasi.



3-rasm. Yangi tashkil etilgan kichik biznes subyektlari sonining iqtisodiy faoliyat turlari bo‘yicha taqsimlanishi¹³⁸.

Yuqoridagi jadvaldan ko‘rinadiki, eng ko‘p kichik biznes subyektlari savdo (jami tashkil etilgan subyektlarning 35,8 %i), sanoatda (19,3 %), qishloq, o‘rmon va baliqchilik xo‘jaligi (12,7 %) sohalarida tashkil etilgan.

2022- yil davomida kichik biznes va xususiy tadbirkorlik subyektlari tomonidan:

- YaHMning 46,5 %i (2021- yilda 45,6 %) kichik biznes subyektlari tomonidan ishlab chiqarilgan.

- sanoat mahsuloti ishlab chiqarish hajmi 18 549,3 mlrd. so‘mni (jami sanoat ishlab chiqarishining 19,9 %) tashkil qilgan;

- qishloq, o‘rmon va baliqchilik xo‘jaliklarining ishlab chiqarilgan (ko‘rsatilgan xizmatlar) hajmi 30 568,4 mlrd. so‘mni tashkil qilib, o‘shish sur‘ati 102,5 % (qishloq, o‘rmon va baliqchilik xo‘jaligi yalpi mahsulotining 86,9 %) tashkil qilgan;

- 13 308,9 mlrd. so‘mlik investitsiyalar (viloyat bo‘yicha umumiy investitsiyalar hajmining 38,1 %i) o‘zlashtirildi va 2021- yilning yanvar-dekabr oylariga nisbatan 81,5 %ni tashkil qilgan;

- 9 111,1 mlrd. so‘mlik qurilish-pudrat ishlari (umumiy qurilish-pudrat ishlari hajmining 75,0 %i) bajarildi va 2021- yilning yanvar-dekabr oylariga nisbatan 7,8 %ga oshgan;

- avtomobil transporti yuk aylanmasining o‘tgan yilning mos davriga nisbatan 6,9 %ga kamaygan, (viloyat jami avtomobil transporti yuk aylanmasining 56,1 %), yo‘lovchi aylanmasi esa 1,4 %ga (umumiy yo‘lovchi aylanmasining 97,8 %) ko‘paygan;

- chakana tovar aylanmasi umumiy hajmining 76,1 %ini yoki 24 098,4 mlrd. so‘mini (o‘shish 106,5 %) kichik biznes korxonalarini shakllantirgan;

- xizmatlar umumiy hajmining 68,6 %i yoki 17 845,4 mlrd. so‘mi (o‘shish 108,9 %) kichik biznes subyektlari hissasiga to‘g‘ri keldi;

- 616,9 mln. AQSh dollari (umumiy eksport hajmining 30,1 %i) miqdorida mahsulotlar (tovar va xizmatlar) eksport hamda 1 719,5 mln. AQSh dollari (umumiy import hajmining 48,4 %i) miqdorida mahsulotlar (tovar va xizmatlar) import qilindi.

¹³⁸ www.toshvilstat.uz rasmiy sayt ma’lumotlari asosida muallif ishlanmasi.

MUNOZARA

Rossiyalik iqtisodchi olimlar tomonidan olib borilgan tadqiqotlar natijasida bozor munosabatlarining shakllanishi, ishbilarmonlik muhiti sifatining yaxshilanishi, tadbirkorlikni rivojlantirishga yangicha yondashuvning vujudga kelishi “tadbirkorlik faoliyati” tushunchasini yangicha talqin qilishi aniqlangan. Ushbu kontseptsiyaning ta'rifidagi noaniqlik madaniyat, siyosat, mamlakatlar an'analari, shuningdek, tadbirkorlikni rivojlantirish amaliyotidagi farqlardan kelib chiqadi¹³⁹.

Yana bir rossiyalik iqtisodchi olim M.M. Mahmudova har qanday davlat iqtisodiyotida kichik biznes uning rivojlanishini belgilovchi eng muhim iqtisodiy, ijtimoiy va siyosiy omil hisoblanadi. Rivojlangan mamlakatlarda kichik va o'rta biznes o'rta sinfni shakllantirish, aholining salmoqli qismini ish bilan ta'minlash, mamlakat byudjetini to'ldirishda ulkan rol o'ynaydi degan fikrni bildirgan¹⁴⁰.

B.K.G'oyibnazarov, H.O.Rahmonov, Sh.I.Otajonov, D.S.Almatova¹⁴¹ [9]lar KBXT faoliyatini rivojlantirishning ijtimoiy-iqtisodiy jihatlari, sohada mavjud bo'lgan muammolar va ulani bartaraf etish yo'llari, kichik biznes sub'ektlarini qo'llab-quvvatlash mexanizmlari o'rganilgan.

Xitoylik iqtisodchi olimlardan Y. Yuan kichik biznes milliy iqtisodiyotda muhim o'rin tutadi va Xitoy yalpi ichki mahsulotining 50 foizdan ortig'ini tashkil qilishini aytgan¹⁴².

Mamlakat iqtisodiyotini rivojlanishida kimyo sanoatini tutgan o'rnini yanada kengroq yoritish uchun, ushbu tarmoqning asosiy jihatlari e'tibor qaratish zarur hisoblanadi. Tog'-kon sanoati va ochiq konlarni ishlash-tabiatda qattiq jinslar shaklida uchraydigan (ko'mir, ruda), suyuq holatda uchraydigan (neft) yoki gazsimon holatda uchraydigan (tabiiy gaz) foydali qazilmalarni qazib olishni o'z ichiga oladi. Sanoat tarkibida eng katta ulush ishlab chiqaradigan sanoat hissasiga to'g'ri kelib, 25,5 trln. so'mni, jami sanoat ishlab chiqarishidagi ulushi 75,8 % ni tashkil etdi.

Iqtisodiyotda qishloq xo'jaligida mineral o'g'itlardan tortib to xizmatlar sohasida ham tarmoqda ishlab chiqariladigan kimyoviy mahsulotlar nafaqat iqtisodiyotda, balki, ijtimoiy jihatdan hayotimizning barcha jabhalarida beqiyos ahamiyatga egadir¹⁴³.

¹³⁹ X.П. Абулкосимов и др. Регулирование деятельности субъектов малого предпринимательства Р32 в начале XXI века: мировой опыт: коллективная монография—Томск: Издательский Дом Томского государственного университета, 2020. – 332 с. ISBN 978-5-94621-909-9

¹⁴⁰ М.М. Махмудова, А.М. Королева. Анализ современного состояния малого предпринимательства в тюменской области. Вестник пермского университета. 2015 г. Экономика Вып. 1(24).

¹⁴¹ G'oyibnazarov B.K., Rahmonov H.O., Otajonov Sh.I., Almatova D.S. Kichik biznes va xususiy tadbirkorlik – mamlakat ijtimoiy-iqtisodiy taraqqiyotini yuksaltirish omili. Monografiya. – T.: Fan, 2011. – 184 b.

¹⁴² Y. Yuan. (2013). The exploration of the causes of financing difficulties of China's small and micro businesses. Int. Bus. Manag. 3, 231–247.

¹⁴³ Yuldasheva N.T. O'zbekistonda kimyo sanoati rivojlanish jarayonlarining iqtisodiy-statistik tahlili. O'zbekiston Statistika axborotnomasi. 2023-yil 2-son. www.statmirror.uz rasmiy sayti.

XULOSA VA TAKLIFLAR

Kimyo sanoatini iqtisodiy-statistik tahlil qilish bo‘yicha olib borgan tadqiqotlarimiz yakuniy natijasi sifatida sohaga tegishli statistik ko‘rsatkichlar tizimini ishlab chiqish ma‘lumotlar bazasini yaratish orqali quyidagilarning rivojlanishiga ijobiy ta‘sir qilishi aniqlandi:

kimyo sanoatining iqtisodiyotning real sektori korxonalari faoliyatidagi ahamiyatini inobatga olib, ushbu tarmoq bo‘yicha shakllantirilayotgan statistik ko‘rsatkichlarni xalqaro standartlarga mos va obyektiv ravishda shakllantirish orqali tarmoq haqida axborot iste‘molchilariga yetarli ma‘lumotlarni sifatli va tezkor yetkazib berish orqali investitsiya oqimini ortishiga ijobiy ta‘sir qilishi mumkin;

kimyo sanoati korxonalari faoliyatini tadqiq qiluvchi iqtisodchi olimlar uchun yetarli darajada ma‘lumotlar manbai shakllangan bo‘lar edi va bu ma‘lumotlar asosida boshqa xorijiy davlatlar ko‘rsatkichlari bilan qiyosiy tahlillar o‘tkazish mumkin bo‘lar edi;

statistika yo‘nalishida ta‘lim olayotgan talabalarga xalqaro standartlar asosida bilim olishlarida yetarli darajada ma‘lumotlar bazasi shakllantirilgan bo‘lar edi va bu talabalarning amaliy tajribalarini xalqaro standartlarga to‘liq mos holatda bo‘lishini ta‘minlagan bo‘lar edi.

Shuningdek, mahalliyashtirish dasturlari asosida kimyo sanoatida ayrim import qilinayotgan mahsulotlarning mamlakatimizda ishlab chiqarishni yo‘lga qo‘yilishi yangi ishchi o‘rinlari yaratilishiga zamin yaratish bilan birga qishloq xo‘jaligini arzon kimyoviy minerallar bilan ta‘minlagan. Kimyo sanoati tarmog‘ida bu kabi mahsulotlarni mahalliyashtirishni kengaytirish mamlakatimizning valyuta pozitsiyasining ijobiy holatini barqarorlashuvini ta‘minlagan bo‘lar edi.

ADABIYOTLAR (REFERENCES):

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyevning 2022-yil 28-yanvardagi “2022-2026-yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida”gi PF-60 sonli farmoni. <http://lex.uz>
2. D.A. Ismailov. Kichik biznes va xususiy tadbirkorlik. Scientific Progress Volume 2 | Issue 7 | 2021 ISSN: 2181-1601
3. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi. //Xalq so‘zi, 29.12.2018 y
4. Bakhtiyarovna, Y. E. (2019). Portfolio as an assessment tool for individualized instruction. *Достижения науки и образования*, (5 (46)).
5. Li Q., Song J., Wang E., Hu H., Zhang J., Wang Y., 2014, Economic growth and pollutant emissions in China: a spatial econometric analysis. *Stochastic*

environmental research and risk assessment, 28(2), 429-442, DOI: 10.1007/s00477-013-0762-6.

6. Х.П. Абулкосимов и др. Регулирование деятельности субъектов малого предпринимательства Р32 в начале XXI века: мировой опыт: коллективная монография–Томск: Издательский Дом Томского государственного университета, 2020. – 332 с. ISBN 978-5-94621-909-9

7. М.М. Махмудова, А.М. Королева. Анализ современного состояния малого предпринимательства в тюменской области. Вестник пермского университета. 2015 г. Экономика Вып. 1(24).

8. G‘oyibnazarov B.K., Rahmonov H.O., Otajonov Sh.I., Almatova D.S. Kichik biznes va xususiy tadbirkorlik – mamlakat ijtimoiy-iqtisodiy taraqqiyotini yuksaltirish omili. Monografiya. – T.: Fan, 2011. – 184 b.

9. Y. Yuan. (2013). The exploration of the causes of financing difficulties of China's small and micro businesses. *Int. Bus. Manag.* 3, 231–247.

10. Yuldasheva N.T. O‘zbekistonda kimyo sanoati rivojlanish jarayonlarining iqtisodiy-statistik tahlili. *O'zbekiston Statistika axborotnomasi*. 2023-yil 2-son. www.statmirror.uz rasmiy sayti.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI AHOLISI TARKIBI VA DINAMIKASINI STATISTIK BAHOLASH



<https://doi.org/10.5281/zenodo.10542290>

Mirolimov Mirislom Mirshokir o‘g‘li

TDIU Statistika kafedrası katta o‘qituvchisi PhD

E-mail:mirislom.mirolimov3138@gmail.com

+998903343138

***Annotatsiya:** Mamlakatimizda iqtisodiy islohotlarni chuqurlashtirish sharoitida aholi tarkibi va tabiiy harakatida yuz berayotgan jarayonlarni statistik tahlil qilish yordamida o‘rganish, uning rivojlanish istiqbollari aniqlash, tabiiy ko‘payishiga ta’sir etuvchi tug‘ilish, vafot etish, nikoh qurish va ajralish jarayonlarini o‘rganish orqali aholi tabiiy ko‘payishiga ta’sir etuvchi omillarni aniqlashdan iborat.*

***Kalit so‘zlar:** iqtisodiy islohotlar, doimiy aholi, millat, umumbashariy qadriyatlar, ish bilan bandlik, ishsizlik, aholi turmush darajasi, millatlar totuvligi.*

СТАТИСТИЧЕСКАЯ ОЦЕНКА СОСТАВА И ДИНАМИКИ НАСЕЛЕНИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

***Аннотация:** В условиях углубления экономических реформ в нашей стране предстоит изучить с помощью статистического анализа процессы, происходящие в структуре и естественном движении населения, определит перспективы его развития, определит факторы, влияющие на естественный прирост населения. путем изучения процессов рождения, смерти, браков и разводов, влияющих на естественный прирост.*

***Ключевые слова:** экономические реформы, постоянное население, natsiya, общечеловеческие ценности, занятость, безработица, уровень жизни населения, гармония natsiyy.*

STATISTICAL ASSESSMENT OF THE COMPOSITION AND DYNAMICS OF THE POPULATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

***Annotation:** In the context of deepening economic reforms in our country, it is to study the processes occurring in the structure and natural movement of the population using statistical analysis, to determine its development prospects, to determine the factors affecting the natural increase of the population by studying the processes of birth, death, marriage and divorce that affect the natural increase. .*

Key words: *economic reforms, permanent population, nation, universal values, employment, unemployment, standard of living of the population, harmony of nations.*

KIRISH.

Aholining tabiiy harakati natijasida aholi soni va uning yoshi, jinsiy tarkibi muntazam o‘zgarib turadi. Yangi tug‘ilgan bolalar jinsi aholi jinsiy tarkibida ma’lum o‘zgarishlarga olib keladi. O‘lganlar soni esa aholi yosh tarkibiga ta’sir etadi. Aholi yosh va jinsiy tarkibidagi o‘zgarishlar jamiyatda ma’lum sotsial muammolarni kelib chiqishiga sabab bo‘ladi. Aholining tabiiy harakati jarayoni esa, o‘z navbatida qator ijtimoiy-iqtisodiy omillar ta’sirida sodir bo‘ladi. Shu bois aholining takror barpo bo‘lish jarayoni jamiyat taraqqiyotining har bir bosqichida o‘ziga xos xususiyatlarga egadir. Aholining miqdoriy xususiyatlari ma’lum millat, hudud aholisi sonining o‘zgarib (o‘sishi yoki kamayishi) borishida ifodalanadi. Aholining sifatiiy xususiyatlari esa, asosan ma’lum millat yoki hudud aholisining salomatlik va ma’lumotlilik darajasida, o‘rtacha umr ko‘rish muddatida ifodalanadi.

Har ikkala jarayon, ya’ni aholining miqdoriy va sifatiiy rivojlanishi bir-biriga chambarchas bog‘liq holda sodir bo‘ldi. Masalan, aholi salomatligini yuqori darajada bo‘lishi, aholi o‘rtasida o‘limning kamayishi, o‘rtacha umr ko‘rish muddatining esa uzayishiga olib keladi. Natijada aholi soni o‘sib boradi. Shuningdek, tug‘ilishning juda yuqori darajada bo‘lishi, ko‘p hollarda ona va bola organizmining zaiflashib borishiga va o‘lim hollarining ko‘payishiga olib keladi. Jamiyat taraqqiyotining eng dastlabki bosqichidan to hozirgi davrga qadar har bir hudud aholisi ham miqdor, ham sifat jihatidan muntazam o‘zgarib kelgandir. Statistika aholining miqdoriy va sifatiiy o‘zgarishlarini aholining takror barpo bo‘lishining asosiy omillari sifatida o‘rganadi.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 22.01.2018 yil PF-5308-sonli “2017-2021 yillarda O‘zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nalishi bo‘yicha harakatlar strategiyasini «Faol tadbirkorlik, innovatsion g‘oyalar va texnologiyalarni qo‘llab-quvvatlash yili» da amalga oshirishga oid davlat Dasturi to‘g‘risida”gi farmonida belgilangan vazifalar asosida tahlillar qilib, aholi turmush darajasini oshirishga xizmat qiluvchi eng muhim vazifalarni belgilab olamiz, jumladan, farmonda qayd etilishicha, aholi uchun qulayliklar yaratish maqsadida yangi yo‘llar barpo etish, transport-logistika infratuzilmasini yanada rivojlantirish, yangi temir yo‘llar qurish va elektrlashtirish, ko‘rsatilayotgan xizmatlar sifatini oshirish choralarini ko‘rish lozim[1].

Adabiyotlar sharhi

XVI-XVIII asrlarda dunyoda kontinentlararo yirik aholi migratsiyasi (ko‘chishi) kuzatiladi. Ushbu davrda dunyoning turli hududlaridan aholi Amerika Ko‘shma Shtatlariga ko‘chib kela boshladi. Boshqacha qilib aytganda, aholining migratsiyasi

Shimoliy Amerika tomon yo‘nalgan edi. Ilmiy manbalarda qayd etilishicha, 1610-1800 yillarda AQSh aholisi 210 ming kishidan 5,3 million kishiga etdi [2]. Salkam ikki asr davomida AQSh aholisi 25 barobar ko‘paydi. Aholining shunday tez o‘sishi asosan migratsiya hisobiga sodir bo‘ldi. Aholining tabiiy ko‘payishi esa juda sekin borgan. Ilmiy manbalarda qayd etilishicha, o‘rta asrlarda dunyoning barcha hududlarida, jumladan AQShda ham tug‘ilish va o‘lim jarayonlari yuqori darajada bo‘lgan.

J. Bodenning zamondoshi italiyalik siyosiy yozuvchi D. Botero ham o‘z asarlarida aholi statistikasiga alohida etibor qaratadi. U aholi harakati haqida birinchilardan bo‘lib fikr yuritgan olim hisoblanadi. D. Botero XVI asrda yashab, tadqiqotlar olib borgan bo‘lsada, uning ijodi XX asrda rossiyalik olimlar tomonidan juda yuqori baholanadi. Ular D. Boteroni aholi nazariyasining asoschilari sifatida tan olishgan. D. Botero aholini juda tez ko‘payib borish xususiyatini ta’kidlab, uni to‘xtatishda turli harakatlar, ochlik, epidemiya va urushlarni omil sifatida ko‘rsatadi [3].

Q.H. Abdurahmonov, Sh.R. Xolmo‘minovning tadqiqotlarida aholi turmush darajasiga ta’rif berilib, uni oshirishga doir nazariy ma’lumotlar berilgan, jumladan, aholi turmush darajasi deganda ularning hayot kechirishi uchun zarur bo‘lgan moddiy va ma’naviy ne’matlar bilan ta’minlanishi hamda kishilar ehtiyojining bu ne’matlar bilan qondirilish darajasi tushuniladi. Biz maqolada ushbu ta’rif asosida statistik tahlillar qilib, tegishli xulosa va tavsiyalar ishlab chiqamiz [4].

A.O‘lmasovning “Iqtisodiyot asoslari” kitobida aholi turmush darajasi va farovonligining bir nechta ta’riflari nazariy jihatdan keltirilib, u muntazam o‘zgarib turadigan, turli ne’matlarga bo‘lgan ehtiyojlarning tarkibi va darajasi bilan, ehtiyojni qondirish imkoniyatlari, tovar va xizmatlar bozorida holat, aholi daromadlari, mehnatkashlarning ish haqi bilan belgilanishi ko‘rsatib o‘tilgan. Bunda aholi turmush darajasi va farovonligini oshirish yuzasidan taklif, tavsiyalar keltirilgan [5].

Aholi takror barpo bo‘lishdagi asosiy jarayonlar tug‘ilish va o‘limni o‘rganishda XVII asrning ikkinchi yarmida yashab ijod etgan, ingliz olimi D. Graunt tadqiqotlari alohida ahamiyatga molikdir. Muallif statistik kuzatish asosida aholining o‘lim holati va o‘limning yosh guruhlari bo‘yicha alohida o‘rgangan, hamda o‘lim jadvalini ishlab chiqqan. Tug‘ilishning qishloq va shahardagi farqlari, aholi migratsiyasini ham tahlil etgan [6].

Tadqiqot metodologiyasi

Tadqiqotimiz mavzusi mamlakatimiz aholisi turmush darajasi va farovonligini oshirish masalalariga bag‘ishlanganligi sababali, avvalo, mavzu doirasidagi mamlakatimiz Prezidentining qaror va farmonlar, hukumatimiz qarorlari bilan belgilangan vazifalarga hamda mavzu doirasida tadqiqot olib borgan iqtisodchi

olimlarning ilmiy ishlari o‘rganilib, mavzuni o‘rganilganlik darajasi tadqiq etilgan. Tadqiqot metodologiyasi sifatida statistik tadqiqot, adabiyotlar qiyosiy tahlili va farazni asoslash usullaridan foydalanilgan.

Tahlil va natijalar

Statistik tahlillarga ahamiyat qaratadigan bo‘lsak, YaIM o‘shiga qishloq, o‘rmon va baliqchilik xo‘jaligi tarmog‘i 0,9 %, sanoat tarmog‘i 1,4%, qurilish tarmog‘i 0,4 % va xizmat ko‘rsatish tarmog‘i 2,5 % ga ijobiy hissa qo‘shdi. Mahsulotlarga sof soliqlarning o‘shisi hisobiga YaIM 0,6 % ga ko‘paydi. Iqtisodiyotning barcha tarmoqlarida yaratilgan yalpi qo‘shilgan qiymat hajmi YaIM umumiy hajmining 94,6 % ini tashkil etdi va 5,6 % ga o‘ydi (YaIM mutlaq o‘shiga ta‘siri 5,2 foiz punktni tashkil etdi). Mahsulotlarga sof soliqlarning YaIM tarkibidagi ulushi 5,4 % ni tashkil etdi va 2022- yilning yanvar-sentabr oylari bilan taqqoslaganda 7,7 % ga o‘ydi (YaIM mutlaq o‘shiga ta‘siri 0,6 %). 2023-yilning yanvar-sentabr oylari yakunlariga ko‘ra, YaIM tarkibida katta bo‘lmagan o‘zgarishlar kuzatildi. YaIM (YaQQ) tarkibida xizmatlar sohasining ulushi 42,1 % dan 44,2 % ga oshdi. Shu bilan birga, qishloq, o‘rmon va baliqchilik xo‘jaligining ulushi 24,2 % dan 23,7 % ga, sanoatning ulushi 26,9 % dan 25,6 % ga, qurilish tarmog‘ining ulushi 6,8 % dan 6,5 % ga kamaydi.

Aholi turmush darajasi bilan bog‘liq dastlabki faktor - aholi soniga nazar tashlaydigan bo‘lsak, respublika aholisi 1926 yilda 4,6 mln. kishini, 1939 yilda 6,3 mln. kishini, 1959 yilda 8,1 mln. kishini, 1970 yilda 11,8 mln. kishini, 1979 yilda 15,4 mln. kishini, 1989 yilda esa 19,8 mln. kishini tashkil etgan, 2000 yil 24,5 mln. kishini, 2023 yil 1 yanvar holatiga 36, 6 mln. kishini tashkil etib, 2000 yilga nisbatan 12,1 mln. kishiga, ya’ni 49,4 foizga o‘sgan.

Yosh tarkibi bo‘yicha 1991 yilda mehnatga layoqatli yoshdan kichiklar (0-15 yoshdagilar) 43,1 foizni, mehnatga layoqatli yoshdagilar (erkaklar 16-59 yosh, ayollar 16-54 yosh) 49,1 foizni, mehnatga layoqatli yoshdan kattalar (erkaklar 60 yosh va undan katta, ayollar 55 yosh va undan katta) 7,8 foizni tashkil etgan bo‘lsa, 2023 yil 1 yanvar holatiga mazkur ko‘rsatkichlar mos ravishda 30,1 foiz, 60,5 foiz va 9,4 foizni tashkil etgan. Bundan ko‘rinadiki, 2023 yilda 1991 yilga nisbatan mehnatga layoqatli yoshdan kichiklar ulushi kamayish tendensiyasiga ega bo‘lib, mehnatga layoqatli yoshdagilar va mehnatga layoqatli yoshdan kattalar ulushi o‘sgan (1-jadval).

1-jadval

O‘zbekiston Respublikasi mehnat resurslari tarkibi to‘g‘risida ma’lumot

Ko‘rsatkichlar	2018	2019	2020	2021	2022	2022 yil 2018 yilga nisbatan o‘zgarishi
----------------	------	------	------	------	------	---

						(+ ; -)	(%)
Mehnat resurslari	18829,6	18949,0	19158,2	19334,9	19517,5	687,9	103,7
doimiy aholiga nisbatan, foizda	57,1	56,4	56,0	55,4	54,8	-2,3	95,9
<i>shu jumladan:</i>							
mehnatga layoqatli yoshdagi mehnatga layoqatli aholi	18712,1	18857,6	19075,7	19237,6	19393,0	680,9	103,6
doimiy aholiga nisbatan, foizda	56,8	56,2	55,7	55,1	54,4	-2,4	95,8
mehnat resurslariga nisbatan, foizda	99,4	934,0	99,6	99,5	99,4	0,0	100,0
mehnatga layoqatli yoshdan kichik va katta yoshdagi ishlovchilar	117,5	91,4	82,5	97,3	124,5	7,0	106,0
doimiy aholiga nisbatan, foizda	0,3	0,3	0,2	0,3	0,3	0,0	116,4
mehnat resurslariga nisbatan, foizda	0,6	0,5	0,4	0,5	0,6	0,0	106,3

Manba: O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Statistika agentligi ma’lumotlari asosida tuzilgan.

Yuqoridagi jadval ma’lumotlari asosida ta’kidlash mumkinki, Respublikamizda mehnat resurslari 2022 yilda 19517,5 ming kishini tashkil etib, 2018 yilga nisbatan 687,9 ming kishiga yoki 3,7 % ga ortgan. Mehnatga layoqatli yoshdagi mehnatga layoqatli aholi 19393,0 ming kishni tashkil etib, 2018 yilning mos davriga nisbatan 3,6 % ga yoki 680,9 ming kishiga ko‘paygan. Mehnatga layoqatli yoshdan kichik va katta yoshdagi ishlovchilar 124,5 ming kishini tashkil etib, 7,0 ming kishiga yoki 6,0% ortganligini ko‘rsatmoqda.

2-jadval

O‘zbekiston Respublikasida aholisining milliy tarkibi to‘g‘risida ma’lumot (ming kishi)

	Jami	O‘zbek	Qora- qalpoq	Rus	Ukrain	Belorus	Qozoq	Qirg‘iz	Tojik	Turkman	Tatar	boshqa millatlar
O‘zbekiston Respublikasi	36559,8	29859,3	764,0	711,9	67,0	18,4	824,3	296,9	1692,1	210,1	185,1	642,3
Qoraqalpog‘iston Respublikasi	1948,5	790,6	722,4	10,1	0,1	489,0	296,4	1,5	0,3	105,3	4,8	15,7
<i>viloyatlar:</i>												
Andijon	3253,5	3033,3	0,2	18,5	1,4	0,5	0,9	109,2	40,6	0,2	8,8	40,0
Buxoro	976,8	830,8	0,9	24,9	2,6	0,8	16,5	0,1	61,6	11,8	4,8	22,1
Jizzax	1443,4	1294,5	0,2	14,8	1,7	0,5	28,3	44,8	33,8	0,5	6,3	18,0
Qashqadaryo	3408,3	3166,1	0,2	20,3	2,4	1,1	2,0	0,2	139,2	37,2	7,9	31,9
Navoiy	1033,9	916,7	23,9	16,1	0,9	0,1	37,5	0,6	14,5	0,8	6,1	16,7
Namangan	931,1	2610,8	0,2	11,5	0,7	0,2	0,9	23,1	261,7	0,4	2,2	19,4
Samarqand	4031,3	3574,8	1,0	46,7	8,1	3,4	5,0	0,4	283,4	1,6	6,3	100,7

Surxondaryo	2743,2	2317,9	0,2	21,2	3,5	1,5	2,7	0,2	342,8	33,6	6,9	12,7
Sirdaryo	878,6	697,7	0,1	22,6	0,9	0,4	12,9	18,6	81,6	0,7	5,9	37,2
Toshkent	2939,7	2077,6	4,1	133,1	9,3	2,6	344,1	17,7	165,7	3,5	35,2	146,7
Farg‘ona	3896,4	3499,4	1,0	40,6	4,8	0,6	1,0	76,8	227,6	0,1	1,9	42,6
Xorazm	1924,2	1883,5	1,8	5,8	1,6	0,4	10,7	0,9	0,5	10,1	3,4	6,3
Toshkent sh.	2862,4	2165,8	7,9	325,7	28,1	6,1	65,4	3,5	39,0	4,2	84,6	132,2

Manba: O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Statistika agentligi ma’lumotlari asosida tuzilgan.

Yuqoridagi jadval ma’lumotlari asosida takidlash mumkinki, Respublikamiz aholisining 82,5 % ni o‘zbeklar tashkil etadi hamda eng ko‘p o‘zbeklar Samarqand viloyatida (11,4 %) istiqomat qilishadi. Qoraqalpoqlar esa 764,0 ming kishini tashkil etib, jami aholining 2,1 % ni tashkil etadi. Rus millatiga mansub fuqorolarimiz esa 711,9 ming kishini tashkil etib, jami aholiga nisbatan 2,0 % ni, ukrainlar 67,0 ming kishini 0,2% ni, beloruslar 18,4 ming kishini 0,05 % ni, qozoqlar 824,3 ming kishini 2,2 % ni, tojiklar 1692,1 ming kishini 4,6 % ni, turkmanlar 210,1 ming kishini 0,6 % ni, tatarlar 185,1 ming kishini 0,5 % ni va boshqa millatga mansub fuqorolarimiz esa 642,3 ming kishini tashkil etib, jami aholi soniga nisbatan 1,8 % ni tashkil etadi. O‘tgan davrlar mobaynida Respublikamizda rus va qozoq millatiga mansub aholi soni boshqa millat vakillariga nisbatan demografik o‘shish ko‘rsatkichlari o‘rtacha 0,9 % ga ustunlik qilganligini ko‘rishimiz mumkin bo‘ladi.

1-rasm

O‘zbekiston Respublikasi aholisining tabiiy harakati to‘g‘risida ma’lumot (ming kishi)




Manba: O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Statistika agentligi ma’lumotlari asosida tuzilgan.

Jadval ma’lumotlari asosida shuni takidlash mumkinki, 2023 yil 1-oktabr holatiga respublikamizda tug‘ilish ko‘rsatkichi 716885 ta chaqaloq tug‘ilgan bo‘lib, tug‘ilish koeffitsiyenti 26,4 promelliani tashkil etib, o‘tgan yilning mos davriga nisbatan 0,8% oshganligini ko‘rsatadi. Vafot etish ko‘rsatkichi esa 129644 kishiga

teng bo‘lib, har ming kishiga nisbatan 4,8 promelliani tashkil etgan holda, 2022 yilning mos davriga nisbatan -0,4 % ga kamaygan bo‘lib, tabiiy o‘shish 587221 kishiga yoki 6,5% ga oshgan.

2-rasm

O‘zbekiston Respublikasining doimiy aholisi soni 1-oktabr holatiga, ming kishi



Manba: O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Statistika agentligi ma’lumotlari asosida tuzilgan.

2-rasm ma’lumotlari asosida ta’kidlash mumkinki, o‘rganilayoigan davrlarda Respublikamizda o‘rtacha demografik o‘shish 2,1 % ni tashkil etgan. E’tiborli tomoni shundaki oxirgi yillarda aholi demografik jarayonlarida o‘shish sur‘atlari sezilarli darajada ortayotgani, bu mamlakatimiz rabari tomonidan olib borilayotgan islohotlar o‘z zamarasini berayotganini ko‘rsatadi. Bugungi kunda “Yangi O‘zbekiston taraqqiyot strategiyasi”da ham aholi farovonligi va turmush tarzini yanada yaxshilash borasida qator islohotlar salmoqli o‘rin egallayotgani barcha iqtisodiy jarayonlar singari aholi demografiyasida ham o‘z aksini topmoqda.

2-rasm

Doimiy aholi sonining jinsi, shahar va qishloq joylari bo‘yicha taqsimlanishi 1-oktabr holatiga, ming kishi




Manba: O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Statistika agentligi ma’lumotlari asosida tuzilgan.

2023-yil 1-oktabr holatiga doimiy aholi soni 36 599,8 ming kishini tashkil etdi, shundan erkaklar soni 18 422,9 ming kishini, ayollar soni 18 176,9 ming kishini,

shahar aholisi soni 18 667,2 ming kishini, qishloq aholisi soni 17 932,6 ming kishini tashkil etdi.

3-rasm

Yosh guruhlari va jinsi bo‘yicha aholi tarkibi 2023-yil 1-yanvar holatiga



Manba: O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Statistika agentligi ma’lumotlari asosida tuzilgan.

2023-yil 1-yanvar holatiga O‘zbekiston Respublikasining doimiy aholisi tarkibini jinsi va yosh guruhlari bo‘yicha (65 yoshgacha bo‘lganlar 5 yillik yosh intervalida, 65 va undan yuqori yoshdagilar esa jamlangan holda) tahlil qilinganda, erkaklar tarkibida 4 yoshgacha bo‘lgan bolalar eng yuqori ko‘rsatkichni, ya’ni 2160,4 ming kishini tashkil etgan. Erkaklar tarkibida eng kam aholi soni 60-64 yoshlilar hissasiga to‘g‘ri kelib, 641,2 ming kishini tashkil etdi. Shuningdek, ayollar tarkibida ham 4 yoshgacha bo‘lgan qizlar eng yuqori ko‘rsatkichni, ya’ni 2001,8 ming kishini tashkil etgan bo‘lsa, eng kam ayollar soni 60-64 yoshlilar hissasiga to‘g‘ri kelgan, ya’ni 715,3 ming kishini tashkil etgan.

Xulosa va natijalar

Shunday qilib, aholini takror barpo bo‘lishi statistikasini tadqiq etish XVII asrning ikkinchi yarmidan boshlab to bugunga qadar qator olimlar tomonidan rivojlantirildi. Ammo qayd etish lozimki, hozirgi kunda, O‘zbekistonda yangi iqtisodiy sharoitda aholini takror barpo bo‘lishi jarayonlariga bag‘ishlangan tadqiqotlar etarli darajada emas. Kun sayin demografik jarayonlar o‘zgarib borayotgan bir sharoitda chuqur statistik tahlil qilish, ularning istiqbollari belgilash jamiyat taraqqiyotini rejalashtirishda muhim ahamiyat kasb etadi. Vaxolanki, bu kabi ilmiy tadqiqotlar jamiyatning iqtisodiy taraqqiyotini yanada mustahkamlashning, shuningdek aholini ish bilan bandligini ta’minlash kabi dolzarb masalalarning asosini tashkil etadi.

Respublikamizning ekologik vaziyati yaxshi bo‘lmagan Qoraqolpog‘iston Respublikasi, Xorazm, Jizzax va Sirdaryo viloyatlarida uni yaxshilash orqali tug‘ilishni oshirish borasida keng ko‘lamli ijtimoiy-iqtisodiy borada dastur ishlab chiqib uni zudlik bilan amalga oshirish kerak deb hisoblaymiz.

Bolalar vafotini kamaytirish maqsadida bolalarni va onalarni tabiiy ko‘rikdan o‘tkazish va shu orqali tabiiy harakati ko‘rsatkichlarini amalda yaxshilashga erishish.

Respublikaning ekologik vaziyati tang bo‘lgan viloyatlarga chet-el investitsiyalarini jalb etib, ekologik muhitni yaxshilash, yangi ish o‘rinlarini tashkil etish zarur deb hisoblaymiz.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI (REFERENCES)

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 22.01.2018 yil PF-5308-sonli “2017-2021 yillarda O‘zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nalishi bo‘yicha harakatlar strategiyasini «Faol tadbirkorlik, innovatsion g‘oyalar va texnologiyalarni qo‘llab-quvvatlash yili» da amalga oshirishga oid davlat Dasturi to‘g‘risida”gi farmoni.
2. Хорев Б.С., Чапек В.Н. Проблемы изучения миграция населения. - М.,1978. - С.116.
3. Шелестов Д.К. Демография: История и современность. - М., 1983. - С.21
4. Птуха М.В. Очерки по истории статистики в СССР. - Т.//М.,1959. - С.15.
5. Q.H. Abdurahmonov, Sh.R. Xolmo‘minov O O‘zbekistonda oila demografiyasi. - T., 1997. 256 b.
6. A.O‘lmasov. “Iqtisodiyot asoslari” darslik., Toshkent-2011 yil. 184 b.
7. D. Graunt Регулирование процессов воспроизводства населения региона в современных условиях. /Автореферат дисс. на соис. канд. экон. наук. – М., 1996;
8. www.stat.uz- O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Huzuridagi Statistika Agentligi rasmiy sayti.
9. <http://esa.un.org/popin/> - BMTning rasmiy demografik sayti.

ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛИЙ ҲИСОБЛАР ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БОРАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИШЛАР ТАҲЛИЛИ



<https://doi.org/10.5281/zenodo.10542381>

Мамаджанов Аброрали Аширалиевич,
Статистика агентлиги бошқарма бошлиғи,
И.ф.ф.д. (PhD)
e-mail: a.mamadjanov@stat.uz

***Аннотация:** Мамлакатда содир бўлаётган ижтимоий-иқтисодий ҳодисаларни статистик кўрсаткичларда тўлиқ ва тўғри акс эттирилиши олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар натижасини чуқур таҳлил қилиш, шунингдек, берилаётган имтиёзлар, киритилаётган инвестициялар самарадорлигини тўғри баҳолаш ҳамда улар асосида ҳолис қарорларни қабул қилиш ҳамда самарали режаларни ва дастурларни ишлаб чиқиш имконини беради. Мазкур ҳолат миллий ҳисоблар кўрсаткичларини халқаро услубиётларга мувофиқлаштиришнинг қанчалик долзарб масала эканлигини кўрсатади.*

***Калит сўзлар:** ижтимоий-иқтисодий, статистик кўрсаткичлар, кенг кўламли ислохотлар, миллий ҳисоблар тизими.*

РЕАЛИЗАЦИЯ ПО СОВЕРШЕНСТВОВАНИЮ СИСТЕМЫ НАЦИОНАЛЬНЫХ СЧЕТОВ В УЗБЕКИСТАНЕ АНАЛИЗ НЕЗАВЕРШЕННОЙ РАБОТЫ

Мамаджанов Аброрали Аширалиевич,
Статистика агентлиги бошқарма бошлиғи,
И.ф.ф.д. (PhD)
e-mail: a.mamadjanov@stat.uz

***Аннотация:** Полное и правильное отражение социально-экономических событий в стране в статистических показателях, глубокий анализ результатов масштабных реформ, а также правильная оценка предоставляемых благ, эффективности осуществленных инвестиций, и на их основе позволяет принимать беспристрастные решения и разрабатывать эффективные планы и программы. Эта ситуация показывает, насколько важно привести показатели национальных счетов в соответствие с международными методологиями.*

Ключевые слова: социально-экономические, статистические показатели, масштабные реформы, система национальных счетов.

IMPLEMENTATION ON IMPROVING THE SYSTEM OF NATIONAL ACCOUNTS IN UZBEKISTAN ANALYSIS OF WORK IN PROGRESS

Мамаджанов Аброрали Аширалиевич,
Статистика агентлиги бошқарма бошлиғи,
И.ф.ф.д. (PhD)

e-mail: a.mamadjanov@stat.uz

Abstract: Full and correct reflection of socio-economic events in the country in statistical indicators, an in-depth analysis of the results of large-scale reforms, as well as a correct assessment of the benefits provided, the effectiveness of the investments made, and based on them, making impartial decisions and developing effective plans and programs allows. This situation shows how important it is to align the indicators of national accounts with international methodologies.

Key words: socio-economic, statistical indicators, large-scale reforms, system of national accounts.

Ўзбекистон миллий статистика амалиётига МХТ халқаро услубиётини жорий қилиш ишлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йилдаги 433-сонли қарорига асосан бошланган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сонли “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта уствор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги Фармони, 2019 йил 9 апрелдаги ПҚ-4273-сонли “Давлат бошқарувининг очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш ҳамда мамлакатнинг статистика салоҳиятини ошириш юзасидан кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори [2] ҳамда 2020 йил 3 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг миллий статистика тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4796-сонли Қарори МХТни статистика амалиётига кенг жорий қилишни янада жадаллаштиришда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилди [3].

МХТ назарий асосларининг вужудга келиши ҳамда ривожланиши кўп йиллик тарихга эга бўлиб, халқаро миқёсда тан олинган биринчи МХТ халқаро

стандарты “МХТ-1953” ҳисобланади. Ушбу қўлланма 1968, 1993 ва 2008 йилларда янгиланиб, такомиллаштириб борилди.

“МХТ-2008” халқаро стандарты 2009 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) Статистика комиссиясининг 40-сессиясида қабул қилинган бўлиб, ушбу қўлланмада бир қатор муҳим иқтисодий жараёнларни статистик кўрсаткичларда ифодалаш услубиёти такомиллаштирилган. Ушбу стандартда МХТнинг асосий коцепциялари сақланиб қолган бўлиб, иқтисодиётнинг муҳим аспектларини ўзида акс эттирувчи ЯИМ ва миллий даромаднинг муҳим компонентлари бўйича тарифлар ва таснифлар янгиланди. Ушбу ўзгаришлар молиявий инструментлар, марказий банк фаолияти, илмий тадқиқотларга харажатлар, қуролланишга харажатлар, молиявий ва номолиявий активлар таснифи билан операцияларни ўз ичига олади. Ушбу стандарт “Тўлов баланси (6-тах)”, Истеъмол ва ишлаб чиқарувчи нархлари индекси бўйича халқаро қўлланма, Давлат молияси статистикаси халқаро қўлланмаси ва бошқа статистика соҳасидаги халқаро стандартлар ва қўлланмалар билан мувофиқликда ишлаб чиқилган.

Миллий ҳисоблар тизими (МХТ) иқтисодий фаолият натижаларини ифодаловчи ҳисоблар ва жадвалларнинг муайян тўплами шаклида тузилган, ўзаро боғлиқ статистик кўрсаткичлар тизимини ўзида акс эттирадиган халқаро услубиёт бўлиб, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг барча жабҳаларини ўрганишга хизмат қилади.

2017-2023 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги (Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси) томонидан миллий ҳисоблар кўрсаткичларини ҳисоблаш услубиётлари “МХТ-2008” халқаро услубиёти қоидаларига мувофиқлаштирилди ҳамда улар асосида қуйидаги ишлар амалга оширилди.

МХТ, давлат молияси статистикаси ва тўлов баланси кўрсаткичлари ўзаро мувофиқлаштирилди. Бунда, ЯИМ ҳисоб-китобларини давлат молияси статистикаси ва тўлов баланси маълумотларига мувофиқ равишда амалга ошириш ва Агентликнинг расмий веб-сайтида эълон қилиб бориш йўлга қўйилди. Ушбу ҳисоб-китоблар асосида ЯИМ ва у билан боғлиқ макроиқтисодий кўрсаткичларнинг 2010 йилдан йиллик ва 2017 йилдан чораклик динамик қаторлари шакллантирилди ва эълон қилинди.

ЯИМни дискрет чораклар асосида ҳисоблаш тажрибасини жорий этиш орқали чораклик миллий ҳисоблар такомиллаштирилди. Давлат статистика қўмитасининг 2021 йил 8 февралдаги “Тармоқлар кесимида иқтисодий

статистика кўрсаткичларини дискрет даврлар бўйича ҳисоблаш тажрибасини амалиётга жорий этиш тўғрисида”ги 2-сонли қарори қабул қилинди [4].

Дискрет чоракларга асосланган ЯИМ ҳисоб-китобларини амалиётга жорий этиш орқали чораклик миллий ҳисобларни такомиллаштириш мақсадида “Иқтисодий статистика кўрсаткичларини дискрет чораклар асосида шакллантириш тартиби” ишлаб чиқилди ва Давлат статистика қўмитасининг 2021 йил 31 мартдаги 9-сонли қарори билан тасдиқланди [5].

Ушбу услубий низом асосида иқтисодий фаолият турлари кесимида ЯИМнинг дискрет чораклар бўйича ҳисоб-китоблари амалга оширилди, 2017 йилдан динамик қаторлар шакллантирилди ва Статистика агентлигининг расмий веб-сайтида эълон қилинди.

“Ресурслар ва ишлатилиш” жадвалларини тузиш тажрибаси такомиллаштирилди. Корхоналарнинг ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркибини ўрганиш мақсадида 23 турдаги саволномалар ишлаб чиқилди ҳамда 2020 йилнинг май-август ойларида республиканинг барча ҳудудларида жами 31 961 та хўжалик юритувчи субъектлар (номолиявий корхоналар, банклар ва суғурта ташкилотлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар в.б.)ни қамраб олган ҳолда танланма кузатувлар ўтказилди.

Кузатув натижаларига кўра аниқланган “Харажатлар-ишлаб чиқариш”нинг янгиланган коэффицентлари асосида 2019-2020 йиллар учун “Ресурслар ва ишлатилиш” жадваллари шакллантирилди ҳамда фойдаланувчиларга тақдим этилди.

2020-2023 йиллар давомида ХВЖ ва Осиё тараққиёт банки (ОТБ)нинг миллий ҳисоблар статистикаси бўйича техник кўмак миссиялари доирасида “Ресурслар ва ишлатилиш” жадвалларини тузиш тажрибаси такомиллаштирилди ҳамда бунинг натижасида мазкур жадваллар амалдаги 81 та тармоқ ва 81 та маҳсулотлар кесимидан 143 та тармоқ ва 143 та маҳсулотлар кесимига етказилди.

Халқаро тажрибани ўрганиш ҳамда “Ресурслар ва ишлатилиш” жадвалларини тузиш амалиётини такомиллаштириш мақсадида “Товарлар ва хизматлар ресурслари ва ишлатилиши жадвалларини тузиш бўйича услубий низом” ишлаб чиқилди ҳамда Давлат статистика қўмитасининг 2021 йил 16 декабрдаги 56-сонли қарори билан тасдиқланди [6].

Шунингдек, бугунги кунда Статистика агентлиги томонидан Халқаро валюта жамғармаси экспертларини жалб қилган ҳолда “Ресурслар ва ишлатилиш” жадвалларини доимий нархларда баҳолашни жорий қилиш йўналишида бир қатор ишлар олиб борилмоқда.

Статистик кўрсаткичлар ҳисоб-китобларига халқаро таснифлагичлар жорий этилди. ЯИМни Якуний истеъмол усулида ҳисоблашда давлат бошқаруви органларининг якуний истеъмол харажатлари “Давлат бошқаруви органлари функцияларининг таснифи” бўйича шакллантирилди. Якуний истеъмол усулида ҳисобланадиган ЯИМ таркибида уй хўжаликларининг якуний истеъмол харажатлари кўрсаткичи “Мақсадлар бўйича индивидуал истеъмол таснифи” асосида шакллантирилди. Капитал билан операциялар ҳисоби “Асосий фондлар таснифлагичи”ни жорий қилиш орқали такомиллаштирилди. Активларнинг турлари бўйича таснифлаш йўлга қўйилди.

Уй-жой эгалари томонидан ўз истеъмоли учун ишлаб чиқарилган яшаш хизматларини баҳолаш “МХТ-2008” халқаро услубиётига мослаштирилди. Уй-жой эгалари томонидан ўз истеъмоли учун ишлаб чиқарилган яшаш хизматларини баҳолаш бўйича Услубий низом ишлаб чиқилди ва Давлат статистика қўмитасининг 2020 йил 29 августдаги 31-сонли қарори билан тасдиқланди.

Ўз уйида яшаш бўйича шартли хизматларни баҳолаш ва ушбу хизматларни ЯИМ ҳисоб-китобларида акс эттириш йўлга қўйилди. Ўз уйида яшаш бўйича шартли хизматларни қўшган ҳолда ЯИМ ва у билан боғлиқ макроиктисодий кўрсаткичлар йиллик даврийликда 2010 йилдан ва чораклик даврийликда 2016 йилдан қайта ҳисобланди [7].

Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётнинг ривожланишини баҳоловчи статистик кўрсаткичлар тизими ишлаб чиқилди. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва Давлат статистика қўмитасининг “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиёт статистикасини юритиш бўйича қўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш ҳамда ахборот иқтисодиёти ва электрон тижорат йиғма кўрсаткичлар тизимини жорий этиш тўғрисида”ги қўшма қарори имзоланди. Ушбу қарор билан “Ахборот иқтисодиёти ва электрон тижорат” йиғма кўрсаткичи ҳамда унинг таркибига кирувчи фаолият турлари рўйхати тасдиқланди. “Ахборот иқтисодиёти ва электрон тижорат соҳаси бўйича ялпи қўшилган қиймат ҳажмини ҳисоблаш тартиби” ишлаб чиқилиб, Давлат статистика қўмитасининг 2021 йил 31 майдаги 16-сонли қарори билан тасдиқланди ҳамда амалиётга жорий этилди [8]. Молиявий воситачилик хизматлари ҳисоб-китоблари “МХТ-2008” халқаро услубиёти талаблари асосида ХВЖ ва ОТБ экспертларининг тавсияларига мувофиқ “Билвосита ўлчанадиган молиявий воситачилик хизматлари ишлаб чиқаришини ҳисоблаш бўйича услубий низом” асосида 2017-2022 йиллар учун амалга оширилди.

Молиявий воситачилик хизматлари ҳажми “МХТ-1993” услубиёти бўйича молиявий воситачилар томонидан олинган ва улар томонидан тўланган фоизлар ўртасидаги фарқ сифатида ҳисобланган ҳамда шартли тармоқнинг оралиқ истеъмоли сифатида бошқа хизматларга қўшган ҳолда акс этирилган.

“МХТ-2008” услубиёти бўйича эса молиявий воситачилик хизматлари ҳажми кредит (депозит)ларнинг фоиз ставкалари ва базис ставкаси (кредитлар ва депозитлар бўйича ўртача фоиз ставкаси) ўртасидаги фарқни ҳисобот давридаги кредит (депозит)ларнинг ўртача қолдиғига кўпайтириш орқали институционал секторлар кесимида ҳисобланди. Мазкур услубиёт бўйича молиявий воситачилик хизматлари ҳажми иқтисодий фаолият турларининг оралиқ истеъмоли ҳамда уй хўжалиқларининг якуний истеъмолига тақсимланди.

Ялпи ички маҳсулотнинг таркибий қисмларини баҳолашни такомиллаштириш орқали унинг тўлиқ қамровини таъминлаш ҳамда кузатилмайдиган иқтисодиётни баҳолаш ишларини амалга ошириш мақсадида 2023 йилнинг 7-25 август кунлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида уй хўжалиқларининг транспорт, яшаш ва овқатланиш, маданият, таълим ва соғлиқни сақлаш хизматларига харажатларини ўрганиш бўйича танланма кузатувлар ташкил этилди ва ўтказилди.

Халқаро таққослаш дастури (ХТД)да иштирок этиш юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, ХТД бўйича Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) мамлакатлари бўйича ҳудудий мувофиқлаштирувчи МДХ Давлатлараро статистика қўмитаси билан ҳамкорлик ўрнатилди. Статистика агентлигида МДХ Статистика қўмитаси ва Беларус Республикаси статистика хизмати мутахассислари иштирокида амалий семинарлар ўтказилди. 2021 йил учун МДХ статистика қўмитаси томонидан тақдим этилган 2200 дан ортиқ турдаги товарлар ва хизматлар бўйича Статистика агентлиги томонидан нархлар кузатувлари ўтказилди ҳамда кузатув маълумотлари махсус электрон жадвалларда умумлаштирилди. ХТД доирасида тақдим этилган “Қурилиш материаллари” ва “Инвестицион товарлар” гуруҳлари бўйича нарх маълумотларини шакллантириш юзасидан тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорлик йўлга қўйилди. Мазкур товарларнинг ўртача нархлари тўғрисидаги статистика маълумотлар шакллантирилди ҳамда гуруҳлар бўйича Харид қилиш паритети (ХҚП)ни ҳисоб-китобларини амалга ошириш учун МДХ статистика қўмитасига тақдим этилди. Ўзбекистон Республикасининг “ХТД-2021”да иштирок этиши юзасидан барча зарурий маълумотлар шакллантирилди ва МДХ Статистика қўмитасига тақдим этилди.

Ўзбекистон статистика соҳасида МХТни такомиллаштириш бўйича келгусида амалга оширилиши режалаштирилаётган ишлар қуйидагилардан иборат:

- ЯИМни доимий нархларда ҳисоблаш услубиётини янада такомиллаштириш (базис йилининг ўртача нархларида ҳисоблаш ва икки мартаба дефляция қилиш усулини жорий қилиш);

- “Харажатлар ва ишлаб чиқариш” жадвалларини доимий нархларда баҳолаш амалиётини жорий этиш;

- Кузатилмайдиган иқтисодиётни баҳолаш амалиётини халқаро тавсиялар асосида такомиллаштириш;

- МХТ соҳасида кадрлар салоҳиятини янада ошириб бориш.

Қайд этилган асосий йўналишлар бўйича тизимли ишларни йўлга қўйиш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш, қўйилган вазифаларни тўлиқ бажариш натижасида МХТ кўрсаткичларининг сифати яхшиланиши ва шаффофлиги ошишига эришилади. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимиз миллий иқтисодиётини янада кенгроқ тавсифлаш, макроиқтисодий кўрсаткичлар ҳисоб-китобларини халқаро услубиётга мувофиқлаштириш орқали статистик кўрсаткичларнинг халқаро таққослаш даражасини ошириш, макроиқтисодий таҳлилни амалга ошириш имкониятларини кенгайтириш, шунингдек, Ўзбекистон иқтисодиётини акс эттирувчи кўрсаткичларнинг хорижий инвесторларга янада тушунарли бўлиши ҳамда мамлакатимизнинг инвестициявий жозибadorлигини ва халқаро рейтинглардаги ўрнини яхшилаш каби ижобий натижаларга эришиш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати (REFERENCES)

1. Ўзбекистон Республикасининг “Расмий статистика” тўғрисидаги Қонуни, 01.08.2021 й. ЎРҚ-707-сон, Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 12.08.2021 й., 03/21/707/0780-сон.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат бошқарувининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш ҳамда мамлакатнинг статистика салоҳиятини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4273-сон Қарори, Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.04.2019 й., 07/19/4273/2914-сон.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг Миллий статистика тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4796-сонли Қарори, 03.08.2020 йил, Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.08.2020 й., 07/20/4796/1136-сон.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2021 йил 8 февралдаги “Тармоқлар кесимида иқтисодий статистика кўрсаткичларини дискрет даврлар бўйича ҳисоблаш тажрибасини амалиётга жорий этиш тўғрисида”ги 2-сонли қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2021 йил 31 мартдаги “Иқтисодий статистика кўрсаткичларини дискрет чораклар асосида шакллантириш тартибини тасдиқлаш тўғрисида”ги 9-сонли қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2021 йил 16 декабрдаги “Товарлар ва хизматлар ресурслари ва ишлатилиши жадвалларини тузиш бўйича услубий низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги 56-сонли қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2020 йил 29 августдаги “Уй-жой эгалари томонидан ўз истеъмоли учун ишлаб чиқарилган яшаш хизматларини баҳолаш бўйича услубий низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги 31-сонли қарори.
8. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2021 йил 31 майдаги “Ахборот иқтисодиёти ва электрон тижорат соҳаси бўйича ялпи қўшилган қиймат ҳажмини ҳисоблаш тартибини тасдиқлаш тўғрисида”ги 16-сонли қарори.
9. Европейская комиссия, Международный валютный фонд, Организация экономического сотрудничества и развития, Организация Объединенных Наций и Всемирный банк (2012), “Система национальных счетов 2008”.
10. И.Д.Масакова ”Состояние и перспективы развития системы национальных счетов России” Вопросы статистики. 6/15 С. 4-8.
11. Ю.Н.Иванов “К вопросу преподавания СНС в экономических вузах” Вопросы статистики. 2020. Т. 27. № 2. С. 85-95.
12. Башкатов Б.И., Рябушкин Б.Т. Практикум по национальному счетоводству. М.: Финансы и статистика, 2004. – 319 с.
13. Башкатов Б.И. Национальное счетоводство. Учебник. М.: Финансы и статистика, 2005.– 607 с.
14. www.imf.org.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI KIMYO SANOATI TARMOG‘I RIVOJLANISH JARAYONLARINING IQTISODIY-STATISTIK TAHLILI



<https://doi.org/10.5281/zenodo.10542403>

Yuldasheva Nihola Tohir qizi

Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti magistranti

E-mail: nihola.yuldasheva98@gmail.com

Annotatsiya. Ushbu maqolada O‘zbekiston Respublikasi kimyo sanoatining rivojlanish holatini iqtisodiy-statistik tahlili, O‘zbekistonda YaIMning hududlar kesimida o‘shishi, O‘zbekistonda aholi jon boshiga YaIM o‘shishi dinamikasi, YaIMni iqtisodiy faoliyat turlari bo‘yicha o‘shish sur‘atlari tahlil qilingan. Shuningdek, O‘zbekistonda sanoat tarmog‘idagi korxonalarining erishayotgan ko‘rsatkichlarini, ularning rivojlanish bosqichlari va ularga ta'sir qiluvchi omillarning o‘ziga hos xususiyatlari, sanoat statistikasiga oid statistik ko‘rsatkichlar tizimini tahlil etishning xorij tajribasi talqin qilingan.

Kalit so‘zlar: Makroiqtisodiyot, YaIM, sanoat, sanoat statistikasi, kimyo sanoati, iqtisodiy-statistik tahlil usullari, induksiya va deduksiya, ilmiy abstraksiyalash, statistik jadval va grafiklar, statistik guruhlash, ekspert baholash, dinamik qatorlar va iqtisodiy indekslar, tahlil va sintez

Аннотация. В данной статье проведен экономико-статистический анализ состояния развития химической промышленности Республики Узбекистан и регионального роста ВВП Узбекистана, динамика роста ВВП на душу населения в Узбекистане и темпы его роста по видам проанализирована экономическая деятельность. анализ экономической деятельности. Также интерпретируется зарубежный опыт анализа показателей, достигнутых предприятиями промышленного сектора Узбекистана, этапы их развития и особенности влияющих на них факторов, система статистических показателей, относящихся к статистике промышленности.

Ключевые слова: Макроэкономика, ВВП, промышленность, статистика промышленности, химическая промышленность, методы экономико-статистического анализа, индукция и дедукция, научное реферирование, статистические таблицы и графики, статистическая группировка, экспертная оценка, динамические ряды и экономические показатели, анализ и синтез.

Abstract. This article provides an economic and statistical analysis of the state of development of the chemical industry of the Republic of Uzbekistan and regional

GDP growth in Uzbekistan, the dynamics of GDP per capita growth in Uzbekistan and its growth rates by type, economic activity is analyzed. It also interprets foreign experience in analyzing the indicators achieved by enterprises in the industrial sector of Uzbekistan, the stages of their development and the features of the factors influencing them, the system of statistical indicators related to industrial statistics.

Key words: *Macroeconomics, GDP, industry, industrial statistics, chemical industry, methods of economic and statistical analysis, induction and deduction, scientific abstracting, statistical tables and graphs, statistical grouping, peer review, time series and economic indicators, analysis and synthesis.*

KIRISH

Kimyo sanoati milliy iqtisodiyotning asosiy tarmoqlaridan biridir. Hozirgi vaqtda global iqtisodiyotni qayta qurish va yuqori texnologiyalarni rivojlantirish bilan bog'liq holda, neft-kimyo sanoatining uchinchi tuzilmasi aktivlarni qayta tashkil etishning asosiy biznesga konsentratsiyasini va kapitalni ko'p talab qiladigan texnologiyadan texnologiyaga qadar rivojlanishni o'z ichiga oladi. Mamlakat iqtisodiyotiga har tomonlama sanoat tarmog'ining rivojlanish darajasiga qarab baho berilishi ushbu tarmoqning iqtisodiyotda qay darajada tutgan o'rini aniqlab beradi.

Hayot darajasiga qo'shgan hissasi tufayli zamonaviy hayotning muhim tarkibiy qismlaridan biri bo'lgan kimyoviy moddalar oziq-ovqatdan tortib to toza suv ta'minoti, kiyim-kechak va maishiy, sog'liqni saqlash va transport, yarim o'tkazgich zanjirlari va texnologiyalari kabi sohalarda hal qiluvchi rol o'ynaydi¹⁴⁴.

Kimyo sanoati - bu kimyoviy mahsulotlar va ularning hosilalarini ishlab chiqaradigan umumiy jarayonlar va muassasalar majmui hisoblanadi. Mamlakat iqtisodiyotini rivojlanishida kimyo sanoatini tutgan o'rini yanada kengroq yoritish uchun, ushbu tarmoqning asosiy jihatlariga e'tibor qaratish zarur hisoblanadi. Ma'lumki, sanoat tarmog'i ishlab chiqaradigan sanoati va tog'-kon sanoati va ochiq konlarni ishlashga bo'linadi.

Ishlab chiqaradigan sanoat – bu tarmoq yangi mahsulot chiqarish maqsadida modda yoki komponentlarni, materiallarni, garchi ishlab chiqarishning ma'lum turi uchun birdan – bir to'liq me'zon hisoblanmasa ham, fizik yoki kimyoviy qayta ishlashni o'z ichiga oladi.

Tog'-kon sanoati va ochiq konlarni ishlash – tabiatda qattiq jinslar shaklida uchraydigan (ko'mir, ruda), suyuq holatda uchraydigan (neft) yoki gazzimon holatda uchraydigan (tabiiy gaz) foydali qazilmalarni qazib olishni o'z ichiga oladi. Sanoat

¹⁴⁴ Ertek, E., (2014), Kimya Sektörü Raporu, TSKB Ekonomik Araştırmalar, <http://www.tskb.com.tr> (5.03.2017).

tarkibida eng katta ulush ishlab chiqaradigan sanoat hissasiga to‘g‘ri kelib, 25,5 trln. so‘mni, jami sanoat ishlab chiqarishidagi ulushi 75,8 % ni tashkil etdi¹⁴⁵.

Iqtisodiyotda qishloq xo‘jaligida mineral o‘g‘itlardan tortib to xizmatlar sohasida ham tarmoqda ishlab chiqariladigan kimyoviy mahsulotlar nafaqat iqtisodiyotda, balki, ijtimoiy jihatdan hayotimizning barcha jabhalarida beqiyos ahamiyatga ega hisoblanadi. Shuni inobatga olib mamlakatimizda iqtisodiy barqarorlikni ta‘minlashda kimyo sanoatini yanada rivojlantirishga jiddiy e‘tibor qaratilmoqda. Xususan, “2022-2026-yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasida sanoatning yetakchi tarmoqlari va iqtisodiyotni yanada liberallashtirish hamda transformatsiya jarayonlarini yakunlash maqsadida “Energiya resurslari va tabiiy gaz bozorlarini ijtimoiy himoya kafolatlarini belgilagan holda erkinlashtirib, sohaga xususiy investitsiyalarni keng jalb qilish hamda ehtiyojmand aholini himoya qilish uchun ijtimoiy iste‘mol normalarini kiritish, iqtisodiyot tarmoqlari va aholiga neft-gaz mahsulotlarini uzluksiz yetkazib berilishini ta‘minlash, mis sanoati klasterini tashkil etish orqali mis va boshqa mahsulotlar ishlab chiqarish hajmini 2 baravar ko‘paytirish kabi vazifalar belgilab berilgan¹⁴⁶.

Hozirgi vaqtda global iqtisodiyotni qayta qurish va yuqori texnologiyalarni rivojlantirish bilan bog‘liq holda, neft-kimyo sanoatining uchinchi tuzilmasi aktivlarni qayta tashkil etishning asosiy biznesga konsentratsiyasini va kapitalni ko‘p talab qiladigan texnologiyadan texnologiyaga qadar rivojlanishni o‘z ichiga oladi¹⁴⁷.

USULLAR

Kimyo sanoatida sodir bo‘layotgan o‘zgarishlarni statistik tahlil qilish va kelgusi davrlar uchun ushbu o‘zgarishlarga ta‘sir qilayotgan asosiy omillarni baholash va ularni zaruriy darajada bo‘lishini ta‘minlash orqali tarmoqda barqaror rivojlanishni ta‘minlash zarur. Bunda, albatta, turli statistik usul va qoidalardan foydalanish zarur bo‘ladi. Xususan, korrelatsion-regression tahlil, trendli tahlil, statistik kuzatish, guruhlash, mutloq, nisbiy va o‘rtacha miqdorlar, grafik, matematik-statistika va ekonometrika usullardan foydalanib tadqiqot olib boriladi.

Tadqiqot jarayonida O‘zbekiston Respublikasida kimyo sanoati va undagi o‘zgarishlarning iqtisodiyotga ta‘sirini statistik baholanib, kelgusi davrlarda tarmoqda barqaror o‘shishni ta‘minlash uchun, tadqiqot natijalaridan kelib chiqib, ayrim ilmiy taklif va tavsiyalar keltirib o‘tilgan.


¹⁴⁵ www.stat.uz rasmiy sayt ma‘lumotlari asosida muallif tomonidan ishlangan.

¹⁴⁶ O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoevning 2022-yil 28-yanvardagi “2022-2026-yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida”gi PF-60 sonli farmoni. www.lex.uz

¹⁴⁷ Li Q., Song J., Wang E., Hu H., Zhang J., Wang Y., 2014, Economic growth and pollutant emissions in China: a spatial econometric analysis. Stochastic environmental research and risk assessment, 28(2), 429-442, DOI: 10.1007/s00477-013-0762-6.

NATIJALAR.

Statistik ma’lumotlarga ko‘ra, 2022- yilning yanvar-dekabr oylarida respublika korxonalarini tomonidan 551,1 trln. so‘mlik (dastlabki ma’lumotlar bo‘yicha) sanoat mahsulotlari ishlab chiqarilgan bo‘lib, 2021- yilning yanvar-dekabr oyiga nisbatan sanoat ishlab chiqarishining fizik hajmi indeksi* 105,2 % ni tashkil etgan¹⁴⁸. 2022- yilning yanvar-dekabr oylarida ishlab chiqaradigan sanoat korxonalarini tomonidan ishlab chiqarilgan mahsulotlar hajmi 458,2 trln. so‘mni yoki jami sanoat mahsulotlarining 83,2 % ini tashkil etdi. Yuqoridagi ma’lumotlardan ko‘rinib turibdiki, sanoat tarmog‘i rivojlanishi ijobiy holatda. Bu esa sanoatning iqtisodiyotga ta’sirini baholash orqali makroiqtisodiy ko‘rsatkichlarga uning ta’sirini aniqlash imkonini beradi. Sanoat tarmog‘i mamlakatimiz iqtisodiyotining asosiy tarmog‘iga aylanib, iqtisodiy barqarorlikni ta’minlashda o‘ziga xos o‘ringa ega bo‘lib kelmoqda. Buni quyidagi rasmda keltirilgan ma’lumotlar asosida ko‘rishimiz mumkin bo‘ladi (1-rasm).



1-rasm. 2022-yilda O‘zbekiston Respublikasining YaIM tarkibi, %da¹⁴⁹

2000-yilda YaIM tarkibida sanoat 16,2 %ni tashkil qilgan bo‘lsa, xizmatlar 42,5% ni tashkil qilib, bu eng yuqori ulush hisoblangan. 2022 –yilg akelib bu ko‘rsatkich sanoatda 26,7% ni tashkil qilgan bo‘lsa, xizmatlar eng yuqori ulushga egalik qilishni saqlab qolgan (41,5%). Ushbu ko‘rsatkichlar sanoatda ijobiy holatligini anglatadi, ammo, ushbu ko‘rsatkichlarda kimyo sanoati qay darajada o‘ringa ega bo‘layotganligini aniqlash uchun quyidagi raqamlarni keltirib o‘tamiz. Ishlab chiqaradigan sanoat tarkibida oziq-ovqat, ichimliklar va tamaki mahsulotlarini ishlab chiqarishning ulushi – 17,2 % (2021 yilning yanvar'-dekabr' oylariga nisbatan fizik hajm indeksi 109,2 %), kimyo mahsulotlari, rezina va plastmassa buyumlarini ishlab chiqarishning ulushi – 9,2 % (2021 yilning yanvar'-dekabr' oylariga nisbatan fizik hajm indeksi 97,7 %)ni tashkil etdi. Umuman olganda, sanoatning barcha

¹⁴⁸ www.stat.uz rasmiy sayt ma’lumotlari asosida muallif tomonidan ishlangan.

¹⁴⁹ www.stat.uz rasmiy sayt ma’lumotlari asosida muallif tomonidan ishlangan.

sohalariga va umumiy iqtisodiyot tarmoqlarida homashyodan to tayyor mahsulotni haridorga yetkazishgacha bo‘lgan jarayonlarda kimyo sanoati juda katta xissaga ega hisoblanadi.

Mineral o‘g‘itlar - O‘zbekiston kimyo sanoatining asosiy mahsulotidir. Tarmoq korxonalarida respublika qishloq xo‘jaligi uchun zarur bo‘lgan ammofos, ammiak silitrasi, superfosfat, karbamid, suyultirilgan ammiak ishlab chiqariladi. Chunonchi, Chirchiq elektrokimyo kombinati, Farg‘ona azotli o‘g‘itlar, Navoiy kimyo birlashmalarida - azotli o‘g‘itlar, Qo‘qon superfosfat zavodi, Samarqand kimyo zavodi, Olmaliq "Ammofos" birlashmasida - ammofos, oddiy va ammoniy birlashgan superfosfat, quruq ammoniy kabi fosforli o‘g‘itlar ishlab chiqariladi. Respublika kimyo sanoati korxonalarida bir yilda 2,8 mln. t. azotli, 1,2-1,3 mln. t. fosforli o‘g‘itlar ishlab chiqarish quvvatiga ega.

Mamlakat o‘zining mineral o‘g‘itlarga bo‘lgan ehtiyojini to‘la qondiradi va ma‘lum qism (o‘rtacha yiliga 26-30 mln. AQSH dollariga teng miqdorda) o‘g‘itni chetga eksport qiladi. Biroq, O‘zbekistonda kaliyli o‘g‘it ishlab chiqarilmaydi. Shuning uchun Qashqadaryo viloyatidagi kaliy tuzlari negizida Tubagatan kaliy zavodi qurilmoqda. Soda sanoatining Markaziy Osiyodagi yagona bo‘lgan korxonasi Qo‘ng‘irot soda zavodi bo‘lib, uning yillik loyiha quvvati 210 ming t. soda. Hidroliz korxonalariga Farg‘ona furon birikmalari, Yangiyo‘l biokimyo, Andijon gidroliz zavodlari kiradi. Asosiy xom ashyo-chigit shulxasi, sholi qibig‘idan texnik etil spirti, furfurool, ozuqa achitqilari (xamirturush), furil spirti va boshqa mahsulotlar olinadi.

O‘zbekistonda mahalliyashtirish dasturlari asosida belgilab berilgan avtomobil sanoatida kooperatsiyani yanada rivojlantirish orqali ishlab chiqarish hajmini 1,4 baravarga, eksport hajmini 2 baravarga ko‘paytirish va mahalliyashtirish darajasini oshirish hamda Chirchiq shahrida qishloq xo‘jaligi mashinasozligi ishlab chiqarishini yagona sanoat klasteri usulida tashkil etishga mos ravishda kimyo sanoati korxonalarida mahalliyashtirish ishlari jadal olib borilmoqda.

2-jadval

“Kimyosanoat” AJ korxonalarining mahalliyashtirgan mahsulotlari hajmi, 2022-yil holatiga¹⁵⁰

№	Korxonasi nomi	Mahalliyashtirilgan mahsulot nomi	o‘lchov birligi	Hajmi	Summa (mln.so‘m)
1	"Maksam-Chirchiq" AJ	Modifikatsiyalangan g‘avakli selitra	tn.	1650,46	3919,71
2	"Maksam-Chirchiq" AJ	Oltingugurt-magniy mikroelementi bilan boyitilgan karbamid	tn.	2500	4400,49
3	"Maksam-Chirchiq" AJ	Magniy nitrat	tn.		
4	"Maksam-Chirchiq" AJ	Ammiakli selitra uchun yopishqoqlikka qarshi reagent	tn.	19,2	593,02

¹⁵⁰ “O‘zkimyosanoat” AJ ma‘lumotlari asosida muallif hisob kitoblari

5	"Maksam-Chirchiq" AJ	Zichligi past ammoniy nitrat eritmasi	tn.	4027,99	5320,99
6	"Maksam-Chirchiq" AJ	Nanometrik rux oksidi	tn.	14,69	722,8
7	"Maksam-Chirchiq" AJ	Granullangan uglerod oksidi	tn.	31,29	68,12
8	"Maksam-Chirchiq" AJ	Suvda to‘liq eruvchan NPKMg o‘g‘itlari	tn.	2	28,92
9	"Farg‘onaazot" AJ	Suyuq holatdagi murakkab o‘g‘it	tn.		
10	"Farg‘onaazot" AJ	"S-Polyflok" markali yopishqoqlikka qarshi reagent	tn.	25	71,12
11	"Farg‘onaazot" AJ	Uchlamchi natriy fosfat	tn.	22,14	177,08
12	"Farg‘onaazot" AJ	Natriy bikarbonat	tn.	996,3	3490,37
13	"Navoiyazot" AJ	Tiomochevina	tn.	549,24	17527,24
14	"Navoiyazot" AJ	Polivinilxlorid (PVX)	tn.	12334,2	146816,42
15	"Birinchi rezinotexnika zavodi" MChJ	Avtomobil' shinalari	ming dona	119,65	28472,85
16	"Birinchi rezinotexnika zavodi" MChJ	Qishloq xo‘jaligi texnikalari shinalari	ming dona	0,9	626,09
17	"Birinchi rezinotexnika zavodi" MChJ	Konveyer lentalarini	ming p/m	5,22	11630,45
18	"Jizzax plastmassa zavodi" AJ	ND 710-1200 mm. polietilen fittinglar	tn.	12	285
19	"Ammofos-Maksam" AJ	Murakkab o‘g‘it – ammoniy sul‘fat-fosfati	tn.		
20	"Ammofos-Maksam" AJ	Donadorlangan sul‘fat ammoniya	tn.	8000	14430,4
21	"Qo‘ng‘irot soda zavodi" MChJ	A markali kalsinasiyalangan soda	tn.		
22	"Dehqonobod kaliy zavodi" AJ	Kraxmal	tn.	153,5	553,3
23	"Dehqonobod kaliy zavodi" AJ	Suyuq parafin	tn.	3,94	42,8

Yuqorida keltirilgan mahsulotlar sanoat tarmog‘i va qishloq xo‘jaligida keng foydalaniladigan mahsulotlar hisoblanadi. Bu mamlakatimizda qo‘shimcha ishchi o‘rni yaratish bilan birga arzon homashyo bilan ta‘minlanishni, eng asosiysi, xorijga iqtisodiy qaramlikni kamayishiga olib keladi. Shuningdek, mamlakatimizning valyuta zaxiralariga ham o‘zining ijobiy ta‘sirini ko‘rsatadi.

Qishloq xo‘jaligini rivojlanishida ham kimyo sanoatining ahamiyati beqiyos. Chunki, mineral o‘g‘itlar va yoqilg‘I moylash mahsulotlari ushbu tarmoqda eng asosiy o‘ringa ega hisoblanadi. So‘nggi yillarda mineral o‘g‘itlarni sotishning bozor mexanizmlarini joriy etish, kimyo sanoati korxonalarining qarzdorliklarini restrukturizatsiya qilish yuzasidan ko‘rilgan choralar ularni moliyaviy sog‘lamlashtirishga va ishlab chiqarish quvvatlaridan foydalanish darajasini oshirishga imkon berdi. Shu bilan birga, kimyo tarmog‘ini yanada rivojlantirish va diversifikatsiya qilish, kimyo mahsulotlari ishlab chiqarishning mavjud quvvatlarini modernizatsiya qilish va yangilarini qurish uchun investitsiyalarni jalb qilish hamda

eksport hajmini kengaytirishga to‘sqinlik qilayotgan tizimli muammolar saqlanib qolmoqda.

Xususan, investitsion jozibadorlikning pastligi va tarmoqni rivojlantirish uchun o‘z mablag‘larining yetarli emasligi xomashyo resurslarini chuqur qayta ishlash bo‘yicha ilg‘or texnologiyalarni joriy qilish imkonini bermayapti, buning oqibatida ishlab chiqarilayotgan mahsulotda mineral o‘g‘itlar ulushining yuqoriligi saqlanib qolmoqda.

Kimyo mahsulotlari ishlab chiqarish sohasida jahon kimyo sanoati rivojlanishining tendensiyalarini va respublikaning muhim xomashyo salohiyatini hisobga oluvchi fundamental ilmiy baza va zamonaviy loyiha-injining ishlanmalari mavjud emas.

Kimyo tarmog‘ini yanada diversifikatsiya qilish, yangi ishlab chiqarish quvvatlarini yaratish hamda ichki va tashqi bozorlarda talab yuqori bo‘lgan mahsulotlar nomenklaturasini kengaytirish uchun to‘g‘ridan-to‘g‘ri investitsiyalarni jalb qilish, yetakchi xorijiy institutlarni jalb qilgan holda zamonaviy ilmiy va loyiha bazasini yaratish, shuningdek, “O‘z kimyosanoat” AJ korxonalarining moliyaviy barqarorligini oshirish maqsadida O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining qator qarorlari qabul qilindi.

MUNOZARA

AQSh kimyo iqtisodiyoti umumiy iqtisodiyotning katta qismini tashkil etadi, ammo uning muhim xususiyati iqtisodiyotning boshqa ko‘plab tarmoqlariga, jumladan sog‘liqni saqlash, ishlab chiqarish va boshqalarga ta‘siridir. Qo‘shma Shtatlardagi kimyo iqtisodiyotining ma‘lum jihatlariga tayanadigan barcha tarmoqlar jami 5,2 trillion dollarni tashkil etadi. Fundamental tadqiqotlar AQSH kimyo iqtisodiyoti uchun muhim ahamiyatga ega, chunki u monumental o‘zgarishlar bilan bir qatorda qo‘shimcha bosqichlarni ham ta‘minlaydi. Milliy fanlar, muhandislik va tibbiyot akademiyalari tomonidan kimyoviy bilimlar, mahsulotlar va jarayonlarning tarqalishi tufayli kimyo iqtisodiyotdagi bosqichma-bosqich yutuqlar umumiy iqtisodiyotga ko‘proq ta‘sir ko‘rsatadi. Kimyo sanoati yalpi ichki mahsulotga (YaIM), bandlikka va milliy raqobatbardoshlikka qo‘shgan hissasi orqali iqtisodiyotga sezilarli darajada bevosita ta‘sir ko‘rsatadi¹⁵¹.

Hounshell va Smit (1988) tomonidan ta‘kidlanganidek, ushbu yangilikning muvaffaqiyati DuPont‘da tadqiqotga asoslangan yondashuvni rag‘batlantirdi. Neylon ishlab chiqarishdan tashqari, sanoat kimyogarlari tomonidan olib borilgan asosiy tadqiqotlar poliester, turli akril, neopren va boshqa ko‘plab polimerlar kabi ko‘plab polimerlarni kashf qilish va ishlab chiqarishga olib keldi.

¹⁵¹ Ertek, E., (2014), Kimya Sektörü Raporu, TSKB Ekonomik Araştırmalar, <http://www.tskb.com>

AQSh kimyo sanoati kimyoviy mahsulotlar ishlab chiqarish jarayonlarini rivojlantirishda ham ahamiyatli bo‘ldi. Kimyoviy ishlab chiqarishni kengaytirish, masalan, oltingugurt kislotasi yoki o‘g‘itlar, kimyoviy tadqiqotchilar va muhandislar o‘rtasidagi samarali hamkorlik edi¹⁵².

Srodowska R.O. o‘zining tadqiqotlarini Yevropa Ittifoqida kimyo sanoatining iqtisodiy va ekologik samaradorligini aniqlash ustida olib borgan. U Yevropa Ittifoqi mamlakatlari kimyo sanoatining eng yuqori iqtisodiy va ekologik samaradorlik darajasini, ularda ro‘y berayotgan kimyo sanoatining iqtisodiy va ekologik samaradorliklaridagi o‘zgarishlar hamda ular unumdorligi ortishiga ta’sir qiluvchi omillarni aniqlashga harakat qilgan¹⁵³.

Yevropa Ittifoqida kimyoviy ishlab chiqarish uchta mahsulot sohasini, ya’ni, asosiy kimyoviy moddalar, maxsus kimyoviy moddalar va iste’molchi kimyoviy moddalarni qamrab oladi¹⁵⁴.

Xalq xo‘jaligining asosiy tarmoqlaridan biri bo‘lgan kimyo sanoati xalq xo‘jaligi va xalq hayoti bilan chambarchas bog‘liqdir. Bu har bir mamlakat uchun milliy iqtisodiyotning muhim asosiy sanoati va xomashyo yetkazib beruvchisi hisoblanadi¹⁵⁵.

Kimyo majmuasi korxonalarini sanoat ishlab chiqarishining barcha sohalari uchun, shuning uchun xom ashyo, oraliq mahsulotlar, turli materiallar (plastmassa, kimyoviy tolalar, shinalar, laklar va bo‘yoqlar, bo‘yoqlar, mineral o‘g‘itlar va boshqalar) yetkazib beruvchi soha bo‘lganligi bois ular iqtisodiy tarmoqlarning rivojlanish ko‘lami va yo‘nalishiga sezilarli darajada ta’sir ko‘rsatishi mumkin¹⁵⁶.

Kimyo sanoati bizni hayotning barcha sohalarida mavjud bo‘lgan mahsulotlar bilan ta’minlaydi. Kosmetika, avtomobilsozlik, qurilish, farmasevtika, oziq-ovqat va boshqa ko‘plab sohalarda xom ashyo va kimyoviy komponentlarsiz mavjud bo‘lolmaydi. Shunday qilib, kimyo sektori dunyodagi yeng yirik va yeng muhim sanoat tarmoqlaridan biridir¹⁵⁷.

Sanoatning muhim tarkibiy qismlaridan biri bo‘lgan kimyo sanoati jahon iqtisodiyotini rivojlantirishda, qurilish va ishlab chiqarishning xom ashyo bazasini

¹⁵² Arora, A., and A. Gambardella. 2010. Implications for Energy Innovation from the Chemical Industry. Working Paper 15676. National Bureau of Economic Research. <https://www.nber.org>

¹⁵³ Srodowska R.O. Economic and Environmental Efficiency of the Chemical Industry in Europe in 2010-2016. Middle pomeranian scientific society of the environment protection. Volume 21. Year 2019 ISSN 1506-218X p.1393-1404

¹⁵⁴ Cefic. (2017). Facts & Figures 2017 of the European Chemical Industry. Cefic: Brussels.

¹⁵⁵ Garcia-López M.Á., Muñoz I., 2013, Urban spatial structure, agglomeration economies, and economic growth in Barcelona: An intra-metropolitan perspective, Papers in Regional Science, 92(3)

¹⁵⁶ Arora, A., and A. Gambardella. 2010. Implications for Energy Innovation from the Chemical Industry. Working Paper 15676. National Bureau of Economic Research. <https://www.nber.org>

¹⁵⁷ Hounshell, D. A., and J. K. Smith. 1988. Science and Corporate Strategy: Du Pont R&D, 1902-1980. Cambridge, UK: Cambridge University Press.

kengaytirishda muhim rol o‘ynaydi. Bugungi kunda kimyo majmuasi atrof-muhitni ifloslantiruvchi asosiy vositalardan biri bo‘lishiga qaramay, u sanoat chiqindilarini zararsizlantirish yoki ulardan foydalanishga qodir texnologiyalarni yaratishga asoslangan¹⁵⁸.

XULOSA VA TAKLIFLAR

Rasmiy statistik ma’lumotlarga ko‘ra, sanoat (qurilishni qo‘shganda) da yaratilgan yalpi qo‘shilgan qiymat 2021-yilda 186 978,2 mlrd. so‘mni tashkil qilgan bo‘lsa, 2022-yilda ushbu ko‘rsatkich 220 704,3 mlrd. so‘mni tashkil qilgan. Bunga, albatta, tog‘-kon sanoati va ochiq konlarni ishlash hamda ishlab chiqaradigan sanoat sohalarida yaratilgan yalpi qo‘shilgan qiymat hajmining ortishi orqali erishilgan. Shundan kelib chiqib, sanoat tarmog‘ining samaradorligiga to‘g‘ridan-to‘g‘ri ta’sir qiluvchi asosiy vositalarning zamon talabiga mosligini inobatga olib, tarmoqni rivojlantirish uchun kiritilayotgan investitsiyalar tarkibida asosiy vosita va nomoddiy aktivlarning ulushini oshirish maqsadga muvofiq bo‘lar edi.

Iqtisodiyotning barcha tarmoqlari faoliyatida asosiy o‘ringa ega bo‘lgan kimyo sanoatini rivojlantirish uchun “Kimyosanoat” AJga kiruvchi korxonalariga kiritilayotgan investitsiyalar tarkibida zamonaviy texnika va asosiy vositalarning ulushini oshirish maqsadga muvofiq bo‘lar edi.

Kimyoviy moddalar kundalik hayotimizda muhim rol o‘ynaydi. Ular har kuni biz tayanadigan mahsulotlarning qurilish bloklari bo‘lib, ular oziq-ovqat xavfsizligiga hissa qo‘shadi va ba’zi hollarda hatto salomatligimizni himoya qilishga yordam beradi. Shu bilan birga, ular salbiy ta’sirga ham ega hisoblanadi. Kimyoviy moddalar keng tarqalgan foydalanishga ega va kundalik hayotimizda shunday muhim rol o‘ynaganligi sababli, barqaror foydalanishni ta’minlash bilan birga inson va atrof muhitga zararli ta’sirlarni kamaytirish kerak. Shuningdek, iqtisodiy jihatdan yuqori samara olishni maqsad qilgan holda kimyoviy unsurlarni me’yoridan ortiqcha miqdorda ishlatish va qazilma boyliklardan isrofgarchilik bilan foydalanish kelgusi davrlarda o‘zining salbiy oqibatlarini namoyon etadi.

ADABIYOTLAR (REFERENCES):

11. Ertek, E., (2014), Kimya Sektörü Raporu, TSKB Ekonomik Araştırmalar, <http://www.tskb.com.tr> (5.03.2017).
12. www.stat.uz rasmiy sayt ma’lumotlari asosida muallif tomonidan ishlangan.
13. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoevning 2022-yil 28-yanvardagi “2022-2026-yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida”gi PF-60 sonli farmoni. www.lex.uz

¹⁵⁸ National Academies of Sciences, Engineering, and Medicine. 2022. The Importance of Chemical Research to the U.S. Economy. Washington, DC: The National Academies Press. <https://doi.org/10.17226/26568>

14. Li Q., Song J., Wang E., Hu H., Zhang J., Wang Y., 2014, Economic growth and pollutant emissions in China: a spatial econometric analysis. Stochastic environmental research and risk assessment.
15. Ertek, E., (2014), Kimya Sektörü Raporu, TSKB Ekonomik Araştırmalar, <http://www.tskb.com>
16. Arora, A., and A. Gambardella. 2010. Implications for Energy Innovation from the Chemical Industry. Working Paper 15676. National Bureau of Economic Research. <https://www.nber.org>
17. Srodowiska R.O. Economic and Environmental Efficiency of the Chemical Industry in Europe in 2010-2016. Middle pomeranian scientific society of the environment protection. Volume 21. Year 2019 ISSN 1506-218X p.1393-1404
18. Cefic. (2017). Facts & Figures 2017 of the European Chemical Industry. Cefic: Brussels.
19. Garcia-López M.À., Muñiz I., 2013, Urban spatial structure, agglomeration economies, and economic growth in Barcelona: An intra-metropolitan perspective, Papers in Regional Science, 92(3)
20. Arora, A., and A. Gambardella. 2010. Implications for Energy Innovation from the Chemical Industry. Working Paper 15676. National Bureau of Economic Research. <https://www.nber.org>
21. Hounshell, D. A., and J. K. Smith. 1988. Science and Corporate Strategy: Du Pont R&D, 1902-1980. Cambridge, UK: Cambridge University Press.
22. National Academies of Sciences, Engineering, and Medicine. 2022. The Importance of Chemical Research to the U.S. Economy. Washington, DC: The National Academies Press. <https://doi.org/10.17226/26568>
23. www.stat.uz rasmiy sayti.

АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ИФОДАЛОВЧИ СТАТИСТИК КЎРСАТКИЧЛАР ТИЗИМИ ВА УНИНГ ТАҲЛИЛИ



<https://doi.org/10.5281/zenodo.10542421>

Акбарова Зарипа

ТДИУ Статистика кафедраси доценти

+998998817008

Аннотация: Бандлик иш жойидан қатъи назар, кишилар ўртасида ижтимоий фойдали меҳнатда иштирок этиш борасида ижтимоий-иқтисодий муносабатлардир. Бандлик аҳолининг ҳаётини эҳтиёжи, шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларни қондирувчи, жамиятнинг ишлаб чиқарувчи кучини шакллантирувчи фаолият, демак, бандликни, бир томондан, даромад келтирувчи фаолият, бошқа томондан, жамиятнинг ишлаб чиқарувчи кучи сифатида кўрилади.

Калит сўзлар: бандлик, яшил ишсизлик, яшил бандлик, экотехнология, жамият, яшил касб, даромад.

СИСТЕМА СТАТИСТИЧЕСКИХ ПОКАЗАТЕЛЕЙ ЗАНЯТОСТИ НАСЕЛЕНИЯ И ЕЕ АНАЛИЗ

Аннотация: Занятость – это социально-экономические отношения между людьми независимо от места работы, заключающиеся в участии в общественно полезном труде. Занятость является жизненной потребностью населения, деятельностью, удовлетворяющей личные и общественные потребности, формирующей производительную силу общества, поэтому занятость рассматривается как деятельность, приносящая доход, с одной стороны, и как производительная сила общества, с другой стороны.

Ключевые слова: занятость, зеленая безработица, зеленая занятость, экотехнологии, общество, зеленые профессии, доход.

SYSTEM OF STATISTICAL INDICATORS REPRESENTING POPULATION EMPLOYMENT AND ITS ANALYSIS

Abstract: Employment is a socio-economic relationship between people, regardless of the place of work, in terms of participation in socially useful work. Employment is a vital need of the population, an activity that satisfies personal and social needs, and forms the productive force of society, therefore, employment is seen

as an activity that brings income, on the one hand, and as a productive force of society, on the other hand.

Key words: *employment, green unemployment, green employment, eco-technology, society, green profession, income.*

КИРИШ

Ишсизлик деганда иш топишга қодир бўлмаган: фаол, меҳнатга лаёқатли аҳоли, ижтимоий-иқтисодий вазияти тушунилади. Ишсизлик, иш топишга интилаётган кишилар сонининг бу иш жойларига мурожаат этувчилар сонининг касб ва малакасига мос келувчи мавжуд иш жойлари сонидан кўплиги билан белгиланади. Ишсизлар иш излаётган, меҳнат биржасида қайт этилиб, ўз маълумотларига, иш қобилиятларига, касбига мувофиқ иш топиш учун ҳақиқий имкониятга эга бўлмаган меҳнатга лаёқатли фуқаролардир. Халқаро меҳнат ташкилоти тавсияларига кўра, статистика бандларни ва ишсизларни сонини иқтисодий фаол аҳолининг икки қисми, яъни ишчи кучи сифатида ўрганади. Унинг ўлчови макроиқтисодий мониторингни олиб бориш ва бандлик стратегиясини ишлаб чиқиш имконини беради.

Меҳнат бозоридаги вазият нафақат иш билан банд аҳолини ва ишсизларнинг мутлоқ сони орқали, балки ишчи кучи ва бандлик даражаси орқали ҳам баҳоланади, улар давр бошида (охирда) ёки ўртача йиллик иқтисодий фаол аҳоли сонига нисбадан ҳисобланади, ишчи кучи тегишли категориясининг улуши сифатида аниқланади:

$$\text{Ишсизлик даражаси} = \frac{\text{ишсизлар сони}}{\text{иқтисодий фаол аҳоли сони}} \times 100$$

$$\text{Бандлик даражаси} = \frac{\text{Бандлар сони}}{\text{Иқтисодий фаол аҳоли сони}} \times 100$$

Иш билан бандлик даражаси маълум ёш аҳоли тоифасига нисбатан ҳам ҳисобланади. Ушбу икки бандлик кўрсаткичи ўзаро боғлиқ:

$$\begin{aligned} &0,01 \times (\text{бандлик даражаси}(\%)) \\ &\quad \times \text{Аҳолининг иқтисодий фаоллик даражаси}(\%) \\ &= \text{Аҳоли орасида бандлик}(\%) \end{aligned}$$

Бандлик даражаси меҳнатга лаёқатли аҳолининг ижтимоий фойдали меҳнат соҳасида қўланиши бандлик даражасини белгилайди. Мазкур кўрсаткичнинг хажми мамлакатдаги шаклланган иқтисодий вазиятни акс эттиб, бунга жамиятда: фан-техника тараққиёти шаклланишига, ишлаб чиқариш

кучларига, аҳоли таминланиш даражаси таъсир кўрсатади. Бандлик тўлиқ, қисман ва яширин бўлиши мумкин.

Тўлиқ иш билан бандлилик ҳар бир фаол кишига банд ёки ишсиз бўлишни хоҳишига кўра танлаш имкониятини берувчи шароитларини шакллантиришга боғлиқ. Тўлиқ иш билан бандлик меҳнатга лаёқатли ёшдаги меҳнатга лаёқатли аҳолининг барчаси иш билан таъминланиши шарт дегани эмас. Бир қатор ҳолатлардан келиб чиқиб, айрим фаол кишилар меҳнат жараёнида (фақат касбини ўзгартириш истаги туфайли ишламайдиган кишилар; болаларга ғамхўрлик қилаётган аёллар ва ҳоказо) иштирок эта олмаслиги ҳам мумкин.

Адабиётлар шарҳи

Маҳаллий тадқиқотчилар Ш.Р. Холмуминов ва Н.У Арабовлар¹⁵⁹ меҳнат бозори инфратузилмаси ва унинг таркибий қисмлари ўзаро узвий боғлиқдиги илмий-назарий жиҳатдан таҳлил этилиб, уни ривожлантириш самарадорлигини комплекс баҳолаш ва истиқболлаштириш услубияти ҳамда давлат ва нодавлат иш билан бандлик хизматлари шаклланиши ва ривожланишининг асосий йўналишлари аниқлаганлар. Шунингдек, меҳнат бозорини тартибга солишнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш ва меҳнат бозори инфратузилмасини ривожлантириш самарадорлигини оширишнинг стратегик концепсияси ишлаб чиқилган.

А.Е.Котляр меҳнат бозори субъектларининг иқтисодий манфаатларини мувофиқлаштиришда анча тор ёндашувда бўлган¹⁶⁰. Бундай ёндашув меҳнатбозорини ишдан озод бўлган меҳнатга лаёқатли шахслар билан чеклайди, бундай кишилар муайян вақтларда ўқишдан ёки ишдан бўш бўлиб, ишсиз қоладилар ва бошқа иш жойи кидираётган ёки биринчи марта меҳнат фаолиятига киришаётган бўладилар. Бундай назария намояндалари меҳнат бозорини одамнинг меҳнат қилишга бўлган қобилиятини айирбошлаш бўйича келишув жараёни билан чегаралайдилар ва бу қобилиятдан фойдаланиш меҳнат бозоридан ташқарида, меҳнат жараёнида рўй беради, деб таъкидлашади.

Инсоннинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро фактда бандлик бепул деган маънони англатади ва шахснинг ижтимоий зарурий фаолияти ҳисобланади деб таъкидлайди.

А.Л.Никифиров, Э.И. Рузавина, бандликни меҳнат фаолияти жараёни деб тушунади. А.Е. Котлярнинг сўзларига кўра., бандлик фаолият эмас, балки одамлар ўртасидаги ижтимоий муносабатлардир. Меҳнат бозори ва ундаги

¹⁵⁹ Xolmuminov Sh.R., Arabov N.U. Mexnat bozori infratuzilmasi. O'quv qo'llanma. - T.: "Fan va texnologiyalar", 2016. 150-155 b

¹⁶⁰ Kotlyar A.E. O ponyatii rynka truda // J. Voprosy ekonomiki. – Moskva, 2008. -No 1. – S 34-35.

муаммоларни ўрганишга қуйидаги иқтисодчилар: М.С.Маслова, С.Ю.Рошчин, ҳисса қўшган бўлса, бандликни ўрганиш бўйича илмий ишланмалар билан Э.Р.Саруханов, Э.В.Шуваева ва бошқалар шуғулланган. Статистик тадқиқотларнинг услубий воситаларини шакллантириш ва такомиллаштириш, меҳнат бозори фаолиятини таҳлил қилиш ва унинг ривожланишидаги структуравий тузилмаларни С.Д.Иленкова, И.А.Полякова, В.А.Сивелкин, Н.В.Савчук ва бошқалар ўз илмий тадқиқотларида ўрганишган.

ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Кейинги йилларда республикамиз меҳнат бозорида ўзгаришлар рўй берди. Янги Ўзбекистон тараққиёт дастури натижасида янги иш ўринлари ташкил этилмоқда, бандлик даражаси ошиб, ишсизлар сони камаймоқда. Натижада иш ҳақининг ошиши, тадбиркорлик фаолиятига берилаётган имтиёзлар, аҳоли даромадлари ҳам ортиб бормоқда. Мамлакатимиз меҳнат бозорини ўрганиш асосида кўп факторли эконометрияни яратиш муҳим аҳамиятга эга бандлик кўрсаткичига таъсир этувчи омилларга асосланган моделлар яратилмоқда.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Меҳнат ресурслари – ёши ва соғлиғи бўйича ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этишга қодир аҳолининг меҳнатга лаёқатли қисми. Қонунчиликка мувофиқ, меҳнатга лаёқатли аҳоли таркибига 16 ёшдан 55 ёшгаги аёллар ва 16 ёшдан 59 ёшдаги эркаклар киради. Меҳнатга лаёқатсиз гуруҳига: меҳнатга лаёқатли ёшдаги I ва II гуруҳ ишламайдиган ногиронлар, ишламайдиган меҳнат ёшидаги имтиёзли нафақахўрлар. Иш кучи (иқтисодий фаол аҳоли) деганда, ақлий жихатдан заиф болмаган, меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳолининг 16 ёшдан нафақа ёшигача, ишлайдиган ёки ишсизлар киритилинади. Булар маҳсулот ва хизматларни ишлаб чиқариш учун ишчи кучи таклифини таъминлайди. Умумий ишчи кучи ҳарбий хизматда бўлганлар билан ҳисобланиши ва ҳарбий хизматда бўлганларни ҳисобга олмаган ҳолда юритилади.

Меҳнат ресурсларига иқтисодий фаол аҳоли (амалда иш билан таъминланган ва ишсизлар), шунингдек маълум сабабларга кўра банд бўлмаган (иқтисодий нофаол аҳоли) киради. Ишсиз деб таснифланганда, юқорида кўрсатиб ўтилган учта мезон ҳам бўлиши керак. Ишсизлар, қаторига, бандлик хизмати йўналиши бўйича ўқиётган ёки меҳнат ҳақи билан таъминланмаган бандлик хизмати томонидан жалб этилган жамоат ишларини бажарадиган шахсларни ўз ичига киритади.

ХМТ методологиясига кўра, ишсизлар, қаторига иш излаётган ва ишни бошлашга тайёр бўлган: талабалар, ўқувчилар, ногирон ва пенсионерлар ҳам киритилади. Ишсизлар қаторига иш билан банд бўлмаган, иш изловчи сифатида меҳнат биржасида рўйхатдан ўтган ва ишсиз деб топилган шахслардир.

Тўлиқ бандлик бозор иқтисодиёти шароитида жуда кам учрайдиган ҳодиса бўлиб, ишчи кучига талаб унинг таклифига мос келганда бўлади. Қисман бандлик олдиндан белгиланган бўлиб буларга тўлиқ иш куни тўлиқ бўлмаган иш ҳафтаси давомида олдиндан белгиланган иш сифатида намоён бўлади. Тўлиқсиз иш куни (ҳафтаси) мамлакатимизда, мажбурий эмас, балки онгли равишда танлаган меҳнатни ташкил этиш шакли сифатида кенг қўлланилиши мумкин.

Яширин бандлик (потенциал ишсизлик) алоҳида эътиборга эга бўлиб, унда ишчилар тўлиқ бўлмаган бандлик тартибида ихтиёрий равишда ишламайди, маъмурият ташаббуси билан иш ҳақисиз ёки иш ҳақини қисман сақлаган ҳолда меҳнат қилиши. Бундай тўлиқ бўлмаган бандлик ишсизларнинг ҳақиқий сонини камайтиради. Иш билан банд бўлганлар ва ишсизлар (иқтисодий фаол аҳоли) минтақадаги меҳнат ресурсларининг таркибий қисмини белгилайдилар. Натижада босма нашрларда иш билан бандлилик ва ишсизлик даражаси кўпинча бандлар ва ишсизларнинг умумий ишчи кучидаги улуши сифатида ҳисоблаб чиқилади. Шу тарзда олинган бандлик ва ишсизлик даражаларининг кўрсаткичлари уларнинг қийматлари жиҳатидан (иқтисодий фаол аҳолининг фоизида) илгари таҳлил қилинганлардан пастроқ бўлади.

Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) методологиясига кўра иқтисодий фаол бўлмаган аҳоли таркибига меҳнат ресурсларига кирмайдиган яна иккита тоифа киради:

- 1) ҳеч қандай фаолият билан шуғулланмайдиган, нафақа оладиган шахслар. (қариллик учун, имтиёзли шартларда, боқувчисини йўқотгани учун) ва;
- 2) бирор-бир фаолият билан шуғулланмайдиган нафақа оладиган ва ногиронлар.

Танланма сўровномалар асосида, Халқаро меҳнат ташкилоти методологияси бўйича ҳисоблаб чиқилган ҳақиқий ишсизликни ва Давлат иш билан таъминлаш хизматида расмий рўйхатдан ўтказилган ишсизликни фарқлаш лозим. Бандлик хизматига ишга жойлашишни сўраб мурожаат қилган фуқароларнинг уч гуруҳи мавжуд:

- 1) ишлаётган, лекин иш жойини ўзгартириш ёки асосий иш жойидан бўш вақтда ўриндошлик бўйича ишлашга интилаётганлар;
- 2) умумий таълим мактаблари ва бошқа таълим муассасалари ўқувчилари, ўқишдан бўш вақтларида ишлашни истаган ўқувчилар;
- 3) иш қидириш жараёнида бўш бўлганлар.

Минтақада ишсизлик даражасини оптималлаштириш учун иш билан таъминлаш хизматига ишга жойлашишни сўраб мурожаат қилган учинчи гуруҳ фуқароларини ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бундай фуқароларнинг

аксарияти қонунчилик орқали расман тан олинган ишсизлар қаторига киритилади. Асосан, танланма кузатиш натижаларига кўра ишсизлик даражаси билан бандлилик бўйича давлат хизмати томонидан қайд этилган даражадан юқоридир, агар ишсизларнинг жинси бўйича таркиби ҳисобга олинса, бу кўрсаткичлар орасидаги фарқ янада сезиларли бўлади.

Ташкилот амалиёти нуқтаий - назаридан келиб чиқиб, қуйидаги кўрсаткичлар гуруҳлари ажратилади: бандликнинг мутлоқ кўрсаткичлари ва бандликнинг нисбий кўрсаткичлари; бандлик тузилмаси кўрсаткичлари. Такдим этилган гуруҳларнинг ҳар бири кўрсаткичлар сони билан ажралиб туради, бу иқтисодий фаолият турлари бўйича бандлик таркибида ўрганилаётган жараёнлар намойиш этилишининг сифати ва ахборот мазмуни билан боғлиқ. Мутлоқ кўрсаткичлар ҳар бир даражадаги иқтисодий салоҳиятни, мамлакат, минтақа, туманнинг ривожланиш имкониятларини тавсифлайди, чунки айнан банд аҳоли ишлаб чиқариш жараёнининг асосий элементи ҳисобланади. Нисбий кўрсаткичлар иқтисодиёт тармоқларнинг ривожланиш даражаси ва аҳолининг иқтисодиётга жалб қилинишини акс эттиради. Таъкидлаш жоизки, иқтисодий табақалаш ҳар бир даражасида таҳлил қилиш учун мавжуд кўрсаткичлар миқдори фарқланади.

Мутлоқ кўрсаткичлар:

- иқтисодиётда банд бўлганларнинг ўртача йиллик сони;
- иқтисодиётда банд бўлганларнинг тақсимланиши;
- иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи эркеклар ва аёллар сони;
- иқтисодиётда банд бўлганлар ва аёлларни иқтисодий фаолият турлари

бўйича тақсимлаш;

- иқтисодий фаолият турлари бўйича ёлланган ва нафақага чиққан ходимлар сони;

Нисбий кўрсаткичлар:

- фаолият ходимларини қабул қилиш айланма коэффиценти;
- иқтисодий фаолият турлари бўйича ходимларнинг бўшаши айланма коэффиценти;

- ходимларни иқтисодий фаолият турлари бўйича алмаштириш коэффиценти;

- иқтисодиётдаги банд бўлганларнинг умумий сонидagi иқтисодий фаолият турлари бўйича банд бўлганларнинг улуши;

- иқтисодиётда банд бўлганларнинг умумий сонидagi иқтисодий фаолият турлари бўйича аёллар сонининг улуши.

Жаҳон иқтисодиёти тизимига кириш билан, аҳоли иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши бошланди.

Янги стандартларга мувофиқ, банд бўлган аҳоли қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

- ёлланма ходимлар (корхона раҳбари ёки жисмоний шахс билан меҳнат шартномаси – шартнома, тузган шахслар ёки оғзаки келишув);
- иш берувчилар (хусусий ёки оилавий корхонани бошқарувчи ва ёлланган ишчилар меҳнатидан доимий равишда фойдаланувчи шахслар);
- ўз-ўзини иш билан таъминловчи (мустақил ишловчи ёки бизнес шериклари бўлган, аммо доимий равишда ишчиларни ёлламайдиган фуқаролар гуруҳи, ўз-ўзига хожайн, ва ўз-ўзига хизматкор кабилида);
- ишлаб чиқариш кооперативлари аъзолари (ўз корхоналарида ишлайдиган, ишлаб чиқариш фаолияти ва даромадларни тақсимлашда тенг ҳуқуққа эга шахслар);
- ёрдам берувчи оила аъзоларига (иш ҳақи тўланмайдиган).

Рўйхатда келтирилган гуруҳлардан фақат биринчи (энг каттаси) ёлланма иш билан банд бўлганлар, қолган гуруҳлардаги ишчилар – ўз-ўзини иш билан банд қилганлар.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодий фаолияти турлари классификаторини ишлатилиши, қиёсий статистик таҳлилни ўтказиш ва иқтисодиётнинг тармоқ кўрсаткичларини Ғарб мамлакатлари бозорларининг тармоқ кўрсаткичлари билан таққослаш имконини беради, чунки бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда статистиканинг асосий иқтисодий фаолият субъектларини фаолият турларига кўра таснифлашдан иборат. ИФУК-2нинг таркиби ва тузилиши Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва Европа Иттифоқининг асосий стандартларига мос келади.

Иқтисодий фаолият классификаторининг қайта кўриб чиқилган иккинчи шакли, технологик ва ташкилий ўзгаришлар туфайли янги фаолият турларини аҳамияти ошган статистик кузатувларда акс эттириш учун ва халқаро даражада таққосланувчи статистик маълумотларни тайёрлаш ва солиштириш сифатида тайёрланган.

ИФУК-2 киритилиши билан республикада ривожланган тармоқлараро нисбатларни баҳолаш, пайдо бўлиб, бозорда фаол ривожланиб келаётган иқтисодий фаолиятнинг янги турлари кўламини аниқлаш имкониятини беради. ИФУК-2га кўра, таснифлаш объекти ҳақиқатга кўпроқ мос келадиган иқтисодий фаолият тури, яъни битта корхона бир вақтнинг ўзида ҳар хил фаолият тури билан шуғулланиши мумкин.

ИФУК-2 иқтисодий фаолияти турлари таснифи хўжалик юритувчи субъектларни қазиб олиш, қайта ишлаш ва хизматлар кўрсатиш бўйича гуруҳлаш принципига асосланган. Иқтисодиётни тавсифлаш мақсадида ИФУК-2 да иқтисодий фаолиятни таснифлаш ва гуруҳлаш таркиби шундай тузилганки, таснифлаш объектлари ҳар бир соҳада амалга оширилган иқтисодий фаолиятнинг барча ёки деярли барча турларини ўз ичига олади. Яъни саноат турли хил иқтисодий фаолият турларининг йиғиндисидир.

ИФУК-2 классификатори автоматлаштирилган иқтисодий бошқарув тизимларида фойдаланилган техник-иқтисодий маълумотларни **ТКЯТ – таснифлаш ва кодлашнинг ягона тизими** таркибига киради. ОКЕД-2 нинг жорий этилиши ва қўлланилиши халқаро иқтисодий ҳамжамият билан ягона тушунчалар, таърифлар ва рақамлар тилида мулоқот қилиш имкониятини яратади. Миллий даражада ИФУК-2 ҳақиқий интеграцияни намоёниш этувчи мамлакатларнинг иқтисодий салоҳиятини баҳолаш имконини беради.

ИФУК-2 19-Халқаро меҳнат статистиклари конференциясида (ХМТ, 2013 йил октябрь) қабул қилинган янгиланган халқаро меҳнат статистикаси стандартларига тўлиқ мос келади.

Хулоса ва таклифлар

Мазкур Иқтисодий фаолият турларининг умумдавлат классификатори (кейинги ўринларда ИФУК-2) иқтисодий статистика (ишлаб чиқариш, бандлик, миллий ҳисоблар) соҳасида статистик маълумотларни тайёрлаш учун асос яратиб улардан қуйидагича фойдаланиш мумкин:

- статистик бирликлар томонидан тақдим этилувчи бирламчи маълумотларда, шунингдек статистик маълумотлар йиғиш жараёнида;
- миллий ҳисоблар тизимида мувофиқ макроиқтисодий ҳисоб-китобларни амалга оширишда;
- халқаро статистик маълумотлар алмашиш жараёнида;
2. Bhasin, K (2003), Toplumsal Cinsiyet “Bize Yüklenen Roller” Çeviren: Kader Ay, İstanbul: Kadınlarla Dayanışma Vakfı Yayınları Kübra, İ (2021), Tek Tanrılı Dinlerde Kadının Yeri, <http://www.toplumveutopya.com/tek-tanrili-dinlerde-kadinin-yeri-kubra-isitmez>
3. Karaman, H (1993), İslam'da Kadın ve Aile, Ensar Yayınları İstanbul.
4. Karaman, H. (1992), “İslam‘ın Getirdiği Aile Anlayışı”, Sosyo-Kültürel Değişme Sürecinde Türk Ailesi”, C. II, Başbakanlık Aile Araştırma Kurumu Yayınları, Ankara.
5. Kırbaşoğlu, H. (1991), Kadın Konusunda Kuran'a Yöneltilen Baişlıca Eleştiriler. İslami Araştırmalar Dergisi, 5(4), 273-283.
6. Mehmet, A (1996), Türk Modernleşmesi ve Din, Çizgi Kitabevi, Konya
7. Muhsin, H. A. B (2016), Eski Mısır‘da Kadın, KSÜ Sosyal Bilimler Dergisi Cilt:13 Sayı:1.
8. PLATON (1999), Devlet, İstanbul: Türkiye İş Bankası Kültür Yayınları Hilal, Ç (2015), Antik Yunan ve Platon‘da Cinsiyet Sorunu, Atatürk İletişim Dergisi Sayı 9 / Temmuz.
9. Özlem S. E. (2013), ROMA TOPLUMUNDA KADININ KONUMU, İnönü Üniversitesi Hukuk Fakültesi Dergisi Cilt: 4 Sayı:2
10. Ruiz, A (2006), Eski Mısır‘ın Ruhu, (Çev. Ekrem Yusuf), El-Meclis El-Ala Lil-Sekafe, El-Kahire
11. Salime L. G. (2021), İbrahimi Dinlerde Kadın, Abe Medya Yayıncılık, İstanbul.

КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВНИНГ ЖАҲОН МАМЛАКАТЛАРИДА ШАКЛЛАНГАН НАЗАРИЙ ЁНДАШУВЛАР



<https://doi.org/10.5281/zenodo.10542761>

Исмаилов Аллаёр Рашидович

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

“Корпоратив бошқарув” кафедраси

PhD катта ўқитувчиси

Тел: 97-738-74-54

***Аннотация:** Жаҳонда корпоратив бошқарув амалиётида етук ва замонавий тажриба ва шаклланган малакаларни ўрганиш долзарб масалалардан ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан ҳам ушбу илмий мақола долзарб ҳисобланади.*

***Калит сўзлар:** корпоратив бошқарув, замонавий тажриба, Акциядорлик жамияти, аутсайдер модел.*

ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ПОДХОДЫ КОРПОРАТИВНОГО УПРАВЛЕНИЯ, СФОРМИРОВАННЫЕ В СТРАНАХ МИРА

***Аннотация:** Изучение сложившегося и современного опыта и устоявшихся навыков в практике корпоративного управления в мире является одним из актуальных вопросов. С этой точки зрения данная научная статья является актуальной.*

***Ключевые слова:** корпоративное управление, современный опыт, акционерное общество, модель аутсайдера.*

THEORETICAL APPROACHES OF CORPORATE MANAGEMENT FORMED IN COUNTRIES OF THE WORLD

***Abstract:** The study of mature and modern experience and established skills in the practice of corporate management in the world is one of the urgent issues. From this point of view, this scientific article is relevant.*

***Key words:** corporate management, modern experience, joint-stock company, outsider model.*

КИРИШ

Жаҳонда амалиётида корпоратив бошқарувнинг турли хил моделлари мавжуд. Ҳар бир давлат ўзига хос хусусиятлардан келиб чиқиб, корпоратив бошқарув моделини шакллантиради. Жаҳондаги барча корпоратив бошқарув

моделлари тўрт хил моделга асосланади. Корпоратив бошқарув бу шундай тушунчаки, у ўзида менежерлар, директорлари кенгаши, акциядорлар ва компанияни бошқариш бўйича манфаатдор бўлган шахслар ўртасидаги ўзаро муносабатлари тизимини ифода этади. Бундай тизим, нафақат, таъсисчилар даромадларига, балки компаниянинг келгуси инвестицияларига ҳам таъсир кўрсатади.

Инглиз-америка ёки аутсайдер модели –акциядорлик жамиятига нисбатан юқори даражадаги корпоратив назоратнинг ёки акциядорлик жамияти менежменти устидан назоратнинг ташқи бозор механизмларидан фойдаланишга асосланган акциядорлик жамиятининг бошқарув модели. Бундай бошқарув модели АҚШ, Буюк Британия, Канада, Янги Зеландия давлатларига хосдир. Бунда акциядорларнинг манфаатлари ўзаро фарқланувчи акциядорлик жамияти менежментига боғлиқ ҳолда мавжуд ўзига хос кўп сонли инвесторларда намоён бўлади.

Акциядорлик жамиятини реал бошқариш профессионал менежерлар томонидан амалга оширилади. Бу моделни қўллашдаги асосий муаммо акциядорлик жамияти таъсисчилари ва жалб этилган менежерлар ўртасидаги ўзаро муносабатлардаги муаммо ҳисобланади. Бундай шароитда, албатта, акциядорлик жамияти менежменти устидан назоратни амалга оширишда муҳим ўринга чиқувчи фонд бозорининг аҳамияти янада ортади. Асосий иштирокчилар менежерлар, директорлар (директорлар кенгаши) ва инвесторлар ҳисобланади. Шунингдек, ҳукумат тузилмалари, биржалар, ўз-ўзини назорат қилувчи органлар, корпорация ва инвесторларга корпоратив бошқарув ва ишонч бўйича овоз бериш юзасидан маслаҳат хизматларини тақдим этувчи консалтинг фирмалари ҳам қатнашади.

Корпоратив бошқарувнинг инглиз-америкача моделини амалга оширувчи мамлакатлар орасида АҚШ ахборотлар очиқлигининг энг қатъий меъёрини намоён этади.

Континентал (немис) ёки инсайдер модели – корпоратив назоратнинг ички усуллари ёки ўзини ўзи назорат қилиш усулларида фойдаланишга устуворлик берилган ҳолда амалга оширилувчи акциядорлик жамиятларини бошқариш модели. Корпоратив бошқарувнинг немисча модели Марказий ва Ғарбий Европа мамлакатлари (Германия, Голландия, Швейцария, Австрия, Норвегия, Скандинавия мамлакатлари, Белгия ва Франция давлатлари)га ҳам хос. Унинг асосида ижтимоий ўзаро алоқа тамойили ётади: Акциядорлик жамияти фаолиятида барча манфаатдор томонлар (акциядорлар, менежерлар, ходимлар, банклар, жамоат ташкилотлари) қарорларни қабул қилиш жараёнида иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Немисча модель фонд бозорлари ва бошқарувдаги

акциядорлик қийматига сушт йўналтирилганлиги билан характерланади, чунки бунда компания ўзининг рақобатдардошлиги ва ишлари натижаларини ўзи назорат қилади.

Бундай моделнинг шаклланишига қатор объектив ва субъектив омиллар таъсир кўрсатган. Улар қаторида, аввало, корпоратив қарорларни қабул қилишда банкларнинг етакчи ролини таъминловчи ва акцияларининг хусусий инвесторлар бўйича нисбатан унча катта бўлмаган қисмига жойлаштирилиши хос бўлган акциядорлик капитали концентрацияси даражасининг юқорилигини алоҳида ажратиб кўрсатиш зарур. Масалан, йирик компанияларда акцияларнинг 40 %дан ортиқ қисми 5 та йирик акциядор улушига тўғри келади. Шунга кўра, Германияда фонд бозори АҚШ ва Буюк Британиядагига нисбатан бирмунча паст ликвидликка эга ҳисобланади. Шу сабабдан континентал модель мулкчилик концентрацияси даражасининг бирмунча юқорилиги ва таркибида банклар асосий ўринга эга блокланган акциялар пакетига эга стратегик инвесторлар мавжудлиги билан тавсифланади. Сўнгги йилларда немисча модель асосида бошқарувга хорижий инвесторларнинг таъсири ортиб бормоқда.

Корпоратив бошқарувнинг инглиз-америка ва немис моделлари муайян бир давлатнинг миллий хусусиятларини ўзида намоён этувчи ва маълум тизимнинг етакчилик қилувчи устуворликларига асосланган кўпгина вариантлардан иборат ўзаро зиддиятли икки тизимни ифода этади. Миллий иқтисодиёт доирасида корпоратив бошқарувнинг муайян модели ривожланиши, асосан, қуйидаги учта омилга боғлиқ:

- акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизми;
- директорлар кенгашининг функция ва вазифалари;
- ахборотларни ошкор этиш даражаси.

Корпоратив бошқарувнинг япон модели иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда молия-саноат гуруҳлари (кейрецу) негизида шаклланган, унга мамлакатнинг сиёсий-иқтисодий шарт-шароитлари, маданияти ва анъаналари таъсир кўрсатган бўлиб, менежерларнинг назорати муаммоларини камайтириш имконини берувчи банк назоратига асосланган тўлиқ ёпиқ тизимлиги билан характерлидир.

Бу моделга “кейрецу”га кирувчи компаниялар томонидан акцияларга эгалик қилувчи йирик ва ўрта акциядорлар қўлида мулкнинг катта қисми жамғарилиши хосдир. Яъни акциядорлик жамиятлари акцияларининг 70 %и молиявий институтларга тегишли бўлиб, бироқ жамият фаолияти мониторинги, нафақат уларнинг акциядорлари, балки йирик кредитори ҳисобланган бош банк орқали ҳам амалга оширилади. Одатда, кейрецу молия-саноат гуруҳининг барча

компанияларини молиялаштиришни таъминлай олувчи бирор-бир йирик банк атрофида ташкил этилади.

Ўзбекистонда корпоратив бошқарувнинг гибрид модели мавжуд бўлиб, унда давлат ва йирик мулкдорлар асосий ўринга эга, бу эса бошқарув органлари ва меҳнат жамоаларининг пассив ҳаракатланишини учун, айниқса инкирозли шароитларда асосий сабаб ҳисобланади. Бундай шароитда, акциядорлик жамиятлари фаолиятининг функционал механизлари самарали ташкил этилганлиги инновацион иқтисодий шакллантириш шароитида иқтисодий ривожлантириш, инвесторларни жалб этиш, рақобатбардошликни ошириш, жаҳон бозорига чиқишнинг самарали воситаси сифатида намоён бўлади.

Ўзбекистонда корпоратив бошқарув тизимини замонавий халқаро стандартлар асосида инновацион ривожлантириш масалалари деярли ўрганилмаган. Шунинг учун мавжуд инновацион имкониятларни ошириш имконини берувчи корпоратив тузилмаларни шакллантиришга алоҳида аҳамият қаратиш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати (REFERENCES)

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” фармони
2. Corporate Governance, Christine A Mallin, OXFORD University Press, www.oup.com, ISBN 978-0-19-928900
3. Standard & Poor’s. [Electronic resource]. – Mode of access: [https://ru.wikipedia.org/wiki/Standard & Poor’s](https://ru.wikipedia.org/wiki/Standard_%26_Poor's). – Date of access: 31.08.2020
4. Исмаилов А. Кимё саноати тармоғидаги корпоратив бошқарувнинг институционал ва функционал механизмларини такомиллаштириш. 08.00.13 – Менежмент (иқтисодий фанлари). Иқтисодий фанлари фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Тошкент: ТДИУ, 2022 й.6.

САНОАТ КОРХОНАЛАРИ ИННОВАЦИОН БОШҚАРУВИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ СТАТИСТИК ТАҲЛИЛИ



<https://doi.org/10.5281/zenodo.10542861>

Ш.Умидов

КМИ ва СТИ мустақил изланувчиси

АННОТАЦИЯ

Мақолада Ўзбекистон саноат корхоналари инновацион бошқарувининг ривожланиш кўрсаткичлари баҳоланган. Шунингдек, саноат корхоналари инновацион бошқарувини амалга оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизми таҳлил этилган, унинг ўзига хос хусусиятлари ва мавжуд муаммолари аниқланган. Узоқ муддатли истиқболда мамлакатимиз саноат корхоналари инновацион бошқаруви самарадорлигини оширишда илгор хориж тажрибасидан ижодий фойдаланиш имкониятларига оид илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калим сўзлар: инновация, бошқарув, инновацион бошқарув, юқори технологик маҳсулот, инновацион фаолият, инновацион ихтисослашув.

АННОТАЦИЯ

В статье дана оценка показателей развития инновационного менеджмента промышленных предприятий Узбекистана. Также был проанализирован организационно-экономический механизм реализации инновационного менеджмента промышленных предприятий, выявлены его особенности и существующие проблемы. В перспективе разработаны научные предложения и практические рекомендации о возможности творческого использования передового зарубежного опыта повышения эффективности инновационного управления промышленными предприятиями страны.

Ключевые слова: инновации, менеджмент, инновационный менеджмент, наукоемкая продукция, инновационная деятельность, инновационная специализация.

ABSTRACT

The article assesses the development indicators of innovative management of industrial enterprises in Uzbekistan. The organizational and economic mechanism for the implementation of innovative management of industrial enterprises was also analyzed, its features and existing problems were identified. In the future, scientific proposals and practical recommendations have been developed on the possibility of

creative use of advanced foreign experience to improve the efficiency of innovative management of the country's industrial enterprises.

Key words: *innovations, management, innovation management, research and development (R&D), science-intensive products, innovation activity, innovation specialization.*

КИРИШ

Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг устувор йўналишлари миллий иқтисодиётнинг турли тармоқларига инновацион лойиҳаларни жорий этишни жадаллаштириш, жумладан, саноат корхоналари томонидан инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқариш, бошқарувга оид инновациялардан амалиётда кенг фойдаланиш ҳисобига юқори иқтисодий ўсиш кўрсаткичларига эришиш, шунингдек, Ўзбекистоннинг глобал рейтинглардаги кўрсаткичларини янада оширишга қаратилган ҳисобланади. Хусусан, мамлакатимиз ҳукумати томонидан 2030 йилга бориб Глобал инновацион индекс халқаро рейтинги кўрсаткичлари тизимида жаҳоннинг етакчи 50 та мамлакатлари қаторига киришига эришиш бўйича узоқ муддатли стратегик вазифаси белгиланган [2].

Ўзбекистонда сўнгги йилларда иқтисодиётни инновацион ривожланиш йўлига ўтказиш мақсадида амалга оширилаётган ислохотларга устуворлик қаратилиб келинмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида “...биз Ўзбекистонни ривожланган мамлакатга айлантиришни мақсад қилиб қўйган эканмиз, бунга фақат жадал ислохотлар, илм-маърифат ва инновация билан эриша оламиз”[3], деб айтган фикрлари кейинги йилларда мамлакатимизда миллий иқтисодиёт тармоқлари, жумладан, саноат корхоналари инновацион бошқарувининг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштиришнинг услубий асосларини тадқиқ этиш долзарб ва илмий-амалий аҳамиятга эга эканлигини англатади.

Кейинги йилларда мамлакатимизда саноат корхоналари инновацион бошқарувини ривожлантириш амалга оширилаётган ислохотларнинг устувор йўналишлари қаторидан ўрин эгаллайди. Жумладан, “2030 йилга бориб, Ўзбекистонни “Глобал инновацион индекс”даги ТОП-50 мамлакатлар қаторига киритиш режалаштирилган. Ушбу мақсадга эришишда мамлакатимизнинг ушбу индексда қайд этилган паст индикаторлар бўйича позициясини яхшилаш устувор вазифаси 2022- 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясида белгиланган[1]. Ушбу ҳолат мамлакатимизда саноат корхоналари инновацион бошқаруви самарадорлигини оширишга қаратилган

илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган тадқиқотларни ўтказиш заруриятини уйғотади.

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги.

Мамлакатимиз иқтисодиётида саноат корхоналарининг жадал ривожланиши, уларнинг ташкилий тузилишининг тобора мураккаблашиб бориши, жумладан, уларнинг фаолият турлари ва йўналишлари кўламининг кенгайиб бориши натижасида саноат корхоналари бошқаруви функцияларининг мураккаблашувини вужудга келтирган ҳолда, оқилона қарорлар қабул қилишда тегишли муаммолар мавжуд эканлигини намоён этди. Шу билан биргаликда, саноат корхоналари инновацион бошқаруви самарадорлигини ошириш заруриятини уйғотди. Хусусан, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясида “Иқтисодиётга инновацияларни кенг жорий қилиш, саноат корхоналари ва илм-фан муассасаларининг кооперация алоқаларини ривожлантириш”[1] устувор мақсадлардан ҳисобланади.

Тадқиқотнинг мақсади саноат корхоналари инновацион фаолиятини самарадорлигига таъсир кўрсатувчи омилларни тизимли таҳлил этиш асосида уларни гуруҳлаш орқали корхоналар инновацион бошқаруви самарадорлигини оширишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот методологияси.

Илмий мақолани ёзиш жараёнида илмий тадқиқотни амалга оширишнинг тизимли таҳлил, тарихийлик ва мантиқийлик, индукция ва дедукция, анализ ва синтез, қиёсий ва селектив танлаб тадқиқ қилиш, монографик таҳлил ва гуруҳлаш усуллари қўлланилган.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Инновация атамаси лотинча “innovation” сўзидан олинган бўлиб, янгилаш, ўзгартириш киритиш деган маънони англатади. Ушбу атама иқтисодий адабиётга илк бор Й.Шумпетер томонидан киритилган бўлиб, олим инновация иқтисодий категориясига куйидагича таъриф беради: “янги турдаги истеъмол товарлари ва хизматлари, жумладан, корхоналарнинг эгаллаган бозор ҳажмини оширишда ноодатий шаклдаги ишлаб чиқариш жараёнларини бошқариш амалиётини ташкил этиш, янги турдаги транспорт воситаларидан фойдаланиши ёки уларни амалиётга татбиқ этилиши инновация деб баҳоланади” [4].

Э.Дандон [5] ўз изланишларида корхона бошқаруви жараёнида инновациянинг креативлилик, стратегия, амалга ошириш (реализация) ва фойдалилик каби таркибий компонентларга эга бўлишини ажратиб кўрсатади.

А.Н.Храмцова ва А.А.Ахматовалар томонидан амалга оширилган тадқиқотларда корхоналар бошқаруви жараёнида инновация иқтисодий

категориясининг мазмунини ёритишда иқтисодчи олимлар томонидан берилган таърифларни куйидаги уч гуруҳга ажратиш мумкин бўлади:

- инновация иқтисодий категориясининг мазмунини янгилик, нау-хау билан боғлиқ ҳолда тушунтириш;

- инновациянинг мазмунини ёритишда янги бир маҳсулотни ишлаб чиқариш, жумладан, унинг техник ва технологик хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган бутун бир жараён сифатида тушунтириш;

- инновация мазмунини ёритишда янги ғоя ва фикрларни амалиётга татбиқ этиш билан боғлиқ бўлган, шунингдек, янги шаклдаги такомиллаштирилган маҳсулот ишлаб чиқаришни ҳаракатга келтирувчи куч сифатида баҳолаш [6].

Ўзбекистонлик Ш.Н.Зайнутдинов [7], А.А. Мадалиев [8], Д.Шодиева [9], Н.М.Расулов [10], Ш.Г.Акрамова [11], О.Э.Эрназаров [12], Б.Б.Бахтиёров [14], Ш.Н.Зайнутдинов, А.А. Мадалиев, Д. Шодиева, Н.М. Расулов, Ш.Г. Акрамова, А.Э. Норов, Б.А.Мавланов, И.С. Хотамов, Ш.Э. Мустафакулов, Г.П. Фуломова³ каби иқтисодчи олимлар ўз илмий изланишларида саноат корхоналари инновацион бошқаруви самарадорлигини оширишда инсон омилининг ўрни, саноат корхоналари инновацион бошқаруви самарадорлигини оширишда юқори малакали кадрларга бўлган талаб, жумладан, саноат корхоналари бошқаруви самарадорлигини оширишда инновацион ишланмалардан фойдаланишнинг услубий асослари ўрганилган.

Юқорида келтириб ўтилган олимларнинг илмий ишларида саноат корхоналари инновацион бошқарувининг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштиришнинг услубий асослари тизимлаштирилган ҳолда, комплекс ҳолатда, тадқиқот объекти сифатида таҳлил этилмаган. Иқтисодий адабиётларда ушбу масала юзасидан олиб борилган тадқиқотлар таҳлили иқтисодиётни модернизациялаш шароитида саноат корхоналарида инновацион бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш, корхона бошқарувида инновациялардан фойдаланиш амалиётини янада кенгайтириш, саноат корхоналари ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда инновацион лойиҳаларни амалга оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш заруратини келтириб чиқаради.

Муаммонинг долзарблиги, иқтисодий адабиётда етарлича ўрганилмаганлиги, кутилаётган илмий натижаларни илмий-амалий аҳамиятга эгаллиги ушбу мавзунини тадқиқот объекти сифатида танлашга асос бўлди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Мамлакатимиз Президенти томонидан юқорида белгилаб берилган устувор вазифаларни амалга оширилишида аввало саноат корхоналарининг

инновацион бошқарув самарадорлигини ошириш зарурияти вужудга келади. Саноат корхоналарида инновацион бошқарув тизимини жорий этиш ва унинг самарадорлигини ошириш пировард натижада корхонанинг рақобатбардошлиги даражасининг барқарор суръатларда ортиб боришини таъминлайди.

Саноат корхоналари инновацион бошқаруви самарадорлигига таъсир кўрсатувчи омилларнинг назарий жиҳатдан таҳлили натижаларига кўра, унга таъсир кўрсатувчи омиллар ички ва ташқи омилларга гуруҳланиши мумкин бўлади. Амалга оширилган тадқиқотларимиз натижаларига таянган ҳолда, саноат корхоналари инновацион бошқаруви самарадорлигини ошириш корхонада инновацияларни амалиётга татбиқ этиш маҳсулдорлигини ортишини таъминлаши билан бир қаторда, корхонанинг миллий ва халқаро рақобатбардошлик даражасига эришишга етарли даражада шарт-шароитлар яратиши керак бўлади.

Фикримизча, иқтисодиётни модернизациялаш, ишлаб чиқарувчилар ўртасида рақобат курашининг тобора чуқурлашуви, жумладан иқтисодий муносабатлар тизимида инновацияларнинг жадал ривожланиши шароитида саноат корхонасининг инновацион бошқарув самарадорлигини оширишга таъсир кўрсатувчи ички ва ташқи омилларни замонавий шарт-шароитларни инобатга олиш лозим.

Таклиф этилаётган саноат корхонаси инновацион бошқаруви самарадорлигига таъсир кўрсатувчи омилларнинг гуруҳлаш тартиби - бевосита корхонада инновацион фаолият самарадорлигини ошириш ва унинг рақобатбардошлиги даражасини янада такомиллаштириш нуктаи назаридан келтирилган. Корхонанинг инновацион бошқаруви самарадорлигига таъсир кўрсатувчи ички омиллар қуйидагилардан ташкил топади:

– тадбиркорлик қобилияти (корпоратив бошқарув самарадорлиги). Тадбиркорлик қобилияти корхона раҳбари, ундаги бўлим бошлиқлари учун хос бўлган инсоний фазилат ҳисобланиб, айнан ушбу қобилият инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Яъни, шахсда тадбиркорлик қобилияти қанчалик юқори бўлгани сари, унинг янгиликларни, инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга татбиқ этишга бўлган интилиши юқори бўлиши билан ажралиб туради. Шунингдек, корхонада корпоратив бошқарувни амалга ошириш жараёнида корхона фаолиятига жалб этилаётган инвестицияларнинг самарадорлигини таъминлашда уларнинг илмий тадқиқот тажриба-конструкторлик ишланмалари (ИТТКИ) ва инновацион лойиҳаларни молиялаштириш, корхона персоналини рағбатлантиришга йўналтиришга устуворлик қаратилади. Бу эса ўз навбатида

корхонада ўзига хос корпоратив маданиятнинг шакллантириб, унинг персонали учун эркин ижодий фаолият юритишга замин яратади.

Пировард натижада корхонанинг инновацион фаолияти самарадорлиги ортади. Бунда корхона раҳбарияти томонидан қуйидаги ҳолатлар таъминланиши талаб этилади:

– биринчи, корхона коллективи ўртасида тақсимланаётган вазифаларнинг адолатлилиги ва шаффофлигини таъминлаш;

– иккинчи, инновацияларни амалиётга татбиқ этиш, уларни синовдан ўтказиш жараёнида корхонанинг барча иерархик тузилмалари даражаларининг иштирокини бирдек таъминланиши;

– учинчи, инновацион фаолиятга оид бўлган ҳар қандай ахборот билан (ижобий ва салбий маълумотларнинг барчаси) корхонанинг барча аъзоларини хабардор қилиш.

– корхона персонали. Бунда корхонада ёлланиб ишловчи ходимларнинг ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлган фикр ва қарашларининг мобиллиги муҳим аҳамият касб этади. Яъни, уларнинг креатив фикрлаш қобилияти, ишлаб чиқариш жараёнларидаги ўзгаришларга тезда мослаша олиши, янгиликларни (новацияларни) излаш, уларни асослашга бўлган интилиши, фикрлашдаги инновацион ёндашувнинг мавжуд бўлиши зарур ҳисобланади. Корхоналарда инновацион жараёнларни ташкил этиш борасидаги жаҳон тажрибаси кўрсатишича, юқори малакали инновациялар бўйича менежерларга бўлган талаблари юқори даражада. Чунки инновацион жараёнларнинг самарадорлиги инновациялар бўйича менежерларнинг касбий малакалари ва кўникмалари билан узвий боғлиқлиги амалиётда ўз исботини топган. Шу билан бир қаторда, юқори малакали инновацияларни бошқарувчилар, инновацион инженерлар ва олимларга бўлган талаб ҳам юқори ҳисобланади;

– коммуникация самарадорлиги. Информацион технологияларнинг ривожланиши, мамлакатда иқтисодий муносабатларни рақамлаштириш шароитида корхонанинг инновацион фаолияти самарадорлигига унинг коммуникация алоқаларининг ўрнатилганлиги ҳолати бевосита ўз таъсирини ўтказди. Бунда корхонанинг коммуникация алоқалари унинг фаолияти йўналиши бўйича корхона ташкилий тузилишининг барча бўғинларини тўлиқ қамраб олиши, корхонага унинг фаолиятига оид инновацион ишланмалар ва инновацион ғоялар бўйича ахборотлар оқимини таъминлаши талаб этилади. Ушбу ҳолат корхона ва унинг ташкилий-тузилмавий бўлинмалари фаолиятининг ўзаро алоқадорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади;

– корхонанинг ташкилий тузилиши. Бунда корхонанинг иерархик ташкилий тузилиши, унинг таркибий бўлинмалари сони, уларнинг ҳолати, корхонанинг инновацион фаолиятида унинг таркибий бўлинмаларининг иштирок этиш ҳуқуқи ва имкониятининг мавжудлиги, жумладан, инновацион лойиҳанинг самарадорлигига масъулиятнинг ўзаро тақсимланиши назарда тутилади;

– инновацион фаолиятнинг бозорга йўналтирилганлиги. Корхона инновацион бошқаруви самарадорлигини таъминлашнинг муҳим омилларидан бири бу корхона инновацион фаолиятининг бозорга йўналтирилганлиги ҳисобланади. Яъни, бозордаги истеъмолчиларнинг мавжуд талабидан келиб чиққан ҳолда, инновацион маҳсулотни ишлаб чиқариш ва уни бозорга олиб чиқиш корхонанинг инновацион лойиҳадан оладиган фойдасини максималлаштиради. Бунда корхонада инновацион маркетинг фаолияти ва унинг амал қилишига эътибор қаратиш лозим бўлади;

Саноат корхоналарининг инновацион бошқаруви самарадорлигига таъсир этувчи омилларни кейинги гуруҳи бу ташқи омиллар ҳисобланиб, улар қаторига қуйидагиларни киритиб ўтдик:

- **маслаҳат ва консалтинг хизматлари.** Бунда саноат корхоналарида инновацион фаолиятни ташкил этиш, уларни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, инновацион ишланмаларни ишлаб чиқиш бўйича давлат томонидан инновацион фаолият бўйича маслаҳат ва консалтинг хизматлар кўрсатувчи марказлар фаолияти ташкил этилиши назарда тутилади. Хусусан, тараққий этган мамлакатларда пенсия ёшидаги инновацион фаолият бўйича юқори малакали ва етакчи мутахассисларни бу турдаги ташкилотларга жалб қилинади. Масалан, АҚШда бу турдаги 389 та консалтинг марказлар фаолият юритиб, уларда 11 400 нафар юқори малакали, корхоналарнинг инновацион фаолият соҳасида ишлаган пенсионерлар хизматидан фойдаланилади [14]. Токио шаҳрида “Саноат соҳаси конструкцияси бўйича Япония ташкилоти” фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, кичик ва ўрта саноат корхоналари учун янги технологияларни ишлаб чиқиш, инновацион маҳсулотларни яратиш, инновацион лойиҳаларни амалга ошириш ва инновацион жараёнларда корхоналарнинг иштирокини таъминлаш бўйича илмий ва амалий кўмак бериш билан шуғулланади. Шунга ўхшаш ташкилот Европа Комиссияси қошида ҳам ташкил этилган бўлиб, бунда етакчи мутахассислар Европа Иттифоқи мамлакатларидаги инновацион бизнес корхоналарига борган ҳолда жорий ҳолатни ўрганиб, тегишли маслаҳатлар бериш билан шуғулланадилар [9].

- **молиявий ёрдам.** Корхонада инновацион фаолиятни ташкил этиш, инновацион лойиҳани ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишнинг турли

босқичларида ташқи манбалар ҳисобидан корхона учун оптимал ҳисобланган молиявий ресурсларни жалб қилиш лозим бўлади. Бунда давлат томонидан корхоналарда инновацион фаолиятни ривожлантириш мақсадида ажратилаётган солиқ имтиёзларидан фойдаланиш, ташқи манбалар ҳисобидан инвестицияларни жалб қилиш, банк хизматларидан фойдаланган ҳолда кредит олиш, лизинг ва шу каби бошқа молиявий дастаклардан фойдаланиш мумкин бўлади;

- инновацион фаолиятни рағбатлантириш. Бунда давлат томонидан саноат корхоналари инновацион фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган дастурларнинг амал қилиши назарда тутилади. тараққий этган мамлакатлар амалиёти кўрсатишича, АҚШ, Канада, Германия, Япония, Франция ва Буюк Британия каби мамлакатларда давлат томонидан саноат корхоналарининг барча турдаги инновацион фаолиятлари давлатнинг фаол дастурлари орқали қўллаб-қувватланиши белгилаб қўйилган. Ушбу мамлакатларда инновацион фаолият билан шуғулланишни бошлаётган кичик инновацион бизнес субъектларининг харажатларларининг 20-50 фоиз харажатлари давлат томонидан қопланади [10];

- қонунчилик. Бунда мамлакат иқтисодиётида инновацион фаолиятни ташкил этиш, уни ривожлантириш бўйича ҳуқуқиймеъёрий ҳужжатларнинг мавжудлиги ва уларнинг амал қилиш хусусиятлари назарда тутилади. Жумладан, корхонанинг инновацион фаолият юритиш соҳалари, йўналишлари, давлат томонидан инновацион фаолият учун берилаётган имтиёзлар, уларни қўллаб-қувватлашга қаратилган дастурлар, инновациялар ва у билан боғлиқ бўлган ҳар қандай иқтисодий муносабатларга оид меъёрий-ҳуқуқий базанинг мавжуд бўлиши лозим ҳисобланади.

Таҳлиллар кўрсатишича, мамлакатда амал қилаётган инновацион ривожланиш модели саноат корхоналари инновацион фаолиятини бошқариш самарадорлигига таъсир кўрсатувчи омилларга бевосита таъсир кўрсатади. Бугунги кунда жаҳон мамлакатларида инновацион ривожланишнинг уч хил модели шаклланган.

Биринчи модель фан ва инновациялар бўйича дунёда етакчилик мамлакатлар учун хос бўлган модель ҳисобланиб, фундаментал ва амалий тадқиқотларни амалга оширишга асосланади. Бу турдаги инновацион ривожланиш модели АҚШ, Англия ва Франция мамлакатлари учун хос ҳисобланади. Ушбу мамлакатлар гуруҳи фундаментал ва амалий тадқиқотларни амалга оширишни рағбатлантириш орқали инновацион иқтисодиётни ривожлантиришга эришадилар.

Иккинчи модель учун инновацияларни ривожланиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш орқали инновацион иқтисодиётни ривожлантириш хос

бўлиб, Германия, Швеция ва Швейцария каби мамлакатлар учун хос ҳисобланади.

Учинчи модель жаҳон хўжалигининг илмийтехникавий ривожланишига ихтисослашган инновацион иқтисодиёт модели ҳисобланиб, Япония ва Жанубий Корея мамлакатлари учун хос модель ҳисобланади [15].

Шу ўринда айтиш керакки, мамлакатларда амал қилаётган инновацион ривожланиш моделлари корxonанинг инновацион фаолияти ва унинг ихтисослашуви йўналишларини белгилаб беради.

Жаҳон хўжалигида саноат корxonаларида инновацион фаолиятни амалга оширишнинг ўзаро боғланган микро ва макро даражадаги механизми амал қилади [15]. Корxонада инновацион жараёнларни амалга оширишнинг микромеханизми корxона бошқаруви амалиётида инновацияларни ўзлаштириш дастаклари орқали намоён бўлади.

Юқори даражадаги инновацион салоҳият – бу бозорда ўз инновацион позициясига эга бўлган, инновацион ишланмаларни зудлик билан ўз амалиётига татбиқ эта оладиган, доимий инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқишда илғорлик қилиб келаётган саноат корxonалари учун хос ҳисобланиб, бу турдаги корxonалар фаолияти тўлиқ инновацион бошқарувга ихтисослашганлиги билан бошқалардан ажралиб туради [11].

Хулоса ва таклифлар.

Амалга оширилган тадқиқотларимиз натижаларига таянган ҳолда, саноат корxonаларида инновацион бошқарув самарадорлигини оширишда корxonанинг инновацион салоҳиятидан келиб чиқиб мақсад ва вазифаларни белгилаш зарурияти мавжуд деб айтиш мақсадга мувофиқ.

Таҳлиллар кўрсатишича, саноат корxonасида самарали инновацион бошқарувни ташкил этиш қуйидаги босқичларда амалга оширилади:

– биринчи, инновацион бошқарув мақсади ва вазифаларини аниқлаш. Бунда саноат корxonасининг ихтисослашув соҳаси инобатга олиниб, қуйидаги йўналишларда бўлиши мумкин бўлади: инновацион маҳсулотни ишлаб чиқариш ёки янги технологияларни ишлаб чиқиш орқали корxonанинг бозордаги рақобатбардошлик даражасини ошириш; янги бозорларга чиқиш; иш юритиш қўламини кенгайтириш ва бошқалар;

– иккинчи, корxonанинг инновацион имкониятларини баҳолаш. Бунда корxonанинг инновацион имкониятларини баҳолашда қуйидаги кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади: корxonанинг илмий-техник салоҳияти (илмий даражага эга бўлган ходимлари сони; янги фикрловчи, янгиликларни амалиётга татбиқ этиш бўйича билим ва кўникмаларга эга бўлган ходимлар сони; корxonадаги инновацион лойиҳалар сони ва бошқалар); корxonанинг

коммерциализация кўрсаткичлари (инновацион маҳсулотлар сотилишининг умумий сотилган маҳсулот ҳажмидаги улуши, лицензиялаштирилган шартномаларнинг сони ва бошқалар); корxonанинг инновацияларни бошқариш бўйича характеристикаси (корхонадаги инновацион ғояларни ва уларни амалга оширишни рағбатлантириш тизимининг ҳолати, инновацион лойиҳаларни амалга оширишда раҳбариятнинг иштироқи, инновацион фаолият билан шуғулланувчи ходимларнинг эркинлиги даражаси ва бошқалар); инновацияларнинг иқтисодий самарадорлиги [14].

Жаҳон амалиётида корxonаларнинг инновацион имкониятларини баҳолашда “ТАТ” кўрсаткичлар тизимидан кенг фойдаланилади. Ушбу кўрсаткичлар тизими япон корxonалари томонидан амалиётга татбиқ этилган бўлиб, инглизча “Turn Around Time (бурилиш вақти)” сўзидан олинган. Ушбу кўрсаткич инновацион маҳсулотнинг бозорга кириб келиши ёки унга талабнинг уйғонишидан бошлаб, бозорнинг ушбу товар билан тўйингунга қадар бўлган даврдаги корxonанинг инновацион салоҳиятини баҳолаш имконини беради. Масалан, маиший техника бозорида инновацион маҳсулотни ишлаб чиқаришдан бошлаб, ушбу маҳсулот билан бозорни тўйинтиргунга қадар бўлган даври кўрсаткичи Япониянинг Matsushita корxonасида 4,7 ойни ташкил этади [14];

– учинчи, корxonанинг инновацион фаолияти йўналишини аниқлаш. Бунда корхона инновацияларни ишлаб чиқарувчи ёки инновацияларни

ўзлаштирувчи сифатидаги инновацион жараёнлардаги ўз иштирокини белгилаб олади. Агарда корхона инновацияларни ишлаб чиқарувчи бўлиш йўлини танласа, у ҳолда, инновацион ишланмалар ишлаб чиқиш, илмий тадқиқотлар олиб бориш, янги технологияларни яратиш билан шуғулланувчи махсус ходимлардан ташкил топган ўз ишчи гуруҳини шакллантириши ва уларга меҳнат қилиш учун қулай шарт-шароит билан таъминлаши лозим бўлади. Корхона инновацион жараёнларда ўзлаштирувчи сифатида иштирок этишни танласа, у ҳолда, илмий-тадқиқот ташкилотлари билан шартномалар тузиш орқали, амалга оширилаётган ёки ишлаб чиқиляётган янги инновацион маҳсулот ва технологияларни ўз амалиётида қўллаш учун розилик билдириши зарур бўлади.

Фикримизча, юқорида билдирилган фикр ва таклифларни инобатга олган ҳолда мамлакатимизда саноат корxonаларида инновацион бошқарувни ташкил этиш узоқ муддатли истиқболда юқори самарадорликка эришиш билан бир қаторда, жаҳон бозорида маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг рақобатбардошлиги кўрсаткичларини янада яхшиланиши учун тегишли шарт-шароитларни яратиш имконини беради. Жумладан, маҳаллий ишлаб

чиқарувчиларнинг янги бозорларни ўзлаштириши ҳисобига мамлакатимизда экспортга йўналтирилган саноат ишлаб чиқаришини ривожланиши натижасида, юқори қўшилган қийматга эга бўлган маҳсулотларни экспорт қилиш ҳажми ортади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати (REFERENCES)

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони. - <https://lex.uz>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ5544-сон Фармони, 21.09.2018 й. <https://lex.uz>
3. Мирзиёев Ш.М. Олий мажлисга мурожаатномаси <https://uza.uz>
4. Шумпетер Й. Теории экономического развития. / Й. Шумпетер. – М.: Экономика, 1995й. – 540 с.
5. Дандон Э. Инновации: как определять тенденции и извлекать выгоду / Э. Дандон. -М. : Вершина, 2006. - 304 с.
6. Храмова Н.А., Ахматова А.А. Теоретические основы управления инновационной деятельности предприятия. // Стратегии бизнес / Электронный научно-экономический журнал. № 10 (54). 2018. С. 18-22.
7. Зайнуddинов Ш.Н., Расулов Н.М. Инновацион менеджмент (дарслик). - Т.:“Инновацион ривожланиш нашриёт-матба уйи”, 2020. - Б.540.
8. Мамадалиев А.А. Иқтисодий бошқаришда инсон омиллини фаоллаштиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмидан фойдаланишни такомиллаштириш. (PhD) дисс. автореф. -Т.: 2017. – Б.28;
9. Шодиева Д. Миллий иқтисодийнинг инновацион ривожланишини инвестициялашнинг назарий асосларини такомиллаштириш. (PhD) дисс. автореф. -Т.:2020 Б.58;
10. Расулов Н.М. Корпоратив тузилмаларда инновацион жараёнларни стратегик бошқариш услубийтини такомиллаштириш: (DSc) дисс. автореф. –Т., 2021, -Б.81;
11. Акрамова Ш.Г., Зайнуddинов Ш.Н., Расулов Н.М. Инновацион менеджмент (дарслик).-Т.:“Инновацион ривожланиш нашриёт-матба уйи”, 2020. -Б.540.
12. Шодиева Д. Миллий иқтисодийнинг инновацион ривожланишини инвестициялашнинг назарий асосларини такомиллаштириш. (PhD) дисс. автореф. -Т.:2020 Б.58

13. Расулов Н.М. Корпоратив тузилмаларда инновацион жараёнларни стратегик бошқариш услубиётини такомиллаштириш: (DSc) дисс. автореф. –Т., 2021, -Б.81
14. Бахтиёров Б.Б. Саноат корхоналари инновацион бошқарувини ривожлантиришда илғор хориж тажрибасидан фойдаланиш имкониятлари Free Small Business Advice – <https://www.sore.org>
15. Ногин В.А., Хоменко Я.В. Зарубежный опыт инновационной деятельности малых и средних предприятий. – <https://www.uecs.ru>
16. Модели инновационного развития зарубежных стран – <https://studme.org>
17. Арутюнов Ю.А. , Гончаренко Л.П. Инновационная политика – <https://www.litres.ru>
18. Арутюнов Ю.А. , Гончаренко Л.П. Инновационная политика – <https://www.litres.ru>
19. Васюхин О.В., Павлова Е.А. Развитие инновационного потенциала промышленного предприятия – <https://www.mongraphies.ru> маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.
20. Васюхин О.В., Павлова Е.А. Развитие инновационного потенциала промышленного
21. предприятия – <https://www.mongraphies.ru>
22. Королев В.И., Королева Е.Н. Инновационный потенциал: содержание, организационные формы его реализации российскими и зарубежными компаниями // Российский внешнеэкономический вестник. 2014. №5. С.41
23. Инновационный потенциал предприятия, его оценка и методы реализации – <https://www.np.tubryansk.ru>

АНАЛИЗ ВНУТРЕННИХ И ВНЕШНИХ ФАКТОРОВ В ОБЕСПЕЧЕНИИ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ БЕЗОПАСНОСТИ СТРАНЫ



<https://doi.org/10.5281/zenodo.10542919>

Ахмедов Шерзод Шароф угли

ассистент Кафедры “Экономическая безопасность”

Ташкентский государственный экономический университет

Аннотация: в статье рассматриваются вопросы обеспечения безопасности в экономике, описываются понятие, причины возникновения, основные направления, угрозы безопасности и меры по их преодолению.

Ключевые слова: экономика, экономическая деятельность, инновации, экономическая безопасность, коррупция, национальная экономическая система.

ANALYSIS OF INTERNAL AND EXTERNAL FACTORS IN ENSURING ECONOMIC SECURITY OF THE COUNTRY

Abstract: The article considers the issues of ensuring security in the economy, describes the concept, causes of origin, main directions, threats to security and measures of overcoming them.

Keywords: economics, economic activity, innovations, economic security, corruption, national economic system.

Обеспечение экономической безопасности страны является одним из главных приоритетов для ее устойчивого развития. Для достижения этой цели необходимо проводить анализ как внутренних, так и внешних факторов, которые могут повлиять на экономическую ситуацию страны. Этот анализ помогает выявить уязвимости и возможности, а также разработать

стратегии для управления экономическими рисками.

Внутренние факторы играют важную роль в обеспечении экономической безопасности страны. Во-первых, стабильность макроэкономической ситуации является ключевым элементом для устойчивого экономического развития. Это включает контроль инфляции, уровень безработицы, управление государственным долгом и общий финансовый баланс. Сильная и устойчивая макроэкономическая среда создает благоприятные условия для привлечения инвестиций, роста производства и создания рабочих мест.

Второй важный внутренний фактор - это качество управления и правопорядка. Четкие и эффективные экономические политики, свобода

предпринимательства, отсутствие коррупции и надлежащая защита прав собственности способствуют привлечению инвестиций, развитию бизнес-среды и повышению конкурентоспособности страны. Эффективная система налогообложения и регулирования также играет важную роль в обеспечении стабильности и предсказуемости для бизнеса.

Третий внутренний фактор, который следует учитывать, - это уровень развития человеческого капитала. Образование, здравоохранение и навыки трудовой силы являются ключевыми факторами для повышения производительности и инновационности экономики. Инвестиции в образование и развитие человеческого капитала способствуют повышению уровня жизни, сокращению неравенства и созданию условий для устойчивого роста.

Одной из важнейших и основных задач обеспечения экономической безопасности страны является наблюдение за состоянием экономики, своевременное выявление угроз, опасностей в экономических системах. Вместе с тем, в настоящее время, как организационная информационно-технологическая система и институт в цикле государственного управления, подготовка управленческих решений по обеспечению безопасности имеет важное значение. Поэтому необходимо определить систему мониторинга состояния и динамики экономики страны и уровень ее научно-практического, методического обеспечения. Он основан на показателях при оценке ряда показателей и в основном отражается в государственных научных периодических изданиях, а также в аналитических разработках. Посредством него правительство оценивает свое положение на всех уровнях: краткосрочном (тактическом), среднесрочном, долгосрочном (стратегическом) и приступает к подготовке рациональных управленческих решений.

Фактор, который не регулируется или не контролируется своевременно, негативно влияет на социально-экономические процессы, может представлять угрозу экономической безопасности. Основными угрозами экономической безопасности в макроэкономических условиях являются:

- Снижение ВВП и снижение инвестиционной и инновационной активности;
- истощение природных ресурсов, преимущество в экспорте топливно-сырьевых и энергетических компонентов;
- социальное расслоение общества и угасание его духовных ценностей;
- криминализация общественных отношений в экономической деятельности;
- увеличение рисков, связанных с стихийными бедствиями антропогенного характера, ослабление государственного контроля, отсутствие эффективных

правовых и экономических механизмов предупреждения и ликвидации чрезвычайных ситуаций в хозяйственной деятельности и др.

Причинами возникновения и развития кризисных ситуаций, угрожающих экономической безопасности территории, являются различные внешние и внутренние факторы. Регион не может напрямую влиять на факторы окружающей среды и поэтому должен адаптироваться к ним. Контролируя и воздействуя на внутренние факторы, существует возможность обеспечения безопасности региональной социально-экономической системы.

Ниже представлены внутренние и внешние факторы, указывающие на экономические риски¹⁶⁵.

Внутренние и внешние факторы, представляющие экономические риски:

<p>Внешнеполитические угрозы:</p> <ul style="list-style-type: none"> - территориальный сепаратизм; - политические угрозы; - политическая конфронтация с центром. 	<p>Внутренние опасности:</p> <ul style="list-style-type: none"> - социальные угрозы; - опасности в пище и энергии:
<p>Внешние угрозы:</p> <p><i>Финансы-валюта:</i></p> <ul style="list-style-type: none"> - отток иностранной валюты; - увеличение внешнего долга; - функциональное неиспользование валютных средств; - нарушения в системе расчетов. <p><i>Экономические:</i></p> <ul style="list-style-type: none"> - захват рынка; - потери на внешнем рынке; - рецессия производственных фондов; - криминализация экономики. 	<p>Социальные угрозы:</p> <ul style="list-style-type: none"> - рост безработицы; - низкий уровень жизни; - повышенная социальная зависимость; - утрата трудоспособности.
<p>Риски в производственном секторе:</p> <ul style="list-style-type: none"> - снижение производства; - рыночные потери; - утрата основных фондов; - отказ от поддержки предприятий. 	<p>Опасности в пище и энергии:</p> <ul style="list-style-type: none"> - открытость рынка для импорта; - усиление ценового дисбаланса; - снижение выработки энергии; - преобладание импортной продукции.

¹⁶⁵ Юрий А. Саликов и другие. Угрозы экономической безопасности. Вестник ВГУИТ. №16 2017, 490 -494 стр

**Риски, связанные с ликвидацией
инвестиционно-инновационного
комплекса:**

- сокращение информационных технологий.

Глядя на экономическую безопасность развитых стран, США начали думать о своей экономической безопасности с провозглашением независимости. Экономическая безопасность в США очевидна в его концепциях, основанных на взаимосвязи национальной и международной экономической безопасности, которая включает в себя такие фундаментальные свойства, как приоритизация основных прав человека и потребления, обеспечение того, чтобы права человека были на первом месте, и переоценка роли транснационального сообщества-социальных действий, а также необходимость структурировать негосударственное действие национальной и международной экономической безопасности. получил. На основе этой концепции США определили свои направления экономической безопасности и действуют, не отклоняясь от нее. В Российской Федерации же экономическая безопасность в основном связана с нарушением внутренних факторов, что проявляется в резком сокращении производственной, инвестиционной и инновационной активности, нарушении научно-исследовательского потенциала, стагнации аграрной сферы, упадке платежно - денежной системы, росте государственного долга.

После обретения независимости Узбекистан выбрал уникальный, замечательный путь развития. По своей сути построение свободного гражданского общества, основанного на рыночных отношениях, объясняется мощным общественно-политическим путем создания достойных условий для жизнедеятельности народа. Безопасность национальной экономики обеспечивается также за счет повышения конкурентоспособности страны на мировом рынке, усиления макроэкономической координации, обеспечения энергетической и продовольственной безопасности страны, совершенствования информационной системы государства и защиты национальной информации.

Даже путем развития конкуренции, удаления с рынка фирм с низкой способностью к открытому и честному пересмотру существующих предприятий можно создать большие возможности для развития национальной экономики, повышения экономического потенциала государства. При этом необходимо создать одинаковые условия для всех предприятий и ввести меры противодействия правилам, нарушающим правила конкуренции. Во всех отраслях, где нет естественных монополий, необходимо проводить

демонополизацию и приватизацию и тем самым создавать конкурентную среду. Если через механизм коррупции криминальные элементы воздействуют на чиновников и втягивают их в систему незаконных отношений, криминализированные чиновники получают много денежных средств от других субъектов экономики. Чтобы собрать эти деньги, тот же экономист выставляет счет через налогообложение, тем самым управляя рабочим механизмом. В основном коррупция влияет на экономические отношения, на потенциал государств, в которых происходит экономический рост.

Таким образом, экономическая безопасность, принимая во внимание экономические, политические, военные, научно-технические и социальные факторы, является экономической безопасностью, при которой рост национальной экономики и социально-экономическая стабильность обеспечиваются независимо от влияния внешних факторов. Экономист Л.Адалки¹⁶⁶ по определению экономическая безопасность-это совокупность факторов, обеспечивающих независимость и стабильность, постоянное обновление и совершенствование национальной экономики. Поэтому экономическая безопасность как система включает в себя множество факторов, и на современном этапе инновации, которые играют важную роль в повышении конкурентоспособности национальной экономики стран, обеспечении благосостояния, также являются важной частью экономической безопасности.

В целом, анализ внутренних и внешних факторов позволяет определить уязвимости и возможности экономики страны и принять соответствующие меры для обеспечения ее экономической безопасности.

Внутренние факторы, такие как стабильность макроэкономической ситуации, эффективность системы налогообложения и регулирования, инфраструктурные проблемы и уровень развития человеческого капитала, являются основой для устойчивого экономического развития. Политическая стабильность, отсутствие коррупции, качество управления и уровень правопорядка способствуют привлечению инвестиций и укреплению доверия бизнес-сообщества.

С другой стороны, внешние факторы, такие как глобальные экономические тренды, торговая политика и международные финансовые потоки, могут оказывать как позитивное, так и негативное воздействие на экономическую безопасность страны. Например, развивающиеся рынки и возможности для экспорта могут способствовать экономическому росту, в то время как

¹⁶⁶ Абалкин Л.И. “Экономическая безопасность России: угрозы и их отражение// Вопросы экономики. 1994. 24 с

международные финансовые кризисы или торговые конфликты могут негативно сказаться на экономике.

ЗАКЛЮЧЕНИЕ

Statistika universal fan - u qaysi sohaga tegishli bo'lishidan qat'i nazar, barcha hodisa va jarayonlarni o'rganadi, bu hamma uchun umumiy faoliyat sohasidir. Muayyan hodisa va jarayonni o'rganishda statistika predmeti uni o'zining qiymati bilan yoki raqamlar yordamida ifodalaydi. Bu u tasvirlagan narsa yoki hodisaning tabiati bilan bog'liq. Demak, statistika fani hodisa va jarayonlarning miqdoriy va sifat xususiyatlarini o'rganish hamda mutlaq makon va vaqtda aniqlangan qonuniyatlarni miqdoriy o'lchovlar yordamida tasvirlashdan iborat.

REFERENCES

1. Abdullah Can (2013). Nicel veri analizi. Ankara, 364 bet.
2. Соатов Н.М. (2003). Статистика. Дарслик. - Ташкент: Абу Али ибн Сино, 744 б.
3. Абдурахманов М.А. (2019). Экономикадағы статистикалық әдістер: Оқу құралы. Астана: ҚазЭҚХСУ БПО, 310 б.
4. Абдурахманов М.А.(2021). Статистика негіздері. Монография: Астана, ҚазЭҚХСУ, 214 б.
5. Абдурахманов М.А.(2022). Индекстер теориясы. Оқу құралы. Астана: Esil University, 112 б.
6. Вайну Я.Ф. (1977). Корреляция рядов динамики. М.: Статистика, 293 с.
7. Салин В. Н., Шпаковская Е. П. (2001). Социально-экономическая статистика: учебник. М. : Юрист, с.278.
8. Система национальных счетов (2009). Нью-Йорк : ООН, с.48-50.
9. Чумаков А. Н. (2010). Глобальный мир: проблема управления // Век глобализации. № 2(6). С. 3-15.

ХУДУДЛАРДА МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИК ТАРМОҒИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН ЙЎНАЛИШЛАРИ ТАҲЛИЛИ



<https://doi.org/10.5281/zenodo.10795313>

Олим Албаевич Жўраев

таянч докторант

Термиз давлат университети

АННОТАЦИЯ

Мақолада мева – сабзавотчилик тармоғини ривожлантиришнинг инновацион йўналишлари таҳлили ва инновацияларни яратиш босқичида уларни баҳолашнинг асосий мезонлари ҳамда инновацион ривожлантириш йўл харитаси ишлаб чиқилган. Хорижлик олимларнинг илмий тадқиқот ишлари таҳлил этилган.

***Таянч сўзлар:** инновацион технологиялар, ишлаб чиқарувчилар, истеъмолчилар, ташкилий-агротехник, технологик янгиланиш, аграр соҳа, қишлоқ хўжалиги, маҳсулотлар, рақобат, минтақа.*

ABSTRACT

In the article, the analysis of innovative trends in the development of the fruit-vegetable network, the main criteria for their evaluation at the stage of innovation creation, and the roadmap for innovative development are developed. Research works of foreign scientists are analyzed.

***Key words:** innovative technologies, producers, consumers, organizational-agro-technical, technological renewal, agricultural sector, agriculture, products, competition, region.*

АННОТАЦИЯ

В статье проведен анализ инновационных тенденций развития плодоовощной сети, разработаны основные критерии их оценки на этапе создания инноваций, разработана дорожная карта инновационного развития. Проанализированы научно-исследовательские работы зарубежных ученых..

***Ключевые слова:** инновационные технологии, производители, потребители, организационно-агротехническое, технологическое обновление, аграрный комплекс, сельское хозяйство, продукция, конкуренция, регион.*


КИРИШ

Бугунги кунда дунёда инновацион технологияларни қўллаш орқали аграр саноатни ривожлантириш бўйича рақобат муҳити кучайиб бораётган бир пайтда худудларда мева-сабзавотчилик саноатини ривожлантириш йўналишларини аниқлаб олиш ва такомиллаштириш зарур. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги тармоғини ривожлантиришнинг 2020 – 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5853-сонли Фармони[1] қишлоқ хўжалигининг муҳим қисми бўлган мева – сабзавотчилик тармоғини ривожлантиришда муҳим ўрин тутмоқда. Бинобарин, мева сабзавотчилик тармоғининг ривожланиши нафақат жаҳон мева-сабзавотчилик бозорининг ўсиш тўлқини, балки жаҳон бозорини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш омили ҳамдир. Мева – сабзавотчилик маҳсулотларини этиштириш ҳамда ушбу тармоқ ривожини ижтимоий – иқтисодий ўсиш омили ҳисобланганлиги боис, мева – сабзавотчилик тармоғи маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларини давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш механизмларини такомиллаштириш, шу жумладан, стратегик аҳамиятга эга бўлган айрим мева – сабзавотчилик тармоғи маҳсулотларини этиштиришга ажратилган тижорат кредитларининг фоиз ставкаларини субсидиялаш, мева – сабзавотчилик тармоғи ва озиқ-овқат тармоғининг стратегик йўналишлари ва эҳтиёжларига мос кредитлаш ва суғурталаш механизмини, мева – сабзавот тармоғида интенсив инновацион технологияларни жорий қилишни рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш каби вазифалар орқали тармоқнинг инновацион юксалиш жараёнларини жаддаллаштиришни кўзлайди.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР.

Инновацияларни тарқатиш босқичида инновацион жараёнларни баҳолашнинг асосий мезони товар ишлаб чиқарувчиларни турли каналлар бўйича (кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизими орқали, бошқарув функцияларини унинг барча даражаларида амалга ошириш йўли билан, илмий ташкилотлар ва оммавий ахборот воситалари ёрдамида ахборот-маслаҳат хизматлари тизими ҳамда инновацияларни махсус тарғиб қилиш орқали) янги билимлардан, фан ва техника ютуқларидан хабардор қилишнинг максимал тезкорлиги ҳисобланади. Савинко.В.Ф мева – сабзавотчилик тармоғида инновацияларни ўзлаштириш тизимларини шакллантириш учун инновацияларни тарқатиш заруратини асослаб берган[2]. Юқорида қайд

этилган ва бошқа олимларнинг илмий тадқиқотларини ўрганиш натижаси, мева – сабзавотчилик тармоғини ривожлантириш йўналишида инновацияларни тадбиқ этиш борасида хал этилиши лозим бўлган муаммолар борлигини кўрсатади. Фикримизча, мева – сабзавотчилик тармоғини ривожлантириш учун мева – сабзавот хўжалиги ишлаб чиқариши самарадорлигини инновация асосида комплекс таҳлил қилиш ҳамда такомиллаштирилган услубиётини ишлаб чиқиш зарурдир(.1-расм).



1-расм. Мева - сабзавот тармоғи ишлаб чиқариши самарадорлигини комплекс таҳлил қилиш услуби[4].

Юқоридаги 1-расмда мева - сабзавот тармоғи ишлаб чиқариши самарадорлигини комплекс таҳлил қилиш услуби келтирилган бўлиб, ҳозирги кунда мамлакатимизда аграр тармоқда катта эътибор берилаётган кўп тармоқли ишлаб чиқариш фаолиятини ривожлантиришнинг маҳсулот етиштириш ҳамда уни сотиш бўйича даврийлик хусусиятларини инобатга олган ҳолда статистик баҳо бериш зарур. Аграр тармоқда ривожланиш дастури сифатида мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги тармоғини 2030 - йилгача ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиши билан изоҳлашимиз мумкин бўлади[3]. Мамлакатимизда аграр тармоқни ривожлантириш учун кўплаб давлат дастурлари ишлаб чиқилмоқда ҳамда унинг ижросини назорат қилиш ҳамда натижасини баҳолаб бориш зарур ҳисобланади. Аграр тармоқда фаолият

самарадорлигига таъсир қилувчи омилларга статистик баҳо бериш, омилларнинг статистик жиҳатдан аҳамиятлилик даражасини аниқлаш ва олинган натижа асосида зарурий хулосалар ишлаб чиқиш статистик таҳлилнинг кўзланган мақсадга эришилишига замин яратади. Мамлакатимизда импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш қишлоқ тармоғи тармоғида ҳам ўзининг ижобий натижаларини бермоқда.

Ишлаб чиқаришда ўзлаштиришга тайёр бўлган инновацияларнинг яратилганлиги тўғрисидаги ахборотлар товар ишлаб чиқарувчиларга қанчалик тез етказилса, инновацион жараённинг ушбу босқичи шунча самарали фаолият кўрсатаётган бўлади. Ишлаб чиқаришда инновациялар (янгиликлар)ни ўзлаштириш босқичида самарадорлик мезонлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- ❖ ишлаб чиқаришнинг технологик ва иқтисодий самарадорлигини оширишга кўмаклашувчи технологик янгиланиши;
- ❖ меҳнат унумдорлигининг ва ишлаб чиқаришнинг ижтимоий самарадорлигининг ошиши;
- ❖ бир-бирлик ишлаб чиқариш майдонига тўғри келадиган маҳсулот чиқаришнинг кўпайиши;

Мева - сабзавот тармоғини инновацион ривожлантириш бўйича йўл харитаси[4].(1-жадвал)

1-жадвал

№	Йўналиш	Тадбирлар
I	Қисқа, ўрта ва узоқ муддатли (технология асосида) мева - сабзавотчилик тармоғи тармоқларида илмий-техник ютуқларни саноат ривожланишининг асосий йўналишларининг инновацион прогнозлари	Мева – сабзавотчиликчиликга оид фанлари ютуқларини тизимли мониторинг қилиш, мева - сабзавотчилик тармоғи фанини ривожлантиришни истикболли йўналишларини аниқлаш
II	Дастурий-мақсад усулидан фойдаланган ҳолда мамлакат миқёсида ва минтақавий даражада мева - сабзавотчилик тармоғида инновацион жараёнларни ривожлантиришни рағбатлантириш	Мева - сабзавотчилик тармоғида илмий тадқиқотларни молиялаштиришни унинг ютуқларидан мақсадли фойдаланишга йўналтириш билан ошириш: ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишни таъминлайдиган асосий янгиликларни амалга ошириш учун бюджет маблағлари ажратилади.

III	<p>Инновацияларни амалга оширувчи мева - сабзавотчилик тармоғи корхоналари қатламини уларнинг умумий сонининг 25 фоизигача кенгайтириш</p>	<p>Ишлаб чиқаришни изчил ва доимий равишда такомиллаштирадиган мева - сабзавотчилик тармоғи ишлаб чиқарувчилари учун қулай иқтисодий ва ҳуқуқий шароитларни таъминлайдиган институционал ва ҳуқуқий базани шакллантириш.</p>
IV	<p>Солиқ қонунчилигини такомиллаштириш: янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқиш даврида солиқ имтиёзларини белгилаш</p>	<p>Вилоят мева - сабзавотчилик тармоғи ишлаб чиқарувчилари ўртасида инновацияларнинг потенциал истеъмолчилари рейтинги ва инновацияларни бирламчи ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг кашшоф лойиҳаларини амалга оширувчи субъектларни танлаш</p>
V	<p>Мева - сабзавотчилик тармоғида ишлаб чиқариш жараёнларини инновацион асосда рағбатлантириш</p>	<p>Инновацияларнинг дастлабки ривожланиш хавфини суғурта қилиш, тезлаштирилган амортизация ёрдамида ишлаб чиқаришни техник қайта жиҳозлаш, модернизация қилиш ва янгилаш харажатларини қоплаш, ресурс тежовчи технологиялардан фойдаланиш</p>

1-жадвалда Мева - сабзавот тармоғини инновацион ривожлантириш бўйича йўл харитаси мева – сабзавотчилик тармоғи-бозорнинг инновацион занжирини шакллантириш воситаси сифатида фурсат технологиялари турларидан биридир.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, мева - сабзавотчилик тармоғида инновацион инфратузилманинг мавжуд ва янгидан яратилган объектлари сони (технопарклар, инновацион-технологик марказлар, бизнес-инкубаторлар, технология трансфери марказлари и ҳ.к.) ошириш. Мева – сабзавотчилик тармоғида юқори технологик компанияларнинг фонд бозорини шакллантириш (юксак технологияларни яратиш), юқори технологик компанияларининг қимматли қоғозлари савдоси учун фонд бозорининг ихтисослаштирилган сегментини яратиш имкониятларини статистик баҳолаш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги тармоғини ривожлантиришнинг 2020 – 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5853-сонли Фармони (<https://lex.uz/>).

6. Савенко В.Г. Формирование системы освоения инноваций в сельском хозяйстве: теория, методология, практика: диссертация доктора экономических наук: 08.00.05. - Москва, 2005. - 338 с
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 7 июндаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги тармоғини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифалар ижросини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5853-сонли Фармони (<https://lex.uz/>).

ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШДА ХАЛҚАРО РЕЙТИНГЛАРНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ



<https://doi.org/10.5281/zenodo.10795325>

Рахматуллаев Бунёд Дилшотович

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги
Инновацияларни жорий қилиш ва технологиялар трансфери миллий офиси
Бош директор ўринбосари
b.rakhmatullaev@milliyofis.uz

Аннотация. Ушбу мақолада янги Ўзбекистондаги олий таълим, фан ва инновациялар соҳасидаги ислохотлари ҳамда натижалари ўрганилган.

Калим сўзлар: Глобал инновацион индекс, (GII), Иқтисодий сиёсат, Инновациялар, Бутунжаҳон университетлари рейтинг, (QS).

Abstract. This article examines reforms and results in the field of higher education, science and innovation in the new Uzbekistan.

Keywords: Global Innovation Index, (GII), Economic policy, Innovations, Ranking of world universities, (QS).

Аннотация. В данной статье рассматриваются реформы и результаты в сфере высшего образования, науки и инноваций в новом Узбекистане.

Ключевые слова: Глобальный инновационный индекс, Экономическая политика, Инновации, Рейтинг университетов мира.

КИРИШ

Бугунги кунда диёримизда иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистон Республикасининг ўрнини яхшилаш, бу борада мутасадди вазирлик ва идораларнинг фаолиятини самарали мувофиқлаштириш, халқаро майдонда Ўзбекистон мавқеини янада юксалтириш, хорижий рейтинг агентликлари билан ҳамкорликни тизимли равишда амалга ошириш ҳамда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларни натижадорлигига эришиш мақсад этиб белгиланган.

Мазкур мақсадларга эришиш учун дастлаб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 мартдаги ПФ–5687-сон Фармони билан “Устувор халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлашни мувофиқлаштириш бўйича комиссия” кейин 2020 йил 2 июндаги ПФ–6003-сон Фармони билан “Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бўйича республика кенгаши” ташкил этилди. Юқорида кўрсатиб ўтилган фармонларда тасдиқланган энг устувор

йўналишлар рейтингдаги Глобал инновацион индекс (ГИ) ҳамда бутунжаҳон университетлари рейтинги (QS) Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги асосий ижрочи этиб белгиланган.

Глобал инновацион индекс (ГИ) давлатлар иқтисодиётини ривожлантиришнинг амбицияларини реал баҳолаш воситаси бўлиб хизмат қилиб, инновацион ривожланиб келаётган давлатларда унинг пойдеворида диққат-эътибор талаб қиладиган инновацион камчиликлар ҳамда бу борадаги иқтисодиётнинг энг заиф томонларини кўрсатиб беришда муҳим аҳамият касб этади. Бу борада давлатимиз раҳбари бошчилигида миллий иқтисодиётимизни жаҳон миқёсида рақобатдошлигини ошириш, давлат манфаатларидан келиб чиқиб, миллий имижини халқаро ҳамжамият олдида ошириш, мамлакатимизнинг ўзаро очиқ ташқи сиёсат юритиши, мамлакатимиз обрўсини мустаҳкамлашга хизмат қилиши борасида, барча соҳаларга амалга оширилган ислохотлар сингари инновация ва илм-фанни қўллаб-қувватлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилди.

НАТИЖАЛАР

Глобал инновация индексининг 2023-йилги рейтингда Ўзбекистон 132 та давлат орасида 82-ўринни сақлаб қолди. Ўзбекистон инновациялар соҳасида миллий иқтисодий ривожланиш даражасига солиштирганда баланд кўрсаткичга эришган мамлакатлар қаторидан жой олди, яъни ялпи ички маҳсулотга нисбатан инновацияларнинг юқори самарадорлиги қайд этилди.

Индексда мамлакатлар 4 та даромад гуруҳига бўлинган (юқори даромад, юқори ўрта даромад, қуйи даромад ва паст даромад), Ўзбекистон ўз гуруҳида (қуйи ўрта даромад) 37 та давлат ичида 10-ўринни эгаллади. Ўзбекистон минтақалар бўйича инновацион иқтисодиётлар таснифида 10 та Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатлари орасида 4-ўринни эгаллади. Рейтингнинг 2023-йилги ҳисоботида Ўзбекистон Инновацияларни жорий этиш учун мавжуд ресурслар ва шароитлар (*innovation input*) субиндексида 72-ўринни, Инновацияларни жорий этишда эришилган амалий натижалар (*innovation output*) субиндексида ўтган йилга нисбатан 3 поғонага ўсиб, 88-ўринни эгаллади. Ўзбекистон шунингдек рейтингда Бошқарув институтлар сифати (+8), Инфратузилма (+1), Билим ва технология маҳсуллари (+2), Ижодий маҳсулотлар (+9) йўналишларида ўз ўрнини ўтган йилга нисбатан яхшилади. Индекснинг Ўзбекистон субиндекслар ва йўналишлар бўйича ўрнининг ўзгаришлари ҳақида таққослама жадвали 1-иловада келтириб ўтилган.

Мунтазам паст баҳоланган 19 та индикаторларнинг 2022-йилда 2021-йилга нисбатан 8 тасида ўрни яхшиланган, 10 тасида ўрни пасайган ва 1 та индикатор

ўрни ўзгаришсиз қолган. 2023-йилда ўтган йилга нисбатан 12 индикатор ўрни яхшиланган бўлса, 5 та индикаторлар ўрни пасайган ва 2 та индикатор ўрни ўзгаришсиз қолган.

Маълумоти мавжуд бўлмаган 10 та индикатор сўнги 3 йиллик рейтинг ҳисоботларининг барчасида акс этирилмаган. Хусусан, мазкур индикаторларни ўз маълумотлар базасида шакллантириш ва Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (WIPO)га етказишга масъул халқаро институтлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилмаган.

Маълумоти эскирган индикаторлар 2021-йилда 5 тани, 2022-йилда 7 та ва 2023-йилда 9 тани ташкил этди.

Бутунжаҳон университетлари рейтинги (QS) Замонавий глобаллашув даврида олий таълим муассасаларининг халқаро нуфузини ошириш, таълим бозорида рақобатбардошлик қобилиятини мустаҳкамлашда халқаро рейтинг баҳолаш тизими муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сонли Фармони билан тасдиқланган Давлат дастурининг 47-мақсадида 2026 йилга қадар 10 та салоҳиятли олий таълим муассасасини **Quacquarelli Symonds – QS** ва **Times Higher Education – THE** халқаро рейтингларига киришга мақсадли тайёрлаш кўзда тутилган бўлиб, ўтган қисқа даврда мазкур йўналишда амалга оширилган ишлар натижасида бир қатор ютуқлар қўлга киритилди.

2023 йил 27 сентябрь куни Буюк Британиянинг нуфузли рейтинг ташкилоти – Times Higher Education агентлиги томонидан эълон қилинган «World University Rankings – 2024» рейтинги рўйхатида Республикамизнинг 48 та олий таълим муассасаси «Репортёр» мақомида қайд қилинди ва ўтган икки йилда «ТОП-1000» рейтингидан жой олиш учун даъвогар олий таълим муассасаларимиз сони 2021 йилда 10 та бўлган бўлса, 2022 йилда **28 тага** етди. Жорий йилнинг 5 декабрь куни “Quacquarelli Symonds” (QS) халқаро рейтинг ташкилоти томонидан “Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш” йўналишида “**QS Sustainability Rankings – 2024**” рейтинги эълон қилинди.

Мазкур рейтингда “**ТИҚХММИ**” МТУ “Атроф муҳит муҳофазаси соҳасида таълим” (**110-ўрин**), ЎзМУ “Бошқарув модели” (**289-ўрин**), ТДТУ “Атроф муҳит муҳофазаси соҳасида барқарор ривожланиш” (**324-ўрин**) индикатори бўйича “ТОП-1000” олийгоҳлар рўйхатидан ўрин эгаллади. (Маълумот учун: Жорий йилда QS томонидан “QS Sustainability Rankings –

2024” reytingida 95 ta davlatdan 1 397 ta oliy taъlim tashkilotlari faoliyati baholandi).

МУНОЗАРА

Етакчи ривожланган давлатларнинг Глобал инновацион индексида ўз мавқеини ошириш учун амалга оширилаётган тизимли ишлари талайгина. Рейтингда юқори ўринда турувчи ҳамда тезликда ўз ўрнини яхшилаб бораётган давлатлар ва раҳбарларнинг глобал инновацион индекс хақида фикрлари.

Швейцария Глобал инновацион индекс 2023 йилда иқтисодиёти ривожланган 132 та Давлатлар орасида 1-ўринни эгаллаб турибти. Таъкидлаш жоизки, Швейцария кетма-кет 13 йил давомида энг иқтисодиёти баланд бўлган Давлатлар орасида 1-ўрин. Ундан кейинги ўринларда Швеция, АҚШ, Буюк Британия, Сингапур эгаллашган.

WIPO Бош директори, Дарен Танг Глобал инновацион индекс хақида шундай дейди: “Глобал инновацион индекс туфайли бутун дунё бўйлаб сиёсатчилар ўз халқининг инновацион салоҳиятини очиб бериш учун инновацион сиёсатни ишлаб чиқишда ишончли маълумотлар ва манбааларга эга бўлишмоқда”

Жорий йилда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо бўлган давлатларнинг Глобал Инновациялар индекси рейтингда куйидаги ўринларни эгаллашди. Бунда Россия Федератив Республикаси етакчилик қилмоқда.

Инновациялар иқтисодий тараққиётнинг асосий омили бўлиб, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо бўлган давлатларнинг бу йўналишда изчил қадамлар ташлай бошлади.

№	Давлатлар	2023 йилда ГИИ рейтингдаги ўрин
1	Россия Федератив Республикаси	51
2	Молдава Республикаси	60
3	Армения Республикаси	72
4	Беларусия Республикаси	80
5	Қозоғистон Республикаси	81
6	Ўзбекистон Республикаси	82
7	Озарбайжон Республикаси	89
8	Қирғизистон Республикаси	106
9	Тожикистон Республикаси	111

Ҳиндистон Бош вазири, Нарендра Модии шундай дейди: “Жорий йилда Ҳиндистон глобал инновациялар индексида **40-ўринга** кўтарилди. **2015** йилда **81-ўринни** эгаллаган эдик. Ҳиндистонда стартаплар сони икки баравар кўпайди ва биз ҳозир дунёда 3-ўринни эгаллаб турибмиз. Буларнинг барчаси Ҳиндистоннинг истеъдодли ёшлари билан боғлиқ” «Бангалор техникум саммити 2022»да Ҳиндистоннинг 2015 йилдан жорий йилга қадар амалга оширилган ишлари тўғрисида ҳамда Мамлакатда Глобал инновацион индексда ўз ўрнини яхшилаш ва ушбу йўлда амалга ошириши кўзда тутилган вазифалар билан бўлишти.

Саноат ва технология вазири, Мустафо Варанк: “Туркия ўз тарихидаги энг юқори даражада. Охириги икки йил ичида биз **14** поғонага кўтарилиб, **132** давлат орасида **37-ўринни** эгалладик. **20** йил давомида биз қурган тадқиқот, ишланмалар ва инновациялар, экотизимимиз янги муваффақият ҳикояларини ёзишда давом этади”.

Саудия Арабистони Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (WIPO) томонидан эълон қилинган 2022 йилги Глобал инновациялар индексида 15 поғонага кўтарилди.

Бу валиаҳд шаҳзода ва Бош вазир Муҳаммад бин Салмон, шунингдек, тадқиқот, ишланмалар ва инновациялар бўйича олий қўмита раиси, тадқиқот, ишланмалар ва инновациялар (РДИ) бўйича миллий интилишлар ва устуворликларни эълон қилганидан бир йил ўтмай содир бўлди. **Форбес** журнали маълумотларига кўра, Саудия Арабистони дунёдаги энг тез ўзгариб бораётган мамлакатлардан бири ҳисобланади, бу унинг сўнгги ўн йил ичида мамлакат инновацион тизимини ривожлантиришга ҳисса қўшган янги тармоқларга кириш орқали ўз иқтисодиётини диверсификация қилишга қаратилган саъй-ҳаракатлари натижасидир. Қиролликнинг **2022** йилда Глобал Инновациялар индексида эришган бу сакраши тадқиқот, ишланмалар ва инновациялар соҳасида амалга оширилаётган ривожланиш кўламини тасдиқлайди.

Мамлакатимизнинг ГИИ рейтингда асосий муаммолар

Аввало, давлатимизда ГИИ кўрсаткичлари доирасида халқаро ташкилотлар учун тақдим этилиши лозим бўлган статистик маълумотларни ҳисоблашда ривожланган давлатларда бўлганидек суний интеллект ва замонавий технологиялардан фойдаланилмайди. Шу боис, ГИИ рейтингдаги кўрсаткичларни такрорланиш ҳолатлари, бошқа рейтинг ва индекслар билан кўрсаткичлар кесишмаларига аниқлик киритиш, кўрсаткичларни индекслардан алоҳида таҳлил қилиш муаммолари келиб чиқиш ҳолатлари кузатилмоқда.

Шунингдек халқаро рейтинглар билан ишлашда малакали кадрларни етишмаслиги, халқаро рейтингларни барча методологияси ва бошқа зарур мезонлари бўйича кўрсаткичларини ўрганиб чиқиб норматив-хужжатларимиз ҳамда қонунчилигимизга татбиқ этиш борасида ишлар назардан четда қолаётгани сингари бугунги кундаги энг муҳим муаммоларни кўрсатишимиз мумкин.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

ГИИ рейтингида Ўзбекистоннинг кўрсаткичларини яхшилаш учун қуйидаги таклифларни келтириш мумкин. Биринчидан, Давлатимизда халқаро ташкилотлар учун тақдим этилиши лозим бўлган статистик маълумотларни тақдим этиш мезони бўлмагани учун ГИИ томонидан эътиборга олинмаслигига сабаб бўлмоқда, Шунинг учун тегишли ташкилотлар томонидан соҳасига доир ҳар бир индикатор бўйича статистик маълумотларни тўплаш ва тақдим этиш жараёнида вужудга келадиган муаммоларни аниқлаш ва уларни ечиш тегишли маълумотларни йиғиш ва индекс тузувчиларига тақдим этиш чорасини кўриш таклиф этилади.

Иккинчидан, халқаро рейтинглар билан ишлаш вазирлик идоралар ўртасида малакали кадрларларни танлаш, тажрибасини ошириш учун улар иштирокида семинар-тренинглар ўтказиш, рейтингда юқори ўринга эга хорижий давлатларга уларни тажрибасини ўрганиш учун юбориш, халқаро экспертлари жалб қилган ҳолда тадбирлар ташкил этиб, кадрларни салохияти ва малакасини ошириш таклиф этилади.

Учунчидан, масъул халқаро ташкилотлар билан биргаликда, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги асосий ижрочи этиб белгиланган энг устивор йўналишлар рейтингидаги (ГИИ) ҳамда (QS) статистик маълумотларини масъул халқаро ташкилотлар билан мувофиқлаштириш, уларнинг методологиясини такомиллаштириш ҳамда Статистика агентлиги билан ҳамкорликда (ГИИ) ва (QS) суб-индекс маълумотларини тизимли йиғиш ва уларни <https://stat.uz/uz/> платформасига интеграция қилиш таклиф этилади.

Хулоса қилиб айтганда юқорида санаб ўтилган таклифлар доирасида ишларни амалга ошириш мамлакатимизнинг ГИИ рейтингида илғор давлатлар қаторидан жой олишига хизмат қилади ҳамда амалга ошираётган ишларимиз, ислохотларимиз, сай-ҳаракатларимиз натижасида ГИИнинг поғоналарида мамлакатимизни инновацион имижини оширишда ҳамда ўз олдимизга қўйган 2030 йилга келиб ГИИ рейтингида жаҳоннинг 50 та илғор мамлакат қаторига киришига замин яратишига ишонамиз.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. <https://mininnovation.uz/oz/news/post-865>
2. <https://yuz.uz/news/ozbekiston-global-innovatsion-indeks-reytingida-7-pogona-kotarildi>
3. <https://www.hindustantimes.com/india-news/india-jumped-to-40th-rank-in-global-innovation-index-pm-modi-at-tech-summit-101668596110675.html>
4. <https://contxto.com/brazil/brazil-leads-latin-america-in-the-2023-global-innovation-index/>
5. <https://saudigazette.com.sa/article/630701>
6. <https://www.tim.org.tr/en/news-turkiyes-historical-record-in-the-global-innovation-index>

1-илова

Индекснинг Ўзбекистоннинг субиндекслар ва йўналишлар бўйича ўрнининг ўзгаришлари динамикаси ҳақида таққослама жадвал

№	Йўналишлар	2022 й. балл	2022 й. ўрин	2023 й. балл	2023 й. ўрин	Баллдаги ўзгариш	Ўриндаги ўзгариш
Инновацияларни жорий этиш учун мавжуд ресурслар ва шароитлар субиндекси (Инноватион инпут)			68		72		▼4
1.	Бошқарув институтлари сифати	57,3	63	54,7	55	▼2,6	▲8
2.	Инсон капитали ва илмий тадқиқотлар	30,8	65	25,2	89	▼5,6	▼14
3.	Инфратузилма	41,7	74	37,9	73	▼3,8	▲1
4.	Бозор ривожланиши	33,9	60	33,9	69	0	▼9
5.	Бизнесни ривожлантириш	25,3	74	25,5	78	▼0,2	▼4
Инновацияларни жорий этишда эришилган амалий натижалар субиндекси (Инноватион оутпут)			91		88		▲3
6.	Билим ва технология маҳсуллари	17,9	80	19,3	78	▲1,4	▲2
7.	Ижодий маҳсулотлар	7,7	102	14,6	93	▲6,9	▲9

CONTENT / СОДЕРЖАНИЕ / MUNDARIJA

Эшов.М.П., Умарова М.А. // ПУЛГА ТАЛАБ ВА ТАКЛИФНИ СТАТИСТИК ПРОГНОЗЛАШ МАСАЛАЛАРИ.....	6
Abduraxmanova Gulnora Qalandarovna., Akbarova Barno Shuxratovna. // INSON KAPITALI RIVOJLANISH KONSEPSIYASIDA OLIY TA'LIM HIZMATLARINI STATISTIK TAHLILI.....	13
Саидов Муҳаммад Али Ҳақимович., Абдувасиков Абдуазиз Абдулазизович., Саидова Дилдора Нурматовна // БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ДУАЛ ТАЪЛИМНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ИМКОНИЯТ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ (GIZ халқаро лойиҳаси доирасида).....	21
Mamatkulov Baxtiyor Xalmuradovich // O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI AHOLISINING DAROMADLARINI STATISTIK TAHLILI.....	31
Buzrukxonov Sardorxon Sarvarxon o‘g‘li // O‘ZBEKISTON YASHIL ENERGETIKA TIZIMINI YARATISHDAGI MUAMMOLARNI ANIQLASHDA SIFAT TADQIQOT USULLARIDAN FOYDALANISH.....	39
Fayzulloh Sattoriy // O‘ZBEKISTONDA DAVLAT BUDJETI TA'LIM XARAJATLARI VA IQTISODIY O‘SISHNING O‘ZARO BOG‘LIQLIGI MASALALARINING EMPIRIK TAHLILI.....	49
Dusnayev Sherzod Ergashevich // DEMOGRAFIK JARAYONLARNI HISOBINI YURITISHDA XORIJIY TAJRIBALAR VA DUNYO AHOLISINING STATISTIK TAHLILI.....	58
Исмаилова Шахноза Уктамовна // ИСТЕЪМОЛ НАРХЛАРИ ИНДЕКСИ (ИНИ) – ХАЛҚАРО АМАЛИЁТ.БИРЛАШГАН ВЕНА ИНСТИТУТИДА ЎРГАНИЛГАН ТАЖРИБАЛАР.....	64
Mirolimov Mirislom Mirshokir o‘g‘li., Xusnuddinova Munisa Jamoliddin qizi // YANGI O‘ZBEKISTONDA MEHNAT BOZORI STATISTIK O‘RGANISH OBYEKTI SIFATIDA.....	72
Умаров Фахриддин Умар ўғли // ЎЗБЕКИСТОНДА ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТДА ЯШИЛ ИНВЕСТИЦИЯ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ УМУМИЙ ЖИҲАТЛАРИ.....	83
Ishchanov Atabay Reyimberdievich // MAMLAKATIMIZDA IQTISODIYOT RIVOJLANISHINING HOZIRGI BOSQICHIDA MEHNATNI INNOVATSION BOSHQARISH TIZIMINI SHAKLLANTIRISH.....	89
Ахмедова Мавлуда Шавкатовна // ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ САМАРАЛИ ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ СТАТИСТИК КЎРСАТКИЧЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТАХЛИЛИ.....	99

Abduraimov Bun’et Muratovich // RAQAMLI IQTISODYOT SHAROITIDA SERVIS SOXASIDA RAQAMLI XIZMAT KO‘RSATISHNING EKONOMETRIK TAHLILI.....	108
Жумабаева Жадыра Абдукадировна // ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ ЖАРАЁНИ.....	115
Исмаилова Шахноза Уктамовна // ИНФЛЯЦИОН ЖАРАЁНЛАРНИ ИҚТИСОДИЙ-СТАТИСТИК ТАҲЛИЛИ.....	124
Исмаилова Шахноза Уктамовна // ИЖТИМОЙ – ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ КЎРСАТКИЧЛАРИНИ БАҲОЛАШДА ХАЛҚАРО ТАСНИФЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШНИНГ АҲАМИЯТИ.....	132
Музафарова Сусанна Диляверовна // ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ИЧКИ АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.....	139
Murodov Jahongir Choriyevich // KLASTER TIZIMI VA UNING FERMER ХО‘ЖАЛИКЛАРИ RIVOJIDAGI O‘RNI.....	147
Набиходжаев А.А., Одилхонов У.А. // ВАЛЮТАЛАРНИНГ ХАРИД ҚИЛИШ ҚОБИЛИЯТИ НИМА ВА У ҚАНДАЙ ҲИСОБЛАНАДИ?.....	156
Разумов Александр Александрович., Селиванова Ольга Владимировна // БЕДНОСТЬ В СУБЪЕКТАХ РОССИЙСКОЙ ФЕДЕРАЦИИ: ПРАКТИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ РАЗВИТИЯ РЕГИОНАЛЬНОЙ СТАТИСТИКИ.....	161
Ешмуратова Айнур Нуржан кизи // ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ХАЛҚАРО ТУРИЗМ ВА УНИНГ РИВОЖЛАНИШ ҲОЛАТИНИ СТАТИСТИК ТАҲЛИЛИ.....	169
Нуруллаева Малика Самаджон кизи // ЎЗБЕКИСТОНДА ТУРИЗМНИНГ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ ВА ЙЎНАЛИШЛАРИ.....	178
Олим Албаевич Жўраев // ХУДУДЛАРДА МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИК ТАРМОҒИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН ЙЎНАЛИШЛАРИ ТАҲЛИЛИ.....	185
Ayubjonov Abbos Nosilovich., Mirolimov Mirislom Mirshokir o‘g‘li // TOSHKENT VILOYATIDA ISHSIZLIK DARAJASINI EKONOMETRIK VANOLASH VA PROGNOZLASH.....	190
Турсунов Б., Ашуров М., Акрамжонов Ф. // ХУДУДЛАРНИ КОМПЛЕКС ВА МУТАНОСИБ РИВОЖЛАНТИРИШ СТРАТЕГИЯСИ...	199

Akbarova Barno Shuxratovna // O‘ZBEKISTONDA AHOLI TURMUSH DARAJASINI STATISTIK TAHLILI.....	204
Ro‘ziyev Bobir Akramovich., Temirova Layloxon Alisher qizi // QASHQADARYO VILOYATIDA SAFARI TURIZMINI TASHKIL QILISH VA TAKOMILLASHTIRISH ISTIQBOLLARI.....	213
Akbarova Sayyora Shuxratovna // KAMBAG‘ALLIKNI QISQARTIRISHNING NAZARIY ASOSLARI.....	218
Умарова Мукаддас Аббасовна., Одилхонов У.А. // ХАЛҚАРО МЕХНАТ БОЗОРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ-СТАТИСТИК ТАҲЛИЛИ.....	225
Abrayev Sherzod Xurromovich // O‘ZBEKISTONDA MEHNAT BOZORI ASOSIY KO‘RSATKICHLARINING O‘ZGARISH TENDENSIYALARI VA ULARNING STATISTIK TAHLILI.....	234
Юлдошев З. // МАМЛАКАТИМИЗДАГИ ДЕМОГРАФИК ЖАРАЁНЛАРНИНГ СТАТИСТИК ТАҲЛИЛИ.....	240
Долгова Ирина Евдокимовна // К ВОПРОСАМ ИЗУЧЕНИЯ ОПЫТА ФОРМИРОВАНИЯ «ПОТРЕБИТЕЛЬСКОЙ КОРЗИНЫ» НАСЕЛЕНИЯ...	246
Qurbonboyev Abdulla Mansur o‘g‘li // BANKLARNING XALQARO MOLIYAVIY INSTITUTLARI BILAN O‘ZARO HAMKORLIGINI STATISTIK O‘RGANISH.....	251
Xusnuddinova Munisa Jamoliddin qizi // YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTIDA XALQARO INVESTITSION MUHITNI YARATISHNING STATISTIK TAHLILI.....	261
Хажиев Бахтиёр Душабоевич // ТАҚСИМОТ ЖАРАЁНЛАРИ САМАРАДОРЛИГИГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ОМИЛЛАР ЎРТАСИДАГИ ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИК.....	271
Турсунов Бобир Ортикмирзаевич // АНАЛИЗ ФИНАНСОВОЙ БЕЗОПАСНОСТИ РАЗВИТИЯ ПРЕДПРИЯТИЙ ТЕКСТИЛЬНОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ НАШЕЙ СТРАНЫ.....	276
Yuldasheva Nihola Tohir qizi // TOSHKENT VILOYATIDA KICHIK BIZNESNING SANOAT TARMOG‘IGA TA‘SIRINING STATISTIK TAHLILI.....	286
Mirolimov Mirislom Mirshokir o‘g‘li // O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI AHOLISI TARKIBI VA DINAMIKASINI STATISTIK VANOLASH.....	295
Мамаджанов Аброрали Аширалиевич // ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛИЙ ҲИСОБЛАР ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БОРАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИШЛАР ТАҲЛИЛИ.....	304

Yuldasheva Nihola Tohir qizi // O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI KIMYO SANOATI TARMOG‘I RIVOJLANISH JARAYONLARINING IQTISODIY-STATISTIK TAHLILI.....	312
Акбарова Зарипа // АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ИФОДАЛОВЧИ СТАТИСТИК КЎРСАТКИЧЛАР ТИЗИМИ ВА УНИНГ ТАҲЛИЛИ.....	322
Эрназаров Дилмурод Зухриддинович // ЎЗБЕКИСТОНДА ГЕНДЕР СИЁСАТИ ТАКОМИЛЛАШУВИНИНГ НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ.....	331
Kasım MÜMİNOĞLU // O‘TMISHDAN HOZIRGI KUNGACHA GENDER MUAMMOSI VA AYOLNING O‘RNI.....	340
Исмаилов Аллаёр Рашидович // КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВНИНГ ЖАҲОН МАМЛАКАТЛАРИДА ШАКЛЛАНГАН НАЗАРИЙ ЁНДАШУВЛАР.....	350
Умидов Ш. // САНОАТ КОРХОНАЛАРИ ИННОВАЦИОН БОШҚАРУВИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ СТАТИСТИК ТАҲЛИЛИ.....	354
Ахмедов Шерзод Шароф угли // АНАЛИЗ ВНУТРЕННИХ И ВНЕШНИХ ФАКТОРОВ В ОБЕСПЕЧЕНИИ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ БЕЗОПАСНОСТИ СТРАНЫ.....	366
Berdiqulov Qobil G‘ulomovich // QISHLOQ XO‘JALIGIDA AMALGA OSHIRILAYOTGAN ISLOHOT NATIJALARINING STATISTIK TAHLILI... 	372
Мадазимова Нигорахон Мехтаровна // РЕЗУЛЬТАТЫ ОБЩЕНАЦИОНАЛЬНОГО ОПРОСА О ГЕНДЕРНЫХ СТЕРЕОТИПАХ И ПАТРИАРХАЛЬНЫХ УСТАНОВКАХ В УЗБЕКИСТАНЕ И ВОПРОСЫ ГЕНДЕРНОЙ СТАТИСТИКИ.....	378
Разикова Гулмира Шарифовна // ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МЕҲНАТ БОЗОРИ РИВОЖЛАНИШИНИ СТАТИСТИК ЎРГАНИШ.....	386
Акбарова Малика Илхомовна // АҲОЛИ БАНДЛИГИ ВА МЕҲНАТ БОЗОРИДАГИ ТАРКИБИЙ ЎЗГАРИШЛАРНИ ТАҲЛИЛИ.....	398
Agzamxo‘jaev Olimxo‘ja Anvar o‘g‘li // СНЕТ EL INVESTITSIYALARINI JALB ETISHNI STATISTIK O‘GANISHNING ANAMIYATI.....	411
Камалетдинов Улугбек // ПОДХОДЫ К СОВЕРШЕНСТВОВАНИЮ СТАТИСТИЧЕСКОЙ ОЦЕНКИ ВЛИЯНИЯ ГЕНДЕРНОГО РАВЕНСТВА НА РЕГИОНАЛЬНУЮ ИНВЕСТИЦИОННУЮ ЭКОСИСТЕМУ.....	420
Abdurakhmanov Mirzatlla Abdullaevich // STATISTIKANING HOZIRGI ZAMON TARAQQIYOTI DAVRIDAGI ROLI.....	429
Жўраев Олим Албаевич // ХУДУДЛАРДА МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИК ТАРМОҒИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН ЙЎНАЛИШЛАРИ ТАҲЛИЛИ.....	437



Рахматуллаев Бунёд Дилшотович // ИННОВАЦИОН
РИВОЖЛАНИШДА ХАЛҚАРО РЕЙТИНГЛАРНИНГ ЎРНИ ВА
АҲАМИЯТИ..... 443

**Тошкент давлат иқтисодиёт университетида 2023 йилнинг 15
декабрида бўлиб ўтган “Янги Ўзбекистонда Статистика назарияси ва
амалиётидаги ислохотлар: муаммолар ва ечимлар” мавзусидаги
халқаро илмий-амалий анжумани бўйича
РЕЗОЛЮЦИЯ**

Анжуманни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги раҳбари Бегалов Баходир Абдусаломович “Янги Ўзбекистонда статистика амалиётидаги ислохотлар: муаммолар ва ечимлар” масалаларига бағишланган маърузаси билан очиб берди.

Маърузада илмий тадбирнинг илмий йўналишлари, конференциянинг мақсад ва вазифалари баён қилинди.

Конференциянинг мақсади “Статистикани ривожлантиришнинг миллий стратегияси”ни муҳим аҳамияти, нафақат миллий статистика идораларини, балки мамлакат миқёсидаги барча статистика маълумотларини ишлаб чиқарувчилар фаолиятини инobatга олган ҳолда, чамбарчас боғлиқликда ривожлантиришдир:

• Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини жадал амалга ошириш жараёнида статистика назариясининг трансформацияси,

• Иқтисодиётнинг реал секторини ислоҳ қилиш ва такомиллаштириш истиқболлари,

• Минтақавий статистикани ривожлантириш илмий ва амалий жиҳатлари,

• Статистика ривожининг жаҳон тажрибасини Ўзбекистонда тадбиқ қилиш,

• Ўзбекистонда Барқарор ривожланиш мақсадлари ва гендер статистикаси амалиёти ва трансформацияси йўналишлари.

Муҳокама қилинган масалалар. Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини жадал амалга ошириш жараёнида статистика назариясининг трансформацияси, иқтисодиётнинг реал секторини ислоҳ қилиш ва такомиллаштириш истиқболлари, минтақавий статистикани ривожлантиришнинг илмий ва амалий жиҳатлари, статистика ривожининг жаҳон тажрибасини Ўзбекистонда тадбиқ қилиш, Ўзбекистонда Барқарор ривожланиш мақсадлари ва гендер статистикаси амалиёти ва трансформацияси йўналишлари.

Тадбирда 100 нафар иштирокчилар қатнашишди. Шундан, хорижий иштирокчилар сони 15 нафар, маҳаллий иштирокчилар сони 75 нафар. Илмий тадбир якунида чоп этилган материаллар тўпламига киритилган тезислар сони 60 та.

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигидан Рахматуллаев Бунёд ўз маърузасида “Ўзбекистоннинг халқаро рейтинглардаги иштироки. Инновацион ривожланиш рейтинги”нинг ўрни ва кўрсаткичларини яхшилаш бўйича амалга

оширилаётган тизимли ишлар тўғрисида ҳамда ушбу рейтингда Ўзбекистоннинг кўрсаткичларини яхшилаш учун бир қанча таклифларни келтириб ўтди.

БМТ Тараққиёт Дастури лойиҳаси раҳбари Нигора Мадазимова “Ўзбекистонда гендер статистикасини юритишдаги долзарб муаммолар”и ҳақида чиқиш килди.

Туркия давлатидан Kasım Müminoğlu, Dokuz Eylül Üniversitesi, İlahiyat Fakültesi, Falsafa ve Din bilimleri кафедраси доценти “Ўтмишдан ҳозирги кунгача гендер муаммоси ва аёлларнинг жамиятдаги ўрни” ҳақида ўз маърузаси билан қатнашди.

Тошкент давлат аграр университети “Агроиқтисодиёт” кафедраси профессори М. Саидов “Барқарор иқтисодий ривожланишда олий таълим тизимида дуал таълимни жорий этиш имконият ва истиқболлари” (ГИЗ халқаро лойиҳаси доирасида) мавзусидаги маърузасида бир қанча таклиф ва тавсияларни айтиб ўтди. Ўзбекистондаги олий таълимнинг мавжуд ҳолати доирасида олий таълимнинг қўшимча шакли сифатида (КОТ – нима дегани?) КОТнинг табиати, афзалликлари ва афзалликлари ҳақида, манфаатдор томонлар ва потенциал шерикларнинг кенгроқ гуруҳини хабардор қилиш бўйича тадбирларни қамраб олади. Бунга бошқа мамлакатларнинг тегишли КОТ провайдерлари томонидан конференциялар, ўқув сафарлари ва энг яхши тажрибалар тақдимотларини киритиш мумкин. Шу билан бирга, ОАВ, шу жумладан Интернет-сайтлар КОТ ни эълон қилиш ва тарғиб қилиш учун ишлатилиши мумкин. Ташкилотчилар ва мақсадли гуруҳлар сифатида ваколатли органлар, сиёсатчилар ва таълим соҳасидаги, иқтисодий ривожланиш ва бандлик соҳасидаги, шу жумладан иш берувчилар уюшмалари, хусусий корхоналар ва бизнес уюшмалари бўлади. Ўзбекистондаги олий таълимнинг мавжуд ҳолати (манзараси) доирасида, олий таълимнинг қўшимча шакли сифатида КОТнинг табиати, афзалликлари ва афзалликлари ҳақида, манфаатдор томонлар ва потенциал шерикларнинг кенгроқ гуруҳини хабардор қилиш бўйича тадбирлар киради. Бунга бошқа мамлакатларнинг тегишли КОТ провайдерлари томонидан конференциялар, ўқув сафарлар ва энг яхши тажрибалар тақдимотлари кириши мумкин. Шу билан бирга, ОАВ, шу жумладан Интернет-сайтлар КОТ ни эълон қилиш ва тарғиб қилиш учун ишлатилиши мумкин. Ташкилотчилар ва мақсадли гуруҳлар сифатида ваколатли органлар, сиёсатчилар ва таълим соҳасидаги, иқтисодий ривожланиш ва бандлик соҳасидаги, шу жумладан иш берувчилар уюшмалари, хусусий корхоналар ва бизнес уюшмалари бўлади.

Хитой Халқ Республикасидан Ўзбек-Хитой савдо уюшмаси раиси Chan Tsin “Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги ташқи савдони такомиллаштириш йўналишлари” мавзусида маъруза килди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги вакили Мамадалиев Одилжон Тоирович “Статистика соҳасида халқаро алмашинув ва технологиялар трансфери фаолиятга автоматлаштирилган

ахборот тизимлари ва технологияларни жорий этилиши ҳамда келажакдаги режалари” ҳақида маъруза қилди.

Қозоғистон Республикасидан Esil Университети профессори Абдурахмонов Мирзатилла Абдуллаевич “Статистиканинг ҳозирги замон тараққиёти давридаги роли” мавзусида қатнашди.

Россия Федерациясидан Разумов Александр Александрович “Россия Федерациясининг таъсис субъектларида қашшоқлик: минтақавий статистикани ривожлантиришнинг амалий жиҳатлари” мавзуси билан чиқиш қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлигидан Дуснаев Шерзод “Ўзбекистонда аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш, аҳоли демографиясининг бугунги ҳолати: муаммолар ва ечимлар” мавзуси билан қатнашди. Аҳолини рўйхатга олишни ташкил этишда бир қанча ишлар амалга оширилганлиги ҳақида тўхталиб ўтди. 2021 йил 1-25 ноябрь кунлари республика аҳолисининг 1,6%и рўйхатга олинган ушбу синов жараёнида юзага келган муаммолари ҳамда ушбу муаммоларни ечими бўйича таклифларни айтиб ўтди. Аҳолини рўйхатга олиш усуллари бўйича ва тайёргарлик кўриш бўйича амалга оширилган ишлар ҳамда унинг натижаларини эълон қилиш ва эришилган ютуқлар бўйича фикр мулоҳазаларини айтиб ўтди.

ТДИУ “Статистика” кафедраси доценти Набиходжаев Аббас Абдупаттахович “Валюталарнинг харид қилиш қобиляти нима ва у қандай ҳисобланади” мавзусида маъруза қилди. Халқаро макроиктисодий таққослашларнинг асосий мақсади турли мамлакатлардаги ЯИМ ва бошқа МҲТ агрегатларини бир хил валютага келтириб, тўғридан тўғри таққослаш методини танлаш талаб қилиниши бўйича ўз фикр мулоҳазаларини айтиб ўтдилар.

Анжуман Ўзбекистон Республикаси статистикасини ривожлантиришнинг миллий стратегияси асосида муҳим макроиктисодий кўрсаткичларни ҳисоблаш услубиётини такомиллаштириш, инсон капитали ва қашшоқликни қисқартириш соҳасида статистик кузатишлар, кўрсаткичлар тизимини таҳлил қилиш мақсадида ўтказилди.

Анжуман Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини жадал амалга оширишнинг муҳим аҳамияти, нафақат миллий статистика идораларини, балки мамлакат миқёсидаги барча статистика маълумотларини ишлаб чиқарувчилар фаолиятини инобатга олган ҳолда, чамбарчас боғлиқликда ривожлантиришга қаратилгандир.

Ушбу тадбирда Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини жадал амалга ошириш жараёнида статистика назариясининг трансформацияси, иқтисодиётнинг реал секторини ислоҳ қилиш ва такомиллаштириш истиқболлари, минтақавий статистикани ривожлантиришнинг илмий ва амалий жиҳатлари, статистика ривожининг жаҳон тажрибасини Ўзбекистонда тадбиқ қилиш, Ўзбекистонда Барқарор ривожланиш мақсадлари ва гендер

статистикаси амалиёти ва трансформацияси йўналишлари каби масалалар ўрин олган.

Анжуманнинг муҳимлиги ва долзарблиги унда кўтарилган қуйидаги муаммолар ва уларнинг ечимлари бўйича статистик таҳлиллар асосида берилган таклифлар билан аҳамиятлидир:

Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва рақобатбардош иқтисодиётни шакллантиришга эришиш;

миллий статистика тизимини халқаро андозаларга таянган ҳолда такомиллаштириш;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакат ЯИМ ва иш билан бандлар сонидаги улушини жадал ошириш;

мамлакат экспорт салоҳиятини ошириш;

иқтисодий ўсиш ва халқаро таққослашларда статистик усулларни қўллаган ҳолда 2030 йилга келиб ЯИМ ҳажмини 2 баробар ошириш имкониятларни асослаш.

Ҳозирги пайтда статистика соҳасида долзарб муаммолар минтақавий ва глобал миқёсда тинчликни мустаҳкамлаш, барқарор тараққиётни таъминлаш, шунингдек, қашшоқликка барҳам бериш ва камбағалликни қисқартириш ҳамда замонавий талаблар ва халқаро стандартларга тўлиқ жавоб берадиган тараққий этган ва илғор статистика тизимини шакллантириш, халқаро ташкилотлар, молия институтлари ва хорижий инвесторларнинг мамлакатимиздаги ижтимоий-иқтисодий ҳолат ва жараёнлар бўйича хабардорлигини ошириш, Жаҳон банкининг мамлакатлар статистика салоҳияти индекси бўйича рейтингда Ўзбекистонга тегишли натижаларни яхшилаш сифатида айтиб ўтиш мумкин.

Конференция ниҳоясида маърузалар юзасидан муҳокама ўтказилиб, бундай илмий-амалий конференцияларни анъанавий тарзда ташкил қилиш мақсадли эканлиги ва бугунги муҳокамалар олимларнинг долзарб ва устувор муаммоларини ечиш йўналишида бирлаштириб, давомий ва самарали илмий-амалий ҳамкорликни юзага келтирилиши таъкидлаб ўтилди.